

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

ТИЛ ВА ЭЛ

*Темурийлар давридаги
мумтоз адабий тилимиз муаммолари*

Илмий бадиа

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2005

Тақризи — **Абдуқодир Ҳайитметов** Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби

10 31732
3 91

Қодиров, Пиримқул.

Қ53 Тил ва эл: Темурийлар давридаги мумтоз адабий
тилимиз муаммолари: Илмий бадиъа /П.Қодиров.—Т.:
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2005. — 248 б.

Мумтоз адабиётимизнинг бадиий тил бойликлари етти қават
осмондек юксак. Бу юксакликларга етиб бориш ва улардаги маънолар
хазинасини очиш осон эмас. Айниқса, кенг китобхонлар оммаси Алишер
Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоирларимизнинг асарларидаги
теран маъноларни тушунишда олим ва адибларимизнинг оммабоп таҳлил
ва талқинларига катта эҳтиёж сезадилар.


Адиб ва олим Пиримқул Қодировнинг ушбу китоби ана шу
эҳтиёжларни баҳоли қудрат қондириш мақсадида ёзилган. Унда тилимиз
тарихи элимизнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қизиқарли
шаклда ёритилган.

ББК 81. 2Ўзб-03

К 4702620204 — 70 2005
М352(04) — 2005

© Пиримқул Қодиров, Ғафур Ғулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2005 й.

ISBN 5-635-02376-2



МУАЛЛИФДАН

Кўп йиллардан буён Темурийлар даврига оид тарихий манбаларни ўрганиб юриб бир нарсага амин бўлдим: Алишер Навоий асос солган адабий тилимизнинг юксак ривож ва мумтозлик даражасига кўтарилиши Темурийлар даври билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугун мумтоз адабиётимизнинг бадиий тилини халқ оммасига атрофлича тушунтириб, таҳлил ва талқин қилиб бериш бизнинг олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

Бир вақтлар «Тил ва дил», «Халқ тили ва реалистик проза» деган илмий рисоалар ёзиб, бу борада озгина тажриба орттирган эдим. Тарихий романлар ёзиш жараёнида тўпланган нафис ва теран маъноли тил бойликлари бунинг устига қўшилди. Темурийлар давридаги адабий тилимиз муаммолари ва улар Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк сиймолар томонидан қандай ҳал этилганлиги ҳақида алоҳида бир китоб ёзиш нияти пайдо бўлди. Мумтоз шоирларимиз ва адибларимиз асарларини кўпчилик китобхонлар тўлиқ тушуниб ўқишлари учун уларни олимлик нигоҳи билан кўришга ва адиблик қалами билан бадиий шаклда талқин қилишга, яъни илмийлик билан бадиийликни бир-бирига уйғунлаштиришга баҳоли қудрат интилдим.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва Технологиялар маркази ушбу ишни ёзишда ёрдам берганлиги учун самимий миннатдорчилик билдираман.



ТИЛГА ИХТИЁР — ЭЛГА МЕХРДИР

Халқимиз қарам аҳволда яшаганда она тилимизнинг ҳаракат доираси беҳад чекланган, унга расмий эътибор йўқолиш даражасига етиб борган эди. Лекин ватанпарвар кишиларимиз ўша шароитда ҳам тилимизга аталган меҳрларини дил тубида асраб келдилар. Она тилимизнинг истиқболи хавф остида қолган оғир вазиятда дадил элдошларимиз Алишер Навоий руҳидан мадад олдилар. Ҳазрат Алишернинг: «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деган ҳикматли сўзлари ўзбек тилига давлат мақомини бериш учун кураш кетаётган 1989 йилда Тошкентнинг марказий майдони (ҳозирги Мустақиллик майдони)нинг кун чиқиш томонидаги улкан бинонинг тепасига одам бўйи келадиган ва ичидан нурланиб турадиган улкан ҳарфлар билан узоқ-узоқлардан кўринадиган қилиб ёзиб қўйилган эди.

Нур билан ёзиб қўйилган бу сўзлар «Алишер Навоий» имзоси билан бирга ҳозир ҳам ўша юксакликда порлаб турибди. Чунки бу сўзларнинг теран маъноси ҳанузгача ўз долзарб аҳамиятини йўқотган эмас. Жамиятимизда ўз она тилини ўрганишни астойдил ихтиёр қилмайдиган одамлар ҳам бор. Албатта, тил ўрганиш ихтиёрийдир. Аммо она тилига ихтиёрсиз бўлиш — уни писанд қилмасликдан ва элга эътиборсизликдан келиб чиқади. Алишер Навоий бу сўзларнинг худди шу маъносига урғу беради. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ўқиган француз олими М.Беллин 1861 йилда ёзган китобида Навоийнинг она тилига бу қадар катта эътибор берганини ватанпарварлик деб атайди: «Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзолиятларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этганлиги — ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганлигидан далолатдир»¹.

¹ М.Беллин. «Мир Алишер Навоий биографияси ва ижоди». Париж. 1862 й. 36-бет. Француз тилидан таржимаси А.К. Боровковнинг «Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси» китобидан олинди.

Француз олими узоқ Парижда туриб Алишер Навоийнинг ўз она тилини мардона ҳимоя қилганига бунчалик юксак баҳо бергани тасодиф эмас эди. Худди ўша XV асрнинг охирларида Алишер Навоий билан асрдош бўлган улуғ француз ёзувчиси Франсуа Рабле ҳам ўзининг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи билан француз тилининг мустақил тараққиёти учун кураш олиб бораётганди.

Бу ерда ҳам бир-бирига қўшни француз ва итальян тиллари орасида мусобақа ва мунозара юз беради. Бу мунозаранинг келиб чиқиш сабаблари эса «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг ёзилиш сабабларини эслатади.

Италияда халқчил адабий тил Франциядагидан кўра икки аср олдин шаклланди. «Илоҳий комедия» муаллифи А.Данте (1265—1321) халққа яқин бўлган итальян адабий тилининг асосчиси бўлди. А.Данте «Халқ тили ҳақида трактат» ёзиб, ҳар бир тилнинг бойликлари ва афзалиятлари халқ томонидан яратилишини айтади.

Навоий ҳам туркий тилнинг бойликлари ва афзалликларига далил келтирганда туркий халқлар томонидан яратилган куйидаги сўз бойликларини мисол қилиб келтиради.

Отларни ёшларига ва зотларига қараб аташ: «қулун, той, ғўнон, дўнон, тўлан, тўбучоқ, аргумоқ, яка, ёбу». Бу сўзлар туркий халқлар ҳаётига шу даражада боғлиқки, уларнинг таржимаси эквивалентини форсий тилдан тополмайсиз. Форсиғўйлар бу атамаларни туркий тилда айтадилар.

Навоий овладаниган ўрдакларнинг номларини ҳам келтиради: «жўрки ва эрка, суқтур ва олмабош, чақирқанот ва темирқанот, алапака ва боғчол» ва бу йўсунлиқ етмиш хил бўлурким, сорт борисин «мурғоби» дер ёки туркча оти билан — ўқ айтур»¹.

А.Данте ҳам итальян халқининг тилига хос мана шундай бетакрор бойликлардан фойдаланиб, халқчил итальян адабий тилига асос солган эди.

Орадан икки аср ўтгандан кейин А.Дантенинг мана шу тажрибасидан француз ёзувчилари ижодий фойдаланадилар. Ф.Рабле ўзининг Гаргантюа номли қаҳрамони учун 153 хил ўйинлар, 138 хил овқатлар, 98 хил илонларнинг номларини француз тилидан топиб беради. Ф.Рабленинг француз тили

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд. 1967 й., 116-б.

бойликларини исботлаш борасида тутган йўли ҳам Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн»да тутган йўлига ўхшашдир.

Навоий туркий тилни менсимасдан нуқул жимжимадор форсий тилда сийқа ва юзаки гаплар айтадиган ва заиф шеърлар ёзадиган юқори табақа зодагонларини танқид остига олгани каби Рабле давридаги француз ватанпарварлари ҳам ўз она тилларини менсимаган ана шундай зодагонларни ҳажв қиладилар. Худди шу XVI асрда Дю Белле деган шоир бошчилигида бир гуруҳ олимлар ва ёзувчилар «Француз тилини ҳимоя қилиш ва улуғлаш» номли манифест қабул қиладилар. Бу манифестда: «Она тилини ҳимоя қилиш — ватанни ҳимоя қилиш билан баробардир» деган фикр олдинга сурилади¹.

Тиллар мунозараси орадан яна икки аср ўтгандан кейин Россияга ҳам етиб боради. Бу асрлар давомида француз тили жуда тез тараққий этиб, энди ўз таъсирини рус тилига ҳам ўтказа бошлайди. А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» романида бош қаҳрамон Татьяна ўз она тилини яхши билмаганлиги учун севган йигитига француз тилида хат ёзади.

Бу — юқори табақа зодагонлари орасида кенг тарқалган одат эди. Ватанпарвар тарихчи адиб Н.М.Карамзин бу одатга қарши қуйидаги сўзларни ёзади: «Бизнинг зодагонлар рус билан русча гаплашмасдан нуқул бузуқ француз тилида сўзлашишади. Яхши жамият деб аталган юқори табақамизда француз тилини билмасангиз кар ва гунгга ўхшаб қоласиз... Уят эмасми?.. Рус тилида француз тилидагига нисбатан уйғунлик кучли. Бизда ўз ҳаётимизни ифодалайдиган сўзлар француз тилидагидан кўпроқ»².

Чиндан ҳам, ҳар бир тилнинг бетакрор сўзлари, атамалари шу тилни яратган халқнинг ҳаёт тарзини, тарихини, турмуш шароитларини, психологиясини ифода этиш эҳтиёжидан туғилади.

Келтирилган фактларни якунлаб, итальян, француз, рус тиллари орасида бўлгани каби форсий ва туркий тиллар орасида ҳам тарихда бўлиб ўтган «тиллар баҳси»ни умумий бир қонуният келтириб чиқарганини айтишимиз керак. Бу

¹ Р.А. Б у д а г о в. «Адабий тиллар ва услублар». М., 1967 й., 353-б.

² Рус ёзувчилари тил ҳақида. Тўплам. Л., 1954 й., 57-б.

қонуният шундан иборатки, ҳар бир тилнинг қудрати ва афзалиятлари шу тилни яратган халқнинг ўзи билан бирга яшасагина ривожланиб, ўсиб боради. Ўз халқидан ва сарзаминидан узилиб қолган тил табиий кучини, бойлиги ва гўзаллигини йўқота бошлайди. Демак, эл борки, тил бор. Элдан узилмаган одам тилдан ҳам айрилмайди.

Бизнинг бу хулосаларимиз Алишер Навоийнинг «Тилга ихтиёрсизлик элга эътиборсизликдан келиб чиқади», деган фикрини яна бир бор тасдиқ этади.

Умумхалқ тилининг ривожи узоқ давом этадиган тадрижий характерга эга бўлгани каби, давлат тилининг барча саноат корхоналарида, барча вазирликларда, фан-техника соҳаларида, банк тизимларида тўлиқ жорий этилиши ҳам тадрижий йўл билан йиллар давомида амалга ошадиган ҳодиса экани амалда кўриниб турибди.

Шу сабабга кўра, ҳозир ҳам тилга ихтиёрсиз одамлар турли соҳаларда учраб туради. Барча ватандошларимизнинг дилида эл-юртга эътибор билан бирга она тилимизга ихтиёр ҳам пайдо бўлиши учун ўзбек тилида яратилган ўлмас асарлар жозибасини тил орқали бутун халқимиз дилига етказиб беришимиз керак.

Бизнинг ушбу ишимиз ҳам ана шу эзгу мақсад билан қилинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган асарида халқимиз тарихининг барча соҳаларини чуқур ва ҳаққоний ўрганишга даъват этдилар.

Маълумки, барча тарихий воқеалар одамлар иштирокида содир бўлади. Шу маънода тарихни одамлар ва улар мансуб бўлган халқлар яратади. Одамлар ва халқлар эса тарихга оид хотиралари, билимлари, ҳис-туйғу ва фикрларини тил ёрдамида авлоддан-авлодга етказиб берадилар. Тарихий хотиранинг шаклланишида тил билан бирга адабиёт ҳам фаол иштирок этади.

Ҳар қандай тарихий ҳақиқат тил воситасида, эса қоладиган ёрқин сўзлар, образлар ёрдамида авлоддан-авлодга етказиб берилмаса унут бўлиб кетади.

Дунё тарихига назар ташласангиз, қайси мамлакатда миллий тил давлат тилига айланган бўлса ва шу тилда ҳаққоний тарихий асарлар яратилса, ўша жойда тараққиёт тезлашиб борганини кўрасиз. Ўтган асрларда Англия тараққиётини тезлаштирган энг муҳим омиллар орасида инглиз адабий тилининг давлат

тилига айлангани ва бу тилда Шекспир, Вальтер Скотт каби ёзувчилар ёрқин тарихий асарлар ёзиб, ўз халқини дунёга танитгани алоҳида аҳамият касб этади. Худди шу фикрни Бальзакнинг ватани Франция, Гётенинг ватани Германия, Лев Толстойнинг ватани Россия ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Бу нуқтада зўр бир тарихий қонуният кўзга ташланади. Аждодлар яратган маънавий бойликлар ва эришган ютуқлар кейинги авлодларга тўлиқ етиб бориши учун ва улар ўзларидан олдин эгалланган марраларни қўлдан бермай, тараққиётни тадрижий равишда давом эттиришлари учун тарих, тил ва адабиёт биргаликда олдинги даврлар тажрибасини кейинги давр кишиларига тўлиқ етказиб бериши керак.

Фақат мана шундай бўлгандагина тарихий хотира келажакка самарали хизмат қилади. Аждодларнинг барча яхши тажрибасини чуқур билган, қалбига жойлаган ва онгига сингдирган янги авлодлар ўз йўлларида учраган ҳар хил тўсиқларни енгиб ўта оладилар.

Президентимиз халқимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ҳамда жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари тажрибасини ҳисобга олиб, қуйидаги фикрни алоҳида таъкид билан айтадилар: «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуролланиш, яна бир бор қуролланиш зарур»¹.

Шу маънода бундан салкам минг йил муқаддам яратилган «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»лар тарих билан қуроллантиришга қаратилган нодир асарлар эди. Туркий тили халқлар минг йил бурун ҳам тарихни ҳаққоний кўрсатиб берадиган, билим ва тафаккурнинг барча нозик қирраларини ифодалашга қодир бўлган адабий тил яратганликларини мана шу асарлар кўрсатиб турибди.

Афсуски, шундан кейинги асрларда ўзаро урушлар ва Чингизхон истилоси туркийзабон халқларнинг маданий тараққиётида узилишлар, инқирозлар юз беришига сабаб

¹ И. А. Каримов. Асарлар. VII жилд. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 149-б.

бўлди. Аммо Темурийлар даврида Алишер Навоий ва Мирзо Бобур ижодларида тарих, тил ва адабиёт қудратли училикка айланиб, янги юксакликларга кўтарилди.

Бироқ сиёсий парокандалик, кўчманчилар босқинчилиги ва диний ақидапарастлик халқимизнинг ягона миллат бўлиб шаклланишига ва она тилимизнинг давлат тилига айланишига яна йўл бермади. Мактаб тили ва давлат тили аввалгидек араб ва форс тилларига асосланганича қолди.

Кейинчалик Марказий Осиёдаги учта хонликнинг тинимсиз низолари мамлакатни заифлаштириб, мустамлака зулмига гирифтор қилди.

Чоризм истилоси ва мустамлакачилик сиёсати Ўзбекистоннинг янги тарихи биринчи томида илмий далиллар ва ҳужжатлар билан кўрсатиб берилган.

Маълумки, ўтган асрда чоризм Қрим урушида Туркиядан енгилгандан кейин, Туркистонга юриш бошлайди. Қирғинбарот урушларда бу минтақани босиб олгандан сўнг, янги забот этган ерларини қадимги номи билан «Туркистон ўлкаси» деб атай бошлайди. Ҳатто мумтоз ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газета»сини чиқара бошлайди.

«Чигатой улуси» деган ибора чингизийлар даврида уларнинг мафкурасини ифода этадиган жуғрофий-сиёсий тушунча тарзида жорий этилган эди. Бу ибора Темурийлар даврида Турон, Туркистон билан алмашинди. Алишер Навоий ўзининг туркий эллар шоири эканини қуйидаги сатрларда аниқ ифода этган:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур¹.

Шунга қарамай, мустамлака даври олимлари Алишер Навоийни «Чигатой адабиётининг вакили» деб атайдилар, унинг тилини «Чигатой тили» дейдилар. Ҳолбуки, Навоий ўз она тилини ва туркий тилли халқини «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида қанчалик ватанпарварлик билан ҳимоя қилганини бошқалар билмаса ҳам, бу олимлар яхши билишарди. Чингизхоннинг ўғли Чигатой золим ва босқинчи шахс

¹ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. VII том. 1964 й., 414-б.

сифатида дунёга маълум эди. Шунга қарамай, Темурийлар давридаги ўзбек тилини «Чигатой тили» деб атаганлари, Навоийдек даҳони «Чигатой адабиёти»га мансуб қилиб кўрсатганлари мустамлакачилик мафкурасига қандай хизмат қилганлигига биз ишимиз давомида алоҳида тўхталамиз.

Қарамлик даврида ўзбек миллий давлатчилиги тарихини қадимий илдизларидан узиб ташлашга, уни Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи султонлар ва уларнинг саркардаси Шайбонийхондан бошлашга асосланган эди. «Ўзбеклар Олтин Ўрда хони Ўзбекхондан тарқаган» деган ёлғон ақида олға сурилар эди. Аслида, ўзбек деган ном Ўзбекхондан кўп асрлар олдин машҳур бўлганини жуда кўп тарихий манбалар исбот этади.

Тўғри, бугунги Ўзбекистон, авваллари Туркистон, Турон деб ҳам аталган. Мамлакатларнинг номларида асрлар давомида турли ўзгаришлар юз бериши жаҳон тажрибасида кўп учрайди. Қадимги Рим салтанати ўрнида Италия, Греция, Франция мамлакатлари пайдо бўлган. Араб халифалиги ўрнида Марокаш ва Жазоирдан тортиб, Яман, Қувайтгача ўнлаб мамлакатлар янги номлар билан дунё харитасидан ўрин олган.

Биз ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг тарихий илдизларини мамлакатимиз ҳудудида пайдо бўлган энг қадимий давлатлар тарихидан излаб топишимиз мумкин. Бундан уч минг йиллар бурун қадимги Хоразмда барпо бўлган давлатчилигимиз бизга муқаддас китоб «Авесто»ни, Наврўз тақвими ва Наврўз анъаналарини мерос қолдирган. Бу тақвим бугун ҳам амалда, Наврўз анъаналари бугун ҳам эъзозланади. Демак, биз қадимги аجدодларимизнинг маънавий ворисларимиз.

Бизнинг келиб чиқишимизни фақат кўчманчи қабилаларга боғлиқ қилиб қўйган айрим қарашларнинг нотўғрилигини суғориш иншоотлари ва шаҳарларимизнинг тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Самарқанд яқинидаги Афросиёб аслида Алп Эр Тўнға номидан келиб чиққанига биз қуйида махсус тўхталамиз. Тошкентнинг икки минг йилдан ортиқ тарихи бор. Пойтахтимизнинг номи ҳам унинг қадимий ўзбек шаҳри эканини кўрсатиб турибди. Сурхондарёдаги машҳур Далварзинтепа — аслида ўзбек миллати таркибига кирган далварзин қавмининг номидир. Бухородаги Минорайи Калонни Алп Арслон деган туркийзабон баҳодиримиз тўққиз юз йил бурун қурдирган. Асрлар давомида тарих саҳнасига

бошқа сулолалар чиқди, улар орасида Алп Арслон номини ёқтирмайдиганлари бор эди. Шунинг натижасида Алп Арслон номи кўп айтилмайдиган бўлди.

Шунга ўхшаш бир ўзгариш Самарқанддаги Амир Темуր мақбарасининг номида ҳам кўзга ташланади. Улугбек бу мақбарани эъозлаб, унинг гумбазини соф олтин билан қоплатади. Қуёш чиққанда гумбаз кўзни қамаштирадиган даражада ялтирашини тарихий манбалар қайд этади. Бобур Мирзо даврида ҳам бу обида Амир Темуր мақбараси деб аталган. Кейинги асрларда Темурийларга рақобат кўзи билан қарайдиган сулолалар давлат тепасига келгач, бу мақбара «Гўри Мир» номини олади. Айниқса, оқподшо ва большевиклар Амир Темурга ўз муносабатларини мудом мана шу совуқ «гўр» сўзи билан ифодалайдилар. Бора-бора бу номга ҳаммамиз ўрганиб кетдик. Ҳолбуки, «гўр» сўзи кўпроқ салбий маънода ишлатилади.

Жаҳон тилларида, масалан, инглизчада, бу обида «Мавзолей» деб аталади. Русчада «Мавзолей Гуримир» деб ёзиш одат бўлган. Ҳолбуки, Мавзолей — мақбара маъносини билдиргани учун унга яна «гўр» сўзини қўшиб ёзиш ўринсиздир.

Мазкур тарихий обидани кейинги асрларда истеъмомга киритилган «Гўри Мир» сўзи билан эмас, балки аслига мос ва бугунги кун руҳига тўғри келадиган эҳтиром билан «Амир Темури мақбараси» деб атаётган элдошларимиз ҳақдирлар¹.

Шоир Турди Ўзбекистон халқи тўқсон икки қавмдан таркиб топганини шеър қилиб ёзган. Шу қавмларнинг номларини нафақат эски қўлёзмаларда, балки бугунги Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида жой номлари шаклида йўл бўйларига йирик-йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилганини кўриш мумкин.

Биз тил таркибига кирган жой номларининг теран маъноларини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳали чуқур англаб етганимиз йўқ. Пойтахтимиз Тошкентда тоғу тош йўқ. Балки тошни тарошлаб қурилган мустаҳкам бинолар, саройлар бўлгандир. Шунинг ўзи ҳам маданиятнинг бир белгисидир. Ёки Тошкентнинг энг қадимий маҳаллаларидан бири

¹ «Амир Темури мақбараси» деган иборанинг бир қанча мисолини академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темури ёд этиб» китобида учратдик. Туркий халқларнинг машҳур алломаси Заки Валидий «Амир Темури мақбараси» номли махсус илмий асар ёзган.

«Мингўрик» деб аталган. Минг туп ўрик дарахти бор жойда, албатта ободончилик бўлади, ўтроқ аҳоли яшайди. Бўзсув, Қорасув деб аталган улкан ариқлар ҳам минг йиллардан буён сувга тўлиб оқади. Уларнинг ўзбекча номлари ҳам бу ерда минг йиллардан буён қайси халқ яшаётганини кўрсатиб туради.

Қўнғирот, Жалоир, Олчин, Барлос, Найман, Қипчоқ, Кераит, Қирқ, Минг, Қангли, Сарой, Уймовут, Дўрмон, Арғин, Орлот, Баҳрин, Қарлуқ, Дарварзин — биз бу қабила номларининг ҳаммасини катта ҳарфлар билан ёздик. Чунки улар ҳаммаси ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг номларидир.

Ўзбек халқи таркибига кирган тўқсон икки қавмнинг ҳаммаси турли тарихий манбаларда беш хил вариантда номма-ном ёзилган. Бу беш хил вариантнинг ҳаммаси Б.Аҳмедовнинг «Ўзбек қавмлари» номи мақоласида тўлиқ келтирилган¹. Ўзбек халқининг бағри кенглиги, бошқа қардош қавмларга асрлар давомида биродарона муносабатда бўлганлиги яна шунда кўринадик, тўқсон икки қавмнинг таркибида ўзбеклашган уйғур, хитой, мўғул, араб, қалмоқ, можор (венгерлар), тотор қаби қавмлар ҳам бор.

XVII асрда ички низолар кучайган даврда шоир Турди Фароғий тор кўнгиллик бекларга қарата қуйидаги оташин сўзларни ёзган эди:

Тор кўнгиллик беклар, ман-ман деманг,
кенглик қилинг.
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир,
тенглик қилинг.
Бирни қипчоқ-у, хито-ю, бирни юз,
найман деманг
Қирку, юз, минг сон бўлиб, бир жон
ойинлик қилинг.

«Ойинлик қилиш» бу ерда тенглик ва иноқлик тартиб-қоидаларига риоя қилишни билдиради.


Шоир Турдининг бу даъвати ҳозир ҳам учраб турадиган манманлик, айирмачилик ва маҳаллийлик иллатларига қарши қаратилгандир. Қолоқ ва жоҳил одамларда учраб турадиган

¹ Б.Аҳмедов. «Амир Темурни ёд этиб». 46-51-бетлар.

бу иллатларга барҳам бериш учун барча ўзбек қавмлари ўзларининг ягона бир халққа мансуб яхлит миллат эканликларини дил-дилдан ҳис қилишлари зарур. Халқни миллат қилиб ичдан бирлаштириб турадиган энг зўр омиллардан бири — унинг ягона миллий тилидир.

Бугунги миллий тилимиз халқимизнинг бутун тарихи давомида шаклланиб, бойиб борган. Айниқса, она тилимизни улуғлаш ва ривожлантиришда Темурийлар даврида Алишер Навоий томонидан қилинган қаҳрамонона ишлар бугунги авлодлар учун доимий ибрат бўлиб хизмат қилишга муносибдир.

Навоийнинг ўзбек адабий тилини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида қилган улкан ишларини тўлиқ тасаввур этиш учун масаланинг тарихий илдизларига назар ташлаш ва олдинги даврларда адабий тилимиз қай аҳволда бўлганини кўз олдига келтириш мақсадга мувофиқдир.





МИНГ ЙИЛЛИК ИЛДИЗЛАР

Мумтоз ўзбек адабиёти дунё миқёсида обрў қозонгани кўпчиликка маълум. Фақат адабиётимизга хос мумтозлик мақомини унинг бадиий тилига нисбатан тадбиқ этишда маълум бир муаммолар бор. Шу сабабли узоқ вақтлардан буён мумтоз адабиётимиз тилига нисбатан «чиғатой тили» ёки «эски ўзбек тили» деган иборалар қўлланиб келинди.

Масалага ойдинлик киритиш учун адабий тилимиз тарихини янгича тафаккур асосида чуқур тадқиқ қилиш зарур. Бизнинг тилимиз мингйилликлар қарига илдиз отган қадимий тиллардандир.

Туркий тиллар ривожига ўзбек тилининг ўзига хос тараққиёт йўли бор. Буни Алп Эр Тўнғадан то Амир Темургача ватанимиз тупроғида яшаб ўтган улуғ аждодлар ёди адабий тил кўзгусида қандай акс этгани орқали илғаб олиш мумкин.

Турон заминнинг милоддан олдинги туркий тилида ёзилган Алп Эр Тўнға ҳақидаги дoston ҳали атрофлича таҳлил этилгани йўқ.

Бу дoston бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унинг беш юз сатрга яқин айрим парчалари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» дostonида ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган.

Бу дostonга биринчи бўлиб катта эътибор берган олимимиз профессор Абдурауф Фитрат эди. Унинг «Энг эски турк адабиётининг намуналари» деб аталган ва 1927 йилда нашр этилган рисоласида Алп Эр Тўнғага бағишланган 40 сатрли марсия, танғутлар билан Алп Эр Тўнғанинг жангига оид 32 сатрли шеър, қиш ва ёз манзараларига бағишланган 86 сатрли шеърый тасвирларни адабий тилимизнинг энг қадимги намуналари деб баҳоланди¹.

¹ А. Ф и т р а т. Энг эски турк адабиётининг намуналари. Тошкент-Самарқанд. 1927 й.

Фитрат Алп Эр Тўнғага бағишланган қадимий дoston парчаларини Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» дostonидан ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобидан олинганини кўрсатиб ўтади.

Москвалик шарқшунос олима И.В.Стеблева ҳам «Девону луғотит турк»да келтирилган ва Алп Эр Тўнғага бағишланган 348 сатр шеърни териб олиб, улар орасидаги мантиқий боғланишларни топади ва уларни минг йиллар давомида кўп қисмлари йўқолиб кетган улкан бир қаҳрамонлик дostonининг узвий бўлаклари деб баҳолайди¹.

Бу олимларнинг «Алп Эр Тўнға» дostonига оид тадқиқотларини янги авлодга мансуб адабиётшуносларимиз М.Иброҳимов ва Ш.Холматовлар давом эттирадилар. Бу ишларнинг якуни сифатида Абдурашид Абдурахмоновнинг сўзбошиси ва таҳрири билан 1995 йилда «Алп Эр Тўнға ёки Афросиёб жангномаси» деган китоб нашр этилади.

Бу китобнинг кириш қисмида Алп Эр Тўнғага қуйидагича баҳо берилади: «Алп Эр Тўнға милоддан аввалги VII асрда Турон давлати шаклланишига асос солган буюк ҳоқондир... Эронликлар Алп ҳоқонни Афросиёб деб атаганлар. Оғзаки ва ёзма адабиётда Алп Эр Тўнғанинг баҳодирлигини мадҳ этувчи катта дoston яратилган. Дoston қаҳрамонлик мавзуида бўлиб, унинг тикланиши туркий халқлар дostonчилиги тарихини милоддан аввалги асрлардан бошлашга имкон беради»².

Алп Эр Тўнға ҳақидаги шеърӣ дostonдан келиб чиққан ҳолда адабиётшунос олимлар бу қаҳрамонга баҳо беришда тарихчиларимизга нисбатан анча дадил фикр билдирмоқдалар.

Тарихчиларимиз Алп Эр Тўнғага оид тўлиқ маълумотларни тарихӣ манбалардан тополмаганлари учун уларда «Алп Эр Тўнға тарихӣ шахсми ёки афсонавий қаҳрамонми?» деган иккиланишлар бор. Бунинг яна бир сабаби, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Афросиёб салбий қаҳрамон қилиб кўрсатилганлигидир.

Бухоро тарихига оид жуда қимматли маълумотлар берган Наршахий ёзади: «Афросиёб Ромтан (Ромитан) шахрини

¹ И.В.Стеблева. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. М., 1971 г., стр.270.

² А. Абдурахмонов. «Алп Эр Тунға ёки Афросиёб жангномаси». 1995 й., 2-б.

бунёд қилган. Ромтан Бухородан қадимийроқдир. Афросиёб ҳар вақт бу вилоятга келганда Ромтанда турган, бошқа жойда турмаган. Форсийларнинг китобларида айтилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган ва жодугар бўлган, асли Нух пайғамбарнинг ўғилларидан экан. У ўзининг Сиёвуш номи куёвини ўлдирган. Сиёвушнинг Кайхусрав номи ўғли бўлиб, отасининг хунини талаб қилиб, Афросиёбни ўлдирди. Афросиёбнинг қабри Бухоронинг Маъбад дарвозаси яқинидаги катта тепалик устидадир»¹.

Наршахий ўз номидан келтирган тарихий фактларда Афросиёбнинг бунёдкор подшоҳ бўлганини, Бухородан ҳам қадимийроқ Ромитанни қурганлигини, бу вилоятга келганда доим шу Ромитанда турганлигини, «Афросиёб» номи билан бизгача етиб келган тарихий Ромитан қалъаси ўз даврининг подшолари турадиган пойтахт шаҳар бўлганини ёзади. Биз Бухоронинг 2500 йиллик тўйини ўтказдик. Агар Ромитан ундан ҳам олдин қурилган бўлса, демак, бу жойни қурдирган Алп Эр Тўнға – Афросиёб милoddан олдинги еттинчи асрда яшаб ўтганига ишониш мумкин.

Наршахий келтирган яна бир муҳим факт – Афросиёбнинг Кайхусрав томонидан ўлдирилганлиги ва Бухоронинг Маъбад дарвозаси ёнидаги баланд тепаликка дафн этилганлиги ҳам унинг чиндан яшаб ўтган тарихий шахс бўлганидан далолат беради.

Наршахийнинг бу маълумотлари тарихий асосга эга бўлганини Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг»да ёзган қуйидаги сатрлари тасдиқлайди:

Тожиклар аюр ани Афросиёб
Бу турк бекларидин, оти белгулук
Тўнға Алп Эр эди қути белгулук.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк»да Юсуф Хос Ҳожиб билдирган фикрни янада аниқроқ баён қилади:

«Туркларнинг машҳур қаҳрамони Афросиёбни Алп Тўнға деб аташларига сабаб, унинг шерни йиқитадиган ботир паҳлавон бўлганлиги эди»².

¹ Н а р ш а х и й. «Бухоро тарихи». 1991 й., 98–99-бетлар.

² М а ҳ м у д К о ш ғ а р и й. «Девону луғотит турк». III жилд. 1960 й. 272-б.

«Кутадғу билиг»да Алп Эр Тўнғанинг оти белгулук, кути (яъни яхши номи: тарихий сиймо бўлгани белгулук) деб таъкидлаб айтилишига муҳим сабаб бор.

Айрим форсий манбалар тарихий шахс бўлган Алп Эр Тўнғани икки минг йил умр кўрган жодугар Афросиёб деб атаб афсонавий ёвуз қаҳрамонга айлантириб юборганликлари асоссиз уйдирма бўлганлиги учун бу уйдирмани Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Маҳмуд Кошғарий ҳам аниқ тарихий фактлар ёрдамида инкор этадилар. Наршахий икки томонга холис муносабатни билдиргиси келгани учун бу уйдирма афсонани «форсийларнинг китобларида ёзилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган ва жодугар бўлган» деган сўзлар билан ифодалайди, ўзи эса аниқ тарихий фактлар билан Афросиёбнинг Ромитан шаҳрини қурган бунёдкор тарихий шахс бўлганини кўрсатади.


Яқинда биринчи жилди босмадан чиққан «Ўзбек миллий энциклопедияси»да Афросиёбнинг «Авесто»да яна учинчи бир ном билан тарихга кирганлиги ёзилади: «Афросиёб — мифологик образ, «Авесто»да «Франг-Крисян» деб аталган» дейилади. Кейинчалик бу ижобий образ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига Афросиёб номи билан фаолияти салбийлашган ҳолда ўтади. Энциклопедияда Афросиёбга муносабат масаласида бир муҳим нуқта кўрсатиб ўтилади:

«Афросиёбнинг Эрон подшоҳлари билан жангга киришуви, яъни Эрон билан Туроннинг мифологик рақобати ғояси «Авесто»да йўқ. Афросиёбни Эрон шоҳларининг душмани қилиб кўрсатиш ғояси ёзма адабиётга биринчи бўлиб Фирдавсий «Шоҳнома»си орқали кирган... Бу талқинда Фирдавсий замони учун муҳим бўлган турк давлатчилиги ва Эроний давлатлар орасида тарихий юзма-юз туриш — ҳарбий-сиёсий мухолифлик ўз аксини топган»¹.

Ана шу ҳарбий-сиёсий мухолифлик Афросиёб — Алп Эр Тўнғага муносабат туркий тилли манбаларда ижобий, «Шоҳнома» каби форсийзабон манбаларда салбий бўлишига олиб келган.

Қадим замонларда Эрон ва Турон орасида бўлиб ўтган сиёсий-ҳарбий мухолифатлар аллақачон узоқ ўтмишга айланди. Бугун қўшни халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган тарихий фактларга кўпроқ эътибор бериш мақсадга

¹ «Ўзбек Миллий Энциклопедияси». I жилд. 2000 й., 517-6.



мувофиқдир. Туркийзабон ва форсийзабон халқлар Марказий Осиёда азалдан қўни-қўшни, қуда-анда бўлиб яшаб келадилар. Наршахий «Бухоро тарихи»да, Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг»да, Маҳмуд Кошғарий «Девони луғотит турк»да Алп Эр Тўнға — Афросиёбнинг бунёдкор тарихий шахс бўлгани ҳақида гувоҳлик берган эканлар, биз буни нега инobatга олмаслигимиз керак? Юсуф Хос Ҳожибдек буюк шоир Алп Эр Тўнғанинг номини форсийзабон муаллифлар ўз талаффузларига мослаб Афросиёб деб атаганларини аниқ қилиб ёзган бўлса, бунга ишонмасликка қандай асосимиз бор? Буларнинг ҳаммасини инкор этиб, Афросиёбни икки минг йил яшаган жодугар, золим қилиб кўрсатган афсоналарга ишониш илму фан талабларига мутлақо жавоб бермайди-ку.

Афросиёб номини олган Алп Эр Тўнға бугунги Ўзбекистон ҳудудида яшаган эллар хотирасида бунёдкор шахс сифатида яхши из қолдирган бўлса керакки, Самарқанд яқинида қурилган қадимий шаҳарни ҳам Афросиёб деб атаганлар. Бухоро вилоятидаги Ромитан қалъасидан ташқари Тошкент шаҳрининг Мингўрик мавзеида жойлашган яна бир қадимий шаҳарча ҳам Афросиёб номини олганлиги тасодиф эмас.

Азалдан маълумки, жой номларини маълум бир шахснинг исми билан аташ шу жойда яшаган элнинг унга ижобий муносабатини билдиради. Юқорида айтиб ўтилган жойларга Афросиёб номини бериш билан бу ерда яшайдиган форсийзабон эллар ҳам Афросиёб — Алп Эр Тўнға номига ўз ҳурматини билдиргани ўз-ўзидан аён.

Тарихий фактларга мана шу нуқтаи назардан ёндашганда ўзбек ва тожик халқлари орасида бир-бирларининг тарихий қаҳрамонларига иззат-ҳурмат азалдан яхши бир анъана бўлганига имон келтирамиз.

Кўриниб турибдики, жой номлари ва қаҳрамонларнинг исмлари ҳам тил ва тарих муаммоларини ҳал қилишда жуда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Албатта, Алп Эр Тўнға тарихий шахс сифатида қачон яшаб ўтганини, қаерларда фаолият кўрсатганини аниқлаш учун тарихчиларимиз яна янги тадқиқот ишлари олиб боришлари керак. Лекин биз, адабиётшунослар, Алп Эр Тўнғага бағишланган қадимий дostonнинг бизгача етиб келган қисмларини энг нодир тил ва адабиёт обидаларидан бири, деб биламиз. Бундан икки минг олти юз йил олдин ёзилган

сатрларда дилимизга яқин маънолар, она тилимизнинг умрбоқийлигини кўрсатадиган сўз ва ибораларнинг кўплиги кишини ҳайратга солади.

Достонда Алп Эр Тўнға тилидан қуйидаги ажойиб сўзлар айтилади:

Биликни югарман,
Кўнгилни тугарман.
Улуғни тиларман.
Тилакни бўларман.

Маъноси:

Билимни йиғарман
Кўнгилни қистайман.
Улуғлик тиларман
Тилакни йўқларман.

(А. Қажумов таржимаси)

Алп Эр Тўнғанинг эл-юрт орасида суюкли қаҳрамон бўлгани ҳақидаги сатрлар:

Қачон кўрса ани турк
Бузун анга ани айдачи
Мунғар тағир улуғлиқ
Мундин нари кеслинур¹.

Маъноси:

Қачон кўрса уни турк
Шодликка тўлар тўлиқ
Унда бордир улуғлиқ
Сира бу сўзда лоф йўқ.

(А. Абдурахмонов таржимаси)

Алп Эр Тўнға яшаган қадимги даврларда туркий халқлар ҳали алоҳида миллатларга ажралмаган эди. Шунинг учун «Алп

¹ «Алп Эр Тўнға ёки Афросиёб жангномаси». 1995 й., 7-б.

Эр Тўнға» достони барча туркий халқларнинг умумий маданий обидаси ҳисобланади.

Айни вақтда, Афросиёб деб аталган жой номлари ва биз юқорида келтирган шеърӣ сатрларнинг ўзбек адабий тилига беҳад яқинлиги шундан далолат берадики, Алп Тўнға кўпроқ Марказий Осиёда, Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатган. Паҳлавон ботирларни Алп деб улуғлаш ҳам шу минтақада кенг тарқалган анъанадир. «Алпомиш» достонининг минг йиллиги Ўзбекистонда нишонлангани ҳам мана шу тарихий анъанадан келиб чиқади. Икки ярим минг йилдан буён туркий халқларнинг тилларида достон бўлиб келаётган Алп Эр Тўнғанинг абадий қароргоҳи Ўзбекистон тупроғида, яъни Бухоро шаҳрининг баланд бир тепалиги устида бўлганлиги ҳам унинг Туронзамин фарзанди эканини исбот этади.

Достонда кўрсатилишича, Алп Эр Тўнғани Эрон шоҳи Кайхусрав зиёфат пайтида майга захар қўшиб бериб ўлдиради.

Ўлими муқаррарлигини сезган Алп Эр Тўнға садоқатли ёрини эслайди ва яқин одамларидан илтижо қилади:

Туркон хотун кутинға
Тегур мендин қўшуғ.
Айгил сизнинг тобуғчи
Ўтнур янги тобуғ.

Таржимаси:

Туркон хотун ҳузурига
Мендан еткур видо қўшуғин.
Айтгин: менга қилган хизматни
Қилар тобуғчи энди унга.

Достоннинг бизгача етиб келмаган қисмларида Алп Эр Тўнға ўз жасадини ватанига элтиб дафн этишни васият қилгани ҳам айtilган бўлиши эҳтимолга яқин. Шу васиятга биноан уни Бухоронинг баланд бир тепалиги устига дафн этган бўлишлари керак.

Турон маликаси севиқли Алп ёрини эслаб мусибат чекади:

Борди кўзум ёруқи,
Алди ўзум кўнуқи.

Қанда эринг қаниқи
Эмди ўзни узғурур.

Таржимаси:

Кетди кўзимнинг нури
Кетди танамнинг руҳи.
Қайдан топай севганим
Қолди чеки йўқ қайғу.

Энг таъсирли сатрлар халқ томонидан қаҳрамон ўлимига
атаб яратилган марсиядир:

Алп Эр Тўнға ўлдиму
Эсиз ажун қолдиму
Озлак ўчин олдиму
Эмди юрак йиртилу¹.

Бундай изтиробга тўла самимий сўзларни фақат чиндан
яшаб ўтган ва эл-юрт орасида сеvimли бўлган қаҳрамон
ҳақидагина айтиш мумкин. Қаранг: Алп Эр Тўнғанинг
ўлиmidан мусибат чекканларнинг юраклари йиртилиб
кетгудек бўлади. «Эсиз ажун» деган сўзлар «изсиз, ўткинчи,
бевафо дунё» деган маънони билдиради.

«Озлак» дегани, «вақт, замона» маъносида келади.

Алп Эр Тўнға каби кўп жанг қилган ботирларнинг душмани
кўп бўлади. Улар вақт, замона тимсолида энди ботирдан ўчини
олади.

Алп Эр Тўнға ҳақида энг кўп ва аниқ маълумот берган
буюк асар тўрт жилдлик «Девону луғотит турк»дир. Маҳмуд
Кошғарийнинг ёзишича, Алп Эр Тўнғанинг қизи Қаз (Оқ
роз) Эрон подшосига узатилади. Бу қиз ҳам Эронда шахарлар
бунёд қилишга интилади. Қазвин шаҳри Алп Эр Тўнғанинг
Эронга тушган Қаз номли мана шу малика қизи томонидан
барпо этилади.

Алп Эр Тўнғанинг Бақан ва Барсаған деган ўғиллари
Фарғона водийсида ҳукмронлик қиладилар. Маҳмуд Кошғарий
берган маълумотга кўра, Барсаған шаҳрига Алп Эр Тўнғанинг
Барсаған номли ўғли асос солади. Маҳмуд Кошғарий ўз бобоси

¹ Ўша асар, 29-б.

билан бу шаҳарда анча йил яшаганини ёзади. Бу шаҳарда етакчи тил — туркий бўлади. Самарқанддан Барсағанга кўчиб келган суғдлар икки тилда — ҳам суғдча, ҳам туркча сўзлашишлари «Девону луғотит турк» да кўрсатиб ўтилади.

«Алп Эр Тўнға» достонининг бизгача етиб келган айрим парчалари Алп хоқоннинг шарқда уйғурлар билан жанг қилгани, Эртиш дарёси бўйларига қўшин тортиб бориб, басмил қавмини бўйсундирганига бағишланади. Шу маълумотларга қараганда, у барча туркий халқларни бир давлат қилиб бирлаштиришга интилади.

Бироқ Алп Эр Тўнғанинг ўлиmidан кейин турк давлатчилиги узоқ вақт инқирозли асрларни бондан кечиради. Ниҳоят, VI-VII асрларга келиб Билге хоқон ва унинг қаҳрамон иниси Култегин даврларида турк будуни (халқи) қайтадан қад ростлайди. Биз буни Ўрхон ва Энасой дарёлари бўйида VI-VII асрларда тошга битилган достонлардан биламиз.

«Билге хоқон ва Култегин» достонларини «Алп Эр Тўнға жангномаси»га қиёс қилсангиз, орада минг йиллик вақт ва шунча узоқ масофалар бўлишига қарамай, ички бир яқинлик борлигини сезасиз.

«Билге хоқон ва Култегин» достонлари дастлаб насрий бир солнома деб ҳисобланган эди. Кейинчалик туркшунос олима И.В.Стеблева уларнинг ички тузилишини синчиклаб ўрганиб, асарда ритм, туроқ, қофия ва бошқа поэтик белгилар борлигини аниқлади. Шундан кейин «Билге хоқон ва Култегин» туркий тилда битилган ажойиб бир қаҳрамонлик достони шаклида қайта тикланди¹. Бу достонда ҳам қаҳрамонларнинг жангларда эришган ғалабаларига катта ўрин берилади:

Қирқиз, қуриқан, отуз татар
Қитай, татабу кўп йағи эрмис.
Қанғим Қаған бунча
Қирқ артуқ ети йўли сулемис².

¹ И.В. С т е б л е в а. «Поэтика древнетюркской литературы». М., 1976 г., стр. 175-189.

² Бу тўртлик қозоқ адиби Н.Келимбетовнинг «Қазақ адабиятининг ежелги даури» китобидан олинди. 40б.

Таржимаси:

Қирғиз, қуриқан (қавмнинг номи), ўттиз татар
Хитай, татабу — ҳаммаси ёв эди.
Отам хоқон ўшанча ёвларга қарши
Қирқ етти марта жанг қилди.

Билге хоқон ўз иниси Култегиннинг жангларда кўрсатган жасоратларини улуғлайди. Оға-ини жанг қилиб Эртиш дарёсини неча бор кечиб ўтадилар, шарқда Хитой чегараларигача қўшин тортиб борадилар, Турон ҳудудида Бойсунтоғда жойлашган Темур Қопуғни (дарвоза) ҳам эгаллайдилар. Ҳозир бу жой Дарбанд деб аталади.

Култегин қирқ етти ёшида ҳалок бўлади. Билге хоқон суюкли иниси учун қанчалик қаттиқ қайғу-мусибат чеккани тош битикда шундай ифодаланади:

«Ўзим сақунтум.
Кўрур кўзум кўрмастек,
Билур билигим билмазтек бўлти.
Ўзим сақунтум.
Онча сақунтум.
Кўзда йаш қалтар»¹.

Бу ерда «соғиндим» сўзи «сақунтум» шаклида келади. Чексиз қайғудан хоотири шу даражада паришонки, «билур билиги» ҳам эсидан чиқиб билмасдек бўлган. Қайғунинг зўридан кўзида ёш қалқийди (бу маъно «қалтар» сўзи билан берилади).

«Алп Эр Тўнға» достони билан «Билге хоқон» достони орасида роса минг йиллик фарқ бор. Лекин она туркийимизнинг умрбоқийлигини қарангки, «тангри, хоқон, билик, кўз, олтин, кумуш, тоғ, йўл, ўғил, қиз, эл» каби минглаб сўзлар эрамиздан олдин яратилган «Алп Эр Тўнға» достонида қандай оҳори тўкилмай ишлатилган бўлса, милодий VII асрдаги тош битикда ҳам шундай ёрқин жило бериб турибди.

Бу ҳар икки қаҳрамонлик достонидаги шеърый сатрлар деярли юз фоиз соф туркий сўзлардан таркиб топгандир.

¹ С.Е. М а л о в. «Памятники древнетюркской письменности». М., 1952 г., стр. 33.

Тош битикда суғлар ўз номи билан «суғ» деб аталган. Хитой томонда яшайдиган бир халқ «табғач» номи билан тошга битилган. Татар, ўғуз, қарлуқ, басмил каби туркий қавмлар ва Эртиш, Тангритоғ каби жуғрофий номлар ҳам аслига мос қилиб аниқ ёзилган.

Тош битик Хитойдан таклиф қилинган уста сангтарош томонидан бажарилганлиги кўрсатилган. Шунингдек, бу муҳим ишнинг бошида Култегиннинг невараси Йўллуғ Тегин тургани ҳам айтилган. Йўллуғ Тегин тошбитикдаги сўзларни Билге хоқон номидан бир ой ва тўрт кун давомида тошга ўйдирганини қуйидагича ифодалайди:

«Тош тўқидим
Кўнгилдаги сабимин
Тўқидим, битидим. Йўллуғ Тегин».

Тошга йўндириб ёздиришни у пайтларда «тўқитдим» (матони тўқитган каби) деган сўз билан билдиришган экан.

Йўллуғ Тегиннинг номи бугун ҳам кўп учрайдиган Йўлчи, Йўлдош деган исмларни эслатади.

Албатта, бир минг тўрт юз йил олдин тошга ўйиб ёзилган бу қахрамонлик достони барча туркий халқларнинг маънавий ва маданий меросидир. Шунинг учун «Билге хоқон ва Култегин» достонини қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, турк ва бошқа қардошларимиз ҳақли равишда ўзларининг тил ва адабиётлари тарихига киритиб ўрганадилар. Улар қатори биз ҳам бу умумтуркий адабий обидага тил ва адабиётимиз тарихидан алоҳида ўрин берамиз.

* * *

Улкан дарёлар тиниқ булоқлардан сув олганидек, адабий тилимиз минг йиллар давомида мана шундай соф туркий манбалардан обиҳаёт олиб, бойиб борган.

Тил дарёси ўз йўлида учраган турли ўлкалар бўйлаб олға боргани сари унга янги-янги ирмоқлар келиб қўшилади. «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарлари Шарқий Туркистонда ва Туронда яшаган халқларнинг тил бойликларини умумтуркий адабий тил дарёсига олиб келиб қўшган улкан ирмоқлар бўлди.

«Кут» сўзи бугун ҳам «кут-барака», «кутлуғ кун» сўзларида яшаб келмоқда. «Кут» сўзини биз илк бор қадимий тош битикларида учратамиз. «Билге хоқон» исмининг ўзаги эса Юсуф Хос Ҳожибнинг достонида «Билиг» шаклида сарлавҳага чиқади. Орадан асрлар ўтгандан кейин «билиг» сўзини биз Аҳмад Яссавий ҳикматларида кўрамиз. Орадан яна тўрт аср ўтгандан сўнг «кут» ва «билиг» сўзлари Алишер Навоий асарларига ҳам кириб келади.

«Кутадғу билиг» достонининг номини бизда «Саодатга йўлловчи билим» деб таржима қилиш ҳоллари учрайди.

Бизнингча, бу таржима унча аниқ эмас. Айниқса, «билим» сўзи «билиг» нинг маъносини тўлиқ ифодалай олмайди. Тарихий илдизи чуқур бўлган «Билиг» сўзини «Донолик» деб изоҳласак, тўғрироқ бўларди. Чунки «Билге хоқон» деган сўз азалдан «Доно хоқон» маъносини билдириб келган.

Форс-тожик тилидан олинган «доно» сўзи аслида «дониш», яъни «билиш» ўзагидан олинган. Шунчаки билимли бўлиш билан доно бўлишнинг орасида катта фарқ бор.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида адиб Аҳмад Югнакий тўғрисида маълумот бергач, қуйидаги байтни келтиради:

«Сўнгакка иликдур,
Эранга билик.
Биликсиз Эран ул
иликсиз сўнгак»¹.

Билиг — фақат билим эмас, эранларга хос донолик ҳам эканлиги бу сатрлардан англашилиб турибди.

«Кутадғу билиг» нинг ўзида ҳам «билге» сўзи «доно» маъносида кўп учрайди:

Билигсиз била ҳеч сўзим йўқ менинг
Э билге, ўзим уш топуғчи сенинг².

«Билигсиз» бу ерда «нодон» маъносида келади. Иккинчи сатрдаги «Э билге!» деган мурожаат эса «Э доно, ўзим сен учун ижод қилмоқдаман» деган маънони билдиради.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XV жилд. 1968 й., 157-б.

² Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг». 1971 й., 30-б.

«Кутадғу билиг»да «биликсизлар билгеларнинг ёғийси», «душмани» деган сатр ҳам бор.

Демак, «Алп Эр Тўнға», «Билге хоқон», «Кутадғу билиг» ва «Девону луготит турк» асарлари туркий тилнинг бир ярим минг йилдан ортиқ давом этган ривожига ҳақида тасаввур беради. Тил тарихининг мана шу бир ярим минг йиллик жараёнларида ўзбек тилининг ўзига хос тараққиёт йўли тадрижий тарзда қандай шаклланиб борганига эътибор берайлик.

Биз юқорида умумтуркий тил дарёсининг беҳад кенг ҳудудлардан оқиб ўтганини айтган эдик. Энг қадимги даврларда туркий элатлар тиллари бу дарёга ирмоқлар каби қуйилиб, уни бойитиб, қудратини ошириб боради. Асрлар ўтиши билан элатлар халқларга айланади, мамлакатлар бир-бирларидан ажралиб чиқиб мустақил тараққиёт йўлига киради. Ҳар бир эл яшаган жуғрофий шароит ва ҳар бир халқ асрлар давомида бошдан кечирган тарихий воқеалар уларнинг тилига шундай ўзгачаликлар бахш этадики, энди бу қардош халқлар бир-бирларининг тилларини таржимонсиз тушунолмайдилар.

Узоқ ғарбдаги туркияликлар — озарбайжон, туркман, қозоқ, қирғиз, бошқирд тиллари мазкур халқлар ватан қилган улкан ҳудудларда ўз миллатига мос ва хос мустақил тиллар бўлиб шаклланди. Албатта, тилларимизнинг умумтуркий тарихий илдизлари жойида турибди. Аммо бу илдизлардан ўсиб чиққан улкан шохлар бир-бирларидан анча узоқлашиб кетган.

Мана, бир кичик мисол. Қозоқ қардошларимиз Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини ўз тилига таржима қилиб, чиройли китоб шаклида нашр этишган. Кўриб миннатдор бўласиз.

Лекин муқовада Навоий номи «Науаи» деб ёзилган. Қозоқча талаффуз қондаси шуни талаб қилган бўлса керак. «Садди Искандарий» деган ном эса «Ескендир қорғани» деб ўзгартирилган¹, «Қорған» қалъа деган маънони билдиради. «Садд» эса қўрғон эмас, буюк бир тўсиқ, тўғондир. Шунинг учун бу дoston рус тилига «Вал Искандера» деб таржима қилинган. Ҳар қалай, русча таржима аслиятга яқинроқ.

¹ А. Н а у а и. Ескендир қорғани. Алма-Ата. 1989 ж.

Албатта, ҳар бир тилнинг ўз талаффуз қоидалари бор. Масалан, «йўл» қозоқчада «жўл» дейилади, «яхши» — «жақши», «ёмон» — «жаман», «йўқ» — «жўқ». Бу қипчоқ шевасига хос хусусиятлардир. Ўғуз қавмида «тоғ» — «доғ» дейилади. «Темир — Дамир», «тирик» — «дири» деб ёзилади. Бунга табиий бир ҳол деб қараймиз. Чунки қипчоқ ва ўғуз қавмлари ўзбек миллати таркибига ҳам кирган. Уларнинг тил бойликлари ўзбек адабий тилининг шаклланишига хизмат қилган. Лекин қипчоқ ва ўғуз шеваларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Ўғуз шевасида «а» ўрнига кўп ҳолларда «е» ишлатилиши турк ва озарбайжон тилларига хос хусусиятлардир.

Масалан, Аҳмад Яссавийнинг номи ва «Девони ҳикмат» китоби турк-ўғуз талаффузига мосланган ҳолда Аҳмед-и Йесевиий. «Дивани Ҳикмет» деган ном билан нашр этилган.

Шу нашрдан яна бир мисол.

Аҳмад Яссавий байти:

«Агар юз йил умр кўрса қаримас
Агар ер остига кирса чуримас».

Туркча таржимаси:

Егер юз йил омир бўлса йипранмаз
Егер йер олгина гирса чурумаз¹.

Аҳмад Яссавий асарларининг тили юқорида биз қаламга олган «Алп Эр Тўнға жангномаси» ва «Билге хоқон» достони, «Қутадғу билиг» ва «Девону луготит турк» асарларида шаклланган қадимий туркий тилнинг анъаналарини давом эттиради ва ривожлантиради.

Маҳмуд Кошғарий «Турклар асли йигирма қабиладир, — деб ёзади. — Ҳар бир қабиланинг аллақанча уруғлари бор». Барча туркий элларни кезиб чиққан бу буюк олим туркий элатларнинг тилларини бир-бирига қиёслаб, ўз китобига «Энг тўғри ва аниқ тил»ни асос қилиб олишга интилади. «Тилларнинг энг тўғриси, яхшиси йағма, тухси қабилаларининг тилидир... Буларнинг

¹Аҳмад Яссавий. «Девони Ҳикмат». Анқара, 1991 й., 274—275-бетлар.

орасида энг очик ва равон тил Хоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир»¹.

Хоқония ўлкасига ўша даврда Қорахонийлар давлати таркибида бўлган Шарқий Туркистон, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро кирганлиги тарихдан маълум. Яғмо, тухси, чигил, қарлуқ қабилалари ҳам мана шу ҳудудларда яшаганлар. Ўғуз қабилалари Туркманистон, Озарбайжон ва Туркия томонларни ишғол қилганлар. Қипчоқлар кўпроқ Дашти Қипчоқ номини олган шимоли ғарб томонлардаги кенгликларни эгаллаганлар.

Маҳмуд Кошғарий Хоқония ўлкасида туғилиб ўсганлиги учун бу ўлка тилини жуда яхши билган ва уни ўз девонига асос қилиб олган. Бу тилни ўғуз ва қипчоқ қабилаларининг тилларидаги ўзгачаликлар билан қиёс қилган. Масалан, ўғузлар туяни «дева» дейдилар. Хоқония турклари «мен бордим» десалар, ўғузлар «бен бардум» дейдилар. Турклар «чумчуқ» десалар, ўғузлар бир ҳарфни тушириб қолдириб «чумуқ» дейдилар», «келдим» сўзини «г» билан «гелдим» деб айтадилар, «келган» сўзида «г» ҳарфини тушириб қолдириб, «келан» дейдилар².

Шу сабабларга кўра, Маҳмуд Кошғарий ўғиз тилини ҳам, қипчоқ тилида «йўл»ни «жўл», «яхши»ни «жахши» деб айтишларини ҳам умумтуркий тилнинг қондаси тарзида қабул қилмайди. «Девону луғотит турк»да энг қадимий туркий тил намуналари сифатида Алп Эр Тўнғага бағишланган тўртликлар келтирилгани бежиз эмас. Чунки Алп Эр Тўнғанинг ҳаёти ва фаолияти қадимий Турон ва Туркистон билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинчалик Қорахонийлар даврида бу улкан ҳудуд Хоқония ўлкаси деб аталади.

Алп Эр Тўнға ўз даврининг энг буюк хоқони бўлганини ҳисобга олсак, ўлкани «Хоқония» деб аташда Алп Эр Тўнға хоқонлиги ҳам назарда тутилган, деб ҳисоблаш мумкин. Бир чеккаси шу сабабдан «Алп Эр Тўнға» дostonининг тилини Фитрат каби машҳур олимимиз «Қадимги Хоқония тили» деб атаган эди. Бизнинг асосий мавзуимизга оид энг муҳим нуқта шуки, «Алп Эр Тўнға» дostonининг тили ҳам, «Билге

¹ М. К о ш ғ а р и й. «Девону луғотит турк». 1960 й., I жилд. 64–66-бетлар.

² Ўша жилд, 67–69-бетлар.

хоқон ва Култегин» достонининг тили ҳам, «Кутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларининг тили ҳам қипчоқ ва ўғуз шеваларига асосланган қозоқ, турк ва бошқа бир қанча туркий тиллардан кўра, ўзбек адабий тилига яқинроқдир.

Чунки шартли равишда хоқония деб аталган энг қадимий адабий туркий тил икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тошкент, Ўш, Қува каби шаҳарларнинг ўтроқ туркий аҳолиси томонидан яратилиб, сайқал берилган.

Қадимий туркий шаҳарлар азалдан маданият марказлари сифатида адабий тилнинг тўғри шаклланишига хизмат қилиб келган.

Биринчи марта Алп Эр Тўнға бунёд этган Афросиёб шаҳри (қадимги Самарқанд)нинг номи Семизкент бўлган экан. Наршахий берган маълумотларга кўра, Зарафшон суви лойқаларидан пайдо бўлган ҳосилдор ерларга илк бор Туркистон томонлардан туркий тилли аҳоли кўчиб келиб, обод манзил барпо қилган экан ва унга Бумискент (бошқа бир манбада Нумижкент) деб ном берган эканлар¹. Тошкент номи ҳам туркий эл томонидан қўйилгани ички маъносидан кўриниб турибди.

Шу келтирилган барча далиллар туркий тиллар ривожда ўзбек тилининг ўзига хос тараққиёт йўли маданият марказлари бўлган қадимги шаҳарларимиз тарихи билан боғлиқ бўлганлигини исбот этади.

Тарих ва тақдир тақозоси билан халқимиз Туркиядан Олтойгача бўлган улкан ҳудудни эгаллаган туркий элларнинг марказий қисмида яшашга, Алп Эр Тўнгадай афсонавий баҳодир Афросиёб шаҳарлар қуриб қолдирган Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳамда Фарғона водийси ва Хоразм воҳасини ватан қилишга мушарраф бўлди. Ўзбек тили ҳам мана шу жуғрофий ва тарихий шароитга мувофиқ равишда туркий тиллар дарёсининг марказий ўзанидан ва умумтуркий тиллар шажара дарахтининг ўқ илдизидан озиқланиб, мумтоз бир тараққиёт йўлини босиб ўтди.

¹ Н а р ш а х и й. «Бухоро тарихи». «Мерос» китобида, 1991 й. 95-102-бетлар.



АДАБИЙ ТИЛИМИЗНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

Мумтоз ўзбек адабиётининг илк белгилари Аҳмад Яссавий ҳикматларида ва унинг маънавий ворислари яратган адабий мактабнинг бадиий тилида кўзга яққол ташланади.

Бундан тўққиз аср бурун зўр илҳом ва маҳорат билан яратилган «Девони ҳикмат» инсоний ҳақиқатни англаш ва илоҳий қудратдан мадад олиб яшаш йўлларини ўргатади.

Пок ният билан муқаддас мақсадга интилган инсоннинг кўнгли учар қушдек қанот қоқиши, баҳри дили очилиши, нафс балоси ундан қочиши, руҳи гўё Арши Аълога кўтарилгандай бўлиши Яссавийнинг қуйидаги сатрларида жўшқин ва гўзал шеърини шаклларида ифодаланади:

Кўзим тушди, кўнглим учди, Аршга ошди,
Умрим кечди, нафсим қочди, бағрим тошди.
Қанот қоқар учар қушдек кўнглим менинг¹.

Бу ҳикматларни ўқиган одамнинг дилида ҳам пок бир завқ-шавқ пайдо бўлади. Туркий тилимиз бундан саккиз аср муқаддам мана шундай теран руҳий ҳолатларни ифода этишга қодир бўлганлиги бизни қойил қолдиради.

Тил эса дилга боғлиқ. Аҳмад Яссавий инсон дилининг имкониятлари чексиз эканига ишонади. Илоҳий ҳақиқатни дилига жойлаган Мансур Халлож муқаддас туйғудан руҳи Арши Аълога етгандек бўлгани учун «Аналҳақ!» яъни «Мен Ҳақман!» деганлиги тарихдан маълум.

Илоҳий қудрат рамзи бўлган Ҳақ инсоний ҳақиқатнинг ҳам ўзагидан жой олгандир. Инсоний ва илоҳий қудрат бир қалбада бирлашгани учун Мансур «Аналҳақ!» дейди. Буни тушунмаган муллолар уни кофирликда айблайдилар. Шу ноҳақ айблашга ишониб Мансурни дорга осиб ўлдирган

¹ Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат». Анқара. 1998 й., 132-б.

хукмдорларни Аҳмад Яссавий инсоний камолот сирларидан беҳабар нодонлар деб атайди:

Аналҳақни маъносини билмас нодон,
Доно керак бу йўлларда поки мардон.

Инсонни маънавий камолот йўлига чорлаган энг кучли исломий таълимот тасаввуф деб аталиши кўпчиликка маълум. Аҳмад Яссавий Бухоро мадрасасида таҳсил олган йилларида тасаввуф илмини Юсуф Ҳамадонийдек машҳур алломадан ўрганган. Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди бўлган. Аҳмад Яссавийга мана шундай буюк пирлар тасаввуф сабоқларини мерос қолдирганлар.

Тасаввуф назарияси бўйича инсон чин ҳақиқатга етиш учун тавба, фақирлик, сабр, хавф, таваккал, ризо каби еттита мушкул босқичлардан ўтиши керак. Энг юксакдаги саккизинчи босқич — чин ҳақиқатдир. Унга етгунча инсон барча хорлик, зорлик ва машаққатларга чидаши лозим.

Яссавий айтади:

Ҳақиқатнинг дарёсидин кечган киши
Ўзи мунглик, кўнгли синуқ, кўзда ёши,
Хорлик, зорлик, машаққатдир доим иши,
Ҳақ дийдорин талаб қилиб топар дўстлар¹.

«Девону луғотит турк»да мисоллари келтирилган анъанавий туркий тўртликлар қандай қофияланганини эслайлик. Алп Эр Тўнғанинг ўлимига бағишланган тўртликда ҳам дастлабки уч сатр қофияланганини, хулосавий сўзлар айтилган тўртинчи сатр эса қофиясиз, мустақил ҳолда қолдирилганини юқорида кўрган эдик. Шунинг учун бу тўртлик рубоий жанрига кирмаслигини, балки туркий тилда яратилган ҳикматлар алоҳида бир жанр бўлиб шаклланганини кўрсатади.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари «Алп Эр Тўнға» достонида кўп тилга олинадиган эранларни улуғлайди. Ҳикматлар тили «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг» тилининг донишмандлик анъаналарини давом эттиради.

¹ Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар». Тошкент. 1991., 21-б.

«Ҳикматлар»да ҳам «Кутадғу билиг»даги каби панд-насиҳатлар кўп учрайди. Айни пайтда, Аҳмад Яссавий ҳикматлари туркий тилдаги донишмандликни тасаввуф ғоялари билан бойитиб, янги бир юксакликка кўтаради. Маснавийда ёзилган «Муножотнома» асарида Яссавий ўз ҳикматлари тўғрисида шундай дейди:

Мани ҳикматларим хўбларга айтинг
Дуо-такбир айтиб раҳматга ботинг.
Мани ҳикматларим дардсизга айтманг
Баҳосиз гавҳарим нодонга сотманг¹.

Маълумки, Аҳмад Яссавий XI-XII асрларда Туронзаминда ички урушлар авжига чиққан: маънавий инқироз кучайган даврда яшаган. X-XI асрларда Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий каби улуғ сиймолар фаолият кўрсатган давридаги маърифатпарвар ҳукмдорлар ўрнини XII асрда молу дунёга ҳирс қўйган, илму маърифатдан йироқ бўлган, мудом тожу тахт ва амал талашиб, халқни қирғинбарот урушлар гирдобига ташлаган ношуд хону беклар давлат тепасига келган эди. Уларнинг атрофида юрган айрим хушомадгўй, нурсиз сарой олимлари туркий тилга паст назар билан қараганини Яссавий қуйидаги сатрларда очик айтади:

Хушламайдур олимлар бизни айтган туркини,
Орифлардан эшитсанг очар кўнгил мулкини.
Оят, ҳадис маъноси туркий бўлса мувофиқ
Маъносига етганлар ерга қўяр бўркини².

Яссавий она тилимизнинг ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлгани бу сатрларда кўзга яққол ташланади. Фақат сўзда эмас, амалда ҳам у Муҳаммад пайғамбарни, унинг салафлари бўлган Абубакр, Умар, Усмон ва Алини улуғлайдиган, уларнинг юксак фазилатларини қисқа ва лўнда сатрларда намоён этувчи шеърлар ёзди, оят ва ҳадис маънолари билан туркий тил бойликларига улкан бойлик қўшди.

Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур маънавий ворисларидан бири — мақбараси Тошкент яқинида жойлашган Занги ота

¹ Ўша китоб, 200–201-бетлар

² Ўша китоб, 6-б.

бўлган. Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавийга мақбара қурдиргани каби, Занги ота номига ҳам мақбара қурдилади. Занги ота фаолиятига кейин яна тўхталамиз.

Занги отанинг авлодларидан бўлган Саид ота Яссавий ҳикматлари ва унинг таълимоти билан қуролланиб, Олтин Ўрда ҳудудларига боради. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида қайд этилишича, Ўзбекхон Турондан борган Саид ота ва у айтиб берган туркий ҳикматлар таъсирида ислом динига ихлос қўяди. 1314 йилда Ўзбекхон ислом динини қабул қилади.

Аҳмад Яссавий таълимоти ва ҳикматлари билан қуролланган унинг садоқатли ворислари шомон динидаги Чингизхон авлодларининг мусулмон бўлишларига ёрдам берганлиги тил ва адабиёт тарихида кам учрайдиган нодир ҳодисалардандир.

Авваллари ҳам Туронда ва Олтин Ўрдада озчиликни ташкил қилган мўғул сипоҳлари энди исломни қабул қилганларидан кейин бутунлай туркийлашадилар, ўзбек, қozoқ, татар ва бошқа туркий халқларнинг таркибига кириб, сингиб кетадилар. Бу уларнинг маданий ҳаётида жуда катта бурилиш ясади.

Ушбу ҳодисани таҳлил қилганда Аҳмад Яссавий руҳи, унинг ҳикматлари маданий ҳаётни ривожлантирувчи улкан омиллардан бирига айланганига амин бўламиз.

«Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» сингари Аҳмад Яссавий ижоди ҳам туркий халқларнинг маънавий қадрияти эканлиги шубҳасиз. Айни вақтда, «Ҳикматлар»нинг ўзбек, турк, қozoқ тилларидаги матнларини бир-бирига қиёс қилсангиз, аслиятга энг яқин тил — ўзбек адабий тили эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Туркия пойтахти Анқарада таниқли олим Кемал Ераслан Аҳмад Яссавий ҳикматларини «Сочмалар» деган қўшимча ном билан нашр этган. Албатта, «сочма» деган чиройли сўз ўзбекчада ҳам бор. Лекин бу «ҳикмат» деган маънони билдирмайди, балки нашрнинг ўзига хослигини кўрсатувчи бир сўздай қабул қилинади.

Нашрда Аҳмад Яссавийнинг номи ҳам турк тили қоидаларига мосланиб, «Аҳмеди Йессеви» деб ёзилади, яъни икки жойда «а» «э» га айлантирилади. Аслини олганда, «Яссавий» деб жой номидан насаб яшаш аъъанаси бизга араб тилидан ўтган. Назаримизда, арабча аслига мос қилиб «Аҳмад Яссавий» деб ёзиш илмий талабларга кўпроқ мос келган бўларди.

«Ҳикматлар»нинг Анқара нашрида китобнинг чап бетига аслият, ўнг бетига унинг туркча таржимаси қўйилганлиги қийёслаш учун қулай имконият яратади.

Бир мисол келтирайлик:

Аслият:

Бу дунёда подшоман деб кўксин керган
Ҳам остига курси қўйиб ҳайма урган
Неча минглаб черик йиққан хонлар қани.

Туркча таржимаси:

Бу дунёда подшоҳим дийа доғус геген
Неча йиллар хейл ва ҳашем черик салан
Бинлечесине чери урган ханлар хани¹.

Аҳмад Яссавий шеърлари аруз вазнида ёзилганлиги аслиятда аниқ кўриниб туради. Эркин таржима бўлган туркча матнда аруз ҳам, вазн ҳам йўқ.

Тўртликда «Подшоман деб кўксин керган, ҳам остига курси қўйиб ҳайма (чодир) қурган хонлар қани?» деб сўралади. Курси бу ерда тахт маъносида келади. Туркча матнда «курси қўйган» ибораси умуман йўқ, унинг ўрнига аслиятда бўлмаган «неча йиллар» ибораси киритилади.

Биз бу ерда таржиманинг нуқсонларига эмас, Аҳмад Яссавий ҳикматларини қардош турк тилига таржима қилиш ва аслиятнинг бой мазмуни ҳамда ёрқин тилини туркчада тўлиқ ифодалаб бериш қийин эканига эътиборни қаратмоқдамиз.

Ўзбек китобхони эса юқоридаги сатрларнинг ҳаммасини таржимасиз тўлиқ тушунади, чунки китоб ўқийдиган барча кишиларимиз «курси» нималигини яхши билади. Фақат «ҳайма»нинг «чодир» эканлигини, «черик» — «қўшин» маъносини билдиришини изоҳлаб бериш мумкин.

Аҳмад Яссавийдан кейин туркий тилда катта муваффақият билан асар ёзган шоир Аҳмад Югнакий бўлган. Югнак шаҳри Ясси шаҳрига яқин бўлгани каби, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқат совғалари») асари ҳам мазмун ва тил жиҳатларидан Аҳмад Яссавий ҳикматларига жуда яқиндир. Аҳмад

¹ Аҳме ди Йессеви. «Ҳикматлар». Анқара, 1998 й. 43-бет.

Яссавий ўзи ва ҳикматлари ҳақида сўз юритгани каби, Аҳмад Югнакий ҳам шу анъанага амал қилади, ўзи ва асари тўғрисида қуйидаги сатрларни ёзади:

Алиб Аҳмад атим, адаб, панд сўзим,
Сўзум мунда қалур, барур бу ўзим,
Келур куз, кечер йаз, барур бу умр
Битидим бу тансуқ тууроф сўзларин
Ҳалу борсам ўзум атим қолсу теб.

Аҳмад Югнакийдан келтирилган ушбу сатрлар «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг танқидий матнини тайёрлаган ва унинг тил хусусиятларини биринчи бўлиб тадқиқ этган тилшунос олим Қ.Маҳмудов китобидан олинди¹.

Аҳмад Югнакий асарининг бир афзал томони, унинг қадимий қўлёзма шаклида тўлиғича бизга етиб келганлигидир. Мана шу афзалият асримиз бошларидаёқ тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг эътиборини ўзига тортади. Турк олимлари Нажип Асим ва Фуадбей Кўпрулузодалар 1915-1916 йилларда Истамбулда бу асарни икки қайта нашр этиб, унинг умумтуркий қадрият эканини кўрсатиб ўтадилар.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ» нинг араб алифбосида кўчирилган нусхаси 242 байтдан иборат. Лекин бу байтларнинг маъзи ниҳоятда тўқ, маъноси теран, таъсири кучли. Мазкур асарни мумтоз адабиётимизда биринчи бўлиб юксак баҳолаган сиймо Алишер Навоий эди. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Адиб Аҳмаднинг шеърларидан икки байт мисол келтиргач, адибнинг туғма кўр бўлганини ёзади: «Бағоят зийрак ва закий киши эрмиш. Ҳақ с.т. агарчи зоҳир кўзин ёппуқ яратқандур, кўнгил кўзин бағоят ёруғ яратгандур»².

Аҳмад Югнакийнинг «Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзум» деган сатри айнан ўзбекчадек ўқилади. Фақат талаффузда «о» ўрнига «а» (атим) дейилган. «Сўзум бунда қалур, барур бу ўзим» деган сатрнинг сўз тартибида ўзгачалик бор. Яъни, «сўзум бунда қолур» худди Навоий ва Бобур асарларидагидек ёзилган. Фақат «борур мен ўзим» (яъни «бу дунёдан кетурмен») деган

¹ Қ.Маҳмудов. «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари». 1972 й., 230-б.

² Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат». XVII жилд, 2001 й., 42-б.

ибора ўрнига «борур бу ўзум» деб ёзилган. Демак, бундан саккиз юз йил олдинги тилимизда «ўзим»га «мен» қўшмасдан, яъни «борур мен» демасдан, учинчи шахсда «бу борур» дейиш одати ҳам бор экан. Қиёс учун шу олти сатр маснавий қозоқ тилига қандай таржима қилинганини кўриб ўтайлик.

Аҳмад Адиб атим, улги — сўзим
Қалади мунда сўзим, кетем ўзим
Куз келер, жазда кетер омир-ул ўтер
Сонимен жумилар-да эки кўзим
Артимда қалсин деб жаздим мун
Ғамайиб тансык сўзбен ерек меден¹.

Қозоқ тили кўпроқ туркий тилнинг қипчоқ шевасига асослангани учун «йаз» «жаз» деб, «йаздим» сўзи «жаздим» деб таржима қилинади. «Адаб, панд» сўзлари асли арабчадир. Қозоқ тилида арабча ўрнига кўпроқ туркий сўзлар ишлатиш одат бўлган. Шунинг учун «панд», «адаб» сўзлари биргина «улги» сўзи билан таржима қилинади.

Албатта, ҳар бир тилнинг ўз афзалиятлари бор. Биз қозоқ тилининг жонли тилга яқинлиги, туркий сўз ва ибораларга бойлигини ҳурмат қиламиз. Аҳмад Югнакий Н.Келимбетов китобида қадимги қозоқ адабиёти намуналари қаторида келтирилганини асосли деб биламиз.

Шу билан бирга, Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»ининг бадий тили каби «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг тили ҳам мумтоз ўзбек адабий тилига яқинроқ эканини, шунинг учун Алишер Навоий бу асарга алоҳида эътибор берганини таъкидлаш лозим.

Бу борада қардош туркий халқларга ҳолисона муносабатда бўлган олимлардан Е.Э.Бертельснинг Қ.Маҳмудов китобида келтирилган қуйидаги фикри ҳам асослидир:

«Қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибат ул-ҳақойиқ» кўприк бўлиб хизмат қилган»¹.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ» бўйича барча мавжуд манбаларни синчиклаб ўрганган ва таҳлил қилган Қ.Маҳмудов «бу асар XII аср охирларида, XIII асрнинг бошларида ёзилган» деган хулосага келадики, биз бу хулосага тўлиқ қўшиламиз.

¹ Н.Келимбетов. «Қазақ адабиятининг ежелгі даури». 1986 ж., 155–156-бетлар.

Шўро даврида, айниқса, XX асрнинг етмишинчи йилларида коммунистик мафкура Аҳмад Яссавий меросини қоралаб турган кезларда олимларимиз Аҳмад Югнакий ижодининг Аҳмад Яссавий ҳикматларига руҳан яқин бўлганига эътибор қаратган эмаслар. Ваҳоланки, бу икки буюк Аҳмадларнинг яшаган даврлари ҳам, шеърӣ панд-насиҳатлари ҳам бир-бирларига жуда яқиндир. Аҳмад Яссавий Сайрамда туғилиб, Туркистоннинг Ясси шаҳрида яшаган бўлса, Аҳмад Югнакий Ясси шаҳридан 20–25 чақирим масофада жойлашган Югнак қишлоғида туғилиб ўсганлиги унинг номидан кўриниб турибди.

Аҳмад Югнакий ҳам Чингизхон истилосидан олдин XII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтди. Унинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асаридан кейин то Рабғузӣйнинг «Қисас ул-анбиё»си пайдо бўлгунга қадар ўтган бир асрдан ортиқ даврда Чингизхоннинг босқинчи қўшини оёғи остида вайрон бўлган, ёндирилган ўлкаларга ўлим сукунати чўккандек бўлади. Бу асрда шоирларнинг овозлари эшитилмай қолади, жуда кўп фозил кишилар ё ўлдирилди, ёки чингизийлар оёғи етиб бормаган чет мамлакатларга кетиб, паноҳ топди.

Шу фожиавий шароитда Аҳмад Яссавий ҳикматларини ёд билган дарвешлар қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар, ўлкама-ўлка юриб халққа ҳақиқатни айтишга интилганликлари ўша даврнинг энг диққатга сазовор ҳодисалари қаторидан ўрин олади. Ўз ҳикматларининг содиқ тарғиботчилари келажакда ҳам дарвешлар бўлишини олдиндан билган буюк шоир улар ҳақида қуйидаги жўшқин сўзларни айтгани бежиз эмас:

Ҳақ қуллари дарвешлар ҳақиқатни билмишлар,
Ҳаққа ошиқ бўлганлар ҳақ йўлига кирмишлар.
Кўнгил бермай дунёга шуруъ қилмай ҳаромга
Ҳақни суйган ошиқлар ҳалолдан емишлар¹.

Биз бу сатрларни Яссавий ҳикматларининг Кема Ераслан тайёрлаган туркча нашридан олдик. Чунки «Ҳикматлар»нинг ўзбекча нашрида айрим шеърлар тушиб қолган. Аҳмад Яссавийнинг туркиялик тадқиқотчилари «Ҳикматлар»нинг турли вариантларини бир-бирига қиёслаб, мантиқан тўғри келадиган сатрларини алоҳида саҳифаларга йиғиб нашр этишга катта аҳамият

¹ Қ.Маҳмудов. «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари». 1972 й., 16-б.

² Divani Hikmet. Ankara. 1990 й., 334-б.

берганлар. Бу йўлда машҳур олимлар Фуад Кўпрулузода ва профессор Кемал Ераслан самарали меҳнат қилганлар.

Улар Яссавий ҳикматларининг тили тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Фуад Кўпрулузода Яссавий ҳикматлари тилининг Қорахонийлар сулоласи давридаги умумтуркий тилга яқинлигини қайд этади. А.Жаъфар ўғлининг «Турк тили тарихи» китобида (Истамбул, 1964 й.) «Девони ҳикмат» тилининг ўзбекчага яқинлиги кўрсатиб ўтилади. Венгер олими Х.Вамбери 1867 йилда Лейпцигда чиққан китобида Аҳмад Яссавийнинг тили Фарғона водийсининг Кўқон шеvasига асосланишини айтиб ўтади. Бироқ турк олими К.Ераслан «Девони ҳикмат»нинг туркча нашрига ёзган бош сўзида: «Бу бир тахминдир, — деб ёзади. — Ҳикматларде кўрилан дилин чағатай ва ё ўзбек адабий дили ўлмаяжағида кесиндир»¹.

Биз бу иқтибосни атайлаб туркча аслият ҳолида келтирдик. Бу ерда «кесиндир» деган сўз «узил-кесил», «аниқ ва қатъий» деган маъноларни билдиради. Яъни, муаллиф «Яссавий ҳикматларининг тили ўзбек адабий тили эмас» деган фикрни аниқ ва қатъий қилиб айтади.

Бизнингча, Яссавий ҳикматларининг тили бундай узил-кесил ҳулосага асос бермайди. Албатта, Яссавий ҳикматлари Марказий Осиёда яшаган туркийзабон халқларнинг тил бойликларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун қозоқ, туркман, қирғиз халқлари ҳам уни ўз шоирлари деб биладилар. Айни вақтда, улар Яссавий ҳикматларини ўз она тилларига таржима қилиб ўқийдилар. Профессор Кемал Ерасланнинг ўзи ҳам Яссавий ҳикматларини туркча таржимасида таҳлил ва талқин қилади. Бунинг баъзи мисолларини биз юқорида келтирган эдик.

Фақат ўзбек китобхонлари Аҳмад Яссавий ҳикматларини таржимасиз тушуниб ўқийдилар. Аҳмад Яссавийнинг ўзбекча аслияти:

«То тириксен, ишқ дафтари адо бўлмас».

Буни Кемал Ераслан турк тилига қуйидагича таржима қилган:

«Дири ўлган муддатча ишқ дефтери тамамланмас»¹.

¹ Ўша китоб, 36-б.

Аслият билан таржима тили орасидаги фарқлар Аҳмад Яссавийнинг қайси адабий тилга яқинроқ эканини яққол кўрсатиб турибди.

К.Ераслан ҳам ҳикматларда ўзбек тили хусусиятлари устун эканини сезади, аммо бунга кўпгина ҳикматларни Яссавийдан кейинги асрларда яшаб ўтган дарвешлар бизгача ўзбек тилида етказиб келганини сабаб қилиб кўрсатади.

Аввало, Яссавий ҳикматларидек улкан маънавий бойликни бизгача етказиб келган дарвишлардан миннатдор бўлиш керак. Сўнгра, Яссавий ўз ҳикматларини бу дарвешларнинг она тилларида яратганлиги учун ҳам, уларни ёдлаш ва авлоддан-авлодга етказиб бериш имконияти кўпроқ бўлганини ҳисобга олиш лозим.

Аҳмад Яссавий мол-дунёга ҳирс қўйган, мудом амал талашиб халқни қирғин урушлар гирдобига ташлаган подшо ва бекларга нафрат билдириб ёзади:

Дунё менинг деганлар
Жаҳон молин олганлар
Мулло муфти бўлганлар
Оқни қора қилганлар
Ҳаром еган ҳокимлар,
Тотлиқ-тотлиқ еганлар.
Турлик-турлик кийганлар
Олтин тахтга чиққанлар
Ер остига кирмишлар.

Кеккайган барча ҳукмдорлар ахийри қабрга кириб тупроқ бўлишларини айтиш билан шоир одамларни нафсга, ўткинчи манфаатларга бунчалик берилмасликка, инсофли ва адолатли бўлишга, Оллоҳни ва охиратни унутмасликка чорлайди.

Буюк ватанпарвар Аҳмад Яссавий XII асрдаёқ она тилимизнинг ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлиб майдонга чиққанди.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг адабий мактаби Турон ва Хуросондан ташқари, шарқда Мўғулистону шимолу ғарбда Волга бўйларидаги Олтин Ўрдагача Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизи бўйларидаги Туркиягача улкан ҳудудларда ижод қилган туркийзабон шоирларни бир адабий тил апрофига жипслаштиради.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Сайфи Саройининг «Туркий Гулистони», Туркияда ижод қилган Ҳожи Бектош асарларининг бадиий тили Аҳмад Яссавий ҳикматларининг

¹ Ўша китоб, 341-б.

энг яхши лисоний анъаналарига асосланганлиги бу фикрни исбот этади. Аҳмад Яссавийнинг издошлари бўлган Ҳаким ота, Саид ота каби ҳикматнавис шоирларнинг ижоди ва фаолияти турли-туман шевадарда сўзлашган туркийзабон халқларнинг ижодкорлари учун адабий тил бобида умумий дорилфунун бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асарига тўхталиб ўтайлик.

Бу насрий асар Аҳмад Яссавийдан салкам икки аср кейин, 1310 йилда Хоразмнинг Работи Ўғиз шаҳарчасида ёзилган. Рабғузий ўзи тўғрисида қофияланган бадиий тилда шундай маълумот беради:

«Бу китобни ёзган, тоат йўлинда тизган, маъсият (гуноҳ) ёбонин (даласини) кезган, оз озуклуқ, кўп ёзуқлуқ, Работи Ўғизнинг қозиси Бурҳон ўғли Носируддин».

Қавс ичида биз иккитагина сўзга изоҳ бердик. Қолган ўнлаб сўзлар ва жумла тузилиши наср билан айтилган ўзбек дostonларини эслатади. Қофиядош иборалар Рабғузий асари тилининг Яссавий ҳикматлари тилига жуда яқин эканини кўрсатиб турибди.

Рабғузий камтарлик юзасидан ўзини «гуноҳ даласини кезган», озиғи оз, ёзиғи, яъни пешонасига ёзилган машаққатлари кўп осий бандалардан бири, деб билади.

Аммо «ўқимоққа кераклик, ўрганмоққа (ўрганмоққа) яроғлик» бир китоб ёзишни унга топширган бекка қуйидагича юксак баҳо беради:

«Улуғ отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзгу хулқлиғ, ислом ёруғлиғ, мўғул санилиғ (мартабалик), мусулмон динлиғ, одамийлар инончи, мўминлар қувончи, ҳиммати адиз (баланд), ақли тегиз (тўқис) бегимиз Насируддин Тўқбуғадин... илтимос янглиғ ишорат бўлди»¹. Бу сўзлар салкам етти юз йил бурун ёзилган бўлишига қарамай, ўзбек китобхонига тушунарли, лўнда ва таъсирли тилда, гўзал шеърий қофияларда етиб келганлиги ҳайратланарли ҳолдир.

Бу асар чингизийлар ҳукмронлиги давом этаётган бўлса ҳам, Волга бўйларида то Хитой чегараларигача чўзилган улкан ҳудудларда мўғуллар қандай туркийлашаётганини ва ислом таълимотини туркий тилда «ўқимоққа кераклик, ўрганмакка яроғлик» китоблар орқали қабул қилиб

¹ «Қисаси Рабғузий». 1990 й., 6-б.

мусулмон бўлаётганини кўрсатадиган ажойиб тарихий далилдир.

Мўғул беки Тўқбуга шундай китобнинг яратилишига сабабчи бўлганлиги билан ҳам Рабғузийнинг юқорида келтирилган мақтовларига муносиб эканини сезиш мумкин.

Мўғул хон ва беклари Турон-Туркистонда ҳам, Дашти Қипчоқ ва Олтин Ўрдада ҳам ҳамон голиб сулола сифатида тахтда ўлтирар эдилар. Аммо туркий тил уларнинг она тилларидан устун келганлиги, улар туркий тилда ислом таълимотини қабул қилиб мусулмон бўлганликлари маънавий тараққиётимизнинг энг ёрқин ҳодисаларидан бири, деб баҳоланишга муносибдир.

Шомон динидаги мўғул хон ва беклари Россия ҳудудларида ҳам уч аср ҳукмронлик қилганлари тарихдан маълум. Насроний дини исломдан ҳам қадимийроқдир. Руслар Византия орқали насроний динини қабул қилган ва насронийлар маданиятини ўзлаштирган қадимий халқ саналади. Мўғул хони Ўзбекхон ва унинг кўпчилик беклари Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган даврларида шомон дини ўрнига насроний динини қабул қилишлари ҳам мумкин эди. Рус князлари ва руҳонийлари Олтин Ўрданинг хон ва бекларига ўз таъсирларини ўтказишга интиланлари шубҳасиз. Шереметьев, Юсупов каби бир қатор мўғул беклари Россияга кетиб насроний динини қабул қилганлиги ҳам тарихдан маълум.

Аммо шарқдан борган ва азалдан туркий қавмлар орасида яшаган кўпчилик мўғул бек ва хонларига Туркистон, Хоразм, Мовароуннаҳрнинг қадимий маданияти кучлироқ таъсир кўрсатади. Шунинг натижасида улар ўз она тилларини унутиб, туркийлашадилар ва туркий тил орқали исломни таниб, мусулмон бўладилар.

Ана шундай мўғул бекларидан бири бўлган Муҳаммад Хўжабек Сирдарё бўйидаги Сигноқда ҳукмронлик қилган. Унинг топшириғи билан 1353 йилда Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» достони ёзилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди:

Тун оқшомким, кўринди байрам ойи
Муҳаммад Хўжабек давлат хумойи
...Табассум қилди, айди: «Эй фалонки
Кетургил бизга лойиқ армуғони

Тиларменким бизинг тил бирла пайдо
Китоби айласанг бу қиш қатимда».
Қабул қилдим, ер ўпдим, айдим, эй шоҳ!
Эшигинг тупроғи давлатли даргоҳ.

Бу шеърий сатрлар ўзбек китобхони учун Рабғузий насридан ҳам тушунарлироқ. Саккиз сатр шеърда биронта изоҳталаб сўз йўқ. Ҳамма сўз ва иборалар мумтоз адабиётимиз тилида бор. Биз бу шеърий сатрларни қозоқ олими Н.Келимбетовнинг «Қазақ адабиятининг ежелги (қадимги) даури» деб аталган китобидан олиб келтирдик. Китобда Хоразмий қаламига мансуб ушбу шеърларнинг қозоқча таржимаси ҳам келтирилган. Қиёс учун бир неча сатрини келтирамиз:

Мейрем кечинде аспанда ай кўрингенде
Муҳаммад Қўжабек — мемлекет амирчиси
Кулимсиреп сўйлади:
«Ақыним бизга лайиқти тарту жаса
Тилегим ўз тилимизда жир жасасанг
Ол китабингди ўси қисда қасимда журиб жазсанг»¹.

Аммо қозоқ тилида шеърни аруз вазнига тушириш мушкул. Чунки бу тилда тўққизта унли товуш бор. Улар сингармонизм қондасига биноан араб ва форс тилларидаги узун-қисқа товушлар тизимига мос келмайди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си эса аруз вазнида ёзилган. Уни қозоқчада ўлан вазнида таржима қилганда аслиятдаги шеърий нафосат йўқолиб қолади.

Бундан ташқари, кўпгина араб ва форс сўзлари қозоқ тилида маъноси ва талаффузи ўзгарган ҳолда қабул қилинган. Масалан, «Муҳаббатнома»нинг аслиятида Хўжабек — давлат бошлиғи эмас, балки хоннинг Сирдарё бўйида ҳокимлик қиладиган бир беки сифатида таърифланади. Аммо таржимада «Хўжабек — мемлекет амирчиси» яъни ҳукмдори деб аталади. Бунинг сабаби — қозоқ адабий тилида арабча «давлат» сўзи «мемлекет» деб ноаниқ қабул қилинган. Ҳолбуки, мамлакат (русча страна) билан давлат (государство) орасида катта фарқ бор.

¹Н. К е л и м б е т о в. «Қазақ адабиятининг ежелги даури». Алма-Ата. 1986 ж., 171–172-бетлар.

Мана шу объектив сабабларга кўра «Муҳаббатнома» ўзбек тилида чин аслият бўлса, қозоқ тилида аслиятдан анча узоқлашган таржима ҳолига келган.

Бунинг тарихий сабаблари бор. Хоразм — қадимий маданият маркази. Хоразмийнинг исми — унинг шу маданият марказида туғилиб ўсганидан далолат беради. Бу маданият марказининг адабий тили Аҳмад Яссавий, Рабғузий каби биз юқорида асарларидан мисоллар келтирган шоир ва адибларнинг таъсирида шаклланган. Бу шоирлар Туркистон ўлкасида, Сирдарё ва Амударё бўйларида ижод қилганлар. Шу объектив сабабларга кўра уларнинг адабий тили Аҳмад Яссавий, Адиб Аҳмад, Рабғузий каби етакчи ижодкорлар таъсирида шаклланган.

Хоразмийдан кейин туркий тилда ижод қилган Қутб ва Сайфи Саройилар бири Волга бўйида, Олтин Ўрда ҳудудида, бири ҳатто Узоқ Мисрда яшаган бўлсалар ҳам, минг йиллар давомида «Алп Эр Тўнға», «Билге хоқон», «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» дostonлари, Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг мактабига мансуб ворислари яратган адабий тил меъёрларига риоя қилганлар. Чунки бу меъёрлар асрлар синовидан ўтиб, барча туркий элат ижодкорларини ўз атрофига жипслаштира оладиган ибратли қондалар ва мумтоз фазилатларга эга бўлган.

Шунга қарамай, бир қатор туркшунос олимлар «Муҳаббатнома» дostonини «Чигатой тилида ёзилган» деган фикрни олдинга сурадилар.

Юқорида биз «Чигатой тили», «Чигатой адабиёти» деган ибораларнинг ҳеч қандай тарихий ва назарий асосга эга бўлмаган, сунъий нарсa эканини айтган эдик. Афсуски, тилшунослар орасида бу ибора ҳанузгача мумтоз ўзбек адабий тилига нисбатан татбиқ этиб келинмоқда. Бу масалага оид характерли мисолларни таниқли туркшунос Э.Н.Нажипнинг туркий тилларга бағишланган китобларида кўриш мумкин.

«А.Н.Кононов ўз вақтида тўғри кўрсатганидек, — деб ёзади Э.Н.Нажип, — Чигатой улусининг тили Қорахонийлар адабий тилига ва XIV асрдаги Темурийларнинг мамлакатларидаги адабий тилга асосланиш билан бирга Олтин Ўрданинг ғарб қисмидаги Жўчи улусининг адабий тили асосида такомил-

лашди. Кейинчалик чигатой тили эски классик ўзбек адабий тилини бошлаб берди»¹.

Хайриятки, бу туркологлар Аҳмад Яссавий ҳикматлари тилини «чигатой» тилига мансуб қилиб қўя олмадилар. Чунки Аҳмад Яссавий Чигатойдан бир аср олдин «Девони ҳикмат»ни яратиб кетган эди.

Лекин четдан келиб бизнинг тилимизга турли номлар беришни яхши кўрадиган туркологлар Аҳмад Яссавийни ҳам ўзбек адабий тилидан мумкин қадар узоқлаштириш учун уни қипчоқ-ўғуз тилига мансуб қилиб кўрсатадилар. Э.Н.Нажип бу гал А.К.Боровковнинг шу ҳақдаги фикрини қўллаб-қувватлайди:

«Девони ҳикмат»нинг тилини таҳлил қилган А.К.Боровков бу асар тилида Шарқий Қорахонийлар тили таъсири борлигини кўрсатиш билан бирга «Ҳикматлар» тили мустақил қипчоқ-ўғуз тилига мансуб, деган хулосага келади.

Яссавий ҳикматларининг қипчоқ-ўғуз тилида пайдо бўлиши қарлуқ-уйғур тили билан бирга иккинчи адабий тил мавжуд бўлганини исбот этади»².

Қипчоқ тили намуналарини юқорида келтирдик. Бу тилнинг характерли белгилари бўлган «жўл», «жўқ», «жахши» каби «же»ловчи сўз ва иборалар Аҳмад Яссавий ҳикматларида мутлақо учрамайди. Ўғуз тилига келсак, ундаги «тоғ» ўрнига «доғ», «тирик» ўрнига «дири», «кириш» ўрнига «гириш» каби характерли сўз ва иборалар ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматларида йўқ. Шунинг учун қозоқ ва турк қардошларимиз Аҳмад Яссавийни ўз тилларига таржима қилиб ўқийдилар.

Мана, Яссавий «Муножот»идан яна тўрт сатрини олиб, аслият билан туркча таржимани қиёслаб кўрайлик:

Аслият:

Чин олим ёстигин тошдин яратти
Нима уқди ани оламга айтди.
Ўзин билди эрса Ҳақни билди
Худодин қўрқди ва инсофга келди.

¹ Э.Н.Нажип. «Исследования по истории тюркских языков». М., 1989., стр. 247–248.

² Ўша китоб, 56-б.

Туркча таржимаси:

Герчек алим йастиғини таштан қилди
Англадиғи шейи аламе деди.
Кендини билди эса ҳаққи билди
Худадан қўркди ва инсофа гелди¹,

Масалага холисанлилло ёндашганда, Аҳмад Яссавий ҳикматларининг аслияти ўзбекча экани, унинг қипчоқ ва ўғуз тилларидаги матнлари шу аслиятдан келиб чиққанлиги ушбу тўрт сатрда яна бир марта инкор этиб бўлмайдиган тарзда кўзга ташланади.

Бу билан биз Аҳмад Яссавий тилини фақат ўзбек тилига мансуб демоқчи эмасмиз. Яссавий ижоди ва тили барча туркий халқларнинг умумий маданий бойлигидир. Фақат бу маданий бойликнинг яратилишида ва бизгача етиб келишида ўзбек адабий тили устун мавқе эгаллашини объектив факт сифатида қайд этмоқдамиз, холос.

Машҳур туркшунос олим А.Н.Самойлович «Чигатой тилининг» мавқеини Э.Н. Нажипдан ҳам баландроқ кўтариб, унинг тарихини олти асрга чўзади:

1. Чигатой адабий тилининг олтин даври (XV–XVI асрлар).
2. Чигатой адабий тилининг инқироzi (XVII–XVIII асрлар).
3. Чигатой адабий тилининг қайта жонланиши (XIX аср ва XX асрнинг боши)»².

Бу иқтибос филология факультетлари учун 1984 йилда чиқарилган дарсликдан олинди. Совет даврида Чигатой номи Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг ҳаспўшлаш учун атайлаб шундай баланд мавқега кўтарилган эди.

Аслида, Чигатой улуси XIV асрнинг етмишинчи йилларидаёқ сиёсий ва жуғрофий тушунча сифатида йўқ бўлган эди. Амир Темур 1370 йили Марказий Осиёда давлат тепасига келгандан кейин Чигатой авлодлари бу ҳудуддан қувилган. Мовароуннаҳр яна қадимий номи билан Турон ва Туркистон деб атала бошлаган эди. Чигатой исми энди фақат туркийлашган бир мўғул уруғининг оти ёки «Чигатойтепа», «Чигатой қабристон» каби жой номлари сифатида сақланиб қолган эди. Шунга қарамай,

¹ A.Y e s e v i. «Divani Hikmet». Ankara, 1991 й., 274–275–бетлар.

² И.Қ ў ч қ о р т о е в, Б.И с а б е к о в. «Туркий филологияга кириш». 1984 й., 54 б.

сунъий ясалган «чиғатой тили» тушунчасини Алишер Навоий ва Бобур Мирзо тилига нисбатан ҳам татбиқ этиш, яна бу сохта атама тарихини XX асргача чўзиб келиш илм-фанга эмас, фақат қарам қилинган халқларнинг юксак маданиятини камситишга хизмат қиладиган ғайриилмий бир сиёсат эди. Афсуски, айрим ўзбек олимлари тил тарихига оид китобларида «чиғатой тили» иборасининг моҳиятига эътибор бермай келадилар.

Университетларнинг филология факультетлари учун ўқув қўлланма сифатида 1994 йилда нашр этилган китобда шундай сатрлар бор:

«Туркшуносликда баъзан *чиғатой адабиёти ва чиғатой тили, чиғатой туркийси* атамалари учрайди. Бу ўриндаги чиғатой адабиёти атамасини ўзбек мумтоз адабиёти деб тушунмоқ керак. Чиғатой тили атамаси эса эски ўзбек адабий тилини англатади»¹.

Бу маълумотни талабалар онгига ўқув қўлланма орқали етказиб бераётган тилшунос олимларимиз бир лаҳза ўйлаб кўрмайдиларки, Чиғатой ўзи ким бўлганки, бутун бир адабий тилни, ҳатто Алишер Навоий давридаги мумтоз адабиётни «Чиғатой тили», «Чиғатой адабиёти» деб аташ керак?

Бир вақтлар Бокуда «Советская туркология» журнали чиқарилар эди. Бу журналда машҳур турколог олимларнинг илмий ишлари чоп этиларди. Туркий тилларга оид яхши тадқиқотлар билан бирга бу журналда совет мафкурасига мос келадиган хулосалар ҳам бериб бориларди. Ана шу хулосалардан бири мумтоз ўзбек адабий тилини тарихий-миллий илдиэларидан узоқлаштириб, «чиғатой тили» деб номлашда кўзга ташланарди.

Бу ҳодисага ўзбек тили тарихига оид бошқа бир китобда бир қадар танқидий муносабат билдирилади:

«Кўпчилик туркологик адабиётда XIV-XVI асрлар адабий тилига нисбатан «чиғатой тили» атамасини ишлатадилар...

В.В.Радлов, А.М.Шчербак, Абулғози Баҳодирхон таъкидлаганидек, чиғатой тили — сунъий тилдир»².

Аниқроқ қилиб айтганда, бундай тил, умуман, тарихда бўлган эмас. Агар чиғатой тили тарихда бўлганда, Алишер

¹ А.Алиев, Қ.Содиқов. «Ўзбек адабий тили тарихидан». 39-б.

² У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Алиев. «Ўзбек адабий тили тарихи». 1995 й., 104–105-бетлар.

Навоийдек, Бобур Мирзодек XVI асрда яшаган улуғ сиймолар ўз асарларида бу тилни албатта қаламга олган бўлардилар. Улар Чигатой улуси ва туркийлашган чигатой-мўғул қавми борлигини қайд этганлар. Аммо ўзлари ижод қилган адабий тилни ҳамма жойда «туркий тил» деб атаганлар. Бунинг энг кўп далилни «Муҳокамат ул-луғатайн»дан топиш мумкин.

Юқорида эслатиб ўтилган Э.Н.Нажипнинг китобида «чигатой тили»дан ташқари, «Олтин Ўрда адабий тили» деган яна бир сунъий атама илмий истеъмолга киритилади. «Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си Олтин Ўрда давлати таркибига кирган Сирдарёнинг қуйи оқимида яратилганлиги учун унинг тилини «Олтин Ўрда тили» деб айтиш мумкин, — дейди Э.Н.Нажип. — Кутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони тилини ҳам Олтин Ўрда тилида ёзилган деб ҳисоблаш мумкин. Сайфи Саройининг «Гулистон» асари тилини биз қипчоқ-ўғуз тилида ёки Олтин Ўрда-Миср тилида ёзилган деб айтамиз»¹.

Албатта, Олтин Ўрда ҳудудида ҳам маданият ва тил ривожлангани шубҳасиз. Ҳозир бу ҳудудларда қозоқ, бошқирд, татар қардошларимиз яшайдилар. Уларнинг орасидан чиққан тилшунос олимлар ўз она тилларининг ривожига ижобий таъсир қилган ёрқин адабий асарларни илмий жиҳатдан ўзлаштиришга интиладилар. Бу ҳаммаси тушунарли ва жоиз.

Фақат ҳар бир олимнинг биринчи навбатдаги вазифаси масалага объектив нуқтаи назардан ҳолисанилло ёндашиш эканини унутмаслигимиз керак.

Хоразмдай қадимий маданият марказида туғилиб ўсган ва шу ўлканинг адабий тилида «Муҳаббатнома» асарини Сирдарё бўйида, қадимий туркий шаҳар — Сигноқда ёзган Хоразмий қандай қилиб «Олтин Ўрда адабий тилига» мансуб бўлади? Ўша даврда Сигноқ Олтин Ўрдага қарашли бўлгани учунгинами? У даврда Москва ҳам Олтин Ўрда давлатига қарашли бўлган. Москвада ўша вақтларда ёзилган асарларни Олтин Ўрдага мансуб қилиб кўрсатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди-ку.

Қозоқ, татар, бошқирд адабий тиллари бор. Лекин «Олтин Ўрда адабий тили» деган ибора «Чигатой тили» деган атама каби илмий асосдан маҳрумдир.

¹ Э.Н.Нажип. «Турк тиллари тарихи бўйича тадқиқотлар. XI-XIV асрлар». 248-249-бетлар.

Буни биз юқорида «Муҳаббатнома»дан келтирилган мисолда кўрдик. Энди бу фикрнинг исботини Қутб ва Сайфи Саройи асарларидан излаб кўрайлик.

Қутб Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини милодий 1341–1342 йилларда форсчадан туркий тилга таржима қилади. Мана, ўша таржимада Хусрав билан Фарҳоднинг савол-жавоби:

Бурун сўрди: не ерликсан сен?
Айттики: ошиқлар шаҳаридин мен.
Айтти: не саноат қилурлар?
Айтти: жон сотиб, қазғу алурлар.
Айтти: жонни сотмоқлик хато ул.
Айтти: ошиқ йўлинда раво ул.
Айтти: не қадар севдинг сен они.
Айтти: сўзга сигмас ҳеч баёни.
Айтти: гар йўлуқсанг, кўрса сени.
Айтти: кўзга сургум тупроқини.

Ўн мисрали бу шеърда биз учун фақат битта сўз изоҳ талаб қилиши мумкин. Бу ҳам аслида «ариқ қазиш»дан олинган «қазғу» сўзидир. Қолган ҳамма сўз ва ибораларни худди Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари каби биз таржимасиз тўлиқ тушунамиз.

Қутб асарининг тили қипчоқ-ўғуз адабий тилига унчалик мос келмагани учун қозоқ қардошларимиз юқоридаги сатрларни ўз она тилларига қуйидаги тарзда таржима қилганлар:

Алдимен сўради: Қай жерликсин сен?
Жавап берди: ашиқлар қаласинан мен.
Айтти: сенинг қандай онаринг бор?
Айтди: жан сатип, жер қазамин.

Қолган олти сатрнинг таржимасини келтириш шарт эмас. Шу тўрт сатрнинг ўзидаёқ Қутб асарининг тилида қипчоқ-ўғуз тили мавқеидан кўра ўзбек адабий тили мавқеи устунроқ экани яққол кўзга ташланиб турибди.

Энди Сайфи Саройининг «Гулистон бит-турки» асаридан мисол келтирайлик: Саъдийнинг «Гулистон»ини Сайфи Саройи туркий тилда шундай таърифлайди:

«Гул тиласа хотиринг тўла табақ
Бу «Гулистон»дан ўқи бир варақ
Гул жамоли бир неча кунда кечар.
Бу «Гулистон» доимо кўнгил очар.
Ул ажойибки ғаройиб мунда бор
Хусраву Ширин ичинда канда бор?
Бу латофат боғу бўстони дурур
Булбул муғаннийи «Гулистон»и дурур».

Сайфи Саройи Қутбдан анча кейин яшаб ўтган, «Гулистон бит-турки» асарини 1391 йили етмиш ёшида ёзиб тутатган. Ҳар икки шоир ҳам Туркистон ўлкасида билим олганлиги ва Аҳмад Яссавий адабий мактабидан баҳраманд бўлганлиги улар ёзган асарларнинг содда ва раво тилидан кўриниб турибди.

Бу таҳлиллардан мақсад бир адабий тилнинг иккинчисидан афзаллигини кўрсатиш эмас. Чунки ҳар бир тил ўзига хос афзалиятга эга. Бу афзалиятлар қипчоқ тилида ҳам бор. Лекин Қутб ҳам, Сайфи Саройи ҳам форс тилида аруз вазнида ёзилган асарларни она тилларига таржима қилганда Аҳмад Яссавий адабий мактабининг анъаналарига суянганлар. Аҳмад Яссавий эса туркий тилнинг бойликлари билан бирга араб-форс тилларининг бойликларидан ҳам моҳирона фойдаланган.

Қипчоқ тили аруз вазнида форс тилида ёзилган «Хусрав ва Ширин», «Гулистон» асарларини аслига мос аруз вазнида таржима қилиш имконини бермайди. Саъдий «Гулистон»идаги «хотира», «варақ», «ажойиб», «ғаройиб», «латофат», «муғанний» каби арабча-форсча сўзларнинг қипчоқ тилида таржимаси топилмаган. Шунинг учун қозоқчада улар қисман бошқа сўзлар билан алмаштирилган. Масалан, «варақ» — «бет», «хотиринг» — «жанинг», «гул» — «роза». Асли арабча бўлган «ажойиб», «ғаройиб», «латофат», «муғанний» сўzlари эса таржима қилинмасдан ташлаб ўтилганлиги боис мазмун саёзлашган. Арузда ёзилган теран маъноли фалсафий шеъроддий бир ўланга ўхшаб қолган.

Гап бу ерда ҳам таржиманинг нуқсонлари ҳақида бораётгани йўқ. Гап «Қутб ва Сайфи Саройи асарлари Олтин Ўрда ва қипчоқ адабий тилида ёзилган» деган фикрнинг илмий исботи йўқлиги ҳақида бораётир. Сайфи Саройи умрининг бир қисмини Африка қитъасида, Нил дарёси бўйида, Мисрда ўтказган экан. Э.Н. Нажип шу фактдан келиб чиқиб, унинг

«Гулистон бит-туркий» асарини, «Олтин Ўрда — Миср адабий тилида ёзилган» деган фикрни ҳам ўртага ташлаган.

Олтмишинчи йилларда Тошкентда «Ўзбек адабиёти» деган уч жилдлик хрестоматия нашр этилиб, унда Қутб ва Сайфи Саройи асарларидан ҳам намуналар берилганлиги Э.Н.Нажип каби туркологларнинг қаттиқ эътирозига учраган эди. Бу эътирозларнинг мазмунини жўнроқ қилиб айтадиган бўлсак, улар: «Ҳамма классикларни ўзбеклар ўзлаштириб олаверадими? Қайси классик қаерда яшаганига қараб, уларни бошқа туркий халқларга ҳам тақсимлаб бериш керак», деган фикрдан келиб чиққан эди.

«Бўлиб ташлаб бўйсундур» деган қадимий ақидага биноан, туркийзабон классикларни яшаб ўтган жойларига қараб, Чигатой адабий тилига ёки Олтин-Ўрда адабий тилига, ҳатто «Миср адабий тилига» мансуб қилиб тақсимлаш натижасида Қутб ва Сайфи Саройи қипчоқ-ўғуз адабий тилида ижод қилган бўлиб чиқади. Шўролар марказидан берилган кўрсатмага бизнинг адабиётшуносларимиз ҳам бир қанча вақт амал қилишиб, Қутб ва Сайфи Саройи асарларини ўзбек адабиёти дарсликларига киритмагандилар.

Ниҳоят, истиқлол даврида бу борада ҳам тарихий адолат тикланиб, 1994—95 йилларда чиққан тил ва адабиётимиз тарихига оид китобларда Яссавий, Рабғузий, Хоразмийдан кейинги адабий авлодлар қаторида Қутб ва Сайфи Саройи асарлари таҳлилига ҳам муносиб ўрин берилмоқда¹.

Албатта, уларнинг адабий тили туркийзабон халқларнинг ҳаммаси учун умумий асос бўлиб хизмат қилади. Қутб ва Сайфи Саройи Олтин Ўрда давлатининг ҳудудида Чингизхон авлодларидан Ўзбекхон ҳукмронлик қилган даврда яшаганлар. Ўзбекхон ислом динини қабул қилгандан кейин махсус фармон билан Жўжи улусининг аввалги номини «Ўзбек улуси» деб ўзгартиради. Бу фармонга бўйсунмаганларни аёвсиз жазолайди.

Шу шароитда ижод қилган Қутб ва Сайфи Саройи ўз асарларини «ўзбек тилида ёздик» деб, Ўзбекхондан мукофот олишлари мумкин эди. Лекин у пайтда ҳали «ўзбек тили» деган атама истёъмолда йўқ эди. Ўзбекхоннинг ўзи ҳам Аҳмад

¹ А.Мухторов, У.Санақулов. «Ўзбек тили тарихи». 1995 й., 72-85-бетлар.

Яссавийнинг диний таълимотини туркий тилда ўрганиб мусулмон бўлган эди. Шу сабабли, Сайфи Саройи ўз асарини «Гулистон бит-турки», яъни «Туркий Гулистон» деб атагани, ўзининг Аҳмад Яссавий туркий мактабига мансублигини тан олганидан далолат беради.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг адабий мактаби шарқда Мўғулистон чегараларигача, шимоли ғарбда Волга бўйларигача, жанубда Мисргача бўлган шундай кенг ҳудудларда ижод қилган шоирларни бир адабий тил атрофига жипслаштиргани ва хилма-хил шеваларда сўзлашган туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бир дорилфунун бўлиб хизмат қилгани илм-фанда ҳали ўзига яраша баҳо олгани йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бундан олти юз йил муқаддам Амир Темур Аҳмад Яссавийни юксак даражада эъзозлаб, унинг номига Туркистон шаҳрида муҳташам мақбара қурдиргани, нафақат бизнинг, балки бутун жаҳон эътиборига сазовор тарихий ҳодисадир.

* * *

Тарихдан маълумки, Амир Темур Тўхтамишхон ва бошқа ғанимларини енгиб, улкан ғалаба билан беш йиллик юришдан қайтгандан кейин, 1397 йилда Самарқанддан Туркистонга Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга боради. Давлат иши билан беҳад банд бўлган улкан ҳукмдорнинг отда бир неча юз чақирим йўл босиб ва Сирдарёни кечиб ўтиб зиёратга боргани унинг Аҳмад Яссавийга ихлоси баланд бўлганидан далолат беради.

Аҳмад Яссавийга ихлос Амир Темурда қандай пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар бизгача етиб келган эмас. Тахмин қилиш мумкинки, ёшликдан зеҳни жуда ўткир бўлган Темурбек Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўз ота-онасидан эшитган бўлиши мумкин. Чунки Темурбекнинг онаси Тегина бону Бухорода руҳоний оиласида ўсганлиги тарихдан маълум. Аҳмад Яссавий ҳикматлари энг аввал Бухорода Абдулхолиқ Ғиждувоний билан бирга ўқиган ва ҳамкорлик қилган даврларида эл орасида шуҳрат қозона бошлаган эди. Темурбекнинг отаси Амир Тарағай эса Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимотига ихлос қўйган Амир Шамсиддин Кулолнинг муриди эди. Амир Шамсиддин Кулол эса эътиқод жиҳатидан Аҳмад Яссавийга яқин эди.

Амир Темур Аҳмад Яссавийдан салкам икки аср кейин тарих саҳнасига чиқади. Бу асрлар давомида мўғул истилоси Турон ва Туркистонни кўчманчи чингизийларнинг интиҳосиз жабру зулмлари исканжасига солади. Сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан босқинчиларга бас келадиган кучлар ҳали жабрдийда халқ орасидан етишиб чиқмаган эди. Фақат маданий жиҳатдан кўчманчи чингизийларга нисбатан Турон халқи устун турарди.

Чигагой улусидаги мўғул ҳукмдорлари ҳам, Олтин Ўрдадаги Ўзбекхон каби, мўғул тили ва шомон дини ўрнига туркий тил ёрдамида ислом динини қабул қилганлари кучлар нисбатини зимнан ўзгартирди.

Маданий савияси, тили ва адабиёти босқинчиларникидан кўра бир неча поғона баланд бўлган туркий аҳолининг мўғул истилочиларига нисбатан маънавий жиҳатдан устунликка эриша бошлагани XIV асрга келиб кўзга яққол ташланди.

Ҳамма нарсани жуда теран идрок этадиган ва ёшлигидан Турон учун жон куйдириб ватанпарвар бўлиб ўсган Амир Темур Аҳмад Яссавий руҳи ва унинг ҳикматлари туркий элларнинг босқинчи мўғуллар зулмига қарши курашида қудратли маънавий қурол бўлиб хизмат қилишини дилдилдан сезган бўлиши керак.

Амир Темур Аҳмад Яссавийнинг XIV асрда яшаган авлодларидан Хўжа Боязидга мурид бўлганлиги тўғрисида Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да жуда қимматли маълумот беради.

Хўжа Боязид Аҳмад Яссавийнинг иниси Исмоил ота ва унинг фарзанди Исҳоқ отага неvara бўлар экан.

«Темурбек онинг (яъни Хўжа Боязиднинг) суҳбатига келибдур. Келурда кўнглидан кечибдурки, бу эрнинг маъно олаmidан хабари бўлса, бизга иссиқ ҳалво тортқай. Ул муридларга ҳалвони худ буюргон экандур. Бек била саломлашиб кўришгандин сўнгра дебдурки, аввал салом, ўртаси таом ва охири калом. Филҳол ҳалвони тортдурбдур. Бекка бу ҳол зоҳир бўлгач, лангар ясаб, кўп авқоф қилибдур»¹.

Аҳмад Яссавий авлоди бўлган Хўжа Боязид суҳбатига Темурбек бот-бот келиб турганини мана шу лавҳанинг мазмунидан пайқани мумкин. Бу суҳбатларда, албатта, Аҳмад

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XVII жилд. 2001 й., 421-б.

Яссавийнинг ҳикматлари кўп тилга олинган. Хотираси яхши бўлган Амир Темури уларни ёд олган бўлиши керак.

Парчанинг охирида «Бекка бу ҳол (яъни Хўжа Боязиднинг каромати) зоҳир бўлгач, лангар ясаб кўп авқоф қилибдур» деган сўзларнинг теран маъноси бор. Амир Темурининг ўзи ҳам кароматли сиймо бўлганлиги учун Хўжа Боязидни шу тарзда синаб кўриб, унинг кароматига амалда имон келтиради. Шундан кейин Хўжа Боязидга «лангар» деб аталадиган махсус зиёратгоҳ қурдириб беради ва катта ер, мулкни солиқ олинмайдиган вақф тарзида инъом қилади. Шундан тахмин қилиш мумкинки, бу ҳодиса Амир Темури давлат тепасига келган йилларда содир бўлади.



АМИР ТЕМУР МАЪНАВИЯТИ ТИЛИМИЗ КЎЗГУСИДА

Адабий тилимизнинг тадрижий ривож тарихий жараёнларнинг дарёдай бетиним ҳаракатда бўлганини кўрсатади. Тарих дарёсининг тўлқинлари бир-бирига занжир ҳалқаларидек боғланиб ҳаракатланади. Тарих яратувчи улуғ сиймоларнинг фаолиятлари ҳам бир-бирига дарё тўлқинларидек боғланиб кетади ва умумий йўналишга эга бўлган миллий ўзанда ўзига хос тизим (системани)ни вужудга келтиради.

Ана шу тизимда биз «Алп Эр Тўнға» дostonининг туркий анъаналарини «Билге хоқон ва Култегин» дostonларида, «Қутадғу билиг»да, «Девону луғотит турк»да ва Аҳмад Яссавий яратган адабий мактабда қандай ривожланганини ва илк мумтозлик сифатларига эга бўлиб борганини баҳоли қудрат кўрсатишга интилдик.

Энди мана шу тарихий тизимда Аҳмад Яссавий ва унинг ворислари яратган улкан адабий мактаб Амир Темур фаолиятига қандай таъсир кўрсатганига эътибор қаратайлик.

Тарихдан маълумки, Амир Темур Тўхтамишхон ва бошқа ғанимларни енгиб, улкан ғалаба билан беш йиллик юришдан қайтгандан кейин 1397 йилда Самарқанддан Туркистонга Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга боради. Давлат иши билан беҳад банд бўлган улкан ҳукмдорнинг отда бир неча юз чақирим йўл босиб ва Сирдарёни кечиби ўтиб зиёратга боргани унинг Аҳмад Яссавийга ихлоси катта бўлганлигидан далолат беради.

Амир Темур ёшлигида Турон учун жон куйдириб, ватанпарвар бўлиб ўсган ва чингизийлар истилосига қарши курашган. Аҳмад Яссавий руҳи ва унинг ҳикматлари бу ишда унга доим мадад берган.

«Темур тузуқлари» нинг 1837–1838 йилларда Қўқонда Амир Умархон саройида Хотиф Хўжандий форсчадан қилган

яна бир таржимасида Амир Темур тилидан қуйидаги сўзлар келтирилади:

«Рум пойтахти томон юзланиб Ҳазрат Шайх Яссавий мақоматида фол очдим. Башорат бўлдиким, ҳар урушда мушқил юзланса бу ҳикматни ўқингиз:

Ялдо кечани шамъи шабистон этган
Бир оламни гулистон этган
Бас, мушқил ишим тушубдир, осон этгил,
Эй, барчани мушкилини осон этган!»

Амир Темур Рум Қайсари билан жанг қилганда бу ҳикматни ёддан етмиш марта такрор этганини айтади.

Инсон ўз ҳаётининг энг мушқул дамларида она тилида парвардигордан нажот сўраб илтижо қилади. Амир Темурнинг Аҳмад Яссавийга эътиқоди кучли бўлгани учун оғир жанг пайтида унинг она тилимиздаги ҳикмати худога муножот каби такрорлаб мадад сўраши табиий ҳол. Аҳмад Яссавий ворислари унинг ҳикматлари билан қуролланиб, чингизийларни туркий тил ёрдамида мусулмон қилганлари босқинчилар устидан эришилган илк маънавий ғалаба эмасмиди?

Юқоридаги тўртликнинг яна бир муҳим жиҳати — «Темур тузуклари» да Амир Темурнинг Аҳмад Яссавийга маънавий ворис сифатида намоён бўлишидир.

Биз Темурийлар давридаги адабий тилимиз ривожини таҳлил қилар эканмиз, бу даврда халқимиз тақдирида, тилимиз ва адабиётимиз тарихида жуда муҳим бурилишлар юз берганига ва бу бурилишлар энг аввало «Темур тузуклари»да ўз аксини топганига амин бўламиз.

Ватанимиз Туронзамин ва унинг ерли халқлари бир юзу эллик йил мўғул босқинчиларининг жабру зулмини бошдан кечирди. Жуда катта ҳарбий кучга эга бўлган Чигатой авлодлари Турон халқини қурол кучи билан ўзига қул қилиб олган эди.

Қуллик занжирини узиб ташлаш ва мамлакатни истилочилардан озод қилиш учун Амир Темур ва унинг содиқ одамлари саккиз йилдан ортиқ ўлим хавфи билан олишиб, энг оғир шароитларда қаҳрамонона кураш олиб борадилар.

Бу курашнинг энг ёрқин ва ҳаққоний тафсилотлари «Темур тузуклари» номи билан жаҳонга танилган тарихий-адабий мемуар асарда кўрсатилгандир.

Бу асарнинг аслияти туркий тилда ёзилганини кўпчилик тан олади. Бироқ замонлар зайли билан ҳалигача аслият топилмагани ва фақат унинг форс тилига қилинган таржимаси бизгача етиб келганлиги сабабли «Темур тузуклари»нинг муаллифи тўғрисида дунёнинг турли мамлакатларида сўнгги икки-уч аср давомида ҳар хил зиддиятли фикрлар билдириб келинади.

Ўрни келганда биз уларга махсус тўхталамиз.

Бу ерда «Темур тузуклари»нинг Алихон Соғуний форс тилидан қилган таржимасида она тилимизнинг Амир Темур сиймосига мос келадиган услубий хусусиятлари яхши ифода этилганини айтиб ўтгимиз келади. Матнда кўп учрайдиган «тузук», «ёрлиқ», «кенгаш», «ясол», «қўшун», «қўналға» каби соф туркий атамаларнинг устун мавқе эгаллаши ҳам бу асарни Амир Темур туркий тилда яратганидан далолат беради.

Энг муҳими, асарнинг бош қаҳрамони, Туронзаминни мўғул истилосидан озод қилиш учун бошланган халқ ҳаракатида 25 ёшлик баҳодир йигит — Темурбек етакчилик қилгани, унинг зиммасига тушган ўлим хавфи, қувғинлар, қамоқлар ва бошқа азобу уқубатларга қарамай, метин ирода билан ўз олдига қўйган мақсадига интилиши, юқоридаги масалага ойдинлик киритиш имконини беради.

Амир Темур ҳаётининг бурилиш паллаларидан бирига бағишланган саҳифадан парча келтирайлик:

«Мовароуннаҳрда чингизийларнинг¹ жабру зулми кучайиб кетди. Улар саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб қамаб қўйдилар... Мен бу мазлумларни золимлар зулмидан халос қилдим. Бу иш чингизийларнинг менга нисбатан душманлик қилишига сабаб бўлди... Хон мени ўлдириш ҳақида ёрлиқ юборди. Бу ёрлиқ менинг қўлимга тушиб қолди... Барлос қавмининг баҳодир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштирдим. Менга бўйсуниб, кўмакдош бўлишга розилик берган биринчи киши — Ики Темур бўлди, иккинчиси Жоку барлос эди...

Мамлакатнинг уламо ва машойихлари фатво ёзиб бердилар... «Мусулмонларнинг ери, молу мулки, номуси ва

¹ Асарда «ўзбекларнинг» дейилган, лекин чингизийлар назарда тутилган.

жонига зулм-ситама қўлини чўзган чингизийларни дафъ қилишда барча аҳли ислом мол ва жонларини аямай Темурбекга ёрдамлашсинлар...»

Бу фатвони менга кўрсатганларидан кейин жангу жадал байроғини кўтариб, чингизийлар устига лашкар тортишга қарор қилдим... Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар... Шундан кейин ўйланиб қолдим. Яхшиси, шаҳардан чиқиб, Самарқанд тоғларида жойлашай. Токи менга қўшилишни истаганлар ҳузуримга келсинлар... Самарқанддан чиққанимда олтмиш отликдан бошқа бир киши ҳам менга эргашмади.

... Тоғда бир ҳафтача кутиб ётдим, бирор киши бизга келиб қўшилмади»¹.

Бу ҳодисаларни фақат ўзи бошидан кечирган одамгина шундай аниқ, тиниқ ва таъсирли ҳикоя қилиб бериши мумкинлиги, келтирилган парчанинг бутун мазмунидан ва ҳар бир сатридан сезилиб туради.

Шунга қарамай, XVII асрда инглиз олими И.А.Сторн «Темур тузуқлари»ни Амир Темур ўзи ёзмаган, балки уни Эронда Абу Толиб Ҳусайний ёзган» деган даъво билан чиқади.

Бўрибой Аҳмедовнинг «Темур тузуқлари»га ёзган кириш сўзида рус олимлари В.В. Бартольд ва А.Ю. Якубовскийлар ҳам «Темур тузуқлари» Амир Темурдан анча кейин XVII—XVIII асрларда бошқа муаллиф томонидан ёзилган» деган фикрни билдирганлари айтилади².

Амир Темур давридаги тарихнавислик, тил ва адабиёт соҳаларининг шоҳ асари бўлган «Темур тузуқлари»ни бундай камситишлардан ҳимоя қилиш ва бу китобнинг маданиятимиз тарихида қанчалик муҳим ўрин эгаллаганини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш фанимизнинг муҳим вазифаларидандир.

Бу борада Б.А.Аҳмедовнинг «Темур тузуқлари»га оид фикрларида маълум бир иккиланишлардан кейин олға кетиш содир бўлганлигини кўрамыз.

Масалан, 1991 йилда ҳали эскича тасаввурлар таъсири кучли бўлганлиги учун Б.А.Аҳмедов эҳтиёткорлик юзасидан қуйидагича фикр билдиради:

¹ «Темур тузуқлари». 1991 й., 20–21-бетлар.

² Ўша китоб, 7-б.

«Асарнинг муаллифи маълум эмас. Бутун воқеа биринчи шахс — Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Аслида шундайми ёки Амир Темур айтиб турган, котиб ёзиб олганми, ёки унинг айтганларини кимдир жамъ қилиб китоб тузганми, бу ҳақда қатъий бир фикр билдириш қийин»¹.

Орадан беш йил ўтгач, Истиқлол шарофати билан 1996 йил Ўзбекистонда Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Б. Аҳмедов «Амир Темурни ёд этиб» деган янги китобини нашр эттирди. Бу китобга киритилган «Темур тузуклари» номли мақолада масалага янгича ёндашиш кўзга ташланади. «Тузукоти Темур»нинг ҳақиқий тарихий асар эканлигини Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»ларидаги маълумотларни қиёслаш орқали билиш мумкин. Хуллас, унинг Амир Темур томонидан ёзилганлиги шубҳасиздир»².

Чиндан ҳам, «Темур тузуклари»да келтирилган энг муҳим воқеалар ҳар икки «Зафарнома»да ҳам бор. Албатта, бунинг шундайлигини машҳур тарихчи олимлар В.В.Бартольд ва А.Ю.Якубовский ҳам яхши билишган. Бироқ уларнинг тахмини бўйича, эронлик ёки ҳиндистонлик бошқа бир муаллиф Н.Шомий ва Ш.Яздий «Зафарнома»ларидан фойдаланиб, «Темур тузуклари»ни кейинги асрларда Темурнинг номидан ёзган эмиш. Улар ўз тахминларини асослаш учун оддийгина бир далил келтирадилар.

«Темур саводсиз бўлса ҳам, ўзининг туркий тилидан ташқари, форсий тилини билган ва унинг саройида қиссахон лавозими бўлган. Темур қиссахонлар ўқиб берган китоблар орқали тарихни яхши билган ва Ибн Халдун каби тарихчини ўз билимлари билан ҳайратга солган»³.

Ибн Халдуннинг Амир Темур ҳақидаги хотираларига биз қуйида махсус тўхталамиз. Бу ерда айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, Амир Темурни саводсиз қилиб кўрсатиш — «Темур тузуклари»дек буюк асарни саводсиз одам ёзиши мумкин эмас эди», деган фикрни исботлаш учун керак бўлган.

¹ Ўша асар, 7-б.

² Б ў р и б о й А ҳ м е д о в. «Амир Темурни ёд этиб». 1996 й., 32-б.

³ В. В. Б а р т о л ь д. «Царствование Тамерлана». Из сборника «Тамерлан». М., 1992 г., стр. 488.

А.Ю.Якубовский ўзининг «Темур» деб аталган асарида юқоридаги фикрни бошқачароқ шаклда такрорлайди:

«Темур ёшликдан туркий ва форсий тилларни билган, билимли-маърифатли одамдек кўринган, лекин ўқиш ва ёзишни билмаган. Китобларни унга қиссахонлар ўқиб бериб турган»¹.

Бу гаплардан чиқадиган хулоса ҳам юқоридагидек: Амир Темур гўё саводсиз бўлганлиги учун «Темур тузуклари»ни ўзи ёзган эмас.

В.В.Бартольд ва А.Ю.Якубовскийлар форс ва араб тилидаги қўлёзма манбаларни яхши билганлар. Уларнинг илмий ишларида Ҳафиз Аbru деган форсийзабон тарихчининг номи ҳам қаламга олинади.

Гап шундаки, Ҳафиз Аbru Амир Темурга замондош бўлган, унинг саройида котиб бўлиб хизмат қилган. Унинг «Зубдат ут-таворих» китобида Амир Темурнинг маърифатли, билимли ҳукмдор бўлганлиги, у болаликдан мактаб ва мадрасаларда ўқиб, яхши билим олганлиги ёзилади:

«Амир соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балоғат ёшига етгунча илм, адаб, хат ва суханворлик касб этди... Ундаги теран билим шижоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади»².

Эронлик яна бир тарихчи Муъйиниддин Натанзий ҳам ўзининг «Мунтахаб ут-таворих» китобида Амир Темурнинг билимли, маърифатли ҳукмдор бўлгани ҳақида гувоҳлик беради. Чунки Натанзий ҳам Амир Темурга замондош бўлган ва унинг невараси Искандар Мирзо саройида хизмат қилган эди.

Амир Темурни «саводсиз бўлган» деб даъво қилган олимлар Ҳ. Аbru ва Натанзий каби бу масалани яхшироқ билган тарихчиларнинг ёзганларига эмас, балки тарихий фактларга ҳар кимлардан эшитган ривоятларини ҳам қўшиб ёзган Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деган қиссасига асосланиб фикр юритганга ўхшайдилар.

«Мен бу қиссада, — деб ёзган эди Ибн Арабшоҳ, — ўзим кўрганларимни эслаб, бошқалардан эшитган ривоятларимни ҳам баён қилишга иродат этдим»³.

¹ «Тамерлан». М., 1992 г., стр. 43.

² Ҳ а ф и з и А б р у. «Зубдат ут-таворих». Туркиядаги «Фотиҳ» кутубхонасида сақланаётган қўлёзма. № 4371, 14-б.

³ И б н А р а б ш о ҳ. «Амир Темур тарихи». Тошкент. 1992 й., I жилд, 67-б.

Амир Темур вафот этганда Ибн Арабшоҳ 14 ёшда бўлади. Ёшлик хотираси ўткир бўлганлиги учун у Амир Темурни яхши эслаб қолади. Унинг қиссасида Соҳибқироннинг ташқи қиёфаси жуда аниқ тасвирлаб берилган. Ўрни келганда биз бу тасвирга ҳам тўхталамиз.

Ёш бўлганлиги учун Ибн Арабшоҳ Амир Темур саройида хизмат қилган эмас, унинг фаолияти тўғрисида ёзганлари эса бошқалардан эшитилган тўқима ривоятларга асосланган.

Тарихий манбаларда ва «Темур тузуклари»да ёзилишича, Амир Темур Сейистонда адолатни тиклаш учун жанг қилаётган пайтида ўнг қўли ва ўнг оёғига ўқ тегди. Бу ҳодиса кўпчилик тарихчилар томонидан тасдиқланган фактдир.

Шунга қарамай, Ибн Арабшоҳ уйдирма ҳикоят ва ривоятларга асосланиб:

«Амир Темур саводсиз бўлиб, ҳеч нарсани ёзмас ва ўқимас эди, ҳамма нарсани бошқаларга ўқитиб эшитарди»¹, деган даъвони ҳам қилади. Бу уйдирмага ўхшаш асоссиз гап эканига биз қуйида яна далиллар келтирамиз.

Ибн Арабшоҳнинг китобида қимматли тарихий маълумотлар ҳам кўп. У Амир Темурга баъзан ўта салбий баҳо берганига объектив сабаблар ҳам кўрсатиш мумкин.

Ибн Арабшоҳ ўз ватани Суриядан 12 ёшида Самарқандга Амир Темур аскарлари томонидан асир қилиб олиб келинади. Амир Темур вафотидан кейин Ибн Арабшоҳ Хитойга саёҳат қилиб боради. Олтин Ўрда хонларининг Сарой Берке шаҳрида бир қанча вақт яшайди, кейин Туркия султони Муҳаммад I нинг саройида хизмат қилади. Бу мамлакатларда Амир Темурнинг жаҳонгирлигидан жабр кўрган одамлар кўп эди. Ибн Арабшоҳ ўшалар таъсирида Амир Темур ҳақида ўта салбий фикрлар ва уйдирма ёлгонларни ёзади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар ва билдирган фикрларни Амир Темур тарихига оид бошқа нуфузли манбалар билан солиштириб, ҳолис илмий хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ бўларди.

Масаланинг моҳиятини чуқурроқ очиш учун энди Ибн Халдунга мурожаат қилайлик.

¹Ўша асар. II жилд, 70-б.

Амир Темур Дамашққа қўшин тортиб борганда Ибн Халдунни унинг ҳузурига келтирадилар. Икки орада бўлган савол-жавобни хоразмлик Амир Жаббор таржима қилиб туради. Суҳбат қандай борганини Ибн Халдун ўз хотираларида батафсил баён этади:

«Амир Темур Ибн Халдундан сўрайди:

— Туғилган жойинг қаерда?

— Жаввоний Мағрибда».

Амир Темур «Шом денгизи» деб аталадиган Ўрта Ер денгизининг жануби-ғарб соҳиллари — Тунис ва Жазоирлар Мағриб деб аталишини билар экан. Шунинг учун Мағрибга қўшиб айтилган Жаввоний сўзининг маъноси нималигини сўрайди.

« — Тунис, Жазоирдан нари узоқ Фас ва Марокаш Жаввоний Мағриб дейилади, — дейди Ибн Халдун.

— Танжа шаҳри Мағрибнинг қаерида? — сўрайди Амир Темур.

— Уммон билан Шом денгизининг Зукок (ҳозир Гибралтар) бўғози ўртасидаги бурчакда.

— Сабата-чи?

— У бўғоз соҳилида жойлашган Танжадан бир кунлик масофада.

— Фас-чи?

— Фас тепаликнинг ўртасида. У Марокаш подшосининг пойтахти.

— Силжамос-чи?

— У жануб томонда, қирғоқ билан қумликлар ўртасида.

— Жавобларинг мени қаноатлантирмапти, — деди Темур. —

Менга Мағриб ўлкасининг ҳаммасини, узоғу яқини, тоғларию дарёлари, шаҳару қишлоқлари — ҳаммасини ёзма тавсифлаб беришингни истайман. Шундай бўлсинки, мен у жойларни аниқ кўргандай бўлай»¹.

Ибн Халдун Амир Темурнинг бу топшириғи бўйича 120 саҳифадан иборат маълумот ёзиб беради. Шу билан Амир Темурнинг ҳурматиға сазовор бўлади ва яна бир неча марта у билан учрашиб, тарихий ва диний муаммолар бўйича унутилмас суҳбатлар қилганини ўз таржимаи ҳолида батафсил ёзади.

¹ И б н Х а л д у н. Таржимаи ҳолдан. «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида» китобида. Тошкент. 1996 й., 40–41-бетлар.

Шундай катта алломани ўз билими ва суҳбати билан қойил қолдирган Амир Темур саводсиз бўлиши мумкинмиди?

Амир Темур Ибн Халдунга берган саволлар — унинг Ўрта Ер денгизи жанубидаги ўлкалар харитасини синчиклаб ўрганганидан далолат беради. Харитани ўрганиш учун эса унда ёзилган жуғрофий номларни ўқий билиш керак. Саводсиз одам харитада ёзилган жуғрофий номларни ўқий олмайди. Амир Темурдай буюк саркарда беш йиллик, етти йиллик ҳарбий юришларда кечаю кундуз харитага қараб иш қилган. Ҳали унинг ўзи кўрмаган Танжа, Сабата, Силжамос каби жой номларини харитада ўқиб эслаб қолиш ва Ибн Халдундай аллома олдида бу жой номларини беҳато айтиб, саволлар беришга фақат ўта маърифатли одам қодир бўлиши мумкин эди.

Шундай маърифатли одамни саводсиз бўлган дейиш, ақлга сифмайдиган асоссиз гап экани ўз-ўзидан кўриниб турибди. Айниқса, ҳарбий юришларда харитадаги ёзувларни ўқиб таҳлил қилиш зарур бўлганда қиссахонлар кечаю кундуз саводсиз саркарданинг ёнида туриб харитадаги номларни ўқиб бериб туrolмайди-ку? Бунини тасаввур этишнинг ўзи қулгили.

Амир Темур ўз даврининг энг истеъдодли, билимдон ва маърифатли сиймоларидан бўлганлиги бошқа араб манбаларида ҳам атрофлича кўрсатиб берилган. Арабшунос олим Убайдулла Уватов «Соҳибқирон Амир Темур араб муаррихлари нигоҳида» деб аталган китобида араб олими Мазҳар Шихобнинг 1981 йили Байрутда нашр этилган «Темурнинг даври, ҳаёти ва фаолияти» номли асари тўғрисида батафсил маълумот беради. Мазҳар Шихоб китобнинг еттинчи бобидаги махсус бир фаслида Амир Темурнинг саводхон ва билимдон бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтиради¹.

Амир Темурнинг саводхон ва маърифатли шахс бўлганлигини тасдиқловчи далилларни биз атайлаб турли мамлакатлар, тиллар ва даврларга оид манбалардан келтирдик. Чунки уни «саводсиз бўлган» деган хато фикр ҳам турли даврлар, тиллар ва мамлакатларда айтилган. Айниқса, В.В.Бартольд ва А.Ю.Якубовскийдек машҳур тарихчи олимларнинг маълум даражада мустамлакачилик сиёсати билан ҳисоблашиб, Амир

¹ У. У в а т о в. «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида». 1997 й., 128-б.

Темур «саводсиз бўлган» деган қатъий фикр билдирганликлари учун бу масалага ойдинлик киритишга алоҳида эътибор бердик.

Энди шу билан боғлиқ бўлган гап «Темур тузуклари»ни Амир Темур ўзи ёзганми йўқми?» деган саволга ўтайлик.

Бу савол 1780 йилларда биринчи марта Британияда «Темур тузуклари» инглиз тилига таржима бўлиб нашр этилган вақтда пайдо бўлади. Ҳиндистонда хизмат қилган майор Вильям Деви Деҳлида Бобурийлар хонадонига яқин бўлган бир мулозим ёрдамида Тузукларнинг «Малфузот» (таржимаи ҳол) деб аталадиган биринчи қисмини форс тилида қўлга киритади. Кейинчалик Деҳлидан топилган «Тузуклар»нинг иккинчи қисми ҳам инглиз генерали томонидан Лондонга келтирилади. Бу ҳодиса инглиз тарихчилари орасида катта қизиқиш уйғотади. Оксфорд университетининг шарқшунослари ёрдамида «Темур тузуклари» инглизчага таржима қилинади.

Бу таржимани ўқиган инглиз тарихчилари У.Сторн ҳамда Э.Броун «Тузуклар»ни Амир Темур ёзганига шубҳа билдирадилар. Юқоридаги инглиз олимлари «Темур тузуклари»ни форсчага таржима қилган Абу Толиб Ҳусайнийни асарнинг муаллифи деб тахмин қиладилар.

Майор В.Деви уларга эътироз билдириб, катта мактуб ёзади. Унинг мактуби матбуотда эълон қилинади. В.Деви «Тузук»ларнинг мазмунига эътиборни қаратади. Улардаги драматик воқеалар ва уларни шахсан бошдан кечирган Амир Темурнинг руҳий ҳолатларини фақат унинг ўзи шундай ишонарли қилиб «ичдан» кўрсатиб бериши мумкинлигини таъкидлайди.

«Агар Абу Толиб Ҳусайний Амир Темур ҳақида шундай китоб ёзишга қодир бўлганда, ҳеч вақт у ўзини камситиб, «фақат ушбу асарнинг таржимасини амалга оширганман» дейиши мумкин эмас эди»¹, дейди В.Деви.

Чиндан ҳам, «Темур тузуклари»дек оламшумул асарни яратиш учун Амир Темурдек қудратли шахс бўлиш керак эди. Абу Толиб Ҳусайний эса фақат Амир Темурнинг ихлосманди бўлганлиги унинг қуйидаги сўзларидан сезилиб туради:

«Яман ҳокими Жаъфар Пошо Бостонийнинг китобхонасида бир китоб назаримга келди ва кўрдимки бошдан-оёқ ҳаммаси

¹ Ўша китоб, 147-б.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз сўзларидур... Чун анинг сар то пойин мутолаа қилдим, подшоҳлик қонуни ва давлат ойини, мулкситонлик қоидалари, сипоҳ ва раият интизоми, мулк ва мамлакат насақи¹, уруш ва сафаройлик русумига муштамил эрди. Они форсийга таржима қилдим, токим подшоҳларга дастуруламал бўлғай. Ул султони Соҳибқирон, яъни Амир Темур Кўрагон ўз гавҳар баён тили била бу навъ тақаллум сурмушким, саодати интифойи² фарзандлар ва некрай вазирларнинг замири байзо³ танвирлари⁴га маълум»⁵.

Бу парчада Абу Толиб Ҳусайнийнинг иншоиси ва услуби «Темур тузуқлари»нинг услубидан тубдан фарқ қилиши кўриниб турибди. Абу Толиб Ҳусайний асли Хуросондан бўлса ҳам, кўп йил Эронда, Имом Али Ризонинг мақбарасида мушриф⁶ лавозимида хизмат қилган ва 1625 йилда Теҳронда нафот этган.

Унинг тил ва услуби ўша даврнинг форсий матнларида кўп учрайдиган мураккаб мажозлар билан безанган. Масалан, «мос, тўлиқ» деган маъно «муштамил» (ўзаги шомил) сўзи билан, «фарзандлар саодатига фойдаси бўлади» деган маъно «саодати интифойи фарзандлар» деган ибора билан, «яхши ниятли вазирлар оқ, соф нарсани аслидай равшан қилишлари маълум» деган гап янада жимжимали тақаллуф шаклида «вазирларнинг замири байзо танвирлари» деган ибора билан ифода этилади.

Кўриниб турибдики, ўз фикрини ва ҳаётини шундай услубда баён этиб ўрганган Абу Толиб Ҳусайнийнинг «Темур тузуқлари»дек ёмби асарни яратиши мумкин эмас эди. Шунинг учун унда муаллифликни даъво қилиш фикри мутлақо йўқ. Аксинча, Абу Толиб Ҳусайний «Тузуқлар» бошдан-оёқ Амир Темурнинг ўз сўзларидан иборат эканини таъкидлайди. Тузуқларнинг тилини гавҳарга тенглаштириб, «Амир Темур Кўрагон ўз баён гавҳар тили билан» бу асарни яратганлигини айтади.

¹ Н а с а қ — тартиб.

² И н т и ф о — фойда олиш, манфаатдорлик.

³ Б а й з о — оқлик, софлик.

⁴ Т а н в и р — равшан қилмоқ.

⁵ «Қ и с с а й и Т е м у р». 2000 й. 7–8- бетлар.

⁶ М у ш р и ф — назоратчи.

Маккаю Мадинага ҳажга борганда «Темур тузуқлари»нинг туркий тилдаги асл нусхасини учрапган ва уни ихлос билан форсий тилга таржима қилган пок ниятли Абу Толиб Ҳусайнийнинг юқорида ёзган сўзларига ишонмасликка ҳеч бир асос йўқ.

«Темур тузуқлари»нинг туркий тилдаги аслиятини ўз кўзи билан кўрган, ўқиган ва уни таржима қилган иккинчи бир шахс тарихда бўлгани бизга маълум эмас.

Шундай экан, Абу Толиб Ҳусайнийнинг юқорида келтирилган дил сўзларига ҳурмат ва ишонч билан ёндашмоғимиз лозим.

Убайдулла Уватовнинг юқорида зикр этилган китобида Абу Толиб Ҳусайний Эрон шоҳи Аббоси Кабир даврида яшагани, Машҳаднинг Имом Ризо масжидида масъул лавозимда ишлагани ва кўпроқ Эрон маданий муҳити таъсирида бўлганини ёзади¹.

Абу Толиб Ҳусайний «Темур тузуқлари»га ёзган юқоридаги изоҳида бу асарни «шоҳларга дастуруламал бўлсин, фарзандлар бахтига хизмат қилсин, яхши ниятли вазирларнинг йўлини равшан қилсин» деган ният билан форс тилига ўирганини ёзади. Лекин ўзи ҳаётлигида бу ниятини амалга оширолмаганга ўхшайди. Чунки шоҳ Аббос «Темур тузуқлари»га унча қизиқмаган бўлса керак.

Абу Толиб Ҳусайний таржимасидаги «Темур тузуқлари» қандайдир йўл билан Ҳиндистонда, Шоҳжаҳон саройида пайдо бўлади. Асарнинг форсчасини Абутолиб Ҳусайний ўзи Шоҳжаҳонга олиб бориб бермаган бўлса керак. Чунки юқорида айтганимиздек, Абу Толиб Ҳусайний Техронда 1625 йилда вафот этади, Шоҳжаҳон эса 1627 йилда тахтга чиқади. Абу Толиб Ҳусайний таржимасидаги «Темур тузуқлари» орадан яна ўн йилча ўтгандан кейин Шоҳжаҳоннинг қўлига тушади.

Бобокалони Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини яхши биладиган Шоҳжаҳон Абу Толиб Ҳусайний таржимасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ўринлар ва бошқа нуқсонлар ҳам борлигини аниқлайди. Шундан сўнг Абу Толиб Ҳусайний таржимасини бошқа ишончли тарихий манбалар билан солиштириб, тузатиб чиқишни Шоҳжаҳон Муҳаммад Бухорий номли эътиборли тарихчи олимга топширади.

¹ У. У в а т о в. «Амир Темур араб муаррихлари нигоҳида». 142-б.

Бу олим Абу Толиб Ҳусайний таржимасини Яздий «Зафарнома»сига ва Шохжаҳон айтган бошқа нуфузли тарихий манбаларга солиштириб, таҳрир қилади ва бу ишни 1637 йили ниҳоясига етказди.

Маълумки, Бобурийларнинг Ҳиндистонда тузган давлатларида форсий тилда иш олиб борилган. Шохжаҳоннинг отаси Жаҳонгир подшо бобокалони Амир Темурнинг «Тузуклари» борлигини яхши билган. Шунинг учун ўзи форс тилида ёзган воқеъий китобни «Тузукоти Жаҳонгирий» деб атаган. Акбар даврида Ҳиндистонда «Тарихи хонадони темуриён» («Темурийлар хонадони тарихи») деган тарихий китоб яратилган.

Амир Темур хотираси Шохжаҳон даврида ҳам юксак эъзозда бўлган. Ана шу сабабларга кўра, Абу Толиб Ҳусайний таржимасидаги «Темур тузуклари» Эронда эътибор қозонмаган бўлса ҳам, таржимоннинг ўлиmidан анча кейин Ҳиндистонда, Шохжаҳон саройида махсус эътиборга сазовор бўлади.

Ўзбек тилида икки қайта нашр этилган «Темур тузуклари» ана шу Шохжаҳон тузаттирган Бомбай нашридан таржима қилингани учун XVIII асрда инглиз ва француз тилларига қилинган бошқа таржималардан мукамалроқдир. Масалан, 1783 йили Ж.Уайт Оксфордда инглизча нашр эттирган таржимада Амир Темур ўз эсдаликларини ҳаётининг охириги лаҳзаларигача, невараси Пирмуҳаммад Мирзони валиаҳд тайинлаб, абадий кўз юмгунга қадар давом эттиради.

Табиийки, нашрнинг шу жойини ўқиган Э.Г. Браун каби тарихчилар «буни Амир Темур ўзи ёзмаган» деган фикрга келади.

«Темур тузуклари» топилгунча ва бошқа тилларга таржима бўлиб чиққунча, тўрт-беш аср вақт ўтади. Бу асрларнинг алғов-далғовларида «Тузуқлар»нинг аслияти қўлдан-қўлга ўтиб, Яман ҳокими Жаъфар Пошо китобхонасига етиб боргунча неча марта қайта кўчирилганини, ҳар хил шароитларда нусха кўчирувчилар қанчадан-қанча ноаниқликларга йўл қўйганини тасаввур этиш мумкин.

Бу ноаниқликлар ва хатоларнинг кўпчилиги Шохжаҳон томонидан бартараф этилади. Масалан, Амир Темур ўз эсдаликларини ҳаётдан кўз юмгунча давом эттирадиган жойи Шохжаҳон тайёрлатган матнда ҳам, «Тузуқлар»нинг ўзбекча нашрларида ҳам йўқ. Шунга ўхшаш ноўрин қўшимчалар, Амир Темур ҳамма воқеаларни аввал тушида кўрадиган бир

башоратчи авлиё қиёфасига кириб ҳикоя қиладиган лавҳалар Шоҳжаҳон тайёрлатган матндан олиб ташланган.

Аммо инглиз ҳарбийлари Шоҳжаҳоннинг ўлиmidан анча кейин мустамлакага айланган Ҳиндистондан олиб кетган форс тилидаги «Тузуклар» аввалги тузатилмаган таржиманинг ноқис нусхаларига асосланган эди. Ана шу ноқис нусхалардан инглиз ва француз тилига қилинган таржималарда котиблар матнни кўчираётганда киргизган қўшимчалари ва йўл қўйган хатолари ҳам айрим европалик олимларнинг «Тузукларни Амир Темур ўзи ёзмаган» деган тахминларига сабаб бўлган.

Аммо тарихий воқеаларни асл манбалар орқали ўрганган Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Арабистон олимларининг аксарият кўпчилиги, юқорида кўрганимиздек, «Тузуклар»нинг муаллифи Амир Темур эканига мутлақо шубҳа қилмаганлар.

Биз ҳам энди «Темур тузуклари»нинг Амир Темур томонидан яратилган ноёб бир тарихий, лисоний ва адабий ёдгорлик эканига тўлиқ ишонган ҳолда, асарнинг матни ва ўзига хос хусусиятлари таҳлилига ўтайлик.

* * *

Темурбек ўз хотираларида ёшлик йилларида бошидан кечирган воқеаларни ҳикоя қилар экан, биз буни насрда ёзилган қаҳрамонлик достонидек таъсирланиб ўқиймиз.

Амир Темур йигирма олти ёшида, яъни 1362 йили Самарқандда мўғул босқинчиларига қарши кураш байроғини кўтариб чиққанда ҳали кўпчилик одамлар халқ озодлик ҳаракатига тайёр эмас эди. Шафқатсиз мўғул қўшинларига қарши жанг майдонига чиқувчилар жуда кам эди. Амир Темур олтмиш йигити билан Туғлуқ Темурхоннинг ўттиз минг кишилиқ лашкарига бас келолмаслигини сезиб, тоғларда яшириниб юради, кейин Хоразмга бориб паноҳ топмоқчи бўлади.

Аммо Мўғул хони Амир Темурни ўлдирганларга ёки тирик тутиб берганларга катта мукофотлар ваъда қилган эди. Шу мукофотдан умидвор бўлган хивалик Таваккал деган бек Қорақум саҳросида Амир Темурга қарши минг кишилиқ қўшин билан жанг қилади.

Бу жангда Амир Темур қаҳрамонлик кўрсатиб, кўп сонли ганимни енгади. Лекин унинг ўнтагина одами тирик қолади.

Шулардан еттитаси отлиқ. Қолган отлар ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган.

Амир Темурнинг ёшгина рафиқаси Ўлжай Туркон оға ҳам сафарда бирга экан. Амир Темур отига рафиқасини миндириб, ўзи пиёда қум барханлари оша жанубга — Хуросон томонга йўл олади.

Мохон деган жойда, қадимги Марв шаҳри яқинида уларни Алибек Жонқурбоний деган бир ҳоким ўз навкарларига туттириб, бургахона бўлган уйга қамаб қўяди.

Амир Темур бундай адолатсизликка кўникиб бўйин эгадиган одамлардан эмас эди.

«Тутқунликдан қутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим, — дейилади «Тузуқлар»да. — Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди. Бор кучим ва чапдастлигимни ишга солиб, соқчилардан бирининг қўлидаги қиличини тортиб олдим. Соқчиларга ҳамла қилган эдим, бариси қўрқиб қочди.

Қилич кўтарганча тўғри Алибекнинг устига бостириб бордим. Қилич тутганимни кўриб қўрқди. Қилган номуносиб ишдан пушаймон бўлиб, мендан уэр сўради»¹.

Амир Темур умр йўлдоши билан ҳибсдан қутулгандан кейин Хуросон томонларга боради, унинг атрофига бир неча юз тарафдорлар тўпланади. Ҳали бу куч билан Туглуқ Темурхоннинг кўп минг кишилиқ кўнинига бас келиб бўлмас эди.

«Икки юз одамимни Бухоро атрофларига тарқатдим, — деб ҳикоясини давом эттиради Амир Темур, — Ўлжай Туркон оғани ҳам яшириқча ўша ерда қолдирдим, ўзим Самарқандга йўл олдим... Яширинча улус оралаб, икки мингга яқин кишини иттифоқдон қилдим. Самарқанд узра салтанат байроғини кўтаргудек бўлсам, улар ёрдамга келадиган бўлдилар. Тунда пинҳона Самарқандга кирдим ва катта опам Қутлуғ Туркон оғанинг уйига бориб жойлашдим. Кечаю кундуз фикр оғушида чораю тadbир изладим. Шу тариқа қирқ саккиз кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликлардан биттаси менинг бу ерга келганимни пайқаб қолди. Сирим очилишига оз қолганда, ночор бирга келган эллик йигитимни олиб, кечаси Самарқанддан чиқиб кетдим»².

¹ «Темур тузуқлари». 1991 й., 22-б.

² Ўша китоб, 24-б.

«Самарқанд узра салтанат байроғини кўтариш» — чингизийларни Турондан қувиб юбориб, мустақил давлат тузиш деган гап эди. Бу улуг мақсадга етиш йўлида Амир Темур яна кўп хавфу хатарларни, саргардонликлар ва оғир кўргуликларни бошдан кечиради.

«Қандаҳор томон кетаётиб, Хилменд дарёсининг бўйига етганимда... Гармсири вилоятининг халқи ва сипоҳидан қарийб минг отлиқ турк ва тожик менга қўшилди, — дейилади «Тузуқлар»да. — Сейитон валийси... элчи орқали совға-салом юбориб, мендан ёрдам сўради. «Душманларим менга зулм ўтказиб, етти қалъамни тортиб олдилар, агар Амир Темур бу қалъаларни душман қўлидан халос қилсалар, аскарларига олти ойлик озиқ-овқат етказиб берар эдим», деган ваъдани берди. Мен Сейистон томонга қўшин тортдим, етти қалъадан бештасини куч ва тадбир билан қўлга киритдим. Буни кўриб, Сейистон валийсининг дилига кўрқув тушди. «Агар Амир Темур бу ерларда туриб қолса, Сейистон мулки уники бўлиши аниқдир», деган хаёл билан валий тунда менга қарши тажовуз қилди, беҳосдан устимга қўшин тортиб бостириб келди... Иложсиз жангу жадалга киришдим. Бир ўқ келиб билагимга қадалди, яна бир ўқ оёғимни яралади... шунга қарамай, жангни улар устидан ғалаба қилгунча давом эттирдим... Гармсири вилоятида икки ой яраларим битгунча қолиб кетдим»¹.

Мана шу парчанинг таҳлилига батафсилроқ тўхталиш жоиздир. Чунки бу ерда Амир Темур ҳаётининг энг драматик вақеалари мардона вазминлик билан, қисқа, равон ва жуда таъсирли қилиб айтиб берилган. Бу лавҳалар худди бадий асардек ўқилади.

Бадий адабиётда «муаллиф образи» деган тушунча бор. Воқеалар биринчи шахс номидан тасвирланган асарда кўпинча муаллиф бош қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Юқорида келтирилган лавҳаларда ҳам бош қаҳрамон муаллифнинг ўзидир. Муаллифнинг сўзлаш тарзи, услубий ўзига хослиги орқали биз унинг феъл-атворини тасаввур эта оламиз.

Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн Арабшоҳ унинг қиёфасини қуйидагича тасвирлаган:

¹ Ўша китоб, 24-25-бетлар.

«Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникадай катта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиниқ юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишиқ, худди тош мисоли каттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган изтиробсиз, вазмин одам эди»¹.

«Темур тузуклари»дан келтирилган лавҳалар Ибн Арабшоҳ тасвир этган қаҳрамон қиёфасига мантиқан тўғри келади. Амир Темур ўлимдан қўрқмайдиган ботир йигит бўлгани учун мўғул истилочиларига қарши кураш майдонига чиқади. Бу майдонда у мардона жанг қилади, олтмиш йигити билан минг кишилиқ Таваккал ботирни енгади. Унинг жўмардлиги — ёшгина хотинини отта миндириб, ўзи қум барханлари оша пиёда юрганида ҳам кўринади. Алибек Жонқурбоний золимлик қилиб уни бургахонага қамаб қўйганда Амир Темурдан бошқа заифроқ одам бўлса умидсизликка тушиб, «оҳ-воҳ!» қилиши, фиғони кўкка чиқиши мумкин эди. Лекин Амир Темур яна ўша вазминлик билан нажот йўлини излайди, ўзи-ўзи билан кенгашади. «Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди», дейди. Бу баҳодирлик — ўлимга қарши тик бора олиш, бор кучи ва чағдастлигини ишга солиб, ганим билан олишга билиш илҳомига ўхшайди.

Қамоқхона эшиги олдида турган соқчининг бепарво пайтини топиб, тўсатдан унинг қиличини тортиб олганда шердай ғазабнок Амир Темурнинг вазоҳати соқчини қанчалик қўрқитиб юборганини муаллиф — қаҳрамоннинг гап оҳангидан пайқаймиз. Кўзлари оловдай ёнган, шеркалла паҳлавон қўлида яланғоч қилич билан Алибек Жонқурбоний қаршисида тўсатдан пайдо бўлганда бу золим ҳам беихтиёр қўрқиб кетганига ва Темурбекни ноҳақ қаматгани учун узр сўраганига биз яна муаллиф образининг ҳаққонийлиги туфайли ишонамиз.

Ўз олдида ватанини босқинчи мўғуллардан озод қилиш каби улуғвор мақсад қўйган Темурбек яшириқча Қарши ва Самарқандга боради, икки мингга яқин тарафдорлар топади. Лекин мўғул хони йигирма-ўттиз минг қўшини билан мамлакатни асоратда тутиб турибди. Ҳали унга қарши қилич яланғочлайдиган вазият етилган эмас.

Қочқинлик ва саргардонлик бир неча йил давом этади. Хуросонга борганда Гармсир вилоятининг мингга яқин турку

¹ И б н А р а б ш о ҳ. Амир Темур тарихи. II жилд. 1992 й., 65-6.

тожик йиғитлари унинг қўшинлари сафига киради. Бу навкарларни озиқ-овқат ва қурол-яроғ билан таъминлаш зарур. Ана шу ҳаётий зарурат туфайли Темурбек Ҳиротдан жануброқда жойлашган Сейистон ўлкасининг ҳукмдори Малик Маҳмуд билан иттифоқ тузиб, шартлашади. Қўшиннинг олти ойлик озиқ-овқат захираси эвазига Темурбек Малик Маҳмудга ёрдамга боради. Темурбек иттифоқдошлик шартини мардона бажаради. Аммо Малик Маҳмуд номардлик қилади, елкадан пичоқ ургандай бўлади.

Аввалига даҳшатли қирғиндан омон чиққан Темурбек бу гал оғир ярадор бўлади. Тафсилоти айтилмаган бўлса ҳам, биз олчоқ «иттифоқдош» Маҳмуднинг тунда тўсатдан қилган хужуми пайтида Амир Темур зирҳли кийимларини кийишга улгурмаган бўлиши мумкин, деб тахмин қиламиз. Шу ҳам сабаб бўлиб, бирдан ҳам ўнг қўлига, ҳам ўнг оёғига ўқ тегади. Агар ўқ теккан заҳоти яраларнинг қонини тўхтатиб муолажа бошланса, оқибати бунчалик ёмон бўлмаслиги мумкин эди. Лекин Темурбек одати бўйича жангги ғалабага эришгунча давом эттиради. Шундан кейин икки ойгача яралари тузалмай бетоб бўлиб ётганига қараганда, аҳволи жуда оғир бўлган.

Бу воқеаларни ҳикоя қилиб берган муаллифнинг қаҳрамонона характерини яна унинг босиқ, вазмин ва мардона гап оҳангидан илғаб оламиз. Бошқа таъсирчанроқ одам бўлса, яхшиликка ёмонлик қилган Малик Маҳмудни «хоин, аблаҳ» деб қоралаб, бу бахтсиз ҳодисани куйиб-ёниб ҳикоя қилиб берган бўларди. Чунки шу ҳодиса туфайли Темурбек бир умрга ўнг оёғи оқсайдиган бўлиб қолади.

Йигирма етти ёшлик йиғит учун бу жуда оғир кўргилик эди. Шундан кейин нохайрихоҳлари унинг номига форсчада «ланг» сўзини қўшиб айтадиган бўлдилар. Фарб мамлакатларида унга берилган «Тамерлан» деган исм ҳам форсчадан олинди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ватанини мўғул босқинчиларидан озод қилиб, қудратли давлат тузади ва 1383 йилда, яъни орадан 21 йил ўтгандан кейин Сейистонга қўшин тортиб боради. Сейистон валийси Малик Маҳмуд ҳали тирик экан, асир тушади. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур уни ўшанда хоинлик қилиб отган камон ўқлари билан отиб ўлдиришни буюради¹.

¹ «Темур тузуклари». 1991 й., 251-б.

Амир Темурнинг Сейистонда қандай ҳолатда ярадор бўлганини ўша даврда яшаган одамлардан сўраб аниқлаган тарихчи Муъйиниддин Натанзий «Мунтахаб ут-таворих» китобида бу воқеанинг худди «Темур тузуклари»да ёзилгандай содир бўлганига гувоҳлик беради:

«Сейистон валийси... берган ваъдалари ва қилган аҳду паймонларини бузиб, ўзига яхшилик қилган амир ва навкарларни йўқ қилмоқчи бўлди... Сейистонликлар бир неча тангу тор жойларда уларнинг йўлини тўсиб, қаттиқ жанглار содир қилдилар. Оқибатда бир неча ўқ Султони Ғозийнинг (яъни Темурбекнинг) қўли ва оёғига тегди... Баъзиларнинг тасаввурича, энди бу аъзоларда тузалиш умиди йўқ эди»...¹

Муъйиниддин Натанзий ўз асарини 1413 йилда Шероз ҳокими Искандар Мирзо саройида хизмат қилган даврида ёзган. Искандар Мирзо Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзонинг фарзанди эди.

Тахмин қилиш мумкинки, Искандар Мирзо бобосидан эшитган Сейистон воқеаларини Натанзийга батафсил айтиб берган. Натанзий унинг ҳикоясига асосланиб, Амир Темурнинг ярадорлик пайтидаги руҳий ҳолатини ҳам жуда ҳаққоний тасвир этган:

«Ҳазрати Султони Ғозий (яъни Амир Темур) Гармсирдаги қишлоқда икки ой мажруҳ ва маъюс ҳолда қолган эди. Бир кун у бир деворнинг соясида ўлтирганда ўзича ўйлади: «Талаб йўлининг ибтидосидаёқ бир қўл, бир оёқдан жудо бўлдим. Аммо кўзланган муродлардан бирортаси ҳосил бўлмади. Энди қаноат ва фақирлик гўшасига чекиниб, ўзимни қиргин уруш ва олишувлардан халос этганим маъқулмикин?»

Шу аснода бир заиф чумоли девор тепасига тармашиб чиқа бошлади. У бир неча бор уриниб, деворнинг ўртасигача чиққанда қулаб тушар, яна қайта тармашиб, юқорироқ кўтариларди. Ниҳоят, чумоли девор тепасига чиқди.

Султон Ғозий чумолининг юқорига интилишлари ўзининг ҳолатига жуда ўхшашлигини мушоҳада қилди ва дилида саодатли мақсадга эришиш мумкинлигига умид уйғонди. Бу ҳол унинг муборак танаси сиҳат топишига ҳам сабаб бўлди»².

^{1,2} Муъйиниддин Натанзий. «Мунтахаб ут-таворих». Техрон. 1957 й., 122–123 бетлар. Фулом Каримов таржимаси.

Бу ажойиб психологик тасвир бундан салкам олти юз йил муқаддам — 1413 йилда яратилгани кишини ҳайратга солади. Чумоли воқеасини Натанзий ўзи ичидан тўқиб чиқармаганлигини шундан сезиш мумкинки, унинг асарини Искандар Мирзо ўқиб маъқуллайди ва ўша даврда барча Темурийларга бош бўлиб турган Шохруҳ подшоҳга тақдим этади. Шохруҳ ҳам Натанзий асарига ижобий муносабатда бўлгани учун сарой доираларида бу асар эътибор қозониб, бизгача етиб келади.

Шу фактларга асосланиб айтиш мумкинки, чумоли воқеасини Амир Темур ўз ўғиллари ва невараларига Натанзий ёзганидай қилиб айтиб берган. Акс ҳолда, унинг ярадорлик пайтидаги руҳий ҳолатини ва кўнглидан ўтган нозик ўйларини Натанзий бунчалик аниқ тасвирлай олмаган бўларди.

Натанзий асари тарихий воқеаларни ҳаққоний акс эттиргани, тилининг равонлиги ва услубининг соддалиги билан «Темур тузуқлари»га энг яқин турган тарихий манба ҳисобланади.

Амир Темурнинг муҳрига «Рости — расти» деган сўзлар битилганлиги тарихдан маълум. «Ҳақиқатни билиб иш юритиш» унинг фаолиятидаги асосий тамойил бўлган. Шу сабабли ўз фаолияти тўғрисида ёзилган тарихий асарларнинг ортиқча муболаға ва лофлардан холи бўлишини тарихнавислардан ҳам талаб қилган.

Тарихчи Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур уни милодий 1401 йилнинг 11 августида ҳузурига чақиртиради. Ўз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган нарсаларни саралаб, бобма-боб тартиб бериб, китоб қилишни буюради. «Лекин шу шарт биланки, — дейди Амир Темур, — тақаллуфу безак бериш, лоф уриш, муболаға қилиш бўлмасин, мақсад нималигини ўқиган одам яхши тушунсин». «Банда (Низомиддин) ер ўпиб, арз қилдим: «... Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: «Яхши сўз улдириким, авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай... Байт:

Гар истеъдод бўлмаса ҳеч ким айтолмас
Хосга мақбулу омма тушунгидек сўзни.

Амир Соҳибқирон «Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳдаймен» дедилар»¹.

¹ Н. Ш о м и й. «Зафарнома». Тошкент. 1986 й., 32–33-бетлар.

Амир Темур араб олими Ибн Халдунга Ўрта Ер денгизининг жанубий қирғоғидаги ерлар ҳақида ёзиб беришни топширганда ҳам «Шундай ёзгинки, мен ўқиганда ўша жойларни ўз кўзим билан кўргандай бўлай» деб тайинлаганини бу ерда яна бир эслаб ўтиш ўринлидир.

Амир Темур ўз ҳаёти тўғрисида ростгўйлик билан барча воқеаларни безаксиз, аниқ ва лўнда қилиб ёзгани учун «Тузуқлар»ни тушуниш осон, тасвирланган нарсалар дарҳол кўз олдига келади, мақсад тез рўёбга чиқади. Ўз ҳаётида у доим ростгўйликка, аниқликка, яъни реалистик услубга амал қилгани учун бошқалардан ҳам шуни талаб қилгани табиийдир.

Амир Темурнинг бундан олти аср муқаддам тил ва тарихий адабиётда реалистик услубни эгаллагани ва буни бошқа адиблардан ҳам талаб қилгани — унинг ўз давридан қанчалик олдинга кетганини кўрсатиб турибди.

Шунинг учун унга етиб юриш ва реалистик талабга амал қилиш ўша даврдаги муаррих ва адибларга, жумладан, Н.Шомийга ҳам осон бўлмайди. Н.Шомийга воқеаларни содир бўлган жойида ёзиб олган котиблар ва воқеанависларнинг туркий ёки форсий тилдаги битиклари берилади. Шомий улардан имкони борича фойдаланади, асарини кучи етганича тушунарли, содда тилда ёзади. Айниқса, асарнинг иккинчи қисмида Амир Темурнинг уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик юришлари Шомий томонидан анча тўлиқ ва аниқ кўрсатилган.

Аммо Н.Шомий ва ундан кейин «Зафарнома» ёзган Ш.Яздий Турон ва Туркистонда бўлмаганликлари учунми, улар Амир Темур фаолиятининг Мовароуннаҳр тарихига оид қисмини айрим ноаниқликлар билан юзакироқ баён этадилар.

Масалан, Амир Темур билан мўғул хони Туғлуқ Темур орасида бўлган зиддиятнинг сабаблари «Тузуқлар»да аниқ-равшан кўрсатилган. Туғлуқ Темур Мўғулистондан Туронга биринчи марта қўшин тортиб келганда 25 ёшли Амир Темур у билан муроса қилади. Хоннинг эътиборли аъёнларидан Амир Ҳамид орага тушади.

Амир Темур Амударё бўйидан то Самарқандгача бўлган ҳудудларга ҳоким қилиб тайинланади. Туғлуқ Темурхон Мўғулистонга қайтиб кетади.

Туронда чингизийлар истилосига қарши норозилик кучайиб боради. Амир Темур мазлумларга кўпроқ ён босади, эл орасида адолатли ҳоким сифатида танилади.

Чингизийлар унинг мустақил давлат тузишидан хавотирланадилар. Туғлуқ Темурхон Туронга иккинчи марта қўшин тортиб келганда Амир Темурни ҳокимлик лавозимидан четлатади. Самарқанд ва унинг атрофларига ўзининг ўғли Илёсхўжани ҳоким қилиб тайинлайди. Илёсхўжа лаёқатсиз ва тажрибасиз чингизийлардан эди. Туғлуқ Темурхон Амир Темурни ўз ўғлига иккинчи даражали ноиб қилиб тайинлайди. Биринчи даражали ноиб Амир Бекижак деган золим бир мўғул беки эди. Бу ҳол Амир Темурни норози қилади.

Туғлуқ Темурхон Мўғулистонга қайтиб кетгандан кейин Амир Бекижак ва Илёсхўжалар эл-юртга жабр-зулмни кучайтирганларини, ҳарбий қисмга бошлиқ бўлган Амир Темур ноҳақ ҳибс қилинган 70 нафар самарқандлик жабрдийдаларни ўз навкарлари ёрдамида қамоқдан бўшатганини юқорида «Темур тузуклари»дан олинган дастлабки парчада келтирган эдик. Бу ерда худди шу воқеалар Шомий «Зафарнома»сида қандай кўрсатилганини қиёсий таҳлил қилиш учун такроран эслатмоқдамиз.

Халқ тақдирида ҳам, Амир Темур тақдирида ҳам жуда муҳим бурилиш юз беради. Турон халқи энди золим чингизийларга бўйсунитишни истамай, исён қилади. Аввал хон хизматида бўлган Амир Темур энди Амир Бекижаклардан юз ўгириб, исёнкор халқ томонига ўтади. Шу билан унинг тақдирида бутун ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган қатъий бурилиш юз бергани «Темур тузуклари»да жуда аниқ кўрсатилади.

Аммо Н.Шомий «Зафарнома»сида халқ ҳаётида ва қаҳрамон ҳаётида юз берган мана шу бурилиш палласи ва чингизийлар билан унинг орасида ҳаёт-мамот кураши бошланганини мутлақо кўрсатмайди. Аксинча, Н.Шомий Амир Темурни ҳали ҳам хонга садоқат сақлаб юрган мулозимга ўхшатиб таърифлайди:

«Подшоҳ Туғлуқ Темур, — деб ёзади Н.Шомий. — Мовароуннаҳр мамлакатини истило қилгач, ўғли Илёсхўжани салтанатдорликка тайинлади. Амир Бекижакни унинг хизматига қўйди... Амир Соҳибқиронни ҳам шаҳзода хизматига тайинлади ва турли-туман тарбияту марҳаматлар кўрсатди.

Подшоҳ кетгандан кейин Амир Бекижак унинг амрига мувофиқ иш юритмади. Зулму адолатсизликни авж олдириди... Амир Соҳибқирон уни шу ҳолатда кўргач, суҳбатидан ўзини узоқ тутишни маъқул деб билди, чунки бир куни келиб, у туфайли подшоҳ олдида шармисор бўлиб қолмаслиги керак

эди. Шунга биноан Амир Соҳибқирон улардан айрилди ва Амир Ҳусайн томонига йўл олди. Сағча қудуқ мавзесида Ҳусайн билан учрашади»¹.

Амир Темур ҳаётида юз берган ўта масъулиятли бурилиш палласи Шомий томонидан бутунлай нотўғри баён қилинган. «Темур тузуклари»да Туғлуқ Темурхон Темурбекни ўлдириш ҳақида шафқатсиз ёрлиқ юборгани ёзилган. Шомийда эса бу муҳим ҳодиса ва хоннинг шафқатсиз ёрлиғи қаламга олинмайди. Туғлуқ Темурхон гўё Амир Темурга турли марҳаматлар кўрсатиб кетган. Энди Темурбек хоннинг олдида гўё шармисор бўлиб қолмаслик учун Амир Бекижак суҳбатидан ўзини узоқ тутгиси келади ва шу сабабли Хоразмга кетиб, Сағча Қудуқ деган жойда Амир Ҳусайн билан танишади.

Шомий Самарқанд билан Хива оралиғидаги масофа қанчалик узоқлигини тасаввур этмай ёзганлиги билиниб турибди.

Амир Ҳусайн азалдан Туғлуқ Темурхон билан ёвлашиб юрарди, у туркийлашган мўғул-чиғатой уруғининг амири ва тахт даъвогари эди. Амир Темур Туғлуқ Темурхондан юз ўгириб, қайнағаси Амир Ҳусайн билан иттифоқдош бўлгани, унинг чингизийлар истилосига қарши аёвсиз кураш майдонига чиққанини кўрсатар эди.

Афсуски, бу ўта муҳим маълумотлар Шомий «Зафарнома»да бутунлай тушириб қолдирилган.

Тарихчилар мана шундай муҳим маълумотларни ҳаққоний тарзда кўрсатиб бера олмаганликларини Амир Темурнинг ўзи ҳам сезган бўлса керак. Зотан, у бошдан кечирган бетакрор тарихий воқеаларни ўзидан бошқа ҳеч ким авлодларга ибрат бўладиган бир ҳаққоният билан айтиб бера олмаслиги аниқ эди.

Шу туфайли Амир Темур томонидан «Темур тузуклари»дек китобнинг яратилишига ҳаётий эҳтиёж туғилади.

«Тангри таолодан умидим шулки, — дейилади китобдаги иккинчи мақоланинг кириш қисмида. — Кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўлтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлатни бошқариш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни идора этиш ҳақида

¹ Н. Ш о м и й. «Зафарнома». Тошкент. 1986 й., 33—34-бетлар.

қоида-дастуруламал ёзиб қолдирдим — токи фарзандларим ва авлодим шунга мувофиқ иш юритсинлар, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, жангу жадаллар билан, тангрининг инояти орқали қўлга киритилган давлат ва салтанатни сақлагайлар»¹.

Васият оҳангида айтилган бу сўзлар Амир Темурдек кўпни кўрган ва узоқни кўзлаб иш юритадиган донишманд сиймога мансуб эканлиги келтирилган иқтибоснинг ҳар бир сатридан, ҳар бир жумла ва иборасидан сезилиб туради. Муаллиф ўз ҳаётининг моҳияти ва маъносига асосий эътиборни қаратади.

Шу жиҳатдан «Темур тузуқлари»даги жумла тузилишлари, моҳият ва маънонинг беҳад қуюқлиги «Алп Эр Тўнға» достонини ва тош битиклардаги Билге хоқон ва Култегин тарихларини эслатади. Ўша қадимий достонлар ва тош битикларда кўринган мардона услуб, моҳият ва маънони туркий тилда қисқа, лўнда ва ростгўйлик билан ифодалаш анъанаси «Темур тузуқлари»да янада яққол кўзга ташланади.

«Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлиғим кетди, — дейди Амир Темур. — Ҳузур-ҳаловатдан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим»².

Муаллиф фақат эришган ютуқлари ҳақида эмас, йўл кўйган хатолари тўғрисида ҳам ростгўйлик билан ёзади:

«Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ ва эътиборли амирларимдан бўлган Амир Аббос ҳақида ёмон гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлар шамоли билан ғазабимни алангалантирдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан Амир Аббосни ўлимга буюрдим. Лекин кейинчалик уларнинг Амир Аббосга ҳасад ва душманлик билан ёлғон гапирганлари аниқланди. Мен қилган ишимдан ўкиниб, жуда пушаймон бўлдим»³.

Шу ўринда «Темур тузуқлари» тўлақонли реалистик асарлардагина бўладиган иқрор лавҳаларини эсга солади.

Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу асарнинг моҳияти ва маъноси баъзи кўп жилдлик романларга ҳам сиғмаслиги мумкин. Лекин Амир Темурнинг мақсади фарзандлари ва авлодларига ўз ҳаётий тажрибасини аниқ-равшан шаклда

¹ «Темур тузуқлари». 1991 й., 53-б.

² Ўша китоб, 54-б.

³ Ўша китоб, 73-б.

етказиб бериш бўлганлиги учун бошқа тарихнавислар уддалай олмаган ишни у ўзи қилишга интилади.

«Зафарнома»лар унинг ҳарбий юришлари ҳақида анча тўлиқ маълумот беради. Амир Темур шуни билганлиги учун Тўхтамишхонга қарши юриши ва Йилдирим Боязид билан қилган жанги тўғрисида жуда қисқа — бир бет, ҳатто ярим бет ёзади. Аммо тарихчилар унча яхши ёритолмаган мавзуларга атайлаб батафсилроқ тўхталади.

Ана шу мавзулардан бири — саркардалик маҳорати ҳақидадир.

«Яхши лашкарбоши ўзини ва қўл остидаги тўққиз сипоҳий фавжини¹ бир танадек кўрсин, уларни шу яхлит тананинг қўли, оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларидек ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин...

... Борди-ю, лашкарбошининг ўзи қилич чопишга мажбур бўлса, иложи борица ўзини ўлимдан сақласин. Чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтиради, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади»².

Амир Темурнинг даҳо даражасидаги саркарда бўлганини бутун дунё тан олади. Унинг ҳарбий санъати «Темур тузуклари»нинг бадий тилида ўзининг ёрқин ифодасини топгани юқоридаги сатрларда яққол кўзга ташланади. У икки юз минг кишилиқ улкан лашкарни худди ўз танасидаги аъзоларини курашда яхши ишлата оладиган моҳир паҳлавондек ишлата олган ва буни қўл остидаги лашкарбошиларга, ўз авлодлари ва ворисларига образли тафаккур ёрдамида ўргатган.

Ўнлаб аскарӣ қисмларни худди ўз танасининг аъзолари каби ичдан ҳис қилиб бошқариш — бадий тасвир нуқтаи назаридан баҳоланганда образли тафаккурнинг ажойиб бир намунасидир.

Асарнинг иккинчи қисмидан қонун кучига эга бўлган 27 та тузук ўрин олгандир. Улардан биринчиси «Менинг даргоҳимга илтижо қилиб, паноҳ истаб келган турку тожик, арабу ажам тоифаларидан бўлганлар борасидаги тузук» деб аталади.

«Агар касбу ҳунар, маърифат аҳлларидан бўлсалар, буюрдимки, хизмат ўринларини белгилаб, салтанат корхоналаридан юмуш берилсин... Деҳқонлар ва райийтдан қайси

¹ Ф а в ж — ҳозирги батальон тушунчасига тўғри келади.

² Ўша китоб, 101–102-бетлар.

бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан ёрдам кўрсатилсин»¹.

Бу сатрларда биз Амир Темурнинг чингизийлар истилосидан қутулган эл-юрт ҳаётида чинакам бурилиш ясаганини, ҳунармандга ҳам, маърифат аҳлига ҳам, деҳқонга ҳам, фуқарога ҳам иложи борича яхшилик қилишни «Тузуқлар» орқали қонун даражасига кўтарганини кўрамыз.

Давлатни қонун-қоида асосида бошқаришга хизмат қилган ўнлаб тузуқлар Амир Темур барпо этган янги типдаги давлатнинг аввалги давлатларга нисбатан жуда катта афзалликлари борлигидан далолат беради. Қонуншунос олимларимиз ҳали бу масалаларни етарли даражада ўрганиб, аниқ хулосалар чиқаришга улгурганлари йўқ.

Амир Темурнинг давлатни бошқаришга оид қонун-қоидаларни ўз ичига олган «Тузуқлар»и, айниқса, унинг донишманд сиймо сифатидаги ҳаётий тажрибаси олти асрдан буён ўз аҳамиятини йўқотмай келади. Даҳо даражасидаги бу сиймо то 70 ёшигача энг хатарли жанглари ҳам ғалаба билан тугатганига ва шундай қудратли давлат тузганига бош сабаб — ўз ақл-заковатини, маънавий ва маърифий қудратини, бой ҳаётий тажрибасини тўлиқ ва моҳирона ишга сола билганлигидадир.

Мана шу ақл-заковат, тенгсиз истеъдод ва ҳаётий тажриба «Темур тузуқлари»да олмос қирраларидек нурланиб туради. Ҳаммаси бўлиб юз саҳифага жо бўлган бу асарнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ таҳлил ва талқин қилиш учун минглаб саҳифалар ҳам етмаслиги мумкин.

«Темур тузуқлари»нинг дунёга келганига олти юз йил бўляпти. Шу олти аср давомида Ўзбекистон тупроғида пайдо бўлган энг улуғ тарихий, адабий ва лисоний ёдгорликларнинг олдинги қаторидан «Темур тузуқлари» ўрин олишга муносибдир.

Асарнинг мавжуд вариантларидан фойдаланиб ва уни бошқа тарихий манбалар билан қиёслаб танқидий матн яратиш, бу матнни батафсил илмий изоҳлар ва кўрсаткичлар билан таъминлаб нашр этиш олдимизда турган энг муҳим ва

¹ «Темур тузуқлари». 1991 й., 67-б.

долзарб вазифалардан биридир. Бу вазифани адо этишга тарихчилар билан бирга адабиётшунослар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Чунки «Темур тузуқлари» буюк тарихий ёдгорлик бўлиш билан бирга, адабиётимизни улуг бир қаҳрамон билан бойитган адабий асар ҳамдир.

Шу вақтгача Амир Темур ҳақида бутун жаҳонда юзлаб адабий асарлар яратилган бўлса, улар орасида Амир Темур образини энг ҳаққоний ва ёрқин акс эттирган китоб «Темур тузуқлари»дир. Биз бу асарнинг тили ва тасвир воситалари орқали Амир Темурнинг яшаш ва сўзлаш тарзи, унинг ички дунёси ва феъл-атвори тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бундай тасаввурни фақат реалистик адабий асаргина бериши мумкин.

«Темур тузуқлари» ўзбек адабиётида бундан олти аср бурун реализмни бошлаб берган автобиографик асар сифатида юксак даражада қадрланиши керак. Амир Темур Н.Шомий каби адиблар олдига ҳам реалистик талаблар қўйгани, лоф ва муболағага берилмасдан, чин ҳақиқатни барчага етиб борадиган тушунарли тилда асар ёзишга даъват этгани кейинчалик давлатни бошқарган Темурийлар учун улкан бир ибрат ва дастуриламалга айланади.

* * *

Бу даъватга Темурийлар орасида биринчилардан бўлиб Мирзо Улуғбек амал қилади. Фақат унинг «Зижи Кўрагоний» китоби билан бирга «Тўрт улус тарихи» номли асари ҳам форс тилида ёзилди.

Улуғбекнинг бу китоби услуб жиҳатидан «Темур тузуқлари» каби ортиқча такаллуфларсиз равон, лўнда, тушунарли тарзда битилган. Матн форс тилида бўлса ҳам, асарнинг барча асосий қаҳрамонлари ва уларнинг номлари туркий халқларнинг дostonлари ва ривоятларидан олинганлиги билан қимматлидир.

Турон ва унинг атрофларида неча минг йиллик узоқ тарихни ҳаракатга келтирган қаҳрамонларнинг исмлари, улар мансуб бўлган қавмларнинг номлари «Тўрт улус тарихида» бизнинг она тилимизда мавжуд бўлган сўз ва иборалар билан ифодаланади. Масалан, Ўғузхон авлодлари: Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Кўкхон, Денгизхон. Кeroит қавми (бу қавм ҳам

ўзбек миллати таркибида бор)нинг подшоси Ўнгхон. Унинг дўсти Олтинхон, биродари Эркақора, Макрит қавмининг пешвоси Тўхтабеги, Найман хони Инончхон, татар хони Севинчхон. Ҳатто Чингизхон ҳам ўзининг «Темучин» деган дастлабки номини туркий тилдан олади. Унинг катта ўғли Жўжи йўлда туғилган экан, қипчоқ шеvasида «йўл» – «жўл» деб талаффуз этилади. Жўжига аслида Жўлчи, яъни Йўлчи деб от қўйган эканлар. Бу от бора-бора Жўжига, кейинроқ эса Олабўжи деган даҳшатли образга айланиб кетади.

Мирзо Улуғбек ўз китобида расмий манбаларга асосланиб, Чингизхонни «Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам» деб атайдиган, айни вақтда, унинг ваҳшиёна шафқатсизликларини, Бухоро шаҳрига ўт қўйдирганини, Балх, Марв, Урганч шаҳарларини сувга бостирганини, юз минглаб бегуноҳ аҳолини ўлимга буюрганини аслида қандай юз берган бўлса шундай кўрсатади.

Туркий тилли малика, Юлдузхоннинг невараси Аланқува қурлос қабиласидан бўлади. Қурлос ҳам барлос қабиласи билан бирга ўзбек халқи таркибига кирган тўқсон икки қавмларнинг биридир.

«Аланқува Юлдузхоннинг невараси эди... Чехраси ойдек. Гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишлардилар»¹.

Мирзо Улуғбек Аланқува воқеаси туркларнинг тарих китобларида зикр қилинганини кўрсатиб ўтади.

Бу аёл хиргоҳ туйнугидан кириб келган илоҳий нурдан ҳомиладор бўлади. Гўзал йигит шаклига кириб ёстиқдошлик қилган илоҳий нурни одамлар қилич билан чопадилар, аммо қиличлари ўзларини ярадор қилади, нурга ўтмайди. Шундан кейин «бу бир мутлақ шуъладир, ҳақ нурига йўғрилгандир. Аланқува Биби Марямга ўхшабдир» деган фикрга келадилар. Аланқувадан туғилган фарзандларни эъзозлаб ўстирадилар. «Тўрт улус тарихи» китобида кўрсатилишича, Амир Темур Кўрагоннинг ўн тўрт авлод олдин ўтган бобокалони Бузанжархон Аланқувадан туғилган ўғиллардан бири экан².

¹ Мирзо Улуғбек. «Тўрт улус тарихи». 1994 й., 61-б.

² Мирзо Улуғбек. «Тўрт улус тарихи». 1994 й., 64–66-бетлар.

Бошқа тарих китобларида Чингизхон ҳам Аланкувадан туғилган Бузанжархоннинг авлодидан эканлиги айтилади. Мирзо Улуғбек ўз китобида Бузанжархон Чингизхоннинг тўққизинчи бобоси эканини қайд этиб ўтади.

Амир Темулда, Улуғбекда ва бошқа энг етук Темурийларда кўзга яққол ташланадиган ёрқин истеъдодларни ана шу момокалонлари Аланкува уларга ирсий мерос қилиб қолдирган бўлса ажаб эмас.

Аланкува ҳодисасининг Темурийлар сулоласига алоқадорлигини махсус қаламга олган навоийшунос олим А.Ҳ. Ҳайитметов ёзади:

«Сабъайи сайёр» достонида Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида «Аноси худ Аланкува келган» деб ёзганки, бунинг маъноси ғоят теран»¹.

Мирзо Улуғбекнинг туркий тилда ёзган шеърлари ҳали топилгани йўқ. Аммо у ҳам бобосига ўхшаб она тилимизда ёзилган асарларга яхши эътибор берганлиги тарихий манбаларда битилган. Бу ҳақда ўз даврининг Малик ул-Каломи бўлган Мавлоно Лутфий шундай гувоҳлик беради:

Улуғбекхон билур Лутфий камолин
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас.

Улуғбек даврида илм-фан юксак даражада ривож топгани маълумдир. Адабиёт назариясига оид илмий китоб туркий тилда биринчи марта шу даврда пайдо бўлади. Бу асли Тароз² (кейинчалик Авлиё ота ва Жамбул деб аталган) шаҳрида туғилиб ўсган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунуни балоға» деб аталган асаридир.

1436–1437 йилларда ёзилган ушбу асар муаллифи Мирзо Улуғбекка ихлосмандлигини китобнинг кириш қисмида куйидаги сўзлар билан ифодалайди:

«Салтанат дарёсининг гавҳари, фаросат сипеҳри (осмони)нинг моҳи, шаҳаншоҳи аъзам... Амир Улуғбек Кўрагон» («Фунуни балоға» қўлёзмаси, 31-бет).

«Фунуни балоға» — балоғат илмлари деган маънони билдиради. Асар қўлёзмаси Америка Қўшма Штатларидан

¹ А.Ҳ а й и т м е т о в. «Навоий суҳбатлари». Т., Ўқитувчи, 1993 й. 191-

² Тароз шаҳри Талас дарёсидан сув ичади. Маҳмуд Кошғарий Тароз шаҳрининг номи ҳам аслида Талас бўлганини ёзган.

топилган. Адабиётшунос олим А.Ҳ.Ҳайитметов «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» деб аталган китобида «Фунуни балоға» асарига махсус бир боб бағишлайди¹. Ҳақли равишда бу асарни «Туркий тилда адабиётдан илк назарий қўлланма» деб атайди.

Тарозий шеър турлари ҳақида сўз юритар экан, «туюқ» деб аталадиган тўртликни «туркий тилли шоирларнинг ихтиросидир» деб изоҳ беради. Чиндан ҳам, бу турдаги шеърнинг «туюқ» деган номи ҳам бизнинг она тилимиздан олинганлиги эътиборни тортади. Тарози туюқ намунаси сифатида Темур Буғо номли шоирнинг ижодидан қуйидаги мисолни келтиради:

Гар ҳавойи васли дилбар дори дер
Йўлда тикмишлар муҳаббат дори дер
Сен агар ошиқи содиқ эрсанг
Бу муҳаббат дорини бир дори дер².

Касалга бериладиган дори билан одамни осиш учун тикиладиган дорни «муҳаббат дори»га ўхшатиш орқали икки оҳангдош сўз бир-бирига яқинлаштирилади. Ҳақиқий ошиқ муҳаббат дорини ишқ дардига даво бўладиган доридек қабул қилади. Аҳмад Тарозий Темурийлар даврида яшаган туркийзабон шоирлардан бўлганини унинг ўша китобда келтирилган қуйидаги рубоийсида кўриш мумкин:

Ҳуснингиз шамъина жон парвонадур
Зулфингизга ақлу дил девонадур
Чунки жоду кўзингиз мастонадур
Ул сабабдин манзилим ғамхонадур³.

Амир Темур ўз «Тузуқлар»и билан туркий тилнинг мавқеини юқори кўтариб, бу тилга муносабатда бурилиш ясаб кетганлиги унинг авлодлари учун катта бир ибрат манбаи бўлди. Шоҳруҳ Мирзо даврида истеъдодли шоир Атоий ўз

¹ А.Ҳ. Ҳайитметов. «Темурийлар даври ўзбек адабиёти». Тошкент. 1996 й., 19–26-бетлар.

² «Фунуни балоға». Қўлёзма, 42-б.

³ Ўша қўлёзма, 40-б.

она тилида ажойиб шеърлар яратди ва уларда Темурийларнинг илму маърифатга ҳомийлик қилганини куйлади. Алишер Навоий Мавлоно Атоийнинг Балҳда яшаганини, аммо аслан Туркистонлик Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Исмоил ота фарзандларидан эканини «Мажолис ун-нафоис»да кўрсатиб ўтади:

«Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок (туркийзабон халқлар) орасида кўп шуҳрат тутди. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамки сув қироғинда паридек ўлтурур
Ғояти нозиклугидин сув била ютса бўлур¹».

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да эҳтиром билан қаламга олган яна бир туркигўй шоир Юсуф Амирийдир.

Навоий ёш шоир бўлган кезларда Юсуф Амирийнинг энг яхши асарлари унга ижобий таъсир кўрсатгани А.Ҳ.Ҳайитметовнинг «Алишер Навоий ва Юсуф Амирий» деб аталган илмий ишида кўрсатиб ўтилган. Масалан, Юсуф Амирийнинг энг яхши ғазалларидан бири қуйидаги байт билан бошланади:

Вафо то бўлди жононимга махсус
Жафову жавр эрур жонимга махсус.

«Навоий бу ғазалга жавобан шу вазн ва шу радиф билан икки ғазал ёзади», — дейди А.Ҳайитметов ва бу фикрни тасдиқлайдиган қуйидаги сатрларни келтиради:

Рақиб ул навъ эрур жононга махсус
Ки муҳлик дарди онинг жонга махсус.
Эрур ишқинг мени маҳзунга махсус
Ки Лайли дардидир Мажнунга махсус².

Кўриниб турибдики, Навоий Юсуф Амирий топган шеърий шаклнинг имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиб, маънони кенгайтиради.

Алишер Навоий билан Юсуф Амирий, Лутфий, Атоий каби мумтоз адабиётимиз вакиллари руҳан бир-бирларига

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XII жилд, 62–63-бетлар.

² А.Ҳ.Ҳайитметов. «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» 1996 й., 86–87-бетлар.

суяниб ижод қилишларига имкон берадиган тарихий шароит тараққийпарвар Темурийларнинг туркигўй шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатганлари туфайли яратилди.

Биз Абдуллатиф Мирзо каби падаркуш ва Султон Абусаид каби Алишер Навоийга зулм ўтказган темурийзодалар ҳам яшаб ўтганини назарда тутган ҳолда, тараққийпарвар Темурийларни улардан фарқ қилиб қаламга олмоқдамиз. Шоҳруҳ подшоҳнинг маърифатли ўғли Бойсунғур Мирзо шоиртабиат йигит бўлган. Унинг туркий тилда ёзган бир рубойиси Аҳмад Тарозийнинг «Фунуни балоға» асарида келтирилган. Шу билан бирга Бойсунғур Мирзо шоир Юсуф Амирийнинг «Даҳнома» номли машҳур асари ёзилишига ҳам сабабчи бўлади. Бу тўғрида Юсуф Амирийнинг ўзи қуйидагиларни ёзади:

Бу султон саъи еткурди қанотим
Ки парвоз этдиму билгурди отим
Бу хуршид олди эҳсон соясинда
Ким илким етди Салмон поясинда.
Бу дарё парвариш қилди баса йил
Ки кўргаздим ариғ гавҳар очиб тил.
Бу давлат нури кўринди кўзимга
Ки гардун муштари бўлди сўзимга.
Ёрутсун ер юзини бетағайюр
Юрутуб ҳукми султони Бойсунғур¹.

Юсуф Амирий ёзган бу маснавий шеърнинг бадиий тили фозил одамларга ҳам маъқул, оддий оммага ҳам тушунарлидир. Бундай талабни Амир Темур Низомиддин Шомий олдига қўйганини юқорида келтирган эдик. Бойсунғур Мирзо ҳам шу талабни Юсуф Амирий олдига қўйган бўлиши эҳтимолга яқин. Шунинг учун «Даҳнома»нинг тили жуда равон ва сермазмун. Бойсунғур Мирзонинг ғамхўрлиги туфайли шоир ўзида қанот пайдо қилгандай ва қўли Шарқнинг энг машҳур шоири Салмонга етгандай бўлади. Гардун — жаҳон унинг шеърига муштарий, яъни муштоқ бўлгандай туюлади.

Ўша даврда ижод қилган яна бир шоир — Ҳайдар Хоразмий Амир Темурнинг Шерозда ҳукмрон бўлган невараси

¹ Юсуф Амирий. «Даҳнома». «Муборак мактублар» тўпламида. Тошкент. 1987 й., 119-б.

Искандар Мирзо саройида хизмат қилади. У ўзининг «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») асарида Искандар Мирзонинг туркий тил ҳақида айтган фикрларини шеърга солади:

«Турк зуҳуридир оламда бу кун
Туз ятуған бирла шудурғуни соз¹.
Турк сўзларини тузук била туз
Яхши оёлғу (оҳанг) била кўкла қўбуз.
Мен битган хат била йўнғил қалам
Мен юрган йўл била урғил қадам»².

Бу олти сатр маснавий алоҳида таҳлилга муносибдир. Шоирга топшириқ бераётган Искандар Мирзо бу сатрларда турк дунёсининг қатъиятли бир ҳукмдори сифатида гавдаланади. Шунинг учун Искандар Мирзо тўғрисида қисқача маълумот бериш жоиз кўринади.

Амир Темур вафот этганда Искандар Мирзо 21 ешли йигит эди. У бобосини кўп марта кўрган, унинг сўзларини эшитган, «Темур тузуклари»да қаламга олинган тарихий воқеалардан хабардор эди. Тарихчи Муъйиниддин Натанзий ҳам Искандар Мирзо ҳомийлигида ўзининг «Мунтахаб ут-таворих» асарини ёзгани юқорида айтиб ўтилган эди. Бу темурийзоданинг қалам аҳлига алоҳида эътибор бергани Ҳайдар Хоразмийдан келтирилган сатрларда янада яққол кўзга ташланади. Натанзий ўзининг тарих китобини форс тилида ёзган бўлса, Искандар Мирзо туркийзабон шоир Ҳайдар Хоразмийга «турк сўзларини тузук била туз» деб маслаҳат беради. Бу ерда «тузук» сўзи Амир Темур тузукларини эса солади. «Тузук» сўзининг нақадар кенг ва теран маънолари борлиги яна бир бор намоён бўлади. «Давлат тузуми» деган иборада ҳам асл маъно «туз» деган ўзакдан келиб чиқади. «Турк сўзларини тузук била туз» деган сатрда эса турк тили қоидаларига риоя қилиш зарур экани англашिलाди.

«Турк зуҳуридир оламда букун» деган сўзлар орқали Амир Темур тузиб кетган қудратли давлат туркий тилли халқларни оламга танитганига ишора қилинади. Ўзини Соҳибқирон

¹ Я т у ғ а н в а ш у д у р ғ у — туркий халқларга хос мусиқа асбоблари.

² Э.Р.Р у с т а м о в. XV аср ўзбек поэзияси. М., 1963 й., 43-б.


бобосининг маънавий вориси деб билган Искандар Мирзо шоирни ўзи юрган йўлдан юришга, туркий саз билан сўз айтишга даъват этади.

Шунга ўхшаш даъватлар орадан қирқ-эллик йил ўтгандан кейин машҳур темурийзода Ҳусайн Бойқаро томонидан ҳам қилинганини биз Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида кўрамиз.

Ҳусайн Бойқаро фақат даъват қилиш билан чекланмасдан, ўзи ҳам туркий тилда шеърлар ёзиб, девон тартиб берган эди. Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида махсус бир бобни Ҳусайн Бойқаро ижодига бағишлагани кўпчиликка маълум.

Ҳусайн Бойқаро давлат иши билан қанчалик банд бўлмасин, Алишер Навоийнинг ҳар бир янги асарини синчиклаб ўқиб чиқади, ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб яхши маслаҳатлар беради. Туркий тилда янада мукамал асарлар яратишга шоир дўстини рағбатлантиради. Шунинг учун Алишер Навоий «ул Ҳазратнинг таълими, тарбияти ва раҳнамолигини» миннатдор бўлиб қаламга олади¹.

Мана шу тарзда Амир Темурдан бошланган туркий тилни ва туркиғўй ижодкорларни эъзозлаш анъанаси тараққийпарвар Темурийлар даврида кенг кўламда ривожланади ва Алишер Навоий каби улўф сиймонинг ўзбек адабиётини ва унинг бадиий тилини мумтозлик даражасига етказишига имкон яратилади.



¹ Алишер Навоий. XIV жилд. 1967 й., 131-б.

МУМТОЗЛИК ЧЎҚҚИСИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Адабий тил асрлар давомида тадрижий тарзда ривожланиб борар экан, ташқаридан қараганда бу ривожланиш кўпроқ миқдорий ўзгаришлар шаклида кўзга ташланади.

Энг қадимги умумтуркий тил намуналарига назар ташласангиз, тошларга битилган ёзувларда сўз бойликлари «Қатадғу билиг» ёки «Девону луғотит турк» дагичалик қўп эмаслигини кўрасиз. Лекин бугун ҳам истеъмолда бўлган «олтин, кумуш, темир, тоғ, қўй, ой, йил» каби юзлаб туркий сўзлар «Алп Эр Тўнға» достонига ва ўша тош битикларга бундан минглаб йиллар олдин ёзилган.

Масалан, «Алп Эр Тўнға» достонига Тошкент ва Наманган шеvasига хос қўшимчалар учрайди. «Алп Эр Тўнға»нинг уйғур хонлари билан қилган жанги тасвирида шундай сатрлар бор:

Кушлар каби учдимиз,
Қудруқ (от думини) қаттиқ тугдимиз,
Келингиздаю (селлар каби) ақдимиз.
Кендлар уза чиқдимиз¹.

Қадимги туркий достонлар анъанасига биноан, жанг тафсилоти қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Тошкент шеvasида қўп учрайдиган «келдивуз», «бордивуз» сўзлари «келдимиз», «бордимиз» сўзлари талаффузининг хиёл ўзгарган кўринишидир. Худди шу қўшимча адабий тил меъёрларига мос ҳолда «миз» қўшимчаси шаклида бундан икки ярим минг йил олдин ўтган Алп Эр Тўнға тилидан айтилиши ва «Девону луғотит турк»да келтирилиши туркий тилларга хос барқарорликнинг ажойиб намунасидир.

¹ «Алп Эр Тўнға жангномаси». 1995 й., 19-б.

Лекин барча жаҳон тиллари каби, бизнинг адабий тилимиз ҳам бошқа тилларга сўз бериб, сўз олиб, ўзаро таъсирлар жараёнида ривожланиб борган.

Бунинг характерли бир мисолини «Қатадгу билиг» билан Яссавий ҳикматларида «билге» (доно) ва «билгисиз» (нодон) сўзларининг ўрин алмашишида кўрамиз. Юсуф Хос Ҳожиб соф туркий сўзлар билан «Билгесиз билгенинг ёғиси» (душмани) дейди. Худди шу фикрни Яссавий «нодонлар дононинг душманидир» деган жарангдор форсча-арабча сўзлар ёрдамида ифодалайди.

Биз бу ерда барча жаҳон тилларининг ривожланиш жараёнларида учрайдиган умумий қонуниятни — маълум адабий тил бошқа тараққий этган тиллардаги сўз бойликларидан фойдаланиб, ўз имкониятларини кенгайтириб боришини кўрамиз.

Масалан, форс адабий тилининг таркибида жуда кўп арабча сўз ва иборалар бор. Ислом динини биздан олдин қабул қилган эронликлар «Қуръон» ва «Ҳадис»ни ҳам биздан олдин ўз тилларига таржима этганлар. Бу эса араб сўзларининг форс-тожик адабий тилига кириб ўрнашиш жараёнини тезлаштирган.

Юсуф Хос Ҳожибдан сал кейинроқ «Девону луғотит турк» асарини яратган Маҳмуд Кошғарий ўз она тилининг бойликларини бошқа халқларга танитиш йўлида фидойиларча меҳнат қилади. У туркий халқлар яшайдиган ўлкаларни кезиб, Каспий денгизи бўйларида Хитой чегараларигача чўзилган минтақаларда тадқиқот ишлари олиб бориб, бошқа кўп халқлар сўнгги асрлардагина ярата бошлаган изоҳли луғатни бундан салкам минг йил олдин яратади. Бу луғатнинг ажойиблиги шундаки, унда туркий сўзларнинг изоҳи араб тилида берилади. Асар Бағдодда ёзилади.

Оламшумул илмий асарларини араб тилида ёзган Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг энг яхши анъаналарига суянган ҳолда Маҳмуд Кошғарий улар қилолмаган улуғ бир ишни амалга оширади. Туркий тил бойликларини илмий истеъмолга шундай кенг қўламда олиб кириш — минг йилларга татийдиган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик намунаси ҳисобланади.

«Девону луғотит турк»ни ўзбекчага таржима қилган тилшунос олим С.Муталлибов Алишер Навоий асарларидан қиёсий мисоллар келтириб, Маҳмуд Кошғарий асари ўзбек

адабий тилининг шаклланиш жараёнида иштирок этганини исбот этади.

Масалан, «Девону луғотит турк»да қаттиқ йиғлаш — «сигташ» сўзи билан ифодаланади. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида бу сўз қуйидаги сатрларда учрайди:

Ул ойки кула-кула йиғлатди мени
Йиғлатди мени демайки, сиқтатди мени¹.

Девонда учрайдиган «ўқсуди» сўзи «камайди», «озайди» деган маънони билдираркан. Алишер Навоий ҳам бу сўзни худди шу маънода ўз шеърига киритган:

Ер юзини ёмғир суви билан ювди,
Киру чирки у юмғин ўқсиди².

Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий яшаган даврлар орасида тўрт асрлик фарқ бор. Навоий «Девону луғотит турк» асари билан таниш бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин Маҳмуд Кошғарий даврида истеъмолда бўлган жуда кўп туркий сўзлар Алишер Навоий давридаги адабий тилда ҳам учраши бу сўзларнинг умри узоқ бўлганидан далолат беради.

Маҳмуд Кошғарий фаолият кўрсатган ўлкалардан оқиб ўтган тил дарёси Алишер Навоий яшаб ижод қилган минтақалардан ҳам оқиб ўтганини улар ёзган китоблар таркибидаги муштарак сўзлар орқали билиш мумкин.

Вақт ва масофа нуқтаи назаридан қараганда, Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб асарларининг тили Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари яратган асарларнинг бадиий тилига яқинроқдир. «Қутадғу билиг» донишманд шоирнинг панд-насиҳатларини ўз ичига олган етук дидактик асар. Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам теран маъноли панд-насиҳатлар жуда кўп. Фақат Яссавийда бу панд-насиҳатлар тасаввуф ғоялари билан бойитилган. Юсуф Хос Ҳожиб панд-насиҳатларига нисбатан Яссавий ҳикматлари бадиий тафаккурнинг янги юксаклигига кўтарилган.

Алишер Навоий ижодида тасаввуф таълимоти бадиий тафаккурнинг янада баланд поғоналарда ривожланишига

¹ «Девону луғотит турк». 1 жилд, 1960 й., 338-б.

² Ўша жилд, 276-б.

имкон беради. Тасаввуф Алишер Навоийни Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари билан руҳан яқинлаштиради.

«Насойим ул-муҳаббат»да биз нафақат Яссавий, балки унинг ишини давом эттирган кўплаб ворислари катта эҳтиром билан қаламга олинганини кўрамиз.

Алишер Навоий Аҳмад Яссавийга қуйидагича баҳо беради:

«Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомати олий ва машҳур. Шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз»¹.

Бу ерда «Туркистон мулки» деган ибора туркий халқлар яшайдиган улкан минтақани назарда тутиб айтилади. Яссавийга ихлос қўйган шоҳлар бениҳоя кўп бўлгани ҳам турк дунёсида Яссавий олий мақомли энг машҳур пирлардан бўлганини билдиради. Яссавийнинг шогирди Ҳаким ота «Насойим ул-муҳаббат»да алоҳида эҳтиром билан таърифланади:

«ҲАКИМ ОТА — оти Сулаймондур ва Хўжа Аҳмад Яссавий қ.с.нинг муридидир. Ҳамоноки, бир кун Хўжа табҳе (иссиқ овқат) буюргандурларки, мутбихе (ошпаз) ўтун етмайдур деб келгандур. Алар асҳоб (ходимларига) дегандурларки, ёзидан (даладан) ўтун териб келтурунг. Ва ул замон ёғин ёғадур экандур. Асҳобким ўтун терибдурлар, алар хизматиға келгунча ёғин жиҳатидин ўтунлар ўл (хўл) бўлгандур. Ҳаким ота терган ўтунларин тўниға чирмаб қуруқ келтиргандур. Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларга бу лақаб андин қолгандур ва Ҳаким отага ҳикмат тили гўё бўлибтур. Андоқки, анинг фавоиди атрок (турклар) орасида машҳурдур. Ул жумладин бир будурким:

Тика турғон бутадур
Борғонларни ютадур.
Борғонлар келмас бўлди,
Магар манзил андадур»².

«Ушбу тўртликнинг тили Яссавий даврининг тили эканига гумон йўқ, — деб ёзади адабиётшунос олим И. Ҳаққулов, —

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XV жилд. 1968 й., 153-б.

² Алишер Навоий. Асарлар. XVII жилд. 2001 й., 425-б.

Аҳмад Яссавий тил ва услубининг соддалигига шубҳа қўзғайвермаслик керак»¹.

Гап шундаки, Аҳмад Яссавий ҳикматларининг анчаси бизга ёзма манбалар орқали эмас, дарвишлар ёддан айтиб юрган оғзаки ижод намуналари тарзида етиб келган. Шунинг учун айрим олимлар орасида Яссавий ҳикматларининг тили ва услуби дарвишлар томонидан соддалаштирилган ва ҳозирги замон тилига яқинлаштирилган, деган фикрлар мавжуд. Бу фикрлар орқали қўзғатилган шубҳаларга И.Ҳаққулов ҳақли равишда эътироз билдиради. Чунки юқорида келтирилган Ҳаким ота тўртлиги чиндан ҳам Яссавий даврига хос туркона ва халқона тилнинг намунаси ҳисобланади.

Ҳаким ота ижодига мансуб бўлган қуйидаги байт ҳам эл орасида шуҳрат қозонгани тасодиф эмас:

Ҳамма яхши, биз ёмон,
Ҳамма бугдой, биз сомон².

Бу байтдаги «яхши, ёмон, сомон» каби сўзларнинг ҳаммасини Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк»идан топиш мумкин. Демак, бу сўзлар бундан минг йил олдин ҳам худди шу шакл ва мазмунда ишлатилган. Орадан икки аср ўтгандан кейин Аҳмад Яссавийнинг издоши Ҳаким ота бу сўзлар асосида шундай ажойиб ҳикмат яратган экан, бунда биз ўзбек адабий тилининг бошқа туркий тиллардан ажралиб турадиган ўзига хос тараққиёт йўлидаги тарихий босқичнинг белгиларини кўрамиз.

Энди Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да келтирган ўтин воқеасининг ботиний маъносига эътибор берайлик. Қуруқ ўтин — олов манбаи, яхши аланга берувчи неъмат. Ёмғир тагида ҳўл бўлган ўтин ёнмайди, тутайди, буруқсаб одамни қийнайди. Тасаввуф назарияси инсон руҳининг Оллоҳ ишқида ловуллаб ёнишини талаб қилади. Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида «қуйиб-ёниб кул бўлган, ишқида булбул бўлган, сийналари чок бўлган, зикрин айтиб пок бўлган» ошиқларни улуғлайди. Бундай ошиқлар танани қийноқларга солиб бўлса ҳам, ўз руҳларини Ҳақ дийдорига пок етказишга интиладилар.

¹ И. Ҳ а қ қ у л о в. Аҳмад Яссавий ҳикматларига ёзилган бош сўз. 1991 й., 24-б.

² Ўша китоб, 24-б.

Ҳаким ота ўзи ёмғир тагида ҳўл бўлиб, танасини ҳар қанча қийнаган бўлса ҳам, руҳни ишқ оловида ёндирадиган рамзий «ўгин»ни тўнига чирмаб, қуруқ олиб келгани — унинг пок ишқидан далолат беради.

Алишер Навоий шунинг учун Ҳаким отанинг бу ишига таҳсин айтади. «Ҳаким отага ҳикмат тили гўё бўлибдир, андоққи, анинг фавойиди атрок орасида машҳурдир» деган ибораларнинг теран маъноси бор. «Ҳаким отага ҳикмат тили гўё бўлибдир» деганда «булбули гўё» сўзи эсга тушади. Қушлар орасида энг яхши сайрагани учун булбулни «гўё» деб улуғлайдилар. Ҳаким ота ҳам атрок, яъни турклар орасида она тилида «гўё» бўлиб ҳикматлар айтгани учун машҳур бўлди» деган маъно чиқади Алишер Навоий сўзларидан.

«Насойим ул-муҳаббат»да Яссавий шажараси ҳам эҳтиром билан қаламга олинади. Яссавийнинг яна бир шогирди — акасининг ўғли Исмоил ота машҳур шайхлардан бўлган. Исмоил отанинг ўғли Исҳоқ ота ҳам ўз даврида катта шуҳрат қозонган. Исҳоқ отанинг чевараси Хўжа Боязидга Амир Темур мурид бўлгани ҳақида Навоий ҳикоя қилган ажойиб воқеани биз юқорида келтирган эдик.

Навоий Аҳмад Яссавийга ихлос қўйган шоҳлар кўп бўлганини ёзар экан, биринчи навбатда Амир Темурни назарда тутган бўлиши мумкин. Чунки бу шоҳлар орасида ҳеч қайсиси Аҳмад Яссавий номига Амир Темурчалик улуғвор тарихий обида қурдирган эмаслар.

* * *

Энг баланд тоғ чўққисига чиққан одамга атрофдаги барча баландликлар жуда аниқ кўринади. Алишер Навоий Турон ва Туркистон тарихининг энг баланд маънавият чўққисига кўтарилганлиги учун унга Амир Темур, Аҳмад Яссавий ва уларнинг ворисларига хос юксак фазилатлар шунчалик аниқ намоён бўлади.

Аҳмад Яссавий ворисларидан бўлган Занги ота ҳам «Насойим ул-муҳаббат» асарида эҳтиром билан қаламга олинади. Алишер Навоий Тошкент яқинидаги бир қишлоққа номи берилган Занги отанинг Аҳмад Яссавий издошларидан бўлганини билганлиги ва уни шу фазилати учун ҳурмат қилганлиги кишини қойил қолдиради.

Шу муносабат билан тарихчи олимларимиз томонидан келтирилган қуйидаги тафсилотларни айтиб ўтиш жоиздир.

Аҳмад Яссавийни беш ёшидан тарбиялаб ўстирган устози Арслонбоб ота вафот этганда ундан Мансур отлиқ бир ўғил қолади. Бу пайтда Аҳмад Яссавий йигирма беш ёшлик баркамол йигит бўлади. Арслон ота энди ўз ўғли Мансурни Аҳмад Яссавийга шогирдликка беради.

Мансур Аҳмад Яссавийнинг биринчи даражали, садоқатли ва заковатли шогирдига айланади. Кейинчалик Мансур ота деган ном билан шуҳрат қозониб, Яссавия тариқатининг шуҳратига шуҳрат қўшади.

Занги ота — Мансур отанинг чевараси бўлади. Мансур ота шажараси Яссавий ворислари орасида энг узоқ умр кўради. Тўрт юз йиллик давр мобайнида бу шажарадан кўплаб ёрқин сиймолар етишиб чиқади. Ана шу сиймолар орасида Занги ота алоҳида ўрин тутади.

Занги отанинг нафаси ўткир ўғилларидан бири Саид отага Олтин Ўрда хони Ўзбекхон мурид бўлади. Саид ота таъсирида Ўзбекхон ислом динини қабул қилгани юқорида айтиб ўтилган эди. Бу ҳодисадан Амир Темурнинг ҳам хабари бўлган, албатта. Шунинг учун у Занги отага ихлос қўйиб, унинг қабри устига мақбара қурдирмоқчи бўлгани ҳақида эл орасида чиройли бир ривоят пайдо бўлади.

Бу ривоят Неъмат Жабборовнинг Аҳмад Яссавий ҳақида махсус ёзган «Занги ота» деб аталган китобидан олинди.

Ривоятда ҳикоя қилинишича, Амир Темур Занги отага Тошкент яқинида қурдирмоқчи бўлган мақбара пойдевори кечаси қулаб тушади. Соҳибқирон бунинг сабабини билмоқчи бўлиб қурилиш бошланган жойга ўзи учун чодир тикдиради. Кечаси шу чодирда ухлаб ётганда тушига нуроний мўйсафид киради. «Бўтам, мени йўқлаб келибсен, илоё давлатинг зиёда бўлгай, — дейди мўйсафид». Соҳибқирон унинг Занги ота эканини фаҳмлаб, таъзим бажо келтиради. «Менинг пири бузрукворим, — дейди мўйсафид, — ул табаррук зот Ҳазрати Хўжа Аҳмад Яссавий Туркистонда ётибдилар. Сен аввал ул зоти баракотга мақбара бунёд эт!»¹

¹ Н.Ж а б б о р о в. «Аҳмад Яссавий тасаввуф осмонининг кўёши». 1994 й., 33–34-бетлар.

Туркистонда Аҳмад Яссавийга бағишланган улуғвор мақбаранинг Амир Темур томонидан қурдирилганига кўп сабаблар кўрсатиш мумкин. Биз бу сабабларнинг айримларини ўз ўрнида айтиб ўтдик. Ана шу сабаблар орасида Аҳмад Яссавийнинг улуғ ишини давом эттирган унинг садоқатли ворислари Амир Темурга олижаноб таъсир кўрсатганлари ва уни ўзларига ихлосманд мурид қилиб олишга муваффақ бўлганлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Занги ота номи билан боғлиқ бўлган юқоридаги ривоятда ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат акс этади.

Алишер Навоий мана шу ҳақиқатни яхши билганлиги учун ҳам Аҳмад Яссавий ва унинг маънавий ворислари: Ҳаким ота, Исмоил ота, Хўжа Боязид, Занги ота каби тарихий шахсларнинг ҳурматини жойига қўйиб, уларни турк оламининг азиз-авлиёлари қаторида қаламга олади.

Алишер Навоий кўтарилган маънавий юксаклик ғарбда Ренессанс деб аталадиган Уйғониш даврининг энг юксак чўққиси эди.

Дунёнинг баланд маънавият чўққисига кўтарилган мутафаккир шоирнинг қалб кўзлари жанубда Ҳиндистондан тортиб Шимолда Дашти Қипчоққача, шарқда Хитой чегараларидан тортиб ғарбда Туркия ва Грециягача бўлган улкан ҳудудларни қамраб олади ва шунчалик кенг минтақаларда истеъмолда бўлган тил бойликларини ўрганиб, саралаб ўз асарларига олиб киришга интилади.

Бу ҳодиса, аввало, шоирнинг ички дунёсида, даҳо даражасидаги хотирасида ўз аксини топади. «Муҳокамат ул-луғатайн»да ёзилишича, Алишер Навоий эллик минг байт шеърни ёд билган. Бундай ўткир зеҳн ва қуввайи ҳофиза деб аталмиш эслаб қолиш қудрати фақат даҳолардагина бўлади.

Шоир ёд билган эллик минг байтнинг асосий қисми туркий тилда бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки шоир ўзи ёзган энг яхши туркий шеърларни ҳам ёд билган. Бундан ташқари, у туғилиб ўсган оилада туркий тил ҳукмрон мавқени эгаллаган.

Масалан, шоирнинг она томондан бобоси Абусаид Чанг Амир Темурнинг чевара авлодларидан бири билан бир онани эмган кўкалдош бўлади. Шунинг учун Алишер Навоий ўзининг «Бадоеъ ул-бидоя» девонига ёзган бош сўзида ота-онадан етти пуштигача Темурийлар хонадонига яқинлиги тўғрисида ғоят камтарлик билан сўзлайди:

«Отам бу остонанинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи.
Манга гар худ бўлай булбул ё гар зог
Ки ушбу даргоҳ бўлғай гулшану боғ».

Бу тўртликда фақат «хокбези» сўзи изоҳ талаб қилади. Бу сўз орқали остона тупроғини ўпувчи, яъни шу даргоҳни ғоятда эъзозловчи киши назарда тугилади.

Алишер Навоийнинг ўзи ва ота-онаси хизмат қилган Темурийлар даргоҳида туркий тилнинг мавқеи баланд бўлганини яна шундан билиш мумкинки, унинг тоғалари Муҳаммад Кобулий ва Муҳаммад Али Фарбий туркий тилда шеърлар ёзганлар.

Алишер Навоийнинг онаси тўғрисида манбаларда маълумот учрамайди. Аммо туркигўй шоир Мир Саид Кобулий каби унинг синглиси, яъни Алишербекнинг онаси ҳам туркийзабон аслзодалардан бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Навоийнинг отаси тўғрисида «Насойим ул-муҳаббат»да қисқа бўлса ҳам, жуда ажойиб бир ҳикоя учрайди.

Уни келтиришдан олдин, «Насойим ул-муҳаббат» асосан авлиё ва анбиёлик бобида машҳур бўлган сиймоларга бағишланганини эслатиб ўтишимиз керак. Ҳиротда машҳур бўлган шундай сиймолардан бири Бобо Кўкий деб аталади. Алишер Навоийга отаси Амир Фиёсиддин Бобо Кўкий ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Подшоҳ ҳукми била бир иш учун Астробод вилоятига борур эрдим. Йўлда бир мажнунсифат йигит йўлиқти. Бир дирҳам анга тутта бердим, олмади. Мен бир курта жубба кийиб эрдим. Деди: «Курта жуббани олурам». Ҳаво совуқ эрди. Мен отни суриб ўтдим. Манзилга етганда ҳамул йигит яна келди. Яна дедик «Курта-жуббани олурам». Астробод даҳанасидан кирдук. Бир дарвеш яланг эрди. Ул курта-жуббани ул дарвешга бердим. Бир лаҳзадан сўнгра ҳамул йигит етишди ва менга боқиб дедик, курта-жуббани олдим... Менга таажжуб юзланди... Ҳирот шаҳридан Бобо Кўкий овозаси келур эрди... Мен Ҳирийга келгандин сўнг бордимки, анга мушарраф бўлғаймен. Кўрдимки, ҳамул йигит эрди»¹.

¹Алишер Навоий. XV жилд. 1968 й., 163-б.

Бу ҳикоянинг бадий тили ва тасвир воситалари алоҳида эътиборга сазовор. Жонли тилда айтиб берилган сирли воқеа бугунги ўқувчини ҳам ҳайратга солади. Бобо Кўкий одатдаги пирларга ўхшамайдиган мажнунсифат йигит. Шунинг учун Амир Гиёсиддин аввал унга бир танга пул беради. Йигит олмайди, отлиқ бораётган амирнинг эғнидаги иссиқ пўстин курта-жуббани сўрайди. Кун совуқ экан, пўстин эгаси бу гапга эътибор бермай от суриб ўтиб кетади. Манзилга етганда бу йигит яна пайдо бўлади. «Курта-жуббани олурам» деган сўзларни такрорлайди. Шу ерда «оламан» ўрнига озарбайжон ва турк тилларида учрайдиган «олурам» сўзи ишлатилгани эътиборни тортади. «Олурам» сўзини Амир Гиёсиддин эркин талаффуз этганидан сезиш мумкинки, Хуросон эли ўғуз шеvasида сўзлашувчи қавмларга яқин жойда яшаганлиги учун айрим талаффузга қулай сўзларни улардан олиб ишлатганлар. Алишер Навоий шеърларида ҳам «уй» сўзи «эв» шаклида, «истайман» сўзи «истарам» тарзида учрайди. Бу унинг барча туркий қавмларга хос тил ва шева бойликларидан бағрикенглик билан фойдаланганини кўрсатади. Бу бағрикенглик шоирнинг отаси Амир Гиёсиддинга ҳам хос бўлганлиги академик А.П.Қаюмовнинг «Нодир саҳифалар» китобида махсус таҳлил этилган¹. Алишер Навоийнинг кам ўрганилган асарларига бағишланган бу китобда «Насойим ул-муҳаббат», «Вақфийя», «Муножот», «Сирож ул-муслимин», «Тарихи мулуки аҷам» ҳақида атрофлича илмий маълумотлар ва бугунги китобхон учун қимматли аҳамиятга эга бўлган шарҳлар берилган.

Бу шарҳлар орасида «Сирож ул-муслимин» асарининг ёзилиш сабабига оид далил ва талқинлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ифвогарлар подшоҳ ҳузурида Алишер Навоийнинг ишқ-муҳаббатга, «бода билан кўнгил уйин шод» этишга чорлаган шеърларини ёмонлаб:

«Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст
Солиб ислому дин уйига ошуб». —

деган гапларни айтадилар.

Навоий бу гаплардан хабардор бўлиб изтироб чекади.

¹А.П.Қаюмов. «Нодир саҳифалар». 1991 й., 3-б.

«Шоирнинг душманлари ўша давр учун энг оғир ва ҳалокатга элтувчи айбларни Навоийга юкламоқчи бўладилар, — деб ёзади А.П. Қажумов. — Шундан сўнг Навоий бир асар ёзиб, ислом қоидаларини баён этмоқчи, шу билан ўз душманларига жавоб бермоқчи бўлади... Шу йўсинда «Сирож ул-муслимин» асари юзага келади»¹.

Тамагир шайхлар ислом динидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, бойлик ва мартаба орттирган бўлсалар, Алишер Навоий динлар тарихига бағишланган «Тарихи анбиё ва ҳукамо»ни, «Насойим ул-муҳаббат» китобида қаламга олинган авлиё ва машойихларга оид ҳикояларни Аллоҳга пок ва бегараз эътиқод руҳи билан яратади. У ўзининг чин исломий эътиқодларини туркий эллар қалбига етиб борадиган она тилида ёзишни мақсад қилиб қўяди:

Баён қилгаймен андак равшану пок
Ки идрок этгай ани ҳайли атроқ².

Алишер Навоий ҳам дунёвий, ҳам диний мавзуларда ёзилган барча асарларида туркий халқларнинг тил бойликлари ёрдамида уларни «якқалам» қилишга, яъни уларни бир адабий тил доирасига тортишга интилади. Юқорида биз унинг ўғуз шевасига мансуб туркий сўзлардан дадил ва самарали фойдаланганига мисоллар келтирдик.

Алишер Навоий жуда катта ҳудудларга тарқалган қипчоқ шевасидаги тил бойликларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади.

Тилшунос олим Х.Дониёров ўзбек адабий тилида қипчоқ шевасига мансуб сўз бойликларининг тутган ўрни ҳақида илмий тадқиқот иши яратган. Унинг бу мавзудаги китобида тўғри кўрсатилганидек, Алишер Навоий манғит, қирқ, юз, кўнғрат, қиёт, найман ва бошқа қипчоқ шевасида сўзлашувчи қавмларни яхши билган. Масалан, «Садди Искандарий» достонида Искандар қўшинларининг ўнг қанотида бораётган юз минг ўзбек ва манғит «Самарқанддин токи сарҳади Чин» гача саф тортгани шундай тасвир этилади:

¹ Ўша китоб, 38–39 бетлар.

² Ўша китоб, 38-б.

Яна манғит ўзбек била ёндашиб
Ики зулфдек тузлари чирмашиб
Алар ёнида Мовароуннаҳр эли
Ики руд орасида ўн шаҳр эли»¹.

Навоийгача ёзилган айрим тарихий манбаларда ўзбекларга туркийлашган мўғуллар деб қараш, уларни кўчманчи ва босқинчи деб ҳисоблаш ҳоллари учрашини «Темур тузуклари» таҳлилида кўрсатиб ўтган эдик. Бундай қарашлар асоссиз эканини Алишер Навоийнинг ўзбек қавмини алоҳида ҳурмат билан қаламга олганидан сезиш мумкин.

Аввало, Алишер Навоийнинг тасвирида «ўзбак» деб аталган эл Искандар яшаган милoddан олдинги даврда ҳам Самарқанд атрофларида яшаганлиги диққатга сазовордир. Искандар афсонавий подшоҳ бўлгани каби, унинг қўшини сафида юз минг ўзбек ва мўғул бўлгани ҳам шоирнинг бадиий фантазияси маҳсулидир. Лекин Искандар образи тарихий асосга эга эканини билганимиз каби, унинг даврида ўзбекларнинг туркий аجدодлари Самарқанд ва унинг атрофларини ватан қилганликларини биз Алп Эр Тўнға достони ва унинг номи билан Афросиёб деб аталган жой номларининг ҳанузгача сақланиб турганлиги орқали тасаввур қилишимиз мумкин.

Навоий тасвирида ўзбек, манғит икки дарё оралигида Мовароуннаҳр эли билан ёнма-ён яшайди, жангга ҳам бир саф бўлиб боради. Навоийнинг бу нуқтаи назари фақат ўтмишга эмас, келажакка ҳам йўналтирилгандек туюлади. Шоирнинг буюк даҳси унга келажакни олдиндан кўрсатаётгандек, асрлар ўтиши билан шоир энг улкан меҳру оқибатни ўзбек халқидан кўришини ва барча туркий халқлар орасида шу халқ уни ўзининг мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси деб тан олишини башорат қилгандай бўлади. Тасодиф эмаски, улуғ шоир ўзбек номини қайта-қайта қаламга олар экан, ҳар сафар бу халққа хос бирон фазилатга эътиборни қаратади.

Ҳалол она сутидек гар ўзбаким тутса,
Тобуқ қилиб, юкиниб, тустогон ичинда қимиз.

Ёки:

¹ Алишер Навоий. Асарлар. X жилд. 1967 й., 76-б.

Шоҳу хилъатеким мен тамошо қилғали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас.

Бу сатрларни ўз китобида келтирган Х.Дониёров кўпроқ қипчоқ шевасида сўзловчи «желовчи» ўзбекларни назарда тутди¹.

Албатта, қимизни кўпроқ чорвадор ўзбек қавми ичади. Алишер Навоий уларнинг гўзал бир одатини тустоғон деб аталадиган чиройли косада бир тиззаларини ерга қўйиб таъзим билан қимиз тутишларини тасвирлайди. Алишер Навоий «она сутидек ҳалол» деган таъриф билан қимиз тутган ўзбекка меҳр изҳор қилгандек бўлади.

Шеърдаги «тўбиқ, тустоғон, юкиниб» деган ўзбекча сўзлар мусаффо она тилимизнинг бойликларини намоён қилади. Бироқ бу сўзларни фақат «желовчи» қипчоқ шевасига мансуб қилиб кўрсатиш унча тўғри эмас. Бу сўзлар қипчоқ шевасида бўлгани каби, қимиз ичадиган бошқа шаҳарлик ўзбек қавмларининг сўзлашув тилида ҳам мавжуддир.

Шоир оддий юртдошлари киядиган қалпоқ (бу ерда дўппи маъносида ҳам келади) ва устки кийим — ширдоғни шоҳлар киядиган хилъатдан мароқлироқ дейиш билан яна ўзбек қавмига бўлган ҳурматини кўрсатади. Ҳали ўзбек халқи алоҳида бир миллат бўлиб шаклланмасдан анча олдин унинг туркий қавмлар орасида алоҳида ўрни ва улкан истиқболи борлигини Алишер Навоий юракдан ҳис қилган бўлса керак. Эркин Воҳидовни машҳур қилган «Ўзбегим» шеърдан беш аср олдин Навоий ўзбекларни ўзининг халқи деб билиб, илк бор уларни меҳр билан «ўзбаким» деб шеърга солиб қуйлагани адабий тилимиз тарихининг ажойиб ҳодисасидир.

* * *

Эллик минг байт шеърни хотирасида жамлаган Алишер Навоий адабий тилимизнинг минг йиллар давомида яратилган бойликларини қалбга йиғиш билан чекланмайди. Балки араб ва форс тилининг ўзига ёққан сўз ва ибораларини ҳам хотирасида жамлаб, бу тиллардаги яхши шеърларни ёд олади.

¹ Х. Д о н и ё р о в. «Желовчи шеваларни ўрганиш тажрибаси». Тошкент, 1975 й., 66-б.

Бу ҳодисани у ўзи шундай эслайди: “Уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқимоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди...” Чиндан ҳайратланарли ҳол шу эдики, уч-тўрт ёшли Алишер Қосим Анвор деган машҳур форс шоирининг қуйидаги сўфиёна шеърларини ёддан айтар эди:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок!

Риндлик — сўфиёна ҳурфикрлиликдир. Бу ердаги ошиқлик ҳам илоҳий ишқ туфайлидир. “Тўнимиз йиртиқ бўлса-ю, ишқимиз ўти билан жаҳонга ўт қўйсақ ҳам дунё фикрига парво қилмаймиз, чунки сенинг (яъни илоҳий қудратнинг) ғами билан яшаш бахтига эгамиз”.

Уч-тўрт ёшли маъсум бола бу сатрлар мағзига сингдирилган мураккаб тасаввуф гояларини тўлиқ идрок эта олмаган бўлиши мумкин. Лекин шеърдаги жўшқин оҳангда, болаларга ёқадиган шўҳ бир эркинлик ва ўт-оловга тўлган сўзлар ёш Алишерни ўзига мафтун қилгани табиий. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида биринчи бўлиб Қосим Анворнинг шу матлафини келтиради ва ёзади: “Бу фақир аввал назмеким ўрганибмен бу сўнгги матлаъдур”¹.

У замонларда мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари араб ва форс тилларида олиб борилган. Алишербекни беш ёшга тўлар-тўлмас мактабга берадилар. “Лисон ут-тайр” асарида у ўзининг мактабда ўқиган йилларини эслар экан, Шайх Саъдийнинг насрда ёзган “Гулистон” ва “Бўстон” нини ўқиганини, назмда эса Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига алоҳида эътиқод қилганини кўрсатиб ўтади.

Бу достоннинг қаҳрамонлари — қушлар. Уларнинг содда тилда сўзлашуви ва хавф-хатарга тўла сафарлари ёш Алишерни қизиқарли саргузаштдек ўзига жалб қилади. Лекин ақл-заковати жуда эрта уйғонган Алишер “Мантиқ ут-тайр” достонига қушларнинг мажозий образларига сингдириб ифода этилган ички илоҳий маъноларни ҳам англайди ва астойдил қабул қилади.

¹ Алишер Навоий. XII жилд. 1966 й., 9-б.

“Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.
Ўйлаки, элдин узулди улфатим
Ул китоб эрди аниси хилватим.
Ким дедим: узлат эшикин очқамен
Даҳр бемаъни элидин қочқамен”¹.

Энди ўн ёшга кирган боланинг ёлғизликни яхши кўрадиган ва одамлардан бегонасирайдиган бўлиб қолганлигини кўрган ота-она бунинг сабаби “Мантиқ ут-тайр” достонининг унга кучли таъсир қилганлиги эканини пайқайдилар. “Телбалик юз бермасин” деб хавотирланиб, китобни ундан оладилар ва Алишер тополмайдиган қилиб яширадилар.

Лек чун ёдимда эрди ул калом
Ёшурун тақрор этар эрдим мудом.
Андин ўзга сўзга майлим оз эди
Қуш тили бирла, кўнгул ҳамроз эди².

Бир неча минг мисрали достонни ўн ёшида форс тилида ёд олганлиги — Алишер Навоийнинг зеҳни нақадар ўткир, хотираси қанчалик кучли бўлганидан далолат беради.

Фаридиддин Аттордан олган тасаввуф сабоқлари бир умр Алишер Навоийнинг ёдидан чиқмайди. Ф.Аттор Навоийдан тўрт аср олдин Хуросоннинг Нишопур шаҳрида туғилган эди. Ундан 120 минг мисра шеър ва кўпгина асарлар мерос қолади. Ф.Аттор 1229 йилда Чингизхон бошлаб келган мўғул босқинчилари қўлида фожиона ҳалок бўлади. Навоий яшаган даврда унинг мақбараси харобага айланган эди.

“Алишер Навоий Шайх Аттор сағанасини янгидан тиклаб, салобатли бир мақбара қурдиради, — деб ёзади Н.Комилов. — Давлатшоҳ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, бу мақбара Нишопурнинг улуғ зиёратгоҳига айланади”³.

Ф.Атторга Навоийнинг ихлосмандлиги унинг “Лисон ут-тайр” асарида Қақнус образида янада яққол намоён бўлади.

¹ Алишер Навоий. “Лисон ут-тайр”. 1991 й., 259-б.

² Ўша китоб, 259-б.

³ Н.Комилов. “Тасаввуф”, иккинчи китоб, 1999 й, 48-б.

Афсонавий куш Қақнус ўзи куйлаган ишқ оловида ёниб кетади, аммо олов ичидан янги бир қақнус ўтда куймайдиган самандардек чиқиб келиб, аввалгисининг ишини давом эттиради.

Ҳар неким аввалги кушга эрди шон
Зоҳир ўлди мунда ҳам ондин нишон.
Мен демонки, ул атодур, мен ўғил
Ул шаҳи олийсифат, мен банда-қул¹.

Алишер Навоий Ф.Атторни маънавий отадек улуғлаши, ўзини унинг вориси, ҳатто қули деб ҳисоблаши даҳо сиймонинг ноёб камтарлигини ва кимдан қандай яхши сабоқ олган бўлса уни доим эъзозлаб ёдга олишини кўрсатади.

Бу жиҳатдан унинг “Салди Искандарий” достонида форс тилида ижод қилган ҳамсанавис шоирлар Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийга қилган мурожаатлари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир:

Кичик эрканимдан бўлуб қошима
Улуғ муддао солдингиз бошима.
Карам айлаб икки қўлум қўлдангиз
Сўз иқлими сори мени йўлдангиз.

Кўриниб турибдики, форсий тилда ёзилган илк “Хамса”ларни ҳам Алишер Навоий кичик ёшдан ўқий бошлаган. Бу ўқиш натижасида унда улуғ мақсад — туркий тилда ҳам “Хамса” яратиш муддаоси пайдо бўлган.

Навоий даврида “қўл” ўрнига “илик” сўзини кўпроқ ишлатишган. Айни вақтда, “икки қўлим қўлдангиз” деган ибора “қўл” сўзининг ҳам истеъмолда бўлганини кўрсатади. Бу ерда “илик” сўзи шеърӣй вазнга тушмаган бўлса керак. Бундан ташқари, “илик”нинг сўнғак ичидаги иликка оид маъноси ҳам бор. Шеър эса аниқликни талаб қилади. Биз бугун “қўллаб-қувватлаш”, “йўллаш” сўзларини ишлатамиз. Навоий бунини “қўлдаш, йўлдаш” шаклида шеърга солади. Эҳтимол, унинг даврида бу сўзларни шу шаклда ишлатиш одат бўлгандир.

¹ Ўша китоб, 48-б.

Алишер Навоий илк ғазалларини форс тилида ёзгани адабиёт тарихи китобларида қайд этилган¹. У ўзининг форс тилида ёзган асарларига Фоний деб имзо қўйганлиги кўпчиликка маълум. Ғазал жанрининг оламшумул устози Хўжа Ҳофиз Шерозий эди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Алишер Навоий Хўжа Ҳофиз ғазалиётига олти мингдан ортиқ татаббуъ (назира, ўхшатиш) ёзганини қайд этади².

Тоҷик олими А. Мирзоев Алишер Навоийнинг Парижда топилган форс тилида ёзилган ғазаллари, яъни Фоний девонида 554 ғазалдан 237 таси Хўжа Ҳофиз ғазалларига ёзилган назиралар эканини айтиш билан шоирнинг юқоридаги фикрини тасдиқлайди.

Бу олим тўғри қайд этганидек, Алишер Навоий назира жанри анъаналарига мувофиқ равишда Хўжа Ҳофизнинг энг яхши ғазалларига татаббуъ ёзар экан, улардаги маъно ва мазмунни ўзига хос тарзда мукаммаллаштиради. А. Мирзоев ижтимоий-ахлоқий муаммоларни талқин этишда ва уларга дадил баҳо беришда Навоийнинг Ҳофиздан ўзиб кетган ғазаллари ҳам борлигини мисоллар билан кўрсатади. Аниқ далиллар асосида у Алишер Навоийнинг форс-тоҷик адабиётида ҳам устозлик қилиб, юксак маҳорат кўрсатганлигини исбот этади³.

Алишер Навоий араб тилини ҳам мукаммал ўрганган, унга устоз Фақих Абдуллайс Самарқандда ажойиб сабоқлар берган. Шоирнинг энг машҳур ғазалларидан бири араб тилидаги сатр билан бошланади.

“Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул худо
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо”.

Бу ердаги арабча сатрни “қуёш косасига тўлдирилган майда худонинг порлоқ нурлари акс этади” деб тушуниш мумкин. Шеърдаги ҳар бир сўз тасаввуф ғоялари билан сўғорилганлиги туркий тилдаги иккинчи мисрада янада аниқ кўзга ташланади.

¹ «Ўзбек адабиёти тарихи». II жилд, 1978 й., 45-6.

² А л и ш е р Н а в о и й. Асарлар. XVI жилд. 2000 й., 32-б.

³ А. М и р з о е в. Фоний ва Ҳофиз. “Навоий ва адабий таъсир масалалари”, 1968 й., 6-б..

Бу матлада шеърӣ санъатлардан тамсил усули қўлланилади. Араб тилидаги сатрда Қуёш косаси — бу коинот тимсоли. Унга тўлдирилган май — илоҳий ишқ майидир. Шоир қалбида Оллоҳга муҳаббат коинот миқёсида беқиёсдир.

Туркий тилдаги иккинчи сатрда тамсил санъати янада юқори даражага кўтарилади. Тасаввуф тилида ёр — бу худо. Унинг васлига интилиш — ошиқнинг олий мақсади. Бу васлга ишқ майи — Оллоҳга муҳаббат орқали етишиш мумкин. Жом — бизни ўраб олган дунё. Шу дунёдан садо келадики, ёр васлини кўрмоқчи бўлсанг, жомдаги майга қарагин.

Икки сатр шеърга шунча теран маънолар жойлангани кишини ҳайратга солади.

Бир мисраси ўзбекча, яна бир мисраси тожик-форс тилида ёзилган шеърларни ширу-шакар деб атайдилар. Юқоридагидай, бир мисраси арабча, бир мисраси туркий тилда ёзилган ғазални Навоий даврида “Муламмаъ” деб атар эканлар. Бу ҳақда махсус илмий иш ёзган навоийшунос олим А.Ҳайитметов муламмаъ жанридан Алишер Навоий қандай самарали фойдаланганини ўзи қилган таржима орқали кўрсатиб беради:

Ўлгум сусабон ҳажр биёбонида раҳм эт.
Конат шифоҳак айну ҳаёт ано атшон.

Иккинчи сатрни олим қуйидагича таржима қилган:

Тут лабки, ҳаёт чашмаси у, ташна эрур жон¹.

Бу ерда ҳам ёр висолига ташналик тасаввуф таълимотига мувофиқ равишда ҳаёт чашмасига интилиш тарзида тараннум этилади.

Ўн тўрт мисрали бу ғазалда барча сатрлар бошдан-охиригача икки тилда — араб ва туркийда ёзилган ва маҳорат билан қофияланган. Уни муваффақият билан таржима қилган А.Ҳайитметов Навоийнинг араб тилини нақадар яхши билганлигини қуйидаги сўзлар билан таъриф қилади:

¹ А. Ҳ а й и т м е т о в. “Бир нодир ғазал малоҳати”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001 й.

“Навоий араб тилида фақат фикр-мулоҳазаларинигина эмас, ҳис-туйғуларини ҳам гўзал услубда ифодалаш қувватига эга бўлган”¹.

Дунёда ҳамма нарсанинг қадр-қиммати қиёсий ўрганиш йўли билан аниқланади. Алишер Навоий араб ва форс тилларини мукамал ўргангач, ўз она тилини улар билан қиёс қилади.

“Турк алфозида... оламе назарга келди, — деб ёзади шоир «Муҳокамат ул-луғатайн»да, — ўн саккиз минг оламдан ортуқ, анда зебу зийнат... тўққиз фалақдин ортуқ; анда маҳзана (ҳазина) учради, дурлари кавокиб (юлдуз) гавҳарларидин равшанроқ ва гулшана учради, ҳарими атрофи эл оёғи етмақдин масун (асралган)... Аммо маҳзанининг йилони хунхўр ва гулшанининг тикани беҳадду шумор... Ҳамоноки бу йилонлар неши наштаридин табъ аҳли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра топмай ўтибдурлар... ва бу тиконлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин гул иликлай олмай йўл тутубдурлар”².

Маълумки, Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ўз умрининг охириги даврида жуда катта ҳаётий ва ижодий тажрибасини сарҳисоб қилаётган пайтларида ёзган. Қатрада қуёш акс этгани каби, биз келтирган ушбу иқтибосда унинг бутун умри давомида жамлаган тил бойликлари ҳар уч тилда бир-бири билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Бу уйғунликда туркий тил қоидалари етакчи ўринни эгаллайди.

Навоий ўз она тилини ўн саккиз минг оламдан ҳам ортиқ деб улуғлайди. Унинг ҳазиналари дурларга тўла, унинг гуллари осмон юлдузларидан ҳам равшанроқ. Унинг кўп бойликларига ҳали эл оёғи етган эмас, яъни бу бойликлар очилмаган қўриқлар каби сақланиб турибди. Фақат бу тил ҳазиналарининг наштардай тишли илонлари ва озор берувчи тиконлари бор.

Илон ва тикон — туркий тилнинг турли шеваларида фарқлар кўплигини, шунинг учун уларни ягона бир адабий тил қоидаларига солиб тартиб бериш қийинлигини образли шаклда ифода этади. Мана шу қийинчиликни енгиб ўтолмаган табъ аҳли хирадмандлари туркий тил ҳазиналаридан баҳра

¹ Ўша газета, 2 саҳифа.

² Алишер Навоий. Асарлар. XVI жилд. 2000 й., 25-б.

ололмайдилар. Бу тилни “ёввойи”, “қўпол”, “шеър тили” эмас, деб сарзаниш қилувчилар учрайди. Алишер Навоий туркий тилда ижод қилувчиларни “форсигўйларнинг таън қилур сарзанишидин” қутқаришни ўзига мақсад қилиб қўяди ва бу улуғ мақсадни амалга оширганини айтади¹.

Мутафаккир шоир қайси тилда ва қанақа асар ёзмасин, ҳаммасида янгилик яратади ва ҳар бир асарида ўзининг буюк истеъдодидан ёрқин бир нишона қолдиради.

Шу нуқтаи назардан унинг қасида жанрида Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий каби улуғ форсийзабон шоирлар билан қандай мушоира қилганига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Хусрав Деҳлавий ўзининг “Дарёйи аброр” (“Яхшилар дарёси”) деб аталган қасидасига жуда юксак баҳо берар экан: “Агар фалаклар ҳодисалари туфайли менинг барча назмим замона саҳифасидан ўчирилса-ю, фақат шу қасидам қолса, менга басдур”, дер экан.

Абдурахмон Жомий бу қасидага жавобан “Лужжат ул-асрор” (“Сирлар теранлиги”) номли қасида ёзиб, сафарга кетаётган Навоийга беради.

Навоий Марв томонга сафар қилаётган пайтида от устида бу қасидани ўқийди ва жуда ёқтиради. Навоийга Жомий қасидаси “Дарёйи абрордан”, яъни Деҳлавий асаридан рангинроқ ва ёрқинроқ туюлади. Бу асар таъсирида Навоийнинг ўзи ҳам “Тухфат ул-афкор” деган қасида ёзади. Абдурахмон Жомий Навоий ёзган қасидага шундай баҳо беради:

Чу ҳарфе чанд хондам з-он қасида
Дили хосонаш андар қайд дидам
Дар он асно чу шуд чашми басират
Кушода жумла дилҳо сайл дидам².

Таржимаси:

Бу қасиданинг ҳар бир жойини ўқиб,
Хосларнинг унга дилдан тан берганини кўрдим.
Шу аснода ҳушёрлик кўзи очилиб
Ҳамма дилларни овланган кўрдим.

¹ Ўша китоб, 40-б.

² Алишер Навоий. Асарлар. XV жилд. 1999 й., 35 ва 194-бетлар.

Абдурахмон Жомий шеърға илова тарзида ёзган мактубида Навоий қасидаси унда ифтихор туйғуси уйғотганини, асарнинг бирор жойида ҳам нуқсон ва хатолик йўқлигини айтади¹.

Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомийнинг улут дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида атрофлича баён этилган. Бу дўстликнинг ноёб бир хусусияти шунда бўлганки, Жомий Навоийнинг форсий тилда ёзган асарларини юқоридагидек юксак баҳолаган ҳолда, унинг туркий тилга майли кўпроқ эканини айтади ва бу майлини қўллаб-қувватлайди. Бу ҳақда А.Жомий ёзган фикрлар “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида ҳам жой олгандир. Биз бу фикрларнинг таржимасини келтирамыз:

“Унинг (Навоийнинг) номи инжуси шундай улугдирки, назмнинг ҳар тури унинг садафи бўла олур ва шеърнинг ҳар мақоми ундан шараф топаолур... Агарчи унга табиий қуввати ва истеъдоди кенглиги жиҳатидан ҳар икки хил шеър — туркий ва форсий муяссар бўлса ҳам, аммо туркий сари таъбининг мойиллиги ортиқроқдир”².

Жомийнинг бу сўзларини тасдиқлайдиган далилларни Навоий ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Жумладан, Навоий ўн беш ёшида яратган ва малик ул-калом Лутфийнинг юксак баҳосига сазовор бўлган қуйидаги байтни эслайлик:

Оразин ёпқоч кўзумдун сочилаур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгач қуёш.

Худди шу мазмундаги байт форс тилида Камол Хўжандий газалида учрайди:

То руҳ напўши, кай шавад аз дида ашки мо равон?
Пинҳон нагашта офтоб, ахтар намеояд бурун.

Камол Хўжандий савол берапти:

Сен юзингни ёпмасанг эди, бизнинг кўзимиздан қачон
ёш оқарди?

Офтоб яширинмагунча юлдузлар чиқмас эди³.

¹ Ўша жилд, 194-б.

² Ўша жилд. 204-б

³ Камол Хўжандий. Девон. Тошкент. 1962 й., 16-б.

Ҳар икки шоир ҳам шеърӣ мазмунни ўз она тиллари имкониятларидан келиб чиқиб жуда чиройли ифода этганлар. Форс шеърятини яхши билган Лутфий Хўжандийнинг юқоридаги байтидан албатта, хабардор бўлган. Айни вақтда, ёш Алишер Навоий шеърӣ санъат — тазминдан моҳирона фойдаланиб яратган туркий байт Лутфийга кўпроқ завқ берган бўлса керак. Шунинг учун Лутфий “агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн минг-ўн икки минг форсий ва туркий байтларимни шу бир байтга алмаштирардим” дейди¹.

Мактаб дарсликларида ҳам кўп келтирилган бу мумтоз баҳо Алишер Навоий ўн беш ёшидаёқ она тилимиз бойликлари ва гўзалликларидан қанчалик самарали фойдалана олганини кўрсатади. Суюкли ёр юзини парда билан ёпганда шоир учун худди қуёш ботиб қоронғилик тушгандай туюлади. Ҳижрон қоронғилигидан изтиробга тушган ошиқнинг кўзидан ҳар лаҳза сочилган ёшлар офтоб ботиб, тун қоронғуси тушганда пайдо бўладиган юлдузларга ўхшайди.

Темурийлар ҳукмрон бўлган даврда зулнисонаинлик, яъни ҳар икки тилда сўзлашиш ва ёзиш одат тусига кирган. Биз буни Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларида келтирилган ҳаётий воқеаларда кўрамиз.

“Мир Саид — Эл орасида “Кобулий” лақаби билан машҳурдир. Фақирга тағойи бўлар. Яхши таъби бор эди. Туркчага майли кўпроқ эрди... Султон Абусаид илгида Сарахс кўрғонида шаҳид бўлди...

Муҳаммад Али — “Ғарибий» тахаллус қилур эрди. Ул ҳам фақирга тағойи бўлур эрди. Мир Саид Кобулийнинг инисидур... Кўпроқ созларни яхши чалар эрди... Самарқандда ағосининг қотили шаҳодат мартабасига етказди”².

Алишер Навоий ҳар икки тоғасининг шоирлик истеъдоди бўлганини кўрсатиб ўтади ва уларнинг ҳам туркийда, ҳам форсийда ёзган шеърларидан намуналар келтиради. Мирсаид Али ҳам, Муҳаммад Али Ғарибий ҳам Ҳусайн Бойқаро

¹ Х о н д а м и р. «Макорим ул-ахлоқ», 45-46-бетлар.

² А л и ш е р Н а в о и й. “Мажолис ун-нафоис”. XII жилд, 1966 й., 66-67-бетлар.

хизматида бўладилар. Тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаро билан Султон Абусаид Мирзо орасида тожу тахт учун йиллар давомида шиддатли кураш боради. Мана шу курашда Мирсаид Али ҳам, Муҳаммад Али Ғарибий ҳам Ҳусайн Бойқарога ён босадилар. Чунки бу темурийзода Султон Абусаид Мирзога нисбатан адолатли ва илму маърифат аҳлига ғамхўр эди.

Султон Абусаиднинг Сарахсда ва Самарқандда қўли баланд келган кезларда Ҳусайн Бойқаронинг яқин одамлари бўлган Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийларни қатл эттиради.

Алишер Навоий ўзи ҳам мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқарога ён босганлиги ва тоғаларининг қотилларидан кўп ёмонликлар кўрганлиги тарихдан маълум.

Султон Абусаид Мирзо Ҳиротни забт этиб, уни ўзига пойтахт қилганда Алишер Навоий 18 ёшларда эди. “Султон Абусаид Мирзо замонидаким, Хуросон аҳли... асир эрдилар ва ҳар навъ зулм ва таалди алардин воқеъ бўлса, бу асирлар мутеъ ва фармонназир, — деб эслайди Навоий. — Бу фақирни айни ифлосу фалокат ва сарнавиш (толесизлик) ва ранжирўш (хафачилик) Машҳад сори тортиб элтди ва мафосил мариизи (бўгин оғриш касали) тори бўлиб, бир гўшада йиқилдим”¹.

Бу иқтибос “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридан олинди. Унда мумтоз насримизнинг ёрқин хусусиятлари кўзга ташланади.

Қисқа ва сермазмун ибораларда Султон Абусаид Мирзо даврида зулм ва зўравонлик авжига чиққанлиги ифода этилади. Аслида, Султон Абусаид ҳам темурийзодалардан эди. Хуросон унинг ота-боболари обод қилган ўлка эди. Лекин бу ерда у Хуросон аҳлини асоратга солади, ўзига мутеъ қилади. Таъсирчан ёш шоир бу шароитда касалга чалинади. Машҳадга келиб ётиб қолади.

Мана шундай оғир кунларда унинг олижаноб дўсти Паҳлавон Муҳаммад кўп яхшиликлар қилади. Табиб чақириб, Алишер Навоийни даволатади. Табиб далк (уқалаш) усулини буюрганда, бу ишни Паҳлавоннинг ўзи жуда яхши адо этади.

Алишербек тузала бошлайди ва янги бир ғазал ёзади. Бу ғазалнинг матлаби қуйидагича:

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XV жилд, 1999 й., 114-б.

Ҳар қаён боқсам, юзумга ул қуёшдин нур эрур.
Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.

Эрталаб ёзиб тугалланган ғазални Алишербек чўнтагига солиб қўяди. Паҳлавон Муҳаммад келиб, ҳар кунгидай далк (бўғинларни уқалаш) билан машғул бўлади. Шу машғулот давомида Алишербекнинг чўнтагидан учи чиқиб турган қоғозни кўради. Секин очиб қараса, янги битилган шеър. Далк давомида Паҳлавон Муҳаммад ғазални ўқиб ёдлаб олади. Шу ўринда унинг ҳам зеҳни ўткирлигига қойил бўламиз. Далк тутагандан сўнг у ғазал ёзилган қоғозни яна билинтирмай Алишербекнинг чўнтагига солиб қўяди. Шўх ҳазил-мutoйиба билан Алишербекни касал қилган хафачиликларни тарқатмоқчи ва дўстининг руҳини кўтармоқчи бўлади.

Алишер Навоий ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган юқоридаги ғазални Паҳлавон Муҳаммад ёддан айтади. Фақат ғазал охиридаги байтда “Навоий” сўзини “Насимий” сўзи билан алмаштиради. Шу билан гўё бу ғазални Насимий ёзган бўлади.

Бу ўзгаришдан таажжубга тушган Навоий Насимийнинг машҳур шоир эканини, лекин аввалги асрларда яшаб ўтганини эслайди. Паҳлавон Муҳаммаддан сўрайди:

“ — Бу шеърни қачон ёд қилиб тутуб эрдинг?

Деди:

— Ўн икки йил бўлғойки, бу шеър Бобур Мирзонинг мажлисида ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб олиб, ёд тутдим”.

Алишербекнинг таажжуби янада ортади. Паҳлавон Муҳаммад эртаси кун яна муолажага келганда ўзининг форсигўй сорт шогирдларидан уч-тўрт йигитни бошлаб келади. Кечаси билан улар ҳам Навоий ғазалини ёд олган бўладилар. Паҳлавон Муҳаммад шогирдларига: “Ўқинг, андоқки менинг била ўрганиб эдингиз, — дейди. — Алар дағи пайдарпай равон (ёддан) ўқидилар. Фақирга таажжуб устига таажжуб воқеъ бўлди”.

Ниҳоят, Паҳлавон Муҳаммад сирни очади, воқеани айтиб беради ва ғазалнинг охириги байтини аслидай қилиб ўқийди:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж
Йўқ ажаб, невчунки хом этган киши ранжур эрур¹.

¹ Ўша жилд. 116-б.

Ошиқ йигитнинг ҳис-туйғулари ғазалнинг матлаъида жуда эсда қоларли тарзда ифодаланган. Гап маъшуқа тўғрисида боради. Ишқ шундай кучлики, ошиқ қаёққа қараса, маъшуқа худди қуёш каби унинг юзига нур сочади, қаёққа назар солса, шу ой унга манзур туюлади.

Бу ерда инсоний ишқ билан илоҳий ишқ бир-бирига қўшилиб келади. Ғазал охиридаги “сиймбарлар” — кумуш танли, оқбадан гўзаллар васлига интилган ошиқ ҳамон мақсадига етолмай ранжур — дардман бўлади, чунки ҳали у бундай висол талаб қиладиган даражадаги камолотга эришган эмас, балки “хом этган киши” қаторида юрибди.

Ҳар лаҳза инсон юзига нури тушиб турадиган қуёш ва ҳар кўрганда кўзни қувонтирадиган ой — севимли, гўзал инсон ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бу образда илоҳий қудрат ҳам назарда тутилади. Навоийнинг ушбу ғазали муносабати билан Паҳлавон Муҳаммад Навоийдан “туркигўй шуародан қайси яхшироқ айтибдур?” деб сўрайди. Навоий Мавлоно Лутфийни афзал кўришини айтади. Шунда Паҳлавон Муҳаммад:

— Нечук Насимий демадинг? — деб сўрайди.

— Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур. Зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур.

Паҳлавон эътироз юзидин кинояомуз дедики:

— Насимийнинг назми “зоҳир юзидин мажоз тариқига шомилдир ва маъни юзидин ҳақиқат тариқига”.

Шу гапдан кейин Паҳлавон Муҳаммад Навоийнинг ўзи ёзган юқоридаги ғазални Насимийга нисбат бериб ёддан ўқийди.

Бу диалогга бадиий тил нуқтаи назаридан ёндашганда ажойиб бир манзарани кўрамиз. Кўпчилик асарларини романтик кўтаринки руҳдаги бадиий тил билан ёзган Навоий умрининг охириги йилларида яратган насрий эсдаликларини реалистик тил ва услубда ёзганига “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асари ёрқин бир далил бўла олади. Биз бу асардан келтирган диалогда шеър баҳси орқали ўша замоннинг машҳур зиёли кишиларига хос феъл-атвор ва характерлар ҳам очиб берилади.

Паҳлавон Муҳаммаднинг ёши Навоийникига нисбатан каттароқ, ҳаётий тажрибаси кўпроқ. Бундан ташқари, у Навоий шеъриятига четдан холис назар билан қарайди. Навоийнинг

янги ёзган ғазали Лутфий ғазалиётидан кўра бутун турк оламининг улуғ шоири деб тан олинган Сайид Насимий шеърятига яқинроқ эканини ўзига хос йўл билан исбот этади.

Ўта камтар бўлган Алишер Навоий ўзи ёзган юқоридаги ғазални кўпроқ Мавлоно Лутфий ижодига хос зоҳирий, яъни ташқи дунёда кўринадиган мажозий ишқ тасвири деб ўйлайди. У Насимийни ўзи каби ёш шоир учун қўл етмас баландликда деб билади.

“Насимий ҳақиқат тариқин адо қилибдур” деганда Навоий тасаввуф йўлларини назарда тутати. “Ҳақиқат тариқи”— илоҳиёт йўли деган маънони билдиради. Насимийнинг ҳақиқат тариқини адо қилгани тасаввуф юксакликларига кўтарилганидан далолат беради. Навоий ўзини ҳали бу юксакликлардан узоқда деб ўйлади.

Аммо Паҳлавон Муҳаммад Насимийнинг назми фақат ҳақиқат туриқини, яъни тасаввуф йўлларини тасвирлаш билан чекланмаслигини, балки моддий дунёнинг мажозий манзараларини ҳақиқат маънолари билан шомил қилиб, яъни уйғунлаштириб кўрсатишини айтади. Бу ерда дунёвий-инсоний маъноларни тасаввуфий-диний маъноларга қарши қўймаслик, балки уларни бир-бири билан боғлиқ ва уйғун ҳолда назмга солиш маҳорати тўғрисида сўз юритилади. Мана шундай юксак маҳорат Насимийда бўлгани каби Алишер Навоийда ҳам мавжуд эканини Паҳлавон Муҳаммад яшириқча ёд олган ғазал орқали дўстига исботлаб беради.

Бу воқеа орқали биз Паҳлавон Муҳаммаднинг ёш Алишер Навоий назмини нақадар теран тушунганига ва қанчалик юксак баҳолаганига гувоҳ бўламиз. Улар беҳад яқин дўст бўлганларини юқорида келтирилган диалогларда бир-бирларига “сен” деб мурожаат қилганликларидан ҳам пайқаймиз.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридан келтирилган парчанинг яна бир муҳим жиҳати — воқеанинг Машҳадда бўлиб ўтганлигидир. Бу ердаги форсийзабон йигитлар — Паҳлавон Муҳаммаднинг шогирдлари Навоий ғазалини бир кечада ёд олиб, “пайдарпай равон” айтиб берадилар. Навоий уларни “уч-тўрт куштигир пиёда сорт йигитлар” деб атади. “Сорт” сўзи “Муҳокамат ул-луғатайн”да ҳам кўп учрайди ва форсийзабон кишиларни назарда тутати. “Куштигир” сўзи “кураш тушувчи полвон” маъносига келади.

Мана шу полвон сорт йигитлар туркий назмни ёддан равон айтиб, Навоийни ҳайратга солганликлари, аввало, ғазалнинг шундай ёдлашга муносиб асар эканидан, айти вақтда, Темурийлар даврида Машҳадда туркий тилнинг мавқеи қанчалик баланд бўлганидан далолат беради.

Паҳлавон Муҳаммад тилидан айтилган бир ҳақиқат — Навоий шеъриятида инсон ҳаётига хос дунёвий маънолар ва тасаввуфга хос илоҳий маънолар бир-бирини тўлдириши ва бир-бирининг таъсир кучини ошириб бориши мутафаккир шоирнинг бутун ижодига хос бир фазилатдир.

Шу нуқтаи назардан унинг асрлар давомида гўзал куйларга солиниб айтиб келинаётган энг машҳур ғазалларини таҳлил қилиб кўрайлик.

“Ушшоқ” куйига солиб айтиладиган ғазал шундай бошланади:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Бу ғазални тасаввуф таълимоти асосида таҳлил қилган Н.Комилов куйнинг “Ушшоқ” деб аталишида ҳам сўфиёна маъно борлигини тўғри кўрсатади. Ушшоқ — “ошиқлар” деганидир. “Ушбу ғазалда ошиқнинг комил инсонга муҳаббати ифодаланади. Тасаввуф луғатларида кўз — комил инсон тимсолидир. Чунки кўз фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади”¹.

Қаранг, биринчи сатрдаёқ шоир ўзи севган комил инсонни юксак одамийликка даъват этади. “Мардумлиғ”, яъни одамийлик касб этгин (“фан” сўзи Навоий замонида касб, одат, тадбир маъноларида ишлатилган) дегани — илоҳий қудратга яқин турадиган чин инсон бўлгин деганидир.

Шоир ана шундай комил инсонни кўз қорачиғидек азиз деб билади. Навоийнинг юксак маҳорати шундаки, у шеърга солган кўпчилик сўзлар икки-уч, гоҳи ундан ҳам кўпроқ маъноларни ифодалайди, маъно тагидан маъно чиқади ва бир-бирининг таъсир кучини оширади. Бу ерда ҳам “мардум” — “одам” маъносини билдирувчи сўз айти вақтда, форс тилида “кўз гавҳари” деган

¹ Н.Комилов. “Тасаввуф”. II жилд. 1999 й., 88-б.

маънода ҳам келади, “қўзим қаросига” деган туркий тилдаги ибора орқали ҳар икки тилнинг имкониятлари бир-бирига қўшилиб, комил инсонга бўлган муҳаббат кучини икки карра оширгандай бўлади.

Ниҳоят, лирик қаҳрамон комил инсонга қарата “қўзум қаросида мардум киби ватан қилғил” деганда маъно яна бир даража юқори кўтарилади, яъни ошиқ ўз суюкли ёрига кўз қорачиғини доимий ватан қилиб беришга тайёрлигини айтади.

Иккинчи байтда “юзинг гулига кўнгил равзасин гулшан эт” деган сўзлар биринчи байт маъносини яна бир неча даража кенгайтиради. Кўздан ташқари, лирик қаҳрамоннинг кўнгил равзаси (боғи) ҳам комил инсон ихтиёрига берилади, токи комил инсоннинг гулдек юзи шоир кўнглидаги боғни ўзига гулшан этсин. Бу оддий гулшан эмас, жон гулшанидир. Шоир истайдики, комил инсоннинг қадди-ниҳоли бу гулшанни чаманга айлантирсин.

Ошиқнинг муҳаббат туйғуси ғазалнинг байтидан-байтига ўтган сари кучайиб боради:

Таковарингга бағир қонидин хино боғла
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Таковар — гўзал чопқир от. Унинг қаерига хино қўйиш мумкин? Ўша замонларда юксак мавқели аслзодалар минган отларини олтин-кумуш анжомлар билан безатгандан сўнг, унинг туёқларини тозалаб, хино қўйиш одати бўлган экан. Шоир комил инсонни ана шундай чопқир от устида тасаввур этар экан, унга муҳаббати зўрлигидан ўз бағир қонини унинг оти туёғига хино ўрнида боғлашга ҳам тайёр туради.

Бугина эмас: “Итингни ғамза қилишга (ўйнатишга) олиб чиққанингда, менинг жоним риштасидин қилинган расан (арқон, чилвир) билан уни боғлаб етаклагин”.

Маъно тагига яширинган яна бир маъно шулки, комил инсон жон риштасидан қилинган чилвир билан итини боғлаб етаклаганда, чилвир, яъни жон риштасининг бир учи суюкли комил инсоннинг қўлида бўлади ва бундан ошиқ роҳатланади.

Ушбу ғазалнинг энг кучли байтларидан яна бири:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб била ювғилу гул баргидин кафан қилғил.

Ёр юзидаги тер — висолга етишган пайтдаги кучли ҳаё ва тўлқинланиш рамзидир. Бу талқин Н.Комилов китобида ишонарли далиллар билан берилган:

“Ёр юзида терни, яъни вафо аломати, висолга етиш нишонаси ҳамда покиза қалб сафосини кўриб, шу қувонч ҳаяжони ичра жон берсам, эй дуст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак гулоб билан ювгинда, ўша гўзал юзга ўхшаш гул баргларида қалб қилгин”¹.

Бири-биридан гўзал мажозларда инсоний муҳаббат билан илоҳий ишқ бир-бирига қўшилгач, уларнинг таъсир кучи бениҳоя юксак бўлади.

Умуман, тасаввуф луғатида ҳамма сўзлар мажозий маъноларда ишлатилиши шоирнинг тил бойликларини хилма-хил шеърӣ санъатлар билан уйғунлаштириш ва мукаммал назм яратиш имкониятларини беқиёс даражада кенгайтиради.

“Қаро кўзум” деб шуҳрат қозонган мана шу ғазалда ҳам шакли бир хил, маъноси бошқа-бошқа сўзлардан Алишер Навоӣ қанчалик маҳорат билан фойдаланганини кўрамиз. “Мардум” — ҳам инсон, ҳам кўз қорачиғи. Навоӣ “тажнис” деб аталган шеърӣ санъатни ғазалнинг биринчи байтидан охириги байтигача ўз ғоясини ифода этишга изчил хизмат қилдиради.

Шоир комил инсонга шундай илтижолар қиладики, бу айни вақтда, илоҳий қудратга қаратилган муножотга ўхшаб кетади. Тасаввуф таълимоти комил инсоннинг ёр васлига етишини — худо васлига етиш деб билади. Худо васлига инсоннинг руҳигина етиб бориши мумкин. Унинг танаси фоний дунёда қолади. Шу маънода ёр васлига етган инсон жисман ўлган ҳисобланади. Мана шу тарзда тасаввуф ўлимни ҳам поэтиклаштиради, уни даҳшатли бир фожиа шаклида эмас, руҳнинг тана қафасидан халос бўлиб, ёр васлига йўл олиши деб билади.

Шунинг учун “Қаро кўзум” ғазалининг лирик қаҳрамони агар висолга етиб, ёр юзида терни кўриб ўлса, гулоб билан ювилишга ва гул баргидан қилинган кафанга ўралишга муносиб бўлади. Бу кафан ерга кўмиладиган фоний жасад учун эмас, балки илоҳий қудрат васлига бораётган руҳ учундир. Акс ҳолда, гул барги кафанликка ярамаган бўларди.

¹ Ўша китоб, 98-б.

Демак, кўз қорачиғида ватан қиладиган комил инсон “Аналҳақ!” деган Мансур Халлож каби Ҳақ дийдорига етишиб, жисман ўлади, руҳан эса абадий яшайди.

Шоир комил инсоннинг одамийлик хусусиятларини ҳам севади. Агар бу — одамийлик хусусиятини йўқотган руҳнинг жисмсиз ҳолати бўлганда эди, от миниб, итини ўйнатиб юролмас эди, унинг юзида ҳаё ва ифбатдан тер ҳам пайдо бўлмас эди, лирик қаҳрамон шу терни кўриб ёр васлининг қувончидан жон бермаган ва ориф бир руҳга айланмаган бўлар эди.

Хуллас, Навоий чин инсонийлик билан муқаддас илоҳийликни уйғунлаштириш орқали ҳар иккисининг ҳам қадр-қимматини оширади.

Навоийга хос инсонпарварлик илоҳпарварликдан куч-қувват олади. У инсоний камолотга ишонади ва комил инсонга бўлган муҳаббатини илоҳий қудратга бўлган эътиқоди даражасига кўтаради.

* * *

Адабиётшунос ва тилшунос олимларимиз Алишер Навоий ғазалларининг тасаввуф билан боғлиқ бўлган ботиний маъноларини шарҳлаб очиб бериш йўлида самарали ишлар қилганлар.

А.Рустамовнинг “Сўз ҳақида сўз” китобида Алишер Навоийнинг:

Зоҳид, сенга ҳуру, менга жонона керак.

Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак. —

деган машҳур сатрларини тасаввуф тушунчалари нуқтаи назаридан батафсил ва теран шарҳлаб берган.

Ўзини дунё лаззатларидан тийиб юрадиган зоҳид аслида риёкорлик қилади. Унинг ақидасига биноан, бу дунёда нафсини тийиб юрган одам ихтиёрига нариги дунё жаннатига юзлаб ҳуру ғилмонлар берилади. Ҳурлар — бокира қизлар, ғилмонлар — маъсум болалар. Зоҳид жаннатда ўшалар билан кайфу сафо қилишни истайди. Бу истак шаҳватпарастликдан келиб чиқади. Шунинг учун сўфиёна эътиқод зоҳиднинг бу истagini инкор этади.

Тасаввуф луғатида май — орифона ишқ тимсоли экани юқорида айтилган эди. Майхона эса ана шу илоҳий ишқ масканидир. Навоий зоҳидга “Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак” деганда жаннат тўғрисидаги телба-тескари ақидаларни зоҳиднинг ўзига раво кўради.

“Ҳамма излаган бахту саодат ва ҳаззу роҳат ичкиликда эмас, ишқда, яъни ҳақиқату маърифатнинг кучли жозибасида”,¹ — деб талқин қилади А.Рустамов тасаввуф назариясини.

Тасаввуф луғатида “жонона” ёки “жонон” деганда борлиқ коинот ва ундаги мавжудотнинг узлуксиз ҳаёти ва ҳаракатини таъминлаб турган илоҳий қудрат назарда тутилади.

Инсон тасаввурини коинот кенгликларига олиб чиқадиган фалсафий бир ғазалда Алишер Навоий кўкдаги юлдузлар ва сайёралар тасвирини ҳам инсонга хос ишқ дардига йўгириб кўрсатади.

Осмон одатда мовий рангда тасвир этилади. Лекин Навоий осмоннинг самовий нурлардан бинафшаранг бўлиб кўринадиган пайтини қаламга олади. Бу бинафшазор ичида юлдузлар ошиқ кўзига худди наргисзорга ўхшаб кўринади. Шундан кейин ёр васлига зор бўлган ошиқ ўз севгилисининг наргис кўзларини соғиниб эслайди.

Лекин фалак қозиси — Муштарий ёрни ошиқдан айирган ва узоқлаштирган бўлади:

Меҳрдин топмай нишон сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзима ёруғ жаҳонни тор этар.

Бу сатрларда Навоий “ийҳом” шеърый санъатдан самарали фойдалангани адабиётшунос Н.Жумаевнинг ғазалга ёзган шарҳида кўрсатиб берилган.

“Меҳр кўчма маънода қуёшни билдиради. Айрилиқ азобини тортаётган лирик қаҳрамон ёрдан меҳр кўрмагани устига гардундан ҳам қуёшни топа олмайди. Демак, висолсиз одам — офтобсиз олам, деган мусибатли мазмун юзага келади”².

Бу ғазалда ташхис, яъни жонлантириш санъати ҳар бир байтга изчил тадбиқ этилади. Зухро юлдузи осмон созандаси

¹ А.Рустамов. “Сўз ҳақида сўз”. 1987 й.

² Н. Жумаев. “Сатрлар силсиласидаги сеҳр”. Алишер Навоий. Ғазаллар ва шарҳлар” китобида. 1991 й., 167-б.

образида келади — чангининг торларини соч каби ёйиб, гўё ошиқнинг мусибатли аҳволига кўз ёпи тўкади. Ривоятлар бўйича, самовий котиб ва воқеанавис ҳисобланадиган Уторуд (Меркурий) юлдузи ошиқнинг ўлимига бағишлаб марсия ёзади, Ой эса мотам тутиб, тунги осмон рангида қора кияди. Бу ҳаммаси образли тафаккурнинг гўзал жилвалари, аини вақтда, бадий тилнинг олмос қирралари каби нур сочиб, турли хил товланишлар беришидир.

Алишер Навоий ғазаллари унинг ўз ҳаёти давомида бошдан кечирган драматик воқеалар шиддатини ҳам акс эттиради. Айниқса, Султон Абусаид Мирзо Ҳиротни босиб олиб, бегуноҳ одамларни, шу жумладан, Навоийнинг шоир тоғаларини ўлимга маҳкум этган машъум йиллар ғоят изтиробли шеърӣ сатрларда ўз ифодасини топади:

Парим бўлса учиб қочсам улусдин то қанотим бор.
Қанотим куйса учмоқдин югурсам то ҳаётим бор.
Чиқиб бу дайрдан Исога невчун ҳамнафас бўлмай
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Бу ғазални атрофлича таҳлил қилган И.Ҳаққулов: “Шоирга самога учган Исо пайғамбар ўрнак, — деб ёзади. — У Исога ҳамнафас бўлмоқни истайди... Дайрдин чиқиб бу дунёни тарк қилмоқ ва Исога ҳамнафас бўлмоқ учун ҳам қанот керак. Шу маънода тажарруд ва воз кечиш ва ҳиммат шоирнинг қаноти бўлади”¹.

Бу ерда ҳам тасаввуфга хос маъно ҳаётӣй воқеаларнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Мақолада навоийшунос А.Ҳайитметовнинг “бу ғазал Навоийнинг йигитлик даврида Султон Абусаиднинг жабру зулмидан ғоятда безиб, Ҳиротни ташлаб кетишга мажбур бўлган йилларида ёзилган” деган фикри маъқулланади. Бу фикрнинг исботи тарзида ғазалнинг охириги байти келтирилади:

Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса биллаҳ
Агар кавнайнига хошок чоғлиқ илтифотим бор.

¹ И. Ҳ а қ қ у л о в. “Парим бўлса, учиб қочсам”. Алишер Навоий. «Ғазаллар ва шарҳлар» китобида. 1991 й. 167–168-бетлар.

“Ниҳоят, бош муддао гапирилди: шоҳнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун унинг икки дунёга ҳам хошок чоғлиқ илтифоти йўқ”¹.

Бу ерда “кавнайн”, яъни “икки дунё” деган сўзнинг кимга нисбатан айтилаётганини аниқроқ талқин этиш зарур. Шоир дайрдин, яъни фоний дунёдан учиб кетишни истаганда бутун нажотни Исо кетган боқий дунёдан кутади. Шунинг учун умуман икки дунёни ҳам хошок билан баробар кўриб, инкор этиши мумкин эмас.

Гап бу ерда шоҳнинг кавнайни тўғрисида боради. Улуғ шоирни писанд қилмаган шоҳни, яъни Султон Абусаидни шоир ҳам писанд қилмайди, унинг бутун кавнайини, шону шавкатини, икки дунёсини хошокка тенглаштиради.

Ҳазалнинг умумий хулосаси шуки, шоир нажотни ердаги шоҳдан эмас, осмондаги илоҳий қудратдан излайди, шунинг учун қанот чиқариб учишни, қаноти куйса то ҳаёти борица югуриб олий нажоткор ҳузурига етиб боришни истади.

Алишер Навоий ҳазалларининг бадий тилида Аҳмад Яссавий аъналарининг ривожини кўрамиз.

Аввалги бобда Яссавийнинг “ўзим ғамлик, кўзим намлик, мен аламлик” деган сатрларини келтирган эдик.

Худди шу маъно арузнинг бошқа бир вазнида Навоий томонидан янада теранроқ ва таъсирлироқ қилиб берилади:

Кўзум намлик, бўйум ҳамлик, ичим андуху мотамлик...

Бу ҳазални атрофлича таҳлил қилган олим А. Абдуғафуров ҳазал байтларидаги ички қофиялар ҳар бир мисрани тўртта тенг бўлақларга бўлиб, уларга юксак бадийлик бахш этганига эътиборни қаратади.

- | | |
|-----------------|--------------------------------|
| 1) Фалак раҳзан | 1) Тилим лолу |
| 2) Замон душман | 2) Таним беҳол |
| 3) Бадан равзан | 3) Ишим афғон |
| 4) Уза равзан | 4) Сиришким қон ² . |

Айрим сўзларга изоҳ берайлик:

¹ Ўша китоб, 150-б.

² А. А б д у ғ а ф у р о в. “Тилим лолу сиришким қон”. Алишер Навоий. “Ҳазаллар ва шарҳлар» китобида. 1991 й., 143-б.

“Раҳзан” — йўлтўсар, қароқчи. “Равзан” — тутун чиқадиган мўри. “Афғон” — фиғоннинг кўплиги. “Сиришк” — кўз ёши.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони ўз даврининг жабру зулмларидан шу даражада безганки, замон унга душман, фалак қароқчи, шу шароитда унинг кўзидан қонли ёш оқади, фиғон чекканда чиққан тутунлар баданини мўрига айлантириб юқорига ўрлайди. Шу ўринда яна Аҳмад Яссавийнинг машҳур байтлари қайта эсга тушади:

Ҳақиқатнинг дарёсидан кечган киши
Ўзи мунглиқ, кўнгли синук, кўзда ёши.
Хорлик, зорлик, машаққатдир доим иши
Ҳақ дийдорин талаб қилиб топгай дўстлар.

Аҳмад Яссавий шеърининг хулосаси шуки, Ҳақ дийдорига етиш йўлида инсон тортган барча хорлик, зорлик, машаққатлар уни чиниқтириб, камолга етказди.

Худди шундай тасаввуфий хулоса Алишер Навоий ғазалининг сўнгги байтида янада ёрқинроқ шеърый шаклда ифода этилади:

Навоий, бўлса меҳнат кўп ичакўр жоми ишрат кўп
Неча бўлса суубат¹ кўп қилур ваҳдат майи осон².

Ваҳдат майи, яъни илоҳий қудратга муҳаббат инсоннинг бошига тушадиган мушкулотларни осон қилади. Шунинг учун меҳнату машаққат қанча кўп бўлса, ваҳдат майидан шунча кўп ичиш керак.

Шоирнинг “Келмади” радифли машҳур ғазали ҳам:

Эй, Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглинг уйин
Не учунким бода келган уйга қайгу келмади. —

деб яқунланиши тасаввуфга хос ғоянинг бадиий ифодасидир. Бу ердаги бода ҳам ваҳдат майи ва илоҳий ишқ тимсолидир. Афсуски, Навоий ғазалларидаги мана шу ботиний маънони

¹ “С у у б а т” — қийинчилик, азоб.

² Ўша китоб, 142-б.

тушунмаган одамлар “ҳаётда учрайдиган барча мушкilotларни ичкилик ичиб кайф билан енгиб ўтиш мумкин экан”, деган мутлақо тескари хулоса чиқаришлари ҳам ҳаётда учраши мумкин.

Бундай ҳолларга барҳам бериш учун Алишер Навоий асарларининг бадиий тили ва тасвир воситаларига хос ботиний маъноларни ўқувчилар оммасига атрофлича тушунтириб бериш керак. Бу йўлда ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарур.

Яхшики, машҳур шоирларимиз ҳам Алишер Навоий ғазалларида қўлланилган бадиий сўз ва ибораларнинг ботиний маъноларини шарҳлаш ишида астойдил иштирак этмоқдалар. Аруз вазнининг ички сирларини теран идрок этадиган Эркин Воҳидов Навоийнинг “Жунун водийсида” деб бошланадиган ғазалига махсус бир мақола бағишлайди. Бу ғазал ҳам шоир ҳаётининг энг изтиробли давларида ёзилган. Эҳтимол, Султон Абусаид даврида Навоий хонумонидан айрилиб, рўзгор вайрон бўлган оғир кунлар шу ғазалда акс этгандир:

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни
Тилармен бир йўла бузмоқ бузулгон рўзгоримни.

“Инсон юраги ҳаддан зиёд севинчли ҳам, ғамли ҳам қабул қилолмаслик хусусиятига эга, — деб ёзади Эркин Воҳидов. — Туйғуларнинг офатли сели кишини телба қилади. Шоир ўз жонини жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради... Бузилган ҳаётини бир йўла вайрон қилишни истади”.

Навоий даҳр зулмидан ўз бошига ёғилган балоларни байтдан-байтга кучлироқ фарёд билан баён қилади. Биринчи байт ошиқнинг жунун водийсига мойил бўлганини, иккинчи байт дунёдан тамом йўқ бўлиб кетиш тилагини ифода қилса, кейинги байтда буларнинг барчасидан ўтадиган офат — ёру диёридан жудо бўлиш мусибати айтилади:

Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмасдур
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Эркин Воҳидов сўнгги сатрларни шундай талқин қилади: “Бу дунёда ўлмай туриб тинчимақ мумкин эмас, шунинг учун мени дардлардан озод қилмоқчи бўлсангиз, бори-йўғимни ёқинг”¹.

¹ Эркин Воҳидов. “Жунун водийсида”. Алишер Навоий. “Ғазаллар ва шарҳлар” китобида. 1991 й., 89–91-бетлар.

Машҳур ҳофизларимиз куйга солиб бениҳоя таъсирли қилиб айтадиган бу ғазалнинг таъсир кучи Эркин Воҳидов талқинида янада ортади. Ғазалнинг яқуний байти Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридаги Қақнусни эсга солади.

Қақнус ўзи йиғган ўтинларни оловли нафаси билан ёндириб юборади, ўзи ҳам шу оловда куйиб кул бўлади. Аммо бу кул ичидан янги ёш Қақнус бош кўтариб, қанот ёйиб чиқади-ю, ота Қақнуснинг буюк ишини давом эттиради. Алишер Навоий башорат қилиб яратган бу образлар бугун янги тарихий шароитларда унинг ишини давом эттираётган етук шоирларимизни кўз олдига келтириш имконини беради.

* * *

Алишер Навоий шеъриятига унинг ҳаёт пайтидаёқ энг юксак баҳони Ҳусайн Бойқаро берган эди. Давлат ишлари билан беҳад банд бўлган подшонинг шоир ижодига бағишлаб махсус рисола ёзганлиги тарихда мисли кўрилмаган ҳодисадир.

Рисолада Алишер Навоийнинг энг буюк хизмати қуйидагича баҳоланади: “Туркий тилнинг ўлган жасадиға Масеҳ нафаси била руҳ кюрди ва ул руҳ топқонларға туркий алфоз тору пудидин тўкулган ҳулла ва ҳарир кюрди”¹.

Бу сўзларни эркинроқ талқин қилсак, Алишер Навоий туркий тилга янги жон ва мумтоз руҳ бахш этди, деган маъно чиқади. Чунки Масеҳ ўлган танага янги жон, мумтоз руҳ бахш этувчидир. Навоий бу янги руҳга туркий тилнинг ўриш-арқоғидан тўқилган гўзал ҳарир кийимлар кийгазди. Навоийгача ҳеч ким бокира маънолар танасига бунчалик гўзал туркона либослар кийдира олмаган эди. Ҳусайн Бойқаро шоирона истиоралар билан ифода этган бу фикрни биз юқорида Навоий ғазалларидан келтирган мисоллар ҳамда уларга олим ва шоирларимиз берган талқину таърифлар тасдиқ этиб турибди.

Туркий тилнинг ўриш-арқоғидан тўқилган гўзал ҳарир кийимларни мумтоз руҳнинг бокира маъноларига кийдириш — биз таҳлил қилаётган бадиий тил муаммоларига бевосита алоқадордир. Ҳусайн Бойқаро туркий тилнинг бадиий тўқимасини ҳосил қиладиган алоҳида зарралар — ўриш-арқоқларга ҳам эътибор берганлиги бежиз эмас.

¹ “Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро”. 1995 й., 12-б.

Тилшунослик фанида “фонетика”, “лексика”, “семантика” деб аталадиган соҳалар тилнинг ана шу ўриш ва арқоқлари каби бир-бири билан чирмашиб, бадиий тўқимани ҳосил қилади. Тилшунос олимларимиз масаланинг бу томонларига бағишланган кўпгина илмий ишлар яратганлар. Улар орасида Ҳ.Дониёров Навоий асарлари кўпроқ қайси шеваларга асосланганлигини яхши очиб беради. Унинг талқинида, Бобур Мирзонинг Андижон шеваси Алишер Навоий асарлари тилига мос келиши ҳақидаги фикри алоҳида аҳамият касб этади:

“Андижон эли лафзи қалам била росттур. Ани учун ким Мир Алишер Навоийнинг мусаннифоти, бовужудким хирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур”¹.

Кўпгина олимлар, жумладан, В.В.Бартольд “Мир Алишер Андижонда бўлган эмас” деган фикрдан келиб чиқиб, Бобур Мирзонинг юқоридаги сўзлари унча аниқ эмас, деб ҳисоблаганлар.

Лекин Алишер Навоий 1464 йилдан 1469 йилгача беш йил Самарқандда яшагани тарихдан маълум. Бу йиллар давомида наҳотки Андижон, Тошкент каби машҳур маданият марказларига бирор марта сафар қилмаган бўлса?

“Мажолис ун-нафоис” асарини синчиклаб ўқисангиз, Алишер Навоий Самарқандда дўстлашган шоирлар орасида шошликлар ва андижонликлар ҳам бўлганини кўрасиз:

“Мавлоно Сафой — андижонликдур. Сода йигит эрди. Аммо сода йигитлар суҳбатига машъуф “қизиқадиган” эрди.

Мавлоно Юсуф — ул ҳам андижонликдур. Мавлоно Сафой била бўлур эрди. Фақир таҳсил учун Самарқандга борганда ул Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди... шеърда хомлик бўлса фақир ислоҳ қилур эрдим”².

Бу икки андижонлик шоир таътил пайтларида Алишер Навоийни ўз шаҳарларига олиб бориб меҳмон қилишлари мумкин эмасмиди? Навоий улар билан бирга бўлганини, баъзи шеърларини ислоҳ қилиб, тузатиб берганини ёзганлиги, орада яқин қадрдонлик бўлганини кўрсатади. Қадрдонлар бир-

¹ “Бобурнома”. 1960 й., 60-б.

² Алишер Навоий. Асарлар. XII жилд. 59–60-бетлар.

бирларидан тил бойликларини ҳам ўрганадилар. Зехни ўткир Алишер Навоий андижонлик дўстлари орқали бу шаҳар тилининг “қалам билан рост” келишини сезиб, унинг фазилатларини юракдан қабул қилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Албатта, Алишер Навоий фақат Андижон шевасида асар ёзган дейиш ҳам мумкин эмас. “Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, муайян турк улуси худ менингдур” деган шоир барча туркий тилларнинг бойликларидан самарали фойдалана олганлиги учун ҳам бутун турк оламининг мумтоз шоирига айлангандир.

Юқорида биз кўпроқ ғарбий минтақаларда яшайдиган озарбайжон ва турк халқларининг тилларида учрайдиган “олурам, истарам” каби ўғуз шевасига хос сўзлар Навоий асарларида учраб туришини қайд этган эдик. Худди шунга ўхшаш мисолларни тилшунос Ф.Абдуллаев ўзининг илмий ишларида келтиради.

Оталиқ ҳаққи чун бордир орада
Ижобат истарам бу можарода. (Навоий)

Навоий асарларида туркман-ўғуз шевасида учрайдиган “билмайман” маъносидаги “билмон”, “бормайман” маъносидаги “бормон” ҳам учрайди:

Туруб маъразда сўз ҳаддимни билмон
Жавоб айтурға ўз ҳаддимни билмон¹. (Навоий)

Ўғуз-қипчоқ шеваларида тўққизта унли товуш билан боғлиқ бўлган ва сингармонизм деб аталадиган талаффуз уйғунлиги сақланиб қолганини юқорида кўриб ўтган эдик. “Аҳмад Яссавий ҳикматлари” деган сўзлар турк тилида сингармонизм қонунига биноан “Аҳмеди Йесевиий ҳикметлери” деб ёзилганини келтирган эдик. Сингармонизм қондаси кўп ҳолларда “а” товушини “э”га айлантириб талаффуз этишни талаб қилади.

Қипчоқ шевасига асосланган қозоқ тилида сингармонизм қоидаларига янада қаттиқ риоя қилинади. Масалан, Муҳаммад деган ном қозоқчада кўпинча “Маҳамбет” деб ёзилади.

¹ “Навоий ва адабий таъсир масалалари”. 1968 й., 251–252-бетлар.

Қозоқ биродарларимиз “Садди Искандарий” достонини сингармонизм қоидаларига мослаб таржима қилганлар. Искандар уммонлар бўйлаб кемада сузиб бораётганда донишманд Сукрот ернинг юмалоқ эканини айтади:

Кура айлади ани қодир
Вале ул кура сув ичинда ниҳон
Очиқ қисми улдурки, дерлар жаҳон.

Қозоқча таржимаси:

“Танри домалақ қип жаратипти
Сол жердинг айланасин сув қаптаган.
Қурлиқ деб аталади қурғақ таман¹.”

Аслиятнинг маъно ва мазмуни таржимада яхши сақланган. Фақат аслиятдаги аруз вазнига хос хусусиятлар таржимада йўқолган. Чунки достон бармоқ вазнида таржима қилинган. Бунга ҳам асосий сабаб таржиманинг сингармонизм талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилганлигидир. “Садди Искандарий” достонининг арузда алоҳида салобат билан жаранглайдиган узун-қисқа товушлари уйғунлигини таржимада сақлаб қолишнинг иложи топилмаган. Аслиятдаги маснавийнинг арузга хос оҳанглари жўнлашиб, ўлан оҳангига ўхшаб қолган.

Биз буни нуқсон демоқчи эмасмиз. Қозоқ адабий тилида сингармонизм қоидалари ўзига хос тарзда қабул қилинган учун юқоридаги таржима ана шу объектив воқеликнинг натижасидир.

Алишер Навоийнинг бадиий тил бобидаги энг улуғ кашфиётларидан бири шуки, у ўз асарларида туркий тилларга хос сингармонизмни араб-форс тилларидан кирган сўзларнинг узун-қисқа товушлар гармонияси билан уйғунлаштиришнинг ажойиб йўллари топан.

Машҳур “Қаро кўзим” ғазалини эслайлик. Адабий тилда “Қора кўзум” дейилади. Лекин аруз вазнида “қора” дейилса ҳар икки унли товуш қисқа айтилади. “Кўзим” деганда ҳам иккинчи бўгин қисқа талаффуз қилинади. Навоий бу ғазал учун танлаган аруз вазнидаги “мафойилун” қолипи эса ҳар

¹ Н а в о и й. “Эскендер қорғаны”. Алма-Ата. 1980 й., 350-б.

икки сўзнинг иккинчи бўғинлари узун “о” “у” шаклида жаранглашини талаб қилади. Шунинг учун “қора” ўрнига “қаро” ва “кўзим” ўрнига “кўзум” сўзлари танланади. Навоий бу билан туркий тил қоидадини бузмайди, балки “қора”ни “қаро”, “кўзим”ни “кўзум” деб қабул қилган шевалардан сўз олади.

“Мардумлиғ эмди фан қилғил” деган иборада ҳам “мардумлик” сўзининг “ғ” билан тугаши, “энди”нинг “эмди” деб ёзилиши, “қилгин” сўзининг “қилғил” шаклида талаффуз этилиши ҳам туркий сўзлар билан араб-форс тилларидан кирган сўзларни аруз вазни талабларига мос қилиб уйғунлаштириш имконини беради.

Бу мисрадаги “мардум” деган форсча сўз ҳам, “фан” деган арабча сўз ҳам аслида қандай бўлса, шундай ёзилади, қозоқ тилидаги каби “Искандар” сўзи “Эскендер” бўлиб ўзгариб кетмайди.

Навоийнинг бу борадаги улкан кашфиёти шундаки, у ҳар уч тилни мукаммал билганлиги учун уларнинг ички имкониятларидан тўлиқ фойдалана олади ва ҳар уч тилнинг жозибасини бир-бирига қўшиб, уларнинг таъсир кучини уч баробар оширгандай бўлади.

Тилшунослар орасида Алишер Навоий ўз асарларига сингармонизм қоидаларини қандай татбиқ этганлиги тўғрисида анчагина мунозарали фикрлар билдирилган. К.К.Юдахин биринчилардан бўлиб Навоий асарлари тилининг сингармонизм қоидаларига муносабатини тадқиқ қилган. У кўпроқ туркий сўзлар билан ёзиладиган туюқ жанридаги тўртгликларни таҳлил қилиб, “улардаги унли товушлар сони олтитадан ошмайди” деган фикрга келади ва шу фикр асосида “Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси йўқолган”¹, деб хулоса чиқаради.

Кейинчалик А.К.Боровков Навоий асарлари тилини кенг кўламда ўрганиб, К.К.Юдахинга эътироз билдиради. Чунки А.К.Боровков тадқиқ қилган Навоий асарларида унлилар сони 8та экани, шу жиҳатдан бу асарлар тили Андижон-Қўқон шеvasига яқинлиги ишонарли далиллар билан кўрсатилади. Шу далиллар асосида А.К.Боровков «Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси маълум даражада сақланган»², деб хулоса чиқаради.

¹ К.К.Юдахиннинг бу хулосаси “Навоий ва адабий таъсир масалалари” китобида келтирилган. 232-б.

² Ўша китоб, 284-б.

А.Рустамов “Навоий тилининг фонетик хусусиятлари” номли мақоласида бу мунозарани давом эттиради. Навоий асарларининг унли ва унсиз товушлар тизимини атрофлича таҳлил қилган А.Рустамов уларда унлилар сони тўққизтагача етишини аниқлайди. Тилда тўққизта унли товушнинг бўлиши эса туркий тилларга хос сингармонизм талабларига тўлиқ риоя қилиш имконини беради. Шунга қўра, А.Рустамов “Навоий тилида асос эътибори билан сингармонизм сақланган”, деган хулосага келади. Бу хулосага кейинчалик қипчоқ шеваларига оид фундаментал илмий иш ёзган Х.Дониёров ҳам қўшилади.

А.Рустамов Навоий асарлари фонетикасини тадқиқ қилиш асосида яна бир муҳим фикрни ўртага ташлайди:

“Навоий давридаги ўзбек адабий тилида қадимги турк тилида мавжуд бўлмаган ундош товушлар вужудга келган”¹.

Арабча “айн” (биз ҳозирги алифбода буни “ъ” ҳарфи билан ифода этамиз) ва “х” (“хат”, “бахт” каби сўзларда) товуши ҳам қадимги турк тилида алоҳида фонема ҳисобланмаган.

Араб ва форс тиллари орқали тилимизга Навоий даврида кенг қўламда кириб келган “х” товуши ҳам адабий тил имкониятларини кенгайтирган. Худди шунингдек, “ф” товуши ҳам, “ҳамма” дегандаги “ҳ” ҳам шу даврда мумтоз ўзбек тили таркибидан ўрин олди.

“В” товуши қадимги туркий тилларда, масалан, “Девону луғотит турк” сўз бошида учрамаслигини А.Рустамов тўғри кўрсатган. Навоий даврида эса “ватан, вақт, ваколат” каби юзлаб сўзлар “в” товуши билан бошланадиган бўлди.

Бу ҳаммаси адабий тилимизнинг имкониятларини кенгайтиради, араб ва форс тилларидан кирган сўзларни аслига мос қилиб, илмий жиҳатдан тўғри ёзиш ва тўғри талаффуз этиш имконини берди. Шунинг натижасида биз “Муҳаммад”ни “Махамбет”, “Шермуҳаммад”ни “Шеримбет” деб ўзгартирмасдан, аслидек аниқ ёзадиган ва айтадиган бўлдик.

Навоий асарларининг тил бойликларини синчиклаб ўрганган яна бир тилшунос олим Б.Бафоев алоҳида эътиборга сазовор бўлган статистик маълумотларни келтиради. Алишер Навоийнинг туркий тилдаги шеърлари 104 минг мисрадан ортиқ экан. Яна форсий тилда ўн минг мисра шеъри бор. Насрий

¹ Ўша китоб, 278-б.

асарлари, мактублари — ҳаммасининг сўз бойлигини ҳисоблаб чиққан олим: “Алишер Навоий асарларини тахминан 1 миллион 378 мингдан ортиқ сўз ташкил қилади”¹, деб ёзади.

Албатта, бу сўзларнинг катта бир қисми асардан асарга ўтиб, кўп марта такрорланади. Аммо “сўзлик” деб аталадиган ва такрорлари ҳисобга олинмайдиган сўз бойликлари бор. Масалан, рус олимларининг статистик маълумотларига қараганда, А.С.Пушкин бутун ижодида жами 21197 та сўз қўллаган. Шекспир асарлари тилида жами 20000 дан ортиқ сўз қўлланилгани инглиз олимлари томонидан аниқланган. Испан олимлари Сервантеснинг ижодида жами 18000 сўз қўлланилгани ҳақида маълумот берганлар. Бу маълумотларни ўз китобида келтирган Б.Бафоев Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзлар сони 26000 дан ортиқ эканини аниқлаган².

Алишер Навоий ижоди бу қадар улкан тил бойликларини ўзида жамлагани — жаҳон тиллари тарихида кам учрайдиган мустасно ҳодисадир. Уммондай чексиз бу қўлам, аввало, туркий тиллар ва уларнинг турли шеваларидаги тил бойликларини Алишер Навоий ижод жараёнларига маҳорат билан олиб кириб жамлагани туфайли пайдо бўлган. Айни вақтда, Навоий ўша даврда маданий доиралар яхши тушунадиган араб ва форс тили бойликларидан ҳам кенг ва дадил фойдаланган.

“Алишер Навоийнинг поэтик ва илмий асарлари тилидаги сўз бойлигининг тахминан 30—33 фоизини араб тилидан кирган сўзлар ташкил қилади, — деб ёзган эди Ф.Абдуллаев 1968 йилда чоп этилган илмий ишида. — Форс-тожик лексик элементлари 18-20 фоизгача боради”³. Орадан 15 йиллар ўтгандан кейин янги авлодга мансуб бўлган тилшунос олим Б.Бафоев статистик маълумотлар асосида ёзади: “Алишер Навоий асарларидаги сўзларнинг 53—55 фоизини ўзлаштирилган сўзлар ташкил қилади.”⁴

“Ўзлаштирилган” деган сўзнинг маъноси кенг. Масалан, “шуғулланмоқ” сўзининг ўзаги арабча “шағала”дир. Унга туркий тилдаги “ланмоқ” қўшилгач, янги сўз ҳосил бўлган.

¹ Б. Бафоев. “Навоий асарлари лексикаси”. 1983 й., 20-б.

² Ўша китоб, 20-б.

³ “Навоий ва адабий таъсир масалалари”. 1968 й., 254-б.


⁴ Б.Бафоев. “Навоий асарлари лексикаси”. 35-б.

Ёки “ковламоқ” сўзининг ўзаги форс-тожик тилидаги “кофтан” дир. “Пулсироткўприк” деган сўз бор. Форсча, арабча ва ўзбекча маънолари бир-бирини айнан такрорлайди. Лекин адабий тилга шу шаклда кириб ўзлашган.

Алишер Навоий араб-форс тили бойликларидан фойдаланганда, уларнинг туркий тилда ўзлашиб, сингиб кетадиганларига кўпроқ мурожаат қилади. Шу билан бирга Навоий ҳар уч тилнинг имкониятларидан фойдаланиб, янги маъноли сўзлар — неологизмлар яратади. “Алишер Навоий яратган янги сўзлар, янги маънолар туркий тиллар доирасидан чиқиб, форс-тожик тилининг ҳам луғат фондини бойитди”¹, деб ёзади Б.Бафоев ва бу фикрининг исботи учун Навоий асарларида “л” ва “а” ҳарфлари билан бошланадиган янги маъноли форс-тожик сўзларининг 209 таси “Фарҳанги забони тожик” луғатида қайд этилмаганини далил қилиб келтиради. Неологизм тоифасига кирадиган “ақлкуш, айбгўй, афсона пардоз, афлаксўз (фалакларни ёндирувчи)» каби қўшма сўзларнинг кўпчилиги Навоий “Хамса”сида учрайди.

Чунки ҳажм жиҳатидан ҳам, ғоя ва мазмун жиҳатидан ҳам оламшумул миқёсларга эга бўлган “Хамса” дostonлари Навоий ижодининг энг юксак камолот босқичига кўтарилганидан далолат беради.

Бу камолот босқичида Навоий ижодида ўн йиллар давомида жамланиб келган бадиий тил бойликларига хос миқдорий ўзгаришлар “Хамса” дostonларида ва ундан кейин ёзилган “Насойим ул-муҳаббат” каби насрий асарларда сифат ўзгаришига айланади.



¹ Ўша китоб, 36–37-бетлар.

АЛИШЕР НАВОИЙ — ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИ МУМТОЗЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРГАН СИЙМО

Академик Н.И.Конрад Алишер Навоий ижоди ва “Хамса”нинг миллий ва умуминсоний аҳамияти тўғрисида назарий жиҳатдан асосланган теран фикрлар билдирган. Унинг «Танланган асарлар»ида “Марказий шарқ Уйғониши ва Алишер Навоий” деган мақола босилиб чиққан. Бу мақолада “Амир Темур тузган давлат Александр Македонский руҳини қайта тиклагандай бўлди, — дейилади. — Фақат бу қайта тикланиш, маданий соҳада Ренессанс шаклини олади ва Алишер Навоий “Хамса”сида ўз мужассамини топади”.

“Кутилмаган бир ҳодиса, — деб давом этади Н.И.Конрад,— бу улуғ шоир мутафаккир шоир, этник жиҳатдан хилма-хил бўлган улкан оламга мансуб бўлгани ҳолда ўзбек шеърятининг классиги ва ўзбек адабиётининг асосчиси, деб тан олинди. Уни жуда катта кенгликлардан торроқ бир доирага олиб киргандай бўлдик. Навоийнинг қаҳрамонлари Фарҳод — Хитойдан, Искандар — Юнондан, Ширин — Арманистондан, Қайс — Арабистондан, Шопур — Эрондан. Бу образларни яратган Навоий эса ўзбек халқининг шоири.

Аввал бу ҳодиса кишини ҳайратта солади, хиёл ранжитгандай бўлади, лекин ўйлаб кўриб, бу ҳодисанинг қонунийлигини тушуна бошлаймиз. Нафақат тушунамиз, балки бу ҳодисада жаҳон адабиёти тарихининг ривожига хос энг муҳим нуқталардан бирини кўргандай бўламиз. XV аср Алишер Навоий яшаган минтақада Ренессанс асри бўлди. Ўрта асрлар ўтмишга айланган бу даврда миллий давлатлар пайдо бўлади, халқ миллатга айлана бошлайди... Ўзбеклар учун бу ҳодиса айнан Алишер Навоий ижодидан бошланади”¹.

¹ Н.И. К о н р а д. Танланган асарлар. М., 1978 й., 96–97-бетлар.

Н.И.Конрад ўзининг бу фикрига исбот тарзида “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган машҳур сатрларни келтиради:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур.
Муайян турк улуси худ менингдур.
Кўнгул бермиш сўзумга туркжон ҳам.
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.

Академик Н.И.Конрад келтирган бу сатрларга яна бир машҳур академик Садриддин Айний нозик нуктадонлик билан шундай изоҳ беради:

“Навоий бу байтдаги “юз” ва “минг” сўзларини ҳам санок маъносида, ҳам маълум ўзбек қабиаларининг номлари маъносида ишлатган”.

Чиндан ҳам, ўзбек халқи таркибига кирган тўқсон икки қавмининг бири юз, бири минг, яна бири турк деб аталади.

С.Айний юқоридаги фикрни қуйидагича давом эттиради:

“Навоий асарларида “турк” сўзи кўп ишлатилади. Автор бу сўз билан кўпроқ Ўрта Осиёдаги бугунги ўзбекларнинг боболарини назарда тутати. Чунки агар унинг мақсади умуман туркий тилда гапирадиганлар бўлса эди, охириги икки мисрада туркмонни туркдан ажратиб кўрсатмас эди, “кўнгил бермиш сўзимга не ёлғиз туркжон, балки туркмон ҳам демас эди”¹.

Албатта, Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси бўлиш билан бирга унинг барча туркий халқлар адабиёти ва адабий тили ривожига катта ҳисса қўшганлиги шубҳасиздир. Боняқ туркий халқлар ҳам уни ўзларининг буюк шоирлари деб эъзозласалар, биз бундан ифтихор қиламиз.

Алишер Навоий ижодини қадрлашда ва унинг буюк хизматларини сахийлик билан рағбатлантиришда Ҳусайн Бойқаро мустасно ўрин эгаллашини махсус айтиб ўтишимиз лозим.

Навоий “Хамса” ёзишга қодир эканини ёшлик давридаёқ сезган. Ҳиротни тарк этиб Самарқандга ҳижрат қилган кезларида устози Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида қуйидагиларни айтади:

¹ Алишер Навоий. “Хамса”. 1947 й., 190-б.

“Мен ул менки то турк бедодидур
Бу тил бирла то назм бунёдидур.
Фалак кўрмани мен киби нодире
Низомий киби назм аро қодире
Худо еткурур онча суръат манга
Ки бўлмас битиришга фурсат манга”.

Навоий “Шоҳнома”нинг ўттиз йилда ёзиб битирилганини, Низомий Ганжавий ҳам ўз “Хамса”сини ўттиз йиллик улкан меҳнатлар билан яратганини баён қилгандан сўнг шундай дейди:

“Не “Шоҳнома”ким, “Хамса”га урсам эл(қўл)
Ўттиз йилки они Низомий демиш
Қошимда эрур икки-уч йиллиқ иш”.

Ҳусайн Бойқаро Навоийга бағишланган рисоласида шу маснавий байтларни келтиргандан сўнг ёзади:

“Ул вақтеки бу абёт унинг таъбидин бош уриб эрди, эл қошида шоирона лоф ва модихона газоф (соҳга мақтанишдек) кўринур эрди”¹.

Табиатан ғоят камтар бўлган Алишер Навоий 23—24 ёшлик йигит пайтида устози Ҳасан Ардашерга дил ёриб кўнгил сирларини маснавий тарзида ёзиб юборганда бу шеърини мактуб эл орасида машҳур бўлиб кетади, деб ўйламаган бўлса керак. Тоғалари Султон Абусаид томонидан ўлдирилган, хонумонидан айрилиб бошпанасиз қолган ёш шоир замонадан ва жамиятдан истеъдодига яраша эътибор тополмаганидан куюнади:

Вале “айт” деб ким манга тутти юз
Ки мен юз учун демалим икки юз.

Бу сатрлардан чиқиб келадиган маъно шуки, агар шоирга “Хамса” ярат деб юз тутадиган, яъни уни қўллаб-қувватлайдиганлар бўлса, шоир бу ишни улар кутгандан ҳам яхшироқ адо этишига ишонади.

Ниҳоят, фалакнинг гардиши ўзгаради, Султон Абусаид ўз иллатларининг қурбони бўлиб ўлиб кетади. Ҳирот тожу

¹ «Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро». 1995 й., 13-б.

тахтини Навоийнинг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқаро эгаллайди. Мана шу тарихий ҳодисалар Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида жуда катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади.

Шўро даврида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига синфий нуқтаи назардан ёндашган кўпгина олиму адиблар уларни бир-бирларига қарши турган қутблар каби кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Албатта, мутлақ ҳокимият бор жойда сарой муҳитининг ички зиддиятлари ҳам бўлмай иложи йўқ эди. Лекин Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг қирқ йилдан ортиқ давом этган ўзаро муносабатларига ҳолисанлилло назар ташласангиз, уларнинг бир-бирларига дўстона иззат-икромлари бошқа ҳамма ўткинчи можаролардан устун турганини кўрасиз.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога юксак баҳо бергани унинг кўпчилик асарларида, жумладан, “Ҳамса” дostonларида ҳам кўзга ташланиб туради.

Ўрни келганда биз Ҳусайн Бойқаро шеъриятининг бадиий тилини ҳам баҳоли қудрат таҳлил қиламиз. Бу ерда эса унинг Навоий шахсиятига берган баҳосини кўриб ўтмоқчимиз.

Қуйидаги иқтибосни Ҳ. Бойқаро китобини нашрга тайёрлаган А. Эркиновнинг бугунги адабий тилга ўгирган матнидан келтирамиз:

“Бу бахтли замон ва муборак давронда мендек нотавон билан кичиклигимдан бирга бўлиб кўкалдошлик қадрдонлигигача етган, саройда хизмат қилиш даражасидан мусоҳиблик касбигача кўтарилган, подшоҳ чодирда сирдош дўст, ҳақ сўзни айтишга кўрқмас, яъни Мир Алишер...”¹

Буюк подшоҳ бўлган Ҳусайн Бойқаро камтарлик билан ўзини “нотавон” деб атагани, Алишер Навоийни эса “ҳақ сўзни айтишда далер (ботир)” деб улуғлагани тарихда кам учрайдиган нодир ҳодиса эди. Ҳусайн Бойқаро бу даврни “бахтли замон ва муборак даврон” деб аташга ҳақли эди. Чунки ўзидан олдин подшолик қилган Султон Абусаид даври билан Ҳусайн Бойқаро даври орасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Бу замоннинг Ҳусайн Бойқаро учун ҳам, Алишер Навоий учун ҳам бахтли жиҳати шунда эдики, улар ёшлик йилларидан буён дилларига туккан кўпгина орзу-умидларини мана шу замонда рўёбга чиқаришга муваффақ бўладилар.

¹ Ўша китоб, 21-б.

Ана шу орзулар орасида туркий тилда “Хамса” ёзиш Навоийнинг қалбидан алоҳида ўрин олган эди. Навоийдан олдин дунёга келган мумтоз “Хамса”ларнинг учаласи ҳам форс тилида яратилган эди.

Алишер Навоий туркий тилда “Хамса” ёзишга кучи етишини Ҳасан Ардашерга юборган шеърин мактубида илк бор очиқ айтган, аммо у пайтда шоир ҳали 23 ёшлик йигит бўлганлиги учун эл орасида Ёуни лоф деб ўйлаганлари табиий эди.

Орадан йигирма йил вақт ўтади. Бу йилларда Алишер Навоий жуда катта ҳаётин ва ижодий тажриба орттиради. Навоий Самарқандда яшаган йилларида Туркистон томонларда ҳам бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки “Насойим ул-муҳаббат”да Аҳмад Яссавийнинг маънавий ворислари бўлган Ҳаким ота, Исмоил ота, Занги ота, Хўжа Боязид каби тарихий шахсларнинг алоҳида эҳтиром билан қаламга олиниши, уларнинг ҳаётларига оид тафсилотлар ва шеърларидан намуналар келтирилиши Навоийнинг Аҳмад Яссавий ва унинг ворислари яшаган муҳит билан яқиндан таниш бўлганини кўрсатади.

Шу билан бирга Навоий Балхда, Марвда, Астрободда яшайди. Хоразмга сафар қилади. Ҳусайн Бойқаронинг яқин мусоҳиби сифатида бошқа сафарларда ҳам унинг йўлдоши бўлади.

Ҳусайн Бойқаро Султон Абусаид билан жанглار қилиб, ўн йилча “қозоқликлар”да, яъни қувғинда, саргардонликда Амударё ва Сирдарё бўйларида юрганда бутун Турон элининг тил бойликларини ўрганади ва кейинчалик бу бойликларни Алишер Навоий билан бирга баҳам кўради.

“Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий Ҳусайн Бойқаронинг форс тилини ҳам яхши билишини, лекин ўз шеърларини фақат туркий тилда ёзганини айтади. “Бу заифи хоксор, — деб ўзини подшоҳга нисбатан ўта камтар тутиб ёзади Навоий, — ул ҳазратқа... бовужуди бандалиғ, шогирдликка дағи ўлимни мушарраф... қилдим. Ва йиллар турк тили назми қоида ва услубида билмаганларимни сўрап ва мушкилларимни арзга еткуруп, азим фондалар топиб, куллий натижалар кўрдум”¹.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд, 131-б.

Дарвоқе, Ҳусайн Бойқаро ёш жиҳатидан ҳам Навоийдан уч ёш катта эди. Бутун умри эл-юрт ҳаётининг энг қайноқ ва шиддатли воқеалари орасида ўтган Ҳусайн Бойқаро туркий тилга астойдил ихлосманд бўлганлиги учун она тилимиз бойликларини эгаллаш ва улардан фойдаланиш бобида Навоийга яхши маслаҳатлар бериб турганлиги ҳақиқатга яқиндир.

Туркий тилда “Ҳамса” ёзишга уни қизгин даъват этган сиймо ҳам Ҳусайн Бойқаро бўлганлиги тарихдан маълум. Навоийнинг ёшликда орзу-армон қилиб айтган сўзлари, яъни “агар менинг қадримга етиб, ишимни қўлаб-қувватлайдиган мард топилса, Низомий ўттиз йилда қилган ишини икки йилда қилган бўлардим” деган маънодаги улкан нияти Ҳусайн Бойқаро даврида амалга ошади.

* * *

Навоий “Ҳамса”си ҳам миллий, ҳам умуминсоний маъноларни ўзида жамулжам қилган ва эпоея жанрига мансуб бўлган қомусий асардир. Унинг ҳаракат доираси ғарбда Юнонистондан шарқда Хитойгача, шимолда Россиядан жанубда Ҳиндистон ва Ямангача оламшумул кенгликларни қамраб олади.

Навоий лирикасида тасаввуф ғоялари қанчалик муҳим ўрин эгаллашини юқорида кўриб ўтдик. “Ҳамса”да ҳам тасаввуф талаб қиладиган инсоний камолот, пок муҳаббат, муқаддас бурчга садоқат муаммолари диққат марказида туради. Фақат энди бу муаммолар жаҳон миқёсига олиб чиқилади ва умумбашарий хусусиятга эга бўлган ёрқин инсоний тақдирлар орқали ҳал этилади.

Шарқ ва Ғарбнинг энг машҳур мамлакатларидан чиққан қаҳрамонларнинг номлари, ҳаракат доиралари драматик тақдирлари Навоий “Ҳамса”сининг маъно ва мазмуни, бадиий тили ва тасвир воситалари беқиёс даражада бой ва ранг-баранг бўлишига имкон беради.

Юқорида биз тилшунос олимимиз аниқлаган статистик маълумотларда Навоий асарларининг сўз бойлиги А.С.Пушкин ва В.Шекспир асарларининг сўз бойлигидан ҳам кўпроқ эканига эътибор қаратган эдик. Навоий қўллаган ана шу тил бойликларининг энг катта қисми “Ҳамса” дostonларидан жой олгандир. Чунки бу дostonларда туркий, форсий, арабий

сўзлардан ташқари юнон, ҳинд ва бошқа тилларга хос номлар ва атамалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Навоий “Хамса” орқали мумтоз адабиётимизни жаҳон миқёсига олиб чиқар экан, турк оламининг эпик дoston яратиш борасидаги бой тажрибасини ва ўлмас анъаналарини ривожлантириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаради.

Олимларимиз “Хамса”нинг биринчи достони бўлган “Ҳайрат ул-аброр”да теран фалсафий умумлашмалар, инсоний камолотни тарғиб қиладиган ва ижтимоий иллатларни фош этадиган панд-насиҳатлар асосий ўрин эгаллашини тўғри қайд этадилар.

Туркий тилда яратилган қадимий панд-насиҳатлар китоби “Қутадғу билиг” Навоийга таниш бўлганми, йўқми, бу ҳақда манбаларда маълумот учрамайди. Аммо “Қутадғу билиг” таъсирида ёзилган “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ва унинг муаллифи Адиб Аҳмад тўғрисида Навоий аниқ тасаввурга эга бўлган. Маълумки, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”да Юсуф Хос Ҳожибнинг одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳақидаги панд-насиҳатларини ўзига хос тарзда ривожлантирилган. Кўп ҳолларда бу панд-насиҳатлар оғзаки дostonлардаги халқ донишмандлигига асосланган.

Масалан, “Қутадғу билиг”да сўз, тил тўғрисида шундай дейилади:

“Ақл кўрки сўздир ва тил кўрки сўз
Киши кўрки юздир бу юз кўрки кўз”¹.

Юсуф Хос Ҳожиб сўзни ақл кўрки ва кўзни юз кўрки деб, халқ мақолига яқин ҳикмат яратган бўлса, Навоий сўзнинг аҳамиятини янада теранроқ талқин этади:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф
Жон бўлиб ул, руҳ онинг қолиби
Ким танида руҳи онинг толиби.

Бу ерда ҳам сўзнинг аҳамияти инсон жисмидаги энг азиз аъзолар билан қиёсланади. Юсуф Хос Ҳожиб сўз кўркини

¹ Қ а ю м К а р и м о в. “Илк бадиий дoston”. 118-б.

юз ва кўз кўрки билан қиёс қилса, Навоий сўз гавҳарини, яъни унинг қиймати ва гўзаллигини танадаги руҳ қолипи ва унинг ичида яшайдиган тирик жон ўрнида кўради. Сўзга шакл берадиган қолип руҳ эканлиги сўзнинг инсон руҳида жон каби пайдо бўлишини ҳам англатади.

“Хамса”нинг ушбу нашрини махсус шарҳлар билан нашрга тайёрлаган Садриддин Айний Навоийнинг кейинги икки сатрини қуйидагича талқин қилади: “Бу мисрада шоир сўзни жон деган. Аммо шундай жонки, оддий жонлар унга жасад саналади”¹.

Қаноат ва очкўзлик ҳақида “Қутадғу билиг”да шундай сатрлар бор:

“Қаю бек суқ эрса чигаёй ул, чигаёй
Қаю қул кўзи тўқ бег ул, кўнгли бай”².

“Қаю” — қайси дегани. “Чигаёй” — камбағал-гадо. “Суқ” — очкўз. Халқ мақоли даражасидаги маъно: очкўз одам бек бўлса ҳам, аслида у ўз нафсига қул. Кўзи тўқ, қаноатли одам гадо бўлса ҳам, кўнгли бой бекдир.

Халқ донишмандлигига асосланган бу маъно “Ҳайрат ул-аброр”да Навоийга хос тил ва услубда бошқачароқ ифодаланади:

Кимки иши бўлди қаноат фани
Билки, они қилди қаноат ғани.
Шоҳ ул эмаски бошига қўйди тож
Шаҳ ани билким йўқ анга эҳтиёж³.

Навоий бу ерда “эҳтиёж” сўзини очкўзлик, тамагирлик маъносида ишлатган. С.Айний Навоийнинг сўнгги байтига берган шарҳида буни қуйидагича талқин қилади: “Тамагирлик қилмасдан, ўз ҳалол меҳнати билан топганига қаноат қилувчилар — ҳақиқий подшоҳдирлар”. Навоий махсус бир мисрада:

¹ Алишер Навоий. “Хамса”. 1947 й., 18-б.

² Қ. Каримов. “Илк бадий дoston”. 118-б.

³ Алишер Навоий. “Хамса”. 1947 й., 33-б.

деб ўз фикрини янада аниқ ифода этган.

“Садди Искандарий” достони тўғрисида махсус китоб ёзган навоийшунос олим Азиз Қажумов Навоийнинг келажакни олдиндан кўра билувчи донишмандлик салоҳиятини улуғлайди. Афсонавий одил подшо Искандар ўз атрофига Арасту, Файлақус, Суқрот каби энг буюк алломаларни тўплайди. Искандарнинг ўзи ҳам ғоят меҳнатсеварлик, қунт ва чидам билан илм таҳсил қилди:

Билиг таҳсилини қилди то жони бор
Ҳунар билди, ончаки имкони бор.
Скандарки донои офоқ эди
Билик ичра офоқ аро тоқ эди¹.

Бу ерда Алишер Навоий “билиг” сўзини икки қайта худди “Қутадғу билиг”даги каби ёзгани эътиборни тортади. Айни ватқда, А.Қажумов ўз китобида очиб берган фикр — дунёни маърифатли, доно подшолар энг яхши олимлару фозиллар ёрдамида яъжуж-маъжуж каби балолардан қутқаради, деган ғоя “Садди Искандарий” достонининг марказида туради.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да ўз даврининг шоҳларига қарата шундай сўз айтади:

Эйки, қавий айлади, давлат қўлунг,
Зулм сари тушди ва лекин йўлунг.
Зулминг эмас эрди халойиққа кам
Ким қилодурсан они ўзингга ҳам.
Бил муни ким сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидан ожизу афгандасен.
Эрмас алар тупроғу сен нури пок
Барча жаворих била аъзода тенг².

Сўнгги сатрда барча инсонлар яратилишда тўрт мучаси тенг деган маъно бор. Бу сатрларни ўқиганда Ҳусайн Бойқаронинг “Навоий ҳақ сўзни айтишда ботир” деган фикри эсга тушади. Подшоҳлар замонида яшаган шоирнинг улар

¹ Азиз Қажумов. “Садди Искандарий”. 1975 й., 88-б.

² Ўша китоб, 22-б.

билан юзма-юз туриб, “сенинг қўлингни давлат узун қилган, аммо бошқа кўпчилик одамлар каби бандасен, бошқаларни тупроқ, ўзингни нури пок деб билмагин, халойиққа зулм қилсанг, зулминг ўзингга қайтади” деган сўзларни айтиш учун довлораклик керак эди. Чунки шоирнинг ҳамма асарларини ўқиб борадиган Ҳусайн Бойқаро бу сўзларни ўзига олиши ва чаплашиб қолиши мумкин эди.

Лекин Ҳусайн Бойқаро ҳақ сўзни аччиқ бўлса ҳам тан оладиган танти одамлардан эканки, “Ҳамса”нинг ҳамма достонларига юксак баҳо беради.

Алишер Навоий ҳам мактабдош дўстининг бағри кенглигини ва тантилигини эъзоз билан қаламга олади. “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўша учинчи мақоласи охирида Ҳусайн Бойқаронинг адолатпарварлигидан гувоҳлик берадиган ҳаётий лавҳа келтирилади.

Ҳусайн Бойқаро Абусаид Мирзо билан ёвлашиб юрган кезларида душман томонда жанг қилган бир йигитни ўлимга буюрган экан. Кейинчалик Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлган даврда ўлган йигитнинг онаси ундан ўғлининг хунини талаб қилади. Ҳусайн Бойқарони этагидан тутиб қозининг олдида бошлаб боради ва иккита гувоҳ ёрдамида унинг гуноҳини бўйнига қўяди. Ҳусайн Бойқаро оддий фуқаро каби ўзини даъвогар кампирга нисбатан тенг тутди. Қози кампирнинг фойдасига ҳукм чиқаради. Ҳусайн Бойқаро бу ҳукмга сўзсиз итоат этади, бўйнини рўмол билан боғлаб, кампирнинг қўлига қилич беради. Айни вақтда, унинг олдида хун баҳоси учун бир ҳамён олтин қўяди:

...Қасос айласанг олингда бош.

Сиймни ол — гар ғаразингдир маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр

Ҳар не сен этсанг менда не ихтиёр.

Кампир шоҳнинг тантилигига тан беради, хатарли жанг пайтида содир бўлган бу фожиада ихтиёр унда бўлмаганига ишонади ва даъвосидан воз кечади.

“Ҳамса”нинг биринчи достонида шоирнинг меҳри ва орзу-умидлари мана шундай яхши одамларга қаратилганлиги учун достон “Ҳайрат ул-аброр”, яъни “Яхши одамлар ҳайрати” деб аталади.

Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари халқпарварлик туйғулари билан йўғрилади. У яхши одамларни халқ билан бир бутун ҳолда тасаввур қилади:

Одами эрсанг демагил одами
Они ким йўқ халқ ғамидин ғами. —

деган машҳур сатрлар бу фикрнинг ёрқин исботи бўла олади.

Шоир халққа жабру зулм ўтказувчиларни аёвсиз ҳажв қилади, риёкор ва баднафс шайхлар ҳақида камоли нафрат билан ёзади:

Бу эл эрур барча ёмондин ёмон.
Ҳар не йўқ андин ёмон андин ёмон!¹

“Ёмон” сўзининг таъкид билан тўрт марта такрорланиши дин ниқоби остида беҳисоб кўп гуноҳлар, ҳатто жиноятлар қиладиган шайхлар ва муфтиларни, уларнинг ўзларига ўхшаш тамагир ва порахўр муридларини фош қилади. Навоий элга ёмонлик қилган одамга ёмонлик қайтишини образли тафаккур ёрдамида ифода этади:

Кимки фалак сори отар тошини
Тош ила озурда қилур бошини.

Осмонга отилган тош эгасининг бошига қайтиб тушиши — ёрқин тасвир бўлиш билан бирга халқ донишмандлиги даражасидаги ҳикматли сўз ҳамдир.

Шоирнинг эзгу нияти — халққа нафъ келтиришдир. У одамларни доим шунга даъват этади:

Нафъинг агар халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрак дурур².

¹ “Ҳамса”. 1947 й., 26-б.

² Ўша китоб, 56–57-бетлар.

Ўша йилларда кўпчилик амирлар, шу жумладан, Навоийнинг ўзи ҳам Ҳусайн Бойқарони “Соҳибқирон” деб улуғлар эдилар. Навоий “Ҳамса”сини ўқиган Ҳусайн Бойқаро бу улуғ рутбага энди Навоийни муносиброқ кўради...

Хондамир ёзган эсдаликларда шундай воқеа келтирилади. Ҳусайн Бойқаро Навоий “Ҳамса”сини биринчи марта ўқигандан кейин, уни эъзозлаб, ўзининг яхши кўрган оқ отига миндиради. Подшоҳ оқ отнинг жиловидан тутиб, сарой аҳлининг кўзи олдида Алишер Навоийга жиловдорлик қилади ва ҳаммага эшиттириб айтадики: “Туркий тилда шундай “Ҳамса” ёзганлигингиз учун мендай подшоҳ сизга жиловдор мурид бўлса арзигай”.

Бу сўзларни муболага эмаслигини Ҳусайн Бойқаро ўзининг Навоийга бағишланган рисоласида тасдиқлайди. Рисолани яқунлар экан, Ҳ.Бойқаро Алишер Навоийни шундай улуғлайди:

Эрур сўз мулкининг қаҳрамони
Эрур гар чин десанг — соҳибқирони.

Рисола охирида Ҳусайн Бойқаро шундай шоири бор мамлакатнинг подшоҳи бўлгани учун Аллоҳга шукрона айтади:

Ёраб, қаю шукрингни адо қилғаймен.
Не тил била ани ибтидо қилғаймен.
Юз жоним агар бўлса фидо қилғаймен
Десамки адо бўлди, хато қилғаймен¹.

Бу байтлар Ҳусайн Бойқаро шеъриятида унинг мардона феълү атворини эслатадиган тил ва услуб борлигидан далолат беради. Бобур Мирзо Ҳусайн Бойқарони “Шужоъ (довюрак) ва мардона киши эди, — деб ёзади. — Ҳар маъракада (жангда) қилич тегурубтур. Темур бек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн Мирзочалик қилич чопмиш бўлғай”².

Сўнгги сўзлардан шундай фикрга келиш мумкинки, баҳодирона қилич чопиш ва жанг қилишда Амир Темурдан кейин ҳеч бир темурийзода Ҳусайн Бойқарочалик кўп

¹ “Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро”. 1995 й., 14–15-бетлар.

² “Бобурнома”. 1960 й., 222-б.

жасорат кўрсатган эмас. Тарихий манбалар бу фикрнинг ҳақлигини тўлиқ тасдиқлайди. Айни вақтда, Ҳусайн Бойқаронинг бағри кенг баҳодир инсон бўлганлиги ёзган рисола ва шеърларидан ҳам сезилиб туради.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайн Бойқаронинг “эл можаросидин толиқиб, ўлимни орзулаб” ёзган бир матлаъини келтиради:

Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени
Бир йўла қутқар улуснинг можаросидин мени¹.

Навоий кам учрайдиган “ториқиб” ва “орзулаб” сўзлари билан таърифлаган ушбу байтда биз Ҳусайн Бойқаронинг ўлимдан кўрқмайдиган, ажалнинг юзига тик қарайдиган ботир одам эканлигини яна бир марта ҳис қиламиз.

Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога қойил бўлиб, унга юксак баҳолар берган сатрлари жуда кўп. Бу подшоҳнинг дарвишона бир камтарлиги ва ғурурга берилмаслиги унинг энг буюк фазилатларидан эди. Бу фазилатни Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам жуда қадрлар эди. Навоийга бағишланган рисолада у ортиқча ғурурга берилган баъзи бир подшолар билан ўзини қиёслаб ёзади:

“Агарчи баъзи салотинга (султонларга) бу шикаста бандасидин (мендан) кўпрак мамлакату жоҳ (юқори мартаба), хазинаю сипоҳ берди, ва лекин аларнинг кўнглига бу жиҳатдин ғурур йўл топти ва шукурғуззорлик ишида футур юзланди. Бу фақирга ҳиммате насиб қилдики, юз аларга бергунча шавкату мулк кўнглимни мағрур қилаолмас эди ва убудият (бандалик) асбобига қусур солмас. Агар баъзидин салтанат уббаҳати (шон-шарафи) ва ғуруридин фақру фано аҳлига истиғно (менсимаслик) ва сарбаландлик (такаббурлик) еткурди, бу нотагондин ул рафиъушон (юксак шон эгалари) ғуруҳига хокисорлик ва яхшилик етди:

Ғар олам элига шаҳ қилди
Фақр аҳлига хокироҳ қилди².

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XII жилд, 205-б.

² “Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро”. 1995 й., 18-б.

Охирги сатрда эл-юртга шоҳ бўлган Ҳусайн Бойқаро “фақр” эли, яъни фуқаро ўтадиган йўлнинг тупроғи сингари камтар ва хокисорлигини айтади.

Бу сўзларда ўша замонга хос муболағали одоб қоидалари акс этади, айни вақда, Ҳусайн Бойқарога худо ато қилган дарвишона феъл ва ноёб камтарлик ҳам кўзга ташланиб туради.

Агар у Султон Абусаид каби темурийзодаларга ўхшаган кибру ҳаволик шоҳ бўлганда эди, Алишер Навоийнинг эл-юрт орасидаги обрўси ва шуҳрати подшоҳникидан ҳам баланд кўтарилиб кетганига рашки келиши ва чидаб туролмаслиги мумкин эди.

Нафақат ижодда, балки ҳаётда ҳам Алишер Навоий Ҳусайн Бойқародан кўпроқ тарихий бинолар қурдиради. “Ихлосия” мадрасаси, “Халосия” хонақоси, “Шифоийя” деб аталадиган тиббиёт мадрасаси ва шифохонаси, “Жамоатхона” ва “Зиёратгоҳ” хонақоҳлари — ҳаммаси Алишер Навоий маблағига қурдирилган. Хонақоҳларда ҳар куни мискин ва фақирларга овқат улашилган. Бир йилда бир марта кийим-кечак ҳам хайр-эҳсон тарзида тарқатилган. Бундан ташқари, Нишопурда Алишер Навоий томонидан Фаридиддин Аттор қабри устига мақбара ва ёнига хонақоҳ қурдирилган. У ерда ҳам хайр-эҳсон уйи ишлаб турган.

Машҳад халқи ичимлик сув танқислигидан азоб тортар экан. Алишер Навоий Машҳадда Гавҳаршодбегим мадрасасида таҳсил олганда бунини ўзи кўрган экан.

Кейинчалик имкон бўлганда Алишер Навоий узоқ тоғнинг ичидан чиққан шифобахш сувли катта бир чашмадан ўнлаб чақирим масофага ариқ қаздириб, Машҳад аҳолисига обиҳаёт келтириб беради. Яна Машҳадда қори ва ҳофизлар учун улкан дорул-хуффоз қурдиради. “Уни олтин ва ложувардлар билан ғоятда ҳашаматли қилиб нақшлаганлар, — деб ёзади Хондамир. — Шунингдек, ўша жойда ҳар куни фақир, ногирон ва етимларга овқат бериш учун ғалвурхона (махсус ошхона) ҳам қурилган”¹.

Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Навоий қурдирган работлар, ҳовузлар, кўприклар, ҳаммомлар ҳам номма-ном санаб ўтилади. Работларнинг сони қирқдан ортиқ, ҳовузлар ўттизга яқин, кўприклар йигирмадан ортиқ, ҳаммомлар сони 9 та. Навоий қурдирган Нигору Тир деган кўприкларнинг

¹ Навоий замондошлари хотирасида. 1986 й., 90-б.

қурилишига қимматбаҳо мрамр ишлатилган. Ҳовузларнинг қурилишида ўнлаб сангтарош усталар ишлаган.

Алишер Навоий шунча кўп қурилишларнинг ҳаммасига етарли маблағ топаолгани сирли ва ҳайратланарли ҳодисадир.

* * *

Бу ҳайратланарли ҳодисанинг ички сирларини Алишер Навоийнинг ўзи “Вақфийя” асарида ажойиб тил ва услуб билан очиб беради.

Бу асарни ўқиб идрок этганингиз сари, Навоий ҳаёти ва ижодида, жумладан, “Ҳамса” дostonларининг яратилиши учун зарур вазиятнинг етилишида “Вақфийя” жуда муҳим ўрин эгаллаганига амин бўласиз.

“Вақфийя” Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ва тadbир-корлик салоҳияти нақадар юксак бўлганини кўрсатади. Айни вақтда, бу асар Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг орасига ғубор солмоқчи бўлган мухолифлар иғвосидан ҳар икки дўстни ҳимоя қилган инсоний ҳақиқатлари билан ҳам ғоят қимматлидир.

Шу билан бирга “Вақфийя” туркий тилда ёзилган юридик ҳужжатнинг мумтоз намунасидир. Чунки у пайтларда шариат пешволари вақф ҳужжатларини доим форс-араб тилларида ёзардилар. Алишер Навоий ўз “Вақфийя”сини гўзал туркий тилда ёзиш билан, бу соҳада ҳам янгилик яратади ва адабий тилимизнинг шариат қонунларига асосланган мумтоз шакллариини кашф этади.

Авалло, “Вақфийя” асарида Навоий ўзига қарашли ер-мулк тўғрисида ҳаққоний маълумот беради. “Ул ҳазратнинг буйруғи ва таклифига биноан” деҳқончилик билан шуғулланганини айтади. “Вақфийя”да келтирилган маълумотларга қараганда, Алишер Навоий 550 жериб¹дан ортиқ сувли ҳосилдор ерларнинг эгаси бўлган. Тушган даромадлардан катта бир қисмини деҳқонларнинг ўзларига бериб, уларни доим рози қилган.

“Вақфийя”да шариат қонунларига биноан, Навоий ҳалолу пок мулк қилинган ерлар ва дўконлар номма-ном санаб ўтилади. Ўша замондаги ҳўжалик юритиш ишлари адабий тил нуқтаи назаридан қандай ифода этилганига ёрқин мисол тарзида Навоий “Вақфийя”сидан бир неча иқтибос келтирамиз:

¹ Ж е р и б — 760 кв. м., яъни чораккам бир тектар.

“Олинжон бўлуки (да), Фаррошон мавзеида йигирма беш жериб боғ, Хўжа Шихоб боғоти ва юз жериб ер, Сабғур бўлукида икки қитъа узум боғи — олти жериб, яна Сифлий маҳалласида неча боғот жаъми олтимиш жериб, яна мазкур маҳаллада йигирма олти жериб узум боғи. Яна бир қитъа ўн саккиз жериб ер ва дағи ўн икки жериб боғ. Яна қитъа ўн тўққиз жериб. Яна ток била бағот етмиш тўрт жерибким, ундан ўттиз тўрт жериби узум токи, ўзгаси ер бўлғай, яна неча қитъа ер туташ ўн тўрт жериб, яна бир қитъа ер йигирма тўрт жериб, яна бир қитъа ер бир ярим жериб”.

“Даҳа”, бўлук (ўзбекча бўлак) деб ёзилгани, “маҳалла” “боғ”, “ток”, “узум боғи” каби қўпчилиги жонли халқ тилидан олинган сўзлар ва иборалар “Вақфийя” асарининг тили бугунги адабий тилимизга яқин бўлганидан далолат беради.

Шу билан бирга, “Вақфийя”нинг тушунилиши қийин бўлган жойлари навоийшунос олим А.П.Қаюмов томонидан бугунги тилимизга жуда яхши ўғирилган. Биз “Вақфийя”дан келтирган барча иқтибослар А.П.Қаюмов таржимасига асосланганини махсус кўрсатиб ўтишга бурчлимиз.

Навоий “Вақфийя”да аниқ ҳисоб-китобини берган барча ер майдонларининг асосий қисми боғлар, узумзорлар бўлганлиги учун катта даромад берганлиги ўз-ўзидан аён.

Ер майдонларидан ташқари, Навоийга қарашли савдо дўконлари ҳам анчагина кўп бўлган. Ҳиротнинг “Малик бозори ичиндаги растада бир-бирига муттасил (туташ) бешта дўкон, — дейилади “Вақфийя”да... — Жанубий бозорнинг ғарбисида яна бир пўстинфурушлик дўкони ҳам бор болахонаси била... Яна бир тимча ва тўрт дўкон бир-бирига муттасил... Малик дарвозаси тошида (ташқарисида) икки ошом (қават) иморат ва саккиз дўкон тимчага туташ. Яна икки дўкон Кухундузда, яна икки дўкон Боғи Зоғон кўчасида воқеъдур”¹.

Умумий ҳисобда жами йигирмадан ортиқ савдо дўконлари ҳам шаръий йўллар билан даромад келтириб турган.

Алишер Навоийнинг авлиё табиат саҳий инсон бўлганлиги ҳақида замондошлари шундай гувоҳлик берадики, у вазир бўлган кезларида ҳам хазинадан маблағ олмаган. Аксинча, Ҳусайн Бойқаронинг уруш-юришлар пайтида харажатлари

¹Ўша китоб, 33-34-бетлар.

жуда кўпайиб кетганда ва аҳолига қўшимча солиқлар солганда бу солиқлар халққа оғир тушишини билган Навоий бир марта 25 минг динор солиқ пулини ўз хазинасидан тўлаб юборган.

Навоий “Вақфийя”да ёзадики, улус ичида улуғлардин тортиб оддий одамларгача, минг қўйлик бойлардан тортиб йўқсизлик далаларида қўй боқиб беш эчки ҳақ олганига шукр қиладиган чўпонларгача “киши оз топилғайки, бу нотавон била иши тушмамиш бўлғай. Бу ишлар муқобиласида музд (ҳақ) тилаб миннат қилмадим, музлар... дағи тутдилар, қабул қилмадим”.

Бадиий тил нуқтаи назаридан бугун биз “иши тушмаган бўлсин” деб ёзадиган иборани Навоий даврида “иши тушмамиш бўлғай” деган сўзлар билан ифодалаш одат бўлганлиги эътиборни тортади. Энг муҳими, бу каби сўз ва иборалардан чиқиб келадиган маъно ва мазмуннинг буюклигида.

“Вақфийя” 1481–82 йилларда Алишер Навоий ўз атрофида содир бўлаётган салбий ҳодисалардан ва иллатларга тўлган ижтимоий муҳитдан безиб, ҳаж сафарига кетишни ва муқаддас жойларда абадий қолиш ниятини кўнглига туккан кезларида ёзилади. Шунинг учун бу асарнинг васиятни эслатадиган жойлари ҳам бор.

Навоий ўзи қурдирган мадрасанинг маъмуриятига шундай топшириқ беради:

“Икки олиму муттақи (тақводор олимлар) мударрис бўлғай. Ҳар бирининг йиллик вазифаси (иш ҳақи) икки юз олтин нақди, йигирма тўрт харвор (юк, бир қоп) ошлиқ, ярми арпа, ярми буғдой бўлғай. Ҳар ҳалқа дарсда ўн бир толиби илмким, бориси йигирма икки бўлғай. Олти аъло (аълочи): ҳар бирига ойлик нақди йигирма тўрт олтин, йилда буғдой — беш юк; васат (қониқарли ўқиганлар) секиз (талаба), ойлик ҳар бирига нақди ўн олти олтин, буғдой — йиллик тўрт юк; адно (ўртача ўқиганлар) секиз талаба — ойлик ҳар бирига ўн икки олтин, ошлиғ йилига уч юк”.

Навоий ҳатто мадраса ошпази ва фаррошига ҳам катта саховат кўрсатади: “Табақчи (ошпаз)га йиллик нақди икки юз олтин, буғдой беш юк. Бир фаррош ва икки ходимдин ҳар бирига йилига икки юз олтиндин жаъми олти юз олтин, буғдой беш юкдин ўн беш юк»¹.

¹ Ўша китоб, 34–35-бетлар.

Алишер Навоийда тенгсиз бир сахийлик илмпарварлик ва инсонпарварлик билан доим бирга яшаганлигини мана шу ҳужжат яққол кўрсатиб турибди. Мударрисларга ҳар йили икки юз олтиндан маош белгиланганига қаранг. У замонларда беш олтинга бир қўй берган. Яна ҳар ойда икки қопдан бугдой ва арпа ўзининг нонига ва минадиган отининг емига. Талабаларни икки ҳалқа (гуруҳга бўлиб), бир гуруҳнинг сонини 11 дан оширмаганликлари ҳам теран билим олишга мўлжалланган тадбир. Агар ҳар гуруҳда йигирма ва ундан ортиқ талаба бўлса, мударрис уларнинг ҳар бирига етарлича эътибор беролмай қолади.

Навоий талабаларни қобилияти ва яхши ўқишига қараб уч тоифага бўлгани ва уч даража маош (бугунги тилда — стипендия) белгилатгани ҳам ажойиб. Аъло ўқигани ҳар ойда йигирма тўрт олтин нақди ва йилига беш қоп ошпиқ олади. Бундай аълочи талаба олган маоши ва ошлиғидан бир қисмини орттириб, ота-онасига ҳам инъом қилиб туриши мумкин бўлган.

Бундан ташқари, «Шароит» деган сарлавҳа остида мадраса аҳлининг яшаш шароитини яхшилаш учун Навоий ажратган маблағлардан бир қисми уларнинг кийим-кечаги, рўза пайтлардаги ифторлиги, ҳайит кунларидаги ош-нонларига сарфланиши кўзда тутилади. Навоий буюрадики, «ҳар йили мадраса маъмурияти юз пўстин, юз жун чакмон, юз бўрк, юз кўйлак-иштон сотиб олиб, мударрислар, талабалар, ходимлар ва бошқа муҳтожларга улашсинлар. Мадраса ёнидаги масжид ва хонақоҳ саҳнига тўшаладиган кийгиз ва бўйралар учун ҳар йили тўрт юз олтин сарфланади». Қурбон ҳайитида Навоий ҳисобидан бир мол, беш қўй сўйилиб, мадраса аҳли ва унинг атрофида яшовчиларга улашилади.

Алишер Навоий мана шундай чексиз саховат ва инсонпарварлик билан «Вақфийя» қоидаларини белгилангандан сўнг, уни жонли халқ тилига ҳамоҳанг бир рубоий билан яқунлайди:

Бу қоидани кимки тузар — бор бўлсин,
Тенгри бори ҳолатда унга ёр ўлсин.
Ким бузса бузуқлиққа сазовор ўлсин
Ҳақ лаънату қаҳрига гирифтор ўлсин¹.

¹ Ўша китоб, 37-б.

Бу ерда вақф қоидаларига амал қилганларга қарата айтилган «бор бўлсин» сўзлари «ҳорманг, бор бўлинг» деган халқона ибораларни эсга солиди. «Тенгри доим унга ёр бўлсин» маъносидаги мисра ҳам жонли тилда айтиладиган дуодек эшитилади. Кейинги икки мисра қоидабузарларга қарши қаратилган қатъий бир огоҳлантиришдай янграйди. Навоий бузғунчиларни аямайди: шундай савоб ишнинг қоидаларини бузганлар худонинг лаънати ва қаҳрига гирифтор бўлишини тилайди.

«Вақфийя» асари Алишер Навоий ҳаётининг муҳим қирраларини аниқ тасаввур этишга имкон берадиган ноёб инсоний ҳужжатдир. Бу асар орқали биз унинг мулкдорлик салоҳияти ҳам бениҳоя буюк бўлганини кўз олдимизга келтирамиз. Шаҳарда ўнлаб савдо дўконлари, Ҳирот ва унинг атрофларидаги обод манзиллар, узумзор боғлар, экинзорлар... Навоий буларнинг ҳаммасига ҳассос ишбилармонлар каби яхши эғалик қила олгани учун улардан шунчалик катта даромадлар олган ва бу даро-мадларнинг деярли ҳаммасини инсонпарварлик, халқпарварлик ва ободончилик мақсадларига сарфлаган.

Шу ўринда Бобур Мирзонинг Алишер Навоийга берган ҳаққоний таърифларидан бири эсга тушади:

«Алишербекнинг мижози нозик била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий (туғма) экандур»¹.

«Вақфийя» асари эл орасида пайдо бўлган нотўғри тасаввурга, яъни «Алишер Навоий давлатининг ғуруридан нозик бўлиб кетган» деган гап-сўзларга мутлақо асос қолдирмайди. «Вақфийя»да санаб ўтилган барча ер-мулкларни Алишер Навоий савоб ишлар учун вақф қилиб беради. Вақт эътибори билан бу ҳодиса Алишер Навоийнинг вазирлик лавозимидан ихтиёрий равишда бўшаган пайтларига тўғри келади. Унинг ўрнига вазир бўлган рақиблари, Бобур Мирзо ёзганидек, уни «давлатининг ғуруридан нозиклашган» деб, подшога шоирни ёмон кўрсатишга интиланларини тасаввур қилиш мумкин.

¹ «Бобурнома». 1960 й., 233-б

Бундай гап-сўзларнинг асоссизлигини амалда кўрсатиш учун ҳам Навоий шунча ер-мулкини вақф қилдиради ва Ҳусайн Бойқародан ҳажга кетиш учун рухсат сўрайди.

«Вақфийя»да яна нозик бир нуқта бор:

«Яна шарт улким, — деб ёзади Навоий, — ҳар ўттиз йилда мутавалли вақфийяни муқаррар янги битгай ва асл била муқобала қилғондин сўнгра (аслига тўғрилагандан сўнг) қози муҳри билан тасдиқлатсин, токи вақт ўтиши билан чириб кетмасин»¹.

Демак, Алишер Навоийнинг ҳажга кетиш ва қолган умрини муқаддас Каъба томонларда ўтказиш нияти жиддий бўлган. Акс ҳолда, «Вақфийя»ни ўттиз йилдан сўнг унинг йўғида қайта кўчиртириб янгилаш шартини бу тарзда қўймаган бўлар эди.

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг орасини бузишга ҳаракат қилган бахил кучлар бу ҳодиса қаршисида лол қолган бўлишлари керак. Чунки уларнинг «Навоий давлатидан гурурланиб кетди» деган иғволари «Вақфийя» туфайли чиппакка чиқади. Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг камтарлиги ва фидойилигига «Вақфийя» ҳодисасидан кейин яна бир бор имон келтиради. Илтимослар қилиб, уни ҳажга кетиш ниятидан қайтаради ва Ҳиротда олиб қолади.

Иғвогарлар орага солган ғуборлар тарқаб, муносабатлар аввалгидан ҳам илиқроқ бўлиб қолади. Бу илиқликдан кўнгли хотиржам бўлган Алишер Навоий «Вақфийя»дан кейин «Хамса» дostonларини ёзишга киришади. Ҳусайн Бойқаро доим уни бу улуғ иш жараёнида қўллаб-қувватлаб туради.

Шариат қоидаларига биноан вақф қилинган ер-мулклардан солиқ олинмайди. Шу сабабли, Алишер Навоийнинг вақф қилган улкан ер-мулкидан тушадиган даромадлар янада кўпаяди. Унинг ўзи ҳажга кетмай Ҳиротда қолганлиги сабабли бу даромадлар ҳисобига хайри эҳсон, ободончилик ва бунёдкорлик ишларини янада авж олдиради.

Е. Э. Бертельснинг 1948 йилда рус тилида чиққан «Наваи» номли китобида бир факт келтирилган.

«Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини форс тилига таржима қилган Фаҳри Ҳиротий китобнинг охирида ўз номидан хотима тарзида бир боб қўшади ва ўша бобда ёзишича:

¹ «Вақфийя». 1991 й., 68-б.

«Алишер Навоий хазинасига унинг ер-мулкларидан ҳар кун 75 минг динор даромад тушиб турган, шу даромадлар ҳисобига Навоий томонидан 40 дан ортиқ рабоблар, йигирмага яқин кўприклар ва 380 жойда хайри-эҳсон уйлари қурилган, улар орқали минглаб муҳтожларга текин овқат ва кийим-кечак улашиб турилган»¹, — деб ёзади.

75 минг динор — жуда катта маблағ ҳисобланган. Чунки динор — олтин пул эди. Беш-олти динор олтинга у пайтда бир қоп буғдой олиш мумкин бўлган.

Бахил ифвогарлар «бундай улкан қурилишлар ва хайри эҳсонларни Алишербек ўз обрўсини ошириш учун қилмоқда» деб гап тарқатмасликлари учун Навоий барча бунёдкорлик ишларини Ҳусайн Бойқаро билан бамаслаҳат қилади. Бу ҳақда «Вақфийя»да шундай дейилган:

«Ул Ҳазратнинг қуллуғида бирор ишга киришганда ҳеч қачон ўз мақсадим ва манфаатим кўзга кўринмас эди. Нимаики қилган бўлсам, фақат тангри учун, яна ул Ҳазратнинг муборак хотири учун, яна мусулмонларга яхшилик бўлиши учун эди»².

Шу тарзда Навоий «Вақфийя»да яна бир нозик ишни маҳорат билан амалга оширади: ифвогарларнинг оғзини бекитиш ва подшоҳ билан унинг орасига ноҳайрихоҳлар солиши мумкин бўлган ғуборларнинг олдини олишга муваффақ бўлади.

Бундай катта миқёслардаги савоб ишларни шу қадар донолик ва маҳорат билан амалга ошириш тарихда камдан-кам одамга насиб этадиган қаҳрамонликдир. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни оламшумул «Хамса»си, бутун ижоди, жумладан, «Вақфийя» асарида тасвирланган саховати ва бунёдкорлиги учун ҳам «Қаҳрамон ва соҳибқирон» деб улуғлашга ҳақли эди.

Ҳазрат Алишер Навоийни бундай қаҳрамонона ишларга йўналтирган ички куч — унинг инсонга, халққа, ватанга бўлган чексиз меҳру муҳаббати эди. Унинг энг эзгу нияти — қилган ишлари ва ёзган асарлари билан эл-юртга, халққа яхшилик қилиш эди.

Буни биз «Хамса» дostonларидан «Сабъайи сайёр»да Аллоҳга илтижо қилиб ёзган қуйидаги сатрларида аниқ кўрамиз:

¹ Е. Э. Бертельс. «Наваи». М., 1948 г., стр. 134.

² «Вақфийя». Алоҳида нашри, 55-б.

Деганимни улусқа марғуб эт!
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт!
Халққа зеби торак айла они
Ўқуғанга муборак айла они.
Етти афлокни анга ёр эт
Етти иқлим элин харидор эт!¹.

«Марғуб эт» — «жозибали қил» деган маънони билдиради.
«Зеби торак» — бошга қўйиладиган тож.

Навоий «Хамса»сининг ёзилганига беш юз йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу асрлар давомида унинг айтганлари чиндан ҳам эл-юртга марғуб, кўнгилларга маҳбуб бўлди. Айниқса, бизнинг давримизда унинг асарларини адабиётимиз гултожидек бошга кўтариб эъзозлайдиган одамлар кўпайди. Жаҳоннинг етти иқлимида Навоийнинг номи ва асарлари етиб бормаган қитъа йўқ, десак бўлади.

Бу ҳаммаси улуғ шоирнинг эзгу тилаклари ижобат бўлганидан далолатдир.

* * *

Алишер Навоий асарларини бундай суюкли ва умрбоқий қилган фазилатлар, аввало, унинг сўз санъатида, бадиий тилида акс этади. Чунки тил мазмунга нисбатан шаклдир ва гўё мазмунга кийдирилган «либос»дир. Шунинг учун бизнинг нигоҳимиз энг аввал шу «либос» — тилга тушади.

Лекин оддий либосдан фарқли ўлароқ, бадиий тилни мазмундан ажратиб «ечиб» олиш мумкин эмас. Шунинг учун биз «либос» сўзини қўштирноқ ичига олдик. Асарнинг шакли мазмуни билан бир бутун ҳолда тирик вужуд каби яшайди. Масалан, атиргулнинг шакли ва ранги унинг илдизидан озиқланиб, барги ва бутоқлари билан бирга ўсиб етилади. Адабий асарнинг тили ҳам муаллифнинг дилидаги ҳис-туйғулар, фикрлар ва образларни ифодалаш учун шу ҳис-туйғулар ва образлар учқунидан олов олиб, «пишиб» етилади. Бу ҳодисани Алишер Навоий гўзал шеърини сатрларда шундай ифодалаган:

¹ Алишер Навоий. «Хамса». Тошкент. 1947 й., 330-б.

Агарчи йўқ дурур дурлуқ талоши
Эрур тош бўлса ҳам чақмоқ тоши
Нечаким ўтлуқ ўлса лаъл пора
Қачон бул тошдек бергай шарора.

Навоийшунос олим А. Ҳайитметов «Фарҳод ва Ширин» достонининг тили ва услубига бағишланган мақоласида ушбу тўрт сатрни шундай таҳлил қилиб беради:

«Навоий ёзган достоннинг услуби чақмоқтошдек ўт чиқариб, учқунлар сачратиб турадиган, ҳам иссиқ берадиган, ҳам ёритадиган бўлиши керак. Унингча, салафлари услубида ҳам нурлилик, оловга ўхшашлик бор. Лекин бу лаълдан чиқиб турадиган нурга ўхшайди, бу нурда куйдириш, ёндириш қуввати йўқ»¹.

Алишер Навоий бу оддий чақмоқтошни қимматбаҳо лаълга қиёслаш орқали асар мазмунидан (яъни, чақмоқтош бағридан) чиқиб келадиган ҳақиқий олов лаълнинг совуқ ташқи ялтироқлигидан кўра афзал эканини кўрсатади.

Навоийнинг бутун ижоди мана шу тамойилга, яъни мазмун ичидан чиқиб келадиган бадий олов билан инсонлар қалбига нур сочиш ва ҳарорат бериш тамойилига асослангандир. Биз буни унинг шеъриятида ҳам, «Хамса» достонларида ҳам, «Насойим ул-муҳаббат», «Мантиқ ут-тайр», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Вақфийя» каби асарларида ҳам кўриб ўтдик.

Бадий тил муаммолари муайян асарларга назарий нуқтаи назардан ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун биз асарларнинг яратилиш хронологиясига ёки жанрларига қараб ажратиб таҳлил қилишдан кўра, уларнинг ҳаммасига хос бўлган умумий тамойилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлидан боришни афзал кўрдик.

Алишер Навоий бутун ижоди давомида улуғ бир мақсад — туркий тилни жаҳоннинг энг мукаммал ва мумтоз тиллари даражасига етказишга интилади. «Мезон ул-авзон», «Муншаот», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари ҳам мана шу эзгу мақсад йўлида яратилади.

Масалан, аруз илмига бағишланган «Мезон ул-авзон»нинг ёзилиш сабабини Навоий қуйидагича изоҳлайди:

¹ А. Ҳ. Ҳ а й и т м е т о в. «Фарҳод ва Ширин» достони услуби ва тили. Қўлёзма. 37-б.

«Чун турк алфози билаким назм воқеъ бўлибдур, анга зобитае (қоида) ва қонуния йўқ эркандур ва ул фан ривожичун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур»¹.

Алишер Навоий биринчи бўлиб туркий тилда аруз илмига тамал тоши қўяди. Кейинчалик у бошлаган ишни Бобур Мирзо давом эттириб, «Мухтасар» номли катта асар яратади. «Мезон ул-авзон» ўзбек адабий тилини аруз илмига оид юзлаб атамалар билан бойитди. «Вазн», «рукн», «баҳр», «хазаж», «рамал», «мутақориб» каби атамалар бугун ҳам арузшунос олимларимизнинг илмий ишларида қўлланилмоқда.

Навоий даврида «туркий тил аруз вазнига унча мос келмайди» деган нотўғри ақида бор эди. Бу ақида тарафдорлари тўққизта унли товуши бўлган «же»ловчи туркий шеваларда сингармонизм қонунларига қаттиқ риоя қилинишини ва аруз вазни талаб қиладиган узун-қисқа товушлар уйғунлигини бундай шеваларда таъминлаб бўлмаслигини далил қилиб келтирар эдилар.

Лекин Навоий асарлари сингармонизм қонунларидан фойдаланган ҳолда узун-қисқа товушлар уйғунлигини ҳам тўлиқ таъмин этадиган туркий шеваларнинг тил бойликларидан фойдаланиб ёзилганига биз юқорида қатор мисоллар келтирдик.

«Мезон ул-авзон»да Навоий бундай мисолларга жуда катта ўрин беради. Ҳатто туркий халқларнинг тўйларда айтиладиган «ёр-ёр»лари ҳам аруз вазнида яратилганига қуйидаги мисолни келтиради:

Қайси чамандин эсиб келди сабо ёр-ёр,
Ким дамидин тушди ўт жоним аро ёр-ёр.
Мафтаилун фоилун мафтаилун фоилун².

Сўнгги сатр Навоий келтирган «ёр-ёр»нинг қайси аруз вазнига мос келишини аниқ кўрсатиб беради.

«Мезон ул-авзон»да Навоий ўта ҳассос назар билан Ҳусайн Бойқаро ёзган кўлчилик ғазалларнинг вазни туркий тилда севиб айтиладиган халқ қўшиғининг вазнида эканини аниқлайди:

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд. 1967 й., 182-б.

² Ўша жилд. 180-б.

Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.

Байтнинг маъноси шундай: «Эй, сенинг ой юзинг саодатга бошловчидир, даргоҳинг тупроғи кўзи яхши кўрадиганларнинг қиблагоҳидир».

Бу байт арузнинг рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилгандир. Айни шу вазн халқ оғзаки ижодида ҳам, Ҳусайн Бойқаро шеъриятида ҳам севиб қўлланилиши туркий элларнинг подшосидан тортиб оддий фуқаросигача аруз вазнини азалдан яхши билганини ва ундан самарали фойдаланганини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Алишер Навоий шу каби юзлаб далиллар билан туркий тилнинг имкониятлари араб ва форс тилларининг имкониятларидан кам эмаслигини, балки ортиқ жиҳатлари ҳам борлигини исбот қилади. Туркий тилда «бармоқ вазни» деб аталган жуда ранг-баранг вазнлар тизими мавжудки, бундай эркин вазнлар тизими форс тилида йўқлигини Навоий «Мезон ул-авзон»да махсус кўрсатиб ўтади.

Албатта, ҳар бир халқнинг тили ва шу тилда яратилган китоблари ўзига хос афзалиятларга эга бўлади. Масалан, форс тилида мактублар тўпламидан иборат бўлган ва «Муншаот» номи билан тартиб бериладиган китоблар Алишер Навоийда ҳавас уйғотади. «Форсий алфознинг иншолари дилписанд, макотибу (мактублари), имлолари аржуманд (ардоқли) эрди, — деб ёзади Навоий «Муншаот» асарининг муқаддимасида. — Хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг руқъалари (ёзишмалари) ҳамул (шу) мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларини ҳам ўшул минвол (қоида) билан сабт этилгай (яъни, тўплам қилингай)»¹.

Шу тарзда Навоий ўзбек мумтоз адабиётида «Муншаот» деб аталадиган янги бир жанрни ҳам бошлаб беради. Бу жанрда ўша даврга хос адабий тилнинг бир қанча янги хусусиятлари намоён бўлади. Аввало, мактублар бир одамнинг иккинчи киши билан бевосита суҳбати ва мулоқоти бўлганлиги учун расмий тил жимжималаридан холи бўлади.

Алишер Навоийнинг бетоб эканини эшитган Ҳусайн Бойқаро унга махсус мактуб юбориб, аҳвол сўраган бўлса

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд. 133 — 134-бетлар.

керак. Навоий унга қуйидагича жавоб ёзади: «Иноят қилиб сўрдира йиборилган нишонким, етти, айтса бўлғайким, баданда ҳарорат шуъласидин шараре ва кўнгулда изтироб шиддатидин асаре қолмади.

Битикингдинки, саводини кўриб жон топдим»¹.

Келтирилган иқтибос Навоийга хос поэтик тил ва ширингуфторлик билан ёзилган. Фақат иқтибос охиридаги бир мисра шеърда Навоий Ҳусайн Бойқарога «битигинг» деб, «сен» олмошида мурожаат қилгани эътиборни тортади. «32» деб рақам қўйилган яна бир мактубда:

«Кўзум учарки, ҳумоюн юзингни кўргай бот,
Бийаниҳ анга киприклар ўлмиш икки қанот»².

деган байт ҳам Ҳусайн Бойқарога қаратиб айтилган. «Ҳумоюн юз» подшоларга бериладиган сифатлардан бири. Лекин ҳаётда Навоий подшоҳга «сенсираб» гапирган бўлмаса керак. Масалан, «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да Навоийнинг Абдурахмон Жомийга «сизлаб» мурожаат қилганини кўрсатувчи мисоллар мавжуд.

Аммо «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида бевосита мулоқот пайтидаги диалогда икки дўст бир-бирларига «сен» деб мурожаат қиладилар:

«Фақир айтдимким:

— Мавлоно Лутфий ҳоло туркий қавмнинг устоди, малик ул-каломидур.

— Нечук, Сайид Насимий демалинг? — «сен» олмошида сўрайди Паҳлавон Муҳаммад. Навоий ҳам «сен» олмошида жавоб беради

— Хотирға келмади... Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди»³.

Бу реалистик диалог бир-бирига чинакам қадрдон дўстнинг қиёфасини гавдалантириб беради. Улар қирқ йиллик қадрдон дўст бўлганликлари учун ёшликдан «сен» деб мурожаат қилишга ўрганган бўлишлари керак.

¹ Ўша жилд, 160-б.

² Ўша жилд, 168-б.

³ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд, 1867 й., 98-б.

Худди шу фикрни сал бошқачароқ талқинда Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоийнинг мактаб ёшидан бошланган дўстлиги тўғрисида ҳам айтиш мумкин. «Ҳилолия» қасидасида ҳам Навоий Ҳусайн Бойқарога «сен» олмошида мурожаат қилади. Умуман, худога ҳам «сен» олмошида муножот қилиш одат тусига кирган. Шеърятда ҳам барча улуғларга «сен» олмошида арз қилиш жоиз ҳисобланади.

Фақат Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога шеърда «сен» деб сўз айтганда икки орадаги сирдошлик ва дўстлик меҳри сезилиб туради. Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам Навоийга бағишланган ва юқорида қаламга олинган рисоласида Алишер унга «пардасарой хилватида, Шабистон суҳбатида ҳамдам» бўлганини ёзадики¹, бу уларнинг чинакам сирдош дўст бўлганини тасдиқлайди.

Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифий «Бадсё ул-вақое» асарида шундай бир ҳаётий лавҳани келтиради. Алишер Навоий бир кун намоз вақтида Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурига келади.

Намоз вақтида подшоҳ ҳузурига кириб арз қилиш ҳуқуқи фақат Алишер Навоийга берилган экан.

Ҳусайн Бойқаро нима ҳодиса бўлганини сўраганда, Мирҳожӣ Пир деган золим амир бойлик ва мартабадан қутуриб, ўзини подшодан ҳам баланд олаётганини, кўчалардан тахтиравонда улуғ султонлар муяссар бўлмаган нашъу намо ва тантана билан ўтганини Навоий шундай бўрттириб тасвирлайдики, Ҳусайн Бойқаро ҳовлиқиб кетган бу амирнинг ҳаром йўл билан орттирган молу мулкини мусодара қилишни буюради².

«Муншаот»га киритилган кўпчилик мактублар Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги муносабатларнинг мана шундай дўстона ишонч билан суғорилганини кўрсатади.

Бахил кучлар Ҳусайн Бойқаро билан унинг катта ўғли Бадиуззамон Мирзо орасига низо уруғини сочадӣ. Алишер Навоийнинг бир неча мактублари ота билан ўғилнинг орасида пайдо бўлган нizonи бартараф қилишга йўналтирилади.

Навоийнинг гувоҳлик беришича, бу низо кўпроқ ўғилнинг кибру ҳавога берилганлигидан келиб чиққан эди.

¹ Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро. 1995 й., 12-б.

² Навоий замондошлари хотирасида. 1984 й., 177–178-бетлар.

Астрободга ҳоким қилиб тайинланган Бадиууззамон Мирзо отасининг хазиначисига вилоятдан юборилиши керак бўлган мол-маблағни юбормайди. Навоий ёзади:

«Яна битибсизким, «Астрободга киши юбормангким, бермагумдур»... Бу мазмунни ҳам мулойимроқ битаолур эрдингиз. Ва «Ироқ вилоятларин улашибмен» деб битибсиз. Ироқ... иликка кирмасдан бурун..., Мирзо била бир-икки қатла сўзлашмай, арз қилмай бу иш қилилмиш бўлса... сиздан ажаб воқеъ бўлибдур»¹.

Навоий ҳовлиқиб кетган шахзоданинг хатоларини аниқ далиллар билан исботлаб беради. Подшоҳ отасига «одам юборманг, мол бермагумдур» деб дағал сўз айтгани, ҳали қўлга киритилмаган Ироқ (Эрон у пайтда Ироқ дейилган) вилоятларини подшодан берухсат ўз амирларига улашиб юборгани — шахзоданинг кибру ҳавоси ажабланарли даражага еганини Алишер Навоий мулойим бир киноя билан «сиздан ажаб воқеъ бўлубдур» деб танбеҳ беради.

Мактуб самимият ва жонқуярлик билан ёзилгани унинг ҳар бир сатридан сезилиб туради.

37 рақам қўйилган иккинчи мактубда Навоий Бадиууззамон Мирзога «мажлис қуриб чоғир ичарга кўп ҳирс кўрсатилмаса, кутубхона аҳли билан машғуллик қилилса, таворих ўқумоқ буюрилса... батахсис (хусусан) «Зафарнома». Шу насиҳатлар орасида Навоий Амир Темурнинг Ҳусайн Бойқарога тўртинчи насаб эканини, шу сабабли ҳар ҳафта жума намозида Темурбекнинг номини хутбага қўшиб ўқитишини ибрат қилиб кўрсатади. «Сиз эса иншонгиз туғросидан Мирзонинг муборак отин чиқарибсиз», — деб Навоий шахзоданинг яна бир хатоси отасига ҳурматсизлик қилгани эканини айтади. Ҳадиси шарифдан пайғамбаримиз айтган қуйидаги сўзларни келтиради: «Тенгри таоло ризоси ота ризосига вобастади. Тенгри таоло ғазаби ҳам ота ғазабига вобастади». Машойихлар «валедука раббука», яъни «отанг парвардигорингдур» деганлар»².

Навоий бу сўзларни ота-болага жони куйганидан ёзгани унинг ўта таъсирчан сўз ва ибораларидан сезилиб туради. Мактубда ажойиб бир мақол ҳам келтирилади:

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд. 1998 й., 184–185-бетлар

² Уша жилд, 185–189-бетлар.

«Бу қулнинг жони куйганда ўзгаларнинг этаги куймас. Бу бир неча сўз густоҳлик қилилди, умид улким, қабул тушгай. Тушмаса бу банда айтур сўзни бўйнимдин адо қилмиш бўлғаймен»¹.

Навоий камтарлик билан ўзини «қул» деб атайди. Мактубнинг тили орқали биз улуг шоирнинг куюнчак қалбини тасаввур қиламиз. Бу ерда инсоннинг ички дунёсини очиб берувчи реалистик тил — жонли сўзлашув тилига асосланишини яна бир бор ҳис қиламиз.

Айниқса, Навоийнинг ёмон йўлларга кириб кетган асранди ўғли Шоҳқулидан кўнгли қолиб ёзган мактуби шоир қалбининг оловли эҳтиросларини баралла намоен қилади. Навоийшунос олима Суйима Ғаниева бу мактубни монологик нутқнинг ёрқин бир намунаси деб тўғри кўрсатади². Шу билан бирга С. Ғаниева Навоий насрий асарларида шеърый нафосат устун туришини, унинг насрда ёзилган илмий асарларидан ҳам улуг шеъриятнинг нафаси келиб туришини таъкидлайдики, биз бу таъкидга тўлиқ қўшиламиз³.

Алишер Навоий ўз ҳаёти ва ижодининг охирги йилларида романтик кўтаринки услубдан кўра ўша давр ҳаётий муаммоларини тасвирлаш ва ҳал этишга қаратилган теран маъноли реалистик услубга кўпроқ амал қилади. Бу даврда ёзган асарларининг тилида ҳам реалистик бўёқлар устун мавқени эгаллайди.

«Тарихи мулуки Ажам» асарида Эрон шоҳларининг ибратли ишлари қисқа, равон ва сермазмун иборалар билан тасвирланади. Масалан, «Ануширвони одил» тўғрисида: «Онинг боргоҳида (қабулхона) тўрт олтун курси доим қўйилур эрди. Бирида Бузурж-мехр (бош вазир), бирида Қайсари Рум, бирида Кипчоқ хоқони...». Демак, шарқу ғарбдаги қўшни тождорлар билан муроса қилиб тинч яшаш учун Ануширвон уларни доим олтин курсига ўтқазиб, ҳурматларини жойига қўйган экан.

Лекин Ануширвоннинг ўғли Хўрмуз отасидай адолатли сиёсат юргиза олмади, «аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб, кўзига мийл тортиб» қўр қилдилар»⁴. Навоий ҳар икки

¹ Ўша жилд, 186-б.

² С. Ғаниева. Навоий насри нафосати. Тошкент. 2000 й., 152-б.

³ Ўша асар, 143–145-бетлар.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар. XVI жилд. 2000 й., 244–246-бетлар.

подшонинг тарихидан энг муҳим нуқталарини топади, қисқа ва ёрқин иборалар билан уларнинг ибратли ишлари ёки фожиавий тақдирлари тўғрисида ҳаққоний тасаввур беради.

Навоийнинг сўз санъати «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар суюклиси») асарида яна бир ўзгача тароват билан намоён бўлади. Бу насрий асар сажъ усули билан қофияланади. Маълумки, «Қуръони Карим» ҳам қофияланган саждир. Навоий ана шу муқаддас анъанага амал қилиб ёзади:

«Ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ ўзимни элга еткурубмен ва яхши-ёмонлиғ аҳволин билибмен. Баъзи аҳбобки, бу ҳоллардин хабарсиз...» «... Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларга бас бўлғай»¹.

«Ҳавас» ва «бас» ажойиб қофия. «Суҳбат — хусусият» ҳам қофияланган сажъ. Бу ҳаммаси сўз санъатининг намуналаридир.

Навоий қалбининг суюклиси — ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган деҳқон ва ҳунарпешалардир: «Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут келтурур, ҳам баракот».

Энди шу деҳқонлар етиштирган нозу неъматларни шаҳарга олиб келиб сотувчилар зикрида сўз:

«Шаҳар савдогари... ўнғай олиб оғир сотмоқ онинг мақсуди... Бурёни (бўйро) зарбоф ерида сота олур. Дўконида барча матоъ мавжуд... ғайри инсоф»².

Аммо карвонлар билан узоқ юртлардан мол келтириб сотувчи тужжорлар «савдо учун тенгизга кема сурмаса, дур учун наҳанг комига қадам урмаса» иши ўнгидан келмаслиги ҳам айтилади. Навоий уларни ҳам инсофга чақиради.

Айтилганларнинг ҳар бир сўзи фазлу ҳикмат нурлари билан йўғрилган. Бу сўзлар асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмайди.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисмида тасаввуф назарияси оммабоп насрий усул билан тарғиб қилинади. «Тавба, зухд (нафсни тийиш), таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ, зикр ва ризо» тушунчалари ажойиб ҳикоятлар ёрдамида очиб берилади.

Учинчи қисмдаги «танбеҳ» деб аталган панд-насиҳатлар донишманд шоирнинг бой ҳаётий тажрибасидан келиб чиқади.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд. 1998 й., 10–41-бетлар.

² Ўша жилд. 35–37-бетлар.

«Одабийнинг яхшироғи улдурум, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзни айтурда беваҳму бок бўлғай»¹.

«Порсо» — ёмон йўлга юрмовчи, тақводор одам. «Бок» — қўрқув, яъни «беваҳм ва бе қўрқув» одам — энг яхши одабий бўла олади. Бу мезонга Навоийнинг ўзи тўлиқ жавоб бераолган чин одабий эканлигини унинг бутун ҳаёти ва ижоди кўрсатиб турибди.

Навоийнинг буюк замондоши ва устози Абдурахмон Жомий «Ҳафт пайкар» («Етти қиёфа, ҳайкал») достонининг хотимасида Алишер Навоийнинг туркий тилда яратган «Хамса»сини аввалги «Хамса»лардан баланд қўяди. Навоий назмини «мўъжизавий назм» деб атайтиди. «Сенинг қаламинг шундай калит қудратига эгаки, бу калит билан очилмайдиган қулф йўқдир» деган фикрни айтади. «Зи чарх офаринҳо бар он килк бод!»², яъни бу қаламга фалакдин офаринлар ёғилсин!» деб тилак билдиради.

Чиндан ҳам, Алишер Навоий қайси ижодий муаммонинг қулфига ўз мўъжизакор қалами билан қўл урса, бу муаммо ечилмай қолмаган. У шеъриятнинг ўн етти турида етук асарлар яратган. Булар орасида энг машҳур ҳадисларнинг ҳар бирига алоҳида шеърий тўртлик бағишланган, «Арбаъин» туркумининг алоҳида ўрни ва тарбиявий аҳамияти бор. «Арбаъин»ни махсус тадқиқ қилган А.П.Қаюмов туркий тилда яратилган Навоийнинг «қирқ шеърий тўртлиги комил инсонни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган сабоқлардир», деб ёзади ва бу тўртликларни махсус луғат ёрдамида шарҳлаб, кенг китобхонларга тақдим этиш зарур эканини таъкидлаб айтадики, биз бу фикрларга тўлиқ қўшиламиз³.

Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган энг машҳур асарлардан бири «Насойим ул-муҳаббат». Шўро даврида динга муносабат салбий бўлганлиги сабабли анбиё ва авлиёлар, машҳур шайхлар тарихига бағишланган бу асар тўлиқ нашр этилмай келинди. Биз унинг қисқартирилган нашрларидан Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари ҳақида Навоий ёзган

¹ Ўша жилд, 120-б.

² «Навоий замондошлари хотирасида». 1984 й., 12–13-бетлар.

³ А.П.Қ а ю м о в. «Навоийнинг «Арбаъин»и ва унинг тарбиявий аҳамияти». «Истиқлол йиллари: диний ва миллий қадриятларнинг халққа қайтиши». VII тўпламида. 2001 й., 134-б.

ажойиб лавҳаларни адабий тил нуқтаи назаридан юқорида кўриб ўтган эдик. Ниҳоят, 2001 йилнинг ўрталарида «Насойим ул-муҳаббат»нинг тўлиқ нашри Навоий асарларининг XVII жилди сифатида босмадан чиқди.

Асарни нашрга тайёрлаганлар қайд этганларидек, «Насойим ул-муҳаббат» Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс...» тазкирасининг туркий тилдаги эркин таржимасидир. Навоий ўз устозининг асарига ижодий муносабатда бўлади, унинг айрим жойларини қисқартиради, лозим топган ўринларига қўшимчалар киритади. Бу қўшимчалар кўпроқ туркий эллардан чиққан авлиё ва шайхларга бағишланади.

Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»дан кўзлаган мақсади туркий элларни анбиё ва авлиёлар тарихи билан яқиндан таништириш ва ўз ораларидан чиққан Аҳмад Яссавий, Адиб Аҳмад каби машойихларга эҳтиром уйғотиш эди.

Жомий тазкирасида бутун мусулмон оламида ўтган 618 нафар шайхлар қаламга олинган бўлса, «Насойим ул-муҳаббат»да улар сони 770 га етказилади.

Навоий биринчи бўлиб қаламга олган назаркарда шайхлар орасида Исҳоқ ота, Қўрқут ота, Қилич ота, Хубби Хўжа (Хоразмдан), Темирчи ота, Кўк шайх, Бобо Хушкелди каби кўплаб мўътабар номлар бор. Она тилимиздаги бу номларнинг ўзиёқ турк оламида қанчадан-қанча ажойиб авлиё ва шайхлар бўлганидан далолат беради.

Масалан, Навоий Бобо Хушкелдининг эл орасида қуйидаги бир сабаб билан машҳур бўлганини ёзади: «Чун вабо балоси ул вилоятқа кирибдур, барча кентларга ёйилибдур, кўп халойиқ ул заҳмат била борибдурлар, аммо Бобо Хушкелди бўлур кентга доримайдур. Одамлар дебдурларки, бало билан урушдук, бало бизни босди, аммо Хушкелди ўз ғанимини босди»¹.

Бу сатрларда Навоий яратган мумтоз адабий тилнинг ёрқин бир намунасини кўрамиз. «Ул заҳмат билан борибдурлар» ибораси «вабо заҳматидан ҳалок бўлибдилар» маъносини билдиради. «Доримайдур» деган сўз «йўламайди, юқмайди» маъносида келади.

Навоий ўта камтар бўлганлиги учун ўзининг шахсий ҳаётига оид тафсилотларни камдан-кам қаламга олади. Шу сабабданми

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XVII жилд. 2001 й., 448-б.

ёки бошқа биз билмайдиган ҳодисалар ҳам бўлганми, ҳар қалай, Алишер Навоий ўз даврининг аёллари тўғрисида ёзишни одобдан эмас, деб ҳисоблаган бўлиши мумкин. Навоий фақат ҳаётдан кўз юмган машҳур аёллардан Гавҳаршодбегимни «Вақфийя»да алоҳида бир эъзоз билан эслаб ўтади: «... йўл Инжил ариғи ёқаси била Маҳди Улё (авлиё она) ва Билқиси узмо (Билқис — афсонавий оқила аёл, Сулаймон пайғамбарнинг суюклиси, узмо — улуғ) Гавҳаршод оғонинг (қабрлари оллоҳ нурига тўлсин) мадрасаси томон бурулади. Бу мадрасанинг қошиси гиреҳкорлигининг (қошинлари безакларидан) ақл меъмори ҳайрон ва шамсаси (қуёш қаби тоқисининг) зарнигорлиги донолик муҳандисининг бошини айлантирадиган даражада юксақдир»¹.

Тарихдан, маълумки, Алишер Навоий ўсмир ёшида Гавҳаршодбегимнинг невараси Абулқосим Бобур саройида хизматда бўлганда Гавҳаршодбегимни яқиндан кўрган ва унинг фазилатларидан баҳраманд бўлган. Шунинг учун бу улуғ онани ва унинг саъй-ҳаракати билан қурилган мадрасани алоҳида эҳтиром билан эслаб ўтади.

Мусулмон оламида шуҳрат қозонган ориф аёллар ҳам кўп бўлган. «Насойим ул-муҳаббат» асарида уларга махсус бир бўлим бағишланади. Бўлимда бир шеър келтириладики, унинг бугунги адабий тилимизда берилган таржимаси шундай: «Агар аёллар биз айтгандай бўлсалар, эркаклардан афзалдирлар. Қуёшнинг муаннас (аёлсифат) исм эканлиги унга айб эмас, ойнинг музаккар (эркаксифат) исм эканлиги унга фахр эмас»².

Араб тилида худди рус тилидаги қаби сўзлар эркак ва аёл тур (род)ларига ажратилади. Келтирилган мисолда аёл турига мансуб қуёшнинг ойдан афзаллиги орқали ориф аёлларнинг баъзи эркаклардан афзал бўла олишига ишора қилинади.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ана шундай ориф аёллардан 35 нафарини эҳтиром билан қаламга олади ва улар кўрсатган қароматлардан мисоллар келтиради. Мана, ўша мисоллардан бири: «757, Умми Муҳаммад, Шайх Абдулқодир Гилонийнинг аммасидур. Дерларки, бир қатла Гилонда қурғоқлик бўлди. Халойиқ истисқога (ёмғир тилаб

¹ Алишер Навоий. «Вақфийя». 1991 й., 28-б.

² Алишер Навоий. Асарлар. XVII жилд, 482-б.

осмонга илтижо қилиш) чиқдилар, ёгин ёғмади. Барча халқ Умми Муҳаммаднинг уйи эшигига келдилар ва ёмғир дуосини тиладилар. Умми Муҳаммад уйининг эшикин супурди ва деди: «Худоё, мен супурдим, сен сув сеп!» Оз вақт ўтмади, ёгин тутди, мешларнинг оғзини очиқ қўябердилар»¹.

Бу ерда тилнинг равон ва таъсирчанлиги мазмуннинг фавқулудда бой ва тифизлигидан келиб чиқади.

Биз бугун «қурғоқчилик» деб айтадиган сўзни Навоий «қурғоқлик» деб ёзади. Ёмғир қаттиқ ёққанда биз «челақлаб қуйди» деймиз. У замонларда челақ ўрнига кўпроқ мешлар ишлатилган. Мешнинг оғзини очиб қўйса, сув ундан ҳам челақдан қуйилгандай бўлади. Мана шу манзара ўша замон тилига мос қилиб меш орқали тасвирланади.

Бу парчанинг энг ажойиб жойи — Умми Муҳаммад деган аёлнинг эшик олдини супуриши, «Худоё, энди сен сув сеп!» деб қисқагина дуо қилиши ва бу дуонинг ижобат бўлишидир.

Китобда ҳаммаси бўлиб саккиз сатрга жой бўлган бу ҳикоят Навоий асарларининг энг сара намуналари қаторидан ўрин олади.

Бугунги китобхон Навоийнинг шу каби содда тилда ёзилган ҳикоялари ва ҳикматларини тўлиқ тушуниб, севиб ўқийди. Аммо унинг ғазалларида ва илмий асарларида араб-форс сўзларидан таркиб топган мураккаб жумлалар ҳам оз эмаски, айрим ўқувчилар уларни тушунолмай қийналганларини айтадилар.

Бу қийинчиликни бартараф этишда қарс икки қўлдан чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи томондан, навоийшунос олимлар Навоий асарлари матнини ва уларнинг тилига хос маъноларни китобхонлар оммасига тўлиқроқ изоҳлаб, тушунтириб беришлари лозим. Ҳозир бу йўналишда анча ишлар қилиняпти. Газета ва журналлар шоирнинг машҳур ғазаллари ва бошқа асарлари матнини сатрмасатр шарҳлаш орқали батафсил талқинлар ҳам чоп этмоқдалар.

Лекин ҳали бу иш етарли даражада кенг қўлам ва теранлик кашф этган эмас.

Иккинчидан, зукко китобхонларимиз Навоий асарларига фақат бугунги замонавий тил нуқтаи назаридан ёндашиш билан чекланмасликлари керак. Истиклол шарофати билан тарихимиз янги асосда кенг қўламда ўрганилмоқда. Ана шу тарихнинг узвий

¹ Ўша китоб, 490—491-бетлар

бир қисми — тилимиз ва адабиётимизнинг тарихидир. Тилимизнинг тарихини ўрганиш ҳали бизда кўнгилдагидек ривож топган эмас.

Биз тушунишда қийналадиган теран маъноли мумтоз сўз санъатини Навоийнинг замондошлари бемалол тушунганлари учун юксак даражада қадрлаганлар. Абдурахмон Жомийдек форсийзабон шоир Навоийнинг кўпчилик асарларини, жумладан, «Хамса» дostonларини туркий тилда ўқиб, чексиз завқ олганлиги учун уларга юқорида келтирган юксак баҳони берган.

Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифий Навоий ғазалларига куй басталаниб, кўшиқ қилиб айтилганда кишиларга қанчалик кучли таъсир қилганини ёрқин бир лавҳада тасвирлаб беради.

Навоийнинг қуйидаги матлаъ билан бошланадиган ғазали бор:

Дин офати ул мурбачайи моҳлиқодур майхораю бебок
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодир сармасту яқом чок.

Бу ғазалга Ҳиротнинг машҳур созандаси Хўжа Абдулла Марворид жуда таъсирли бир савт (куйнинг тури) басталаган бўлади. «У вақтда Ҳиротда бу савт ўқилмайдиган уй йўқ эди» дейди Восифий. («Ўқилмайдиган» сўзини «Навоий ғазали шу савт куйи билан кўшиқ қилиб айтилмайдиган уй йўқ эди» деб тушуниш керак.) Бир базмда хушовоз хонанда ушбу ғазални савт оҳангида кўшиқ қилиб айтаётганда бутун мажлис аҳли қаттиқ таъсирланиб, жазава ичида ёқаларини йиртган эканлар. Бу ҳолни Навоий бир туйнукдан қараб тасодифан кўрган экан. Кейин шу кўрганларига асосланган шоир куйга солинган сўзнинг таъсир кучи ҳақида «Хамса»да қуйидагиларни ёзади:

Чекса Навоий сўзидин бир ғазал
Ким анга алфоз ўлиб оташфишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобат аро ғавғони кўр.
Кўрки нечукдир яқо чок айламоқ¹.

Навоий бу ерда аввало «алфоз», яъни сўз олов сочишини, шу олов одамларнинг қалбидаги туйғуларни алангалантиришини махсус таъкидлайди.

¹ А л и ш е р Н а в о и й. Хамса. 1947 й., 18–19-бетлар.

Демак, Навоийнинг оловли сўзларини замондошлари жуда тўлиқ ва теран тушунганлар. Фақат уларгина эмас, Машраб, Отаҳий, Муқимийлардан тортиб йигирманчи асрда яшаб ўтган А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва С. Айнийлар ҳам мумтоз адабиётимиз тилини жуда яхши идрок этганлар. Бунинг исбот ва далилларини улкан адиб ва олим Садриддин Айнийнинг «Хамса» дostonларининг 1947 йилги нашри учун ёзган шарҳларида кўриш мумкин.

Ҳозир биз келтирган «Сармасту ёқа чок» ғазалининг шарҳи ҳам биринчи марта С. Айний томонидан юксак савияда амалга оширилган.

Фақат собиқ совет даврида савод чиқарган авлодлар мумтоз адабиётимизнинг араб ва форс тиллари билан боғлиқ бўлган тил бойликларидан сунъий равишда маҳрум қилиндилар. Аввалги даврда истеъмолда бўлган минглаб сўзлар «эскирган», «архаик», «диний», «китобий», «хурофий» деган тамғалар билан истеъмолдан чиқарилди.

Умуман олганда, ўзбек адабий тилининг тарихини ўрганиш ишига рус туркологлари катта ҳисса қўшганлар. Жумладан, А. К. Боровков, Е. Э. Бертельс каби таниқли олимлар Алишер Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида қадрлаганлар. Уларнинг бу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва чоп этган илмий ишлари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Масалан, Е. Э. Бертельс 1925 йилда ёзган илмий ишида мумтоз ўзбек адабий тилига оид муҳим бир фикрни ўртага ташлаган. Биз бу фикрни юқорида келтирган бўлсак ҳам, ҳозир Алишер Навоий асос солган мумтоз адабий тилимиз ҳақида сўз бораётгани учун уни такроран эслашни жоиз деб ҳисоблаймиз.

«Қадимги ўзбек тилидан классик ўзбек тилига ўтишда «Ҳибат ул-ҳақойиқ». кўприк бўлиб хизмат қилган» (таъкид бизники).

Биз тагини чизган иборалар классик ўзбек адабий тили мавжуд бўлганини Е. Э. Бертельс фан оламида биринчилардан бўлиб қайд этганлигини кўрсатади. Унинг фикрини ривожлантириб айтишимиз мумкинки, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари қадимги ўзбек тилидан классик ўзбек тилига ўтишда кўприк бўлиб хизмат қилган бўлса — ундан олдин ёзилган Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва ундан кейинги асрларда дунёга келган Рабғузийнинг «Қисасул анбиё»си,

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Юсуф Амирийнинг «Даҳнома»си, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани роз» асари, Атоий, Лутфий, Гадоий каби шоирларимизнинг туркий тилда яратган лирик асарлари қадимги ўзбек тили анъаналарини давом эттирган ва Алишер Навоий даврида шаклланган классик ўзбек адабий тилига ўтишда илк мумтозлик босқичлари ҳисобланиши мумкин. Биз учун бу ерда муҳим бўлган нуқта Е. Э. Бертельс томонидан «классик ўзбек адабий тили» деган иборанинг илмий истеъмолга киритилганидир. Чунки ундан кейинги ўнйилликларда тилшунослар мустабид мафкура таъсирида бу тўғри илмий тушунчанинг ўрнига «Чигатой адабий тили» ёки «Эски ўзбек адабий тили» деган тушунчалардан фойдаландилар. Биз Навоий асарлари тилига нисбатан «Эски ўзбек тили» деган иборанинг қўлланишига ҳам тарафдор эмасмиз. Чунки Алишер Навоийни «Ўзбек адабий тилининг асосчиси» деб тан олганимизнинг ўзи унинг даҳоси шакллантирган адабий тил эскирмайдиган қадриятлар қаторида туришини билдиради.

Навоийнинг мактаб дарсликларига кирган ва бутунги барча авлодлар ёд олган қуйидаги шеърлари тилига эътибор берайлик:

Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ёки:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур.

Бу шеърлар тилини «эски ўзбек тили» деб айтиш ҳеч қайси мантиққа тўғри келмайди. Алишер Навоий ҳақида энг ажойиб илмий ишлар яратиб кетган Мақсуд Шайхзода шоирнинг шу каби ўлмас асарларини «Классик шеърят»¹ деб атагани бежиз эмас.

Энди «классик» ёки «мумтоз» деган сўзларнинг маъносига батафсилроқ тўхталайлик.

Фарб тилларида «классика» деганда ҳар жиҳатдан ўрناк бўладиган етук, мукаммал асарлар назарда тутилади. «Классик» тушунчаси адабий тилларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

¹ Мақсуд Шайхзода. Асарлар. IV жилд. 16 ва 156-бетлар.

Қадимги даврдаги илм-фан ва бадиий адабиётнинг энг классик намуналари лотин ва юнон тилларида яратилган эди. Шунинг учун бу тилларни классик адабий тиллар деб аташган. Лотин ва юнон филологияси классик филология номини олган»¹.

Шарқ илму фанида ва бадиий адабиётида «классика» тушунчасини «мумтоз» сўзи билан ифодалаш одат бўлган. Араб тили илму фанда, форс тили эса шеърятда, умуман, бадиий ижодда мумтоз тиллар деб тан олинган.

Масалан, «Фарҳанги забони тожик»да «мумтоз» сўзи «ўрнали, афзалиятли, сара, мукамал» маъноларини билдириши айтилган»².

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «мумтоз» сўзига чекланган мафкуравий изоҳ берилади: «Бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган афзалликларга эга бўлган одам...» Жумланинг охири мантиқан бош қисмини инкор этади. «Афзалликлар қандай қилиб бирон фазилатнинг яхши томони» бўла олади? «Мумтоз» сўзи бу ерда фақат одамга нисбатан қўлланилади.

Мумтозлик — чиндан ҳам мисли йўқ нодир бир афзалиятки, ғарб адабиётларидаги «классика» деган тушунчага мос келади.

Биз шу фикрдан келиб чиққан ҳолда, Е. Э. Бертельс илмий истеъмолга киритган «классик ўзбек адабий тили» иборасини «мумтоз ўзбек адабий тили» шаклида ишлатишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Адабий тилимизда асрлар давомида тўпланган тил бойликлари ва қоидалари Алишер Навоий ижодида умумлашиб, синтез ҳолига келди. Аста-секин юз берган миқдорий ўзгаришлар буюк даҳонинг қаҳрамонона меҳнатлари билан сифат ўзгаришига айланди. Навоий даврида тилимиз мумтоз адабий тил талабларига тўлиқ жавоб берадиган юксак тараққиёт босқичига кўтарилди.

Шарқ оламида форс-тожик адабий тилини Фирдавсий, Низомий, Жомий каби достоннавислар, Саъдий Шерозий, Хўжа Ҳофиз каби ғазалнавислар, Фаридиддин Аттор каби тасаввуф устозлари ўз буюк ижодлари билан мумтозлик даражасига кўтарган эдилар. Туркийзабон адабиётда «Хамса» жанри тилини ҳам, ғазалнавислар ва тасаввуфий шеърят

¹ «Русча-ўзбекча луғат». 1983 й., 436–437-бетлар.

² «Фарҳанги забони тожик». 1969 й., 731-б.

тилини ҳам, «Насойим ул-муҳаббат», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн» каби илмий-фалсафий асарлар тилини ҳам Алишер Навоий мумтозлик чўққиларига олиб чиқди. Она тилимизда «Муншаот» деган янги жанр ҳам, аруз илмига оид «Мезон ул-авзон» номли илмий-бадий тур ҳам Навоий томонидан кашф этилди. Иш юритишга оид юридик тилнинг мумтоз намунасини биринчи бўлиб Алишер Навоий «Вақфийя» асарида шакллантириб берди.

Албатта, Алишер Навоийнинг бир ўзи шундай улуг ишларни амалга ошириши учун қулай тарихий шароит ва ижодий муҳит зарур эди. Амир Темур ва унинг маърифатли ворислари туркийзабон адабиётнинг ривожланиши учун яхши шароит яратиб берганликлари, айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоийга қандай яхшиликлар қилгани юқорида келтирилган қатор мисолларда кўриб ўтилди.

«Мажолис ун-нафоис» асарида номлари қаламга олинган ўнлаб истеъдодли фозил кишилар Алишер Навоийни қўллаб-қувватлаб турган тараққийпарвар ижодий муҳит вазифасини бажарди.

Шу омилларнинг ҳаммаси бирлашиб, Навоий даврида мумтоз ўзбек адабий тилининг шаклланишига имкон яратди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бутун дунёда мумтоз адабий тил яратган халқлар унча кўп эмас. Чунки мумтоз адабий тилнинг яратилиши ва ривожланиши Ренессанс деб аталадиган ва ҳар минг йилда бир неча мартагина юз берадиган мустасно маданий юксалиш ҳодисалари билан боғлиқдир.

Юқорида биз академик Н.И.Конраднинг Ўрта Шарқ Ренессанси ва унда Алишер Навоийнинг тулган ўрни тўғрисидаги фикрини келтирган эдик. Қадимги юнон тарихидаги маданий юксалишлар Искандар — Александр Македонский фаолияти билан боғлиқ бўлгани каби, Улуғбек ва Навоий давридаги маданий юксалишлар Амир Темур фаолиятига алоқадор эканини ҳам Н. И. Конрад тўғри кўрсатиб ўтган.

Александр Македонский ва унинг устози Аристотель даврида қадимги юнон тили мумтоз тилга айланган ва бу тилда Сукрот, Афлотун, Софокл ўзларининг улуг асарларини ёзган эдилар. Аммо Александр Македонский вафот этгандан кейин «варварлар» деб аталадиган маданий жиҳатдан қолоқ


кучлар давлат тепасига келади. Улар туфайли бошланган маданий инқироз узоқ асрларга чўзилади.

Шундай даврлар бўладики, Аристотель ва Платон каби қадимги юнон алломаларининг асарлари ўз ватанларида йўқолиб кетади. Аммо бу орада Аристотель ва Платон асарлари араб тилига таржима қилинган бўлади. Абу Наср Форобий даврида (IX аср) Арасту — Аристотель мусулмон оламида «устози аввал» деб улуғланади. Европа халқлари X асрларда Аристотель асарларини араб тилидан ўз тилларига қайта таржима қилиб ўқийдилар. Чунки маданий инқироз асрларида бу асарларнинг аслияти унутилади. Классик юнон тили янги Грецияда истеъмолдан чиқади. Классик лотин тили ҳам «ўлик» тилга айланади, фақат илм-фанда, тиббиётда, рецептлар ёзишда қўлланилади.

Мана шу ҳодисалар «варварлар» деб аталадиган жоҳил кучлар ҳукмронлиги узоқ давом этганда мумтоз адабий тиллар тақдирида ҳалокатли узилишлар юз беришини кўрсатади. Кейинчалик Европада «Возрождение» — Уйғониш даври бошланади, қадимги юнон мутафаккирларининг асарларини аслиятда ўқийдиган мутахассислар етишиб чиқади. Лекин энди классик лотин ва юнон тиллари одамлар кундалик ҳаётда фойдаланмайдиган, фақат китоблардан ўқиб-ўрганиладиган «ўлик» тилларга айланади.

Мана шундай ҳодиса Ҳиндистонда бир вақтлар кенг истеъмолда бўлган классик тил — санскрит тили тақдирида ҳам юз беради.

Алишер Навоий асос солган мумтоз адабий тилимиз бундай ҳалокатли ҳодисалардан омон қолиши учун бу тилни ҳаётга кенг жорий этадиган, унинг авлоддан-авлодга ўтган сари такомиллашиб боришини таъмин этадиган янги ижодий кучлар ва адабий даҳолар тарих саҳнасига чиқиши керак эди. Ўзбек адабиёти, тили ва тарихининг толеига, орадан кўп вақт ўтмай Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийнинг буюк ишларини давом эттиришга қодир бўлган янги бир даҳо сифатида майдонга чиқди.





БОБУР МИРЗО ИЖОДИДА МУМТОЗ ТИЛИМИЗ ТАКОМИЛИ

Бобур Мирзо Амир Темурга бешинчи авлод бўлади. У Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлиб ўсди. Тақдир тақозоси билан шу улуг даҳолар бошлаган Уйғониш-Ренессанс ҳодисаларига жуда мураккаб тарихий шароитларда иштирок этиш Бобур Мирзонинг зиммасига тушди.

Бобур Мирзо бу сулоланинг Марказий Осиёда ўзаро урушлар туфайли инқирозга учраган ва Дашти Қипчоқдан келган хон ва султонлар томонидан мағлуб этила бошлаган ҳалокатли даврида тарих саҳнасига чиқди.

Тарих саҳнасида юз берган бу кескин ўзгаришлар Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодига ўзгача хусусиятлар олиб кирди.

Навоий даврида романтик тушунчалар устун турар, футувват, яъни жўмардлик ва тасаввуф қоидалари ўта камтар бўлишни талаб қиларди. Алишер Навоий кўпинча шу талабларга риоя қилгани учун ўзининг ва ота-онасининг ҳаётига оид жуда кўп тафсилотларни қаламга олмаган бўлса керак. Навоий ўзини мудом «бу фақир» деб атарди, шу тарзда «манманлик»дан парҳез қиларди.

Бобур Мирзо бобокалони Амир Темурнинг авлодларга мерос тарзида батафсил ёзиб кетган эсдаликларидан хабардор бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Бу ҳақда манбаларда аниқ маълумот йўқ. Аммо Амир Темурнинг саргузаштлари оғзаки ҳикоялар тарзида бўлса ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келган ва Бобур Мирзога маълум бўлган. Чунки «Бобурнома»ни «Темур тузуклари»га қиёслаб ўқиганингизда уларнинг орасида мазмун, тил ва услуб жиҳатидан кўпгина яқинликлар борлиги кўзга ташланади.

Аввало, Амир Темур ўз муҳрига ўйдириб ёздирган ва бутун умри давомида амал қилишга интилган «Рости-расти», яъни «Нажот ростликдадир» («Куч адолатдадир») деган эътиқод Бобур Мирзо учун ҳам асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Бобур 24 ёшлик пайтида Кобулда эканида яқин қариндошлари қилган хиёнатларни қаламга олиб, қуйидагиларни ёзади: «Бу тарихда андоқ интизом (аҳд, мажбурият) қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеъини таҳрир этилгай. Ложарам (ноилож) оға-инидан ҳар яхшилик ва ёмонлиғким шойиъ эди, тақрир қилдим, ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқеъ эди, таҳрир айладим. Ўқиғувчи маъзур тутсин, эшиттувчи таарруз (норози бўлиш) мақомидин ўтсин»¹.

Бобур Мирзо шу аҳдига қатъий амал қилиб, асарига «Вақоеъ» («Ростдан содир бўлган воқеалар») деб ном қўяди.

Бу билан у Амир Темурнинг «Рости-расти» деган анъанасини янада кенг ва теран миқёсда давом эттиради.

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, Бобур ҳам Навоий давридаги фозил кишилар каби туркий сўзлар билан бирга араб-форс тилларидан кирган сўз ва иборалардан самарали фойдаланади. «Ёмонлиқ шойиъ эди» иборасини биз бугун «ёмонлик содир бўлган эди» деб қўяқоламиз.

Аммо арабча «шойиъ» сўзининг маъноси анча кенг. Бу ерда «муносиб кўрилган, ошкора қилинган» деган маънолар ҳам бор. «Ёмонлик қилишни муносиб кўрган ёки қилган ёмонлиги ошкора бўлган» деган мазмун ҳам шу сўз билан ифодаланади. «Шойиъ» сўздан «шойииста», яъни «муносиб», «лойиқ» деган сўз ясалади.

Кўриниб турибдики, Бобур ҳам Навоий каби араб-форс сўзларининг нозик маъноларини жуда теран тушунади ва улардан маҳорат билан фойдаланади.

Хиротда Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро туркий тилни кенг жорий этишга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, давлат иши ва мактаб дарслари ҳали ҳам араб ва форс тилларида олиб бориладди. Туркий тилда дарсликлар йўқ, шунинг учун мактаб-мадрасаларда араб, форс тиллари ҳукмрон эди. Ёшликдан шунга ўргатилган одамлар кўпроқ форс тилидаги китобларни ўқир эдилар.

Бобур ўз отаси Умаршайх Мирзо ҳақида ёзади: «Равон саводи бор эди... Аксар «Шоҳнома» ўқир эди»². Бобурнинг ўзи ҳам ёшликда кўпроқ форсий тилдаги шеърларни ёд олади. Масалан, 1499–1500 йиллар воқеалари ҳикоя қилинган бобда ёзади:

¹ «Бобурнома». 1960 й., 264-б.

² Бобурнома, 1960-й. 64-б.

«Ул маҳаллар бирор байт, иккирор байт форсийда айтур эдим. Бу байтни анда айтиб эдим:

Ҳеч кас чун ман харобу ошиқу расво мабод
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод¹.

Таржимаси:

Ҳеч ким менингдек харобу ошиқу расво бўлмасин
Ҳеч ким сен каби бераҳму бепарво бўлмасин.

Бу байт ўзбек тилига шундай осон таржима қилинадики, Бобур уни ўзбекча ўйлаб, форсча айтгандек туюлади.

Бобурнинг тили Навоий тилига нисбатан содда, жонли сўзлашув тилига яқин. Шунинг учун китобий тилда «эрди», «эрдим» деб ёзиладиган сўзлар қисқароқ тарзда «эди», «эдим» деб ёзилади. Бу ҳаммаси Бобур Мирзонинг адабий тилимиз сарчашмаларига ватан бўлган Андижонда туғилиб ўсганлиги, Тошкент ва Самарқандларда яшаганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Яна бир кўзга ташланадиган хусусият: «бирор», «иккирор» деган иборалар учрайди. Бугун «бирор» деймиз, аммо «иккирор» деб ёзмаймиз. Бобур даврида «бирорга» ўхшатиб «иккирор» деб ёзиш ҳам адабий тилда қабул қилинган қоида эканлиги ёки бу қоиданинг оғзаки нутқда қўлланилиши тил тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан эътиборга лойиқдир.

Бобур умрида биринчи марта ёзган юқоридаги шеърини байтнинг фаройиб бир ҳаётини сабаби бўлган экан. Бобур ўзининг ростгўй бўлиш ҳақидаги аҳдига амал қилиб, бу воқеани ҳам умр китобида ҳаққоний тасвир этади:

«... Бир ўрду бозорийнинг ўғли бор эди. Бобурий отлиқ. Оти ҳам тавре муносиб тушуб эди. Мен анга ғариб майл пайдо қилдим... Аҳёнан Бобурий менинг қошимга келур эди, вале мен ҳаё ва ҳижоб (поклик пардаси) жиҳатидан Бобурий сори туз (тик) боқа олмас эдим, чи жойи улким ихтилот (муомала қилмоқ, ўртоқлашмоқ) ва ҳикоят қила олғаймен.

Бир кун ўшул меҳр ва муҳаббат авонида (пайтида) жамъе (жамоат) ҳамроҳ эдилар, бир кўчада келадур эдим, баякбор

¹ Ўша китоб, 132-б.

(тўсатдан) Бобурий рўбарў учрай тушди. Манга инфоилдин (ҳаёдан) андоқ ҳол бўлдим, яқин эдиким, эригаймен. Туз боқмоқлик ёки сўз қотмоқликнинг худ имкони йўқ эди. Юз ҳижоб ва ташвиш била ўтилди»¹.

Тўпориқ одам бу ҳодисадаги нозик ҳолатларни нотўғри тушуниши мумкин. Ўша кезде Бобур 17 ёшли йигит бўлган. Ўрду бозор шаҳар марказида бўлади. Шу бозор хизматчисининг ўғли Бобурий ўта жозибали йигит бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Бобур ўн етти ёшга киргунча кўп ҳодисаларни бошдан кечиради. Самарқандга бир марта юриш қилиб, уни эгаллайди, кейин вазият ёмонлашганда уни ташлаб чиқиб, Фарғона водийсига қайтади. Аҳмад Танбал билан мардона олишиб, ота юртини қайтадан қўлга киритади.

Ҳали уйланмаган мана шу ботир йигитнинг ишқи бирдан бошқа бир чиройли йигитга тушади. Бунинг ғайритабиий ҳодиса эканидан Бобур ўзи уялади, «ҳаё ва ҳижоб» (поклик пардаси) у йигит билан муомала қилишга, ҳатто унга ботиниб кўз ташлашга йўл бермайди. Орада бирор оғиз гап-сўз бўлмайди. Фақат юзма-юз келиб қолганда Бобур ҳаяжонининг зўридан «яқин эдиким эригаймен» деб тан олади.

Парчада икки марта ишлатилган қадимий туркий сўз «туз» Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк»ида «тик, тўғри» деган маънони билдириши айtilган. Қирғиз тилида «туз» сўзи ҳозир ҳам шу маънода қўлланилади. Андижон шеvasида ҳам «туз» сўзи ҳанузгача «тўғри, текис» маъносида ишлатилади.

Бобур Мирзо меҳри тушган Бобурийга ботиниб тик қарайолмай, унинг ёнидан юз ҳижоб ва ташвиш билан ўтади.

Форсий тилда битилган байтда ўзининг бу ҳолатини «ҳеч ким менингдек ошиқу расво бўлмасин» деб ўзини маломат қилгандай бўлади.

Бундай маломатларга мумтоз шеъриятимизда камтарлик ва фақирлик белгилари деб қаралган. «Маломатия» деган махсус тариқат ҳам бўлган. Навоий ғазалларида ҳам «ҳеч ким менингдек ошиқу расво бўлмасин» деган сатрлар учрайди. Ҳатто Навоийнинг гўзал йигит образини улуғлайдиган «йигит» радифли шеърлари ҳам бор.

¹ Ўша китоб, 132-б.

Бундай шеърларга жўн, тўпори нуқтаи назардан эмас, тасаввуф билан боғлиқ бўлган илоҳий ишқ нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Тасаввуф таълимоти бўйича гўзал қиз ҳам, гўзал йигит ҳам комил инсон бўлиши ва илоҳий қудратга яқинлашиши мумкин. Жинсидан қатъи назар, улардаги комил инсонлик жозибасига ошиқ бўлиш — Ҳақ дийдорига яқинлашиш воситаси деб ҳисобланган.

Бобур Мирзо ҳам Бобурий номли йигитда гўзал инсон қиёфасидаги илоҳий бир жозига ошиқ бўлган. Илоҳий ишқ учқунлари унинг қалбига тушиб, шоирлик истеъдодини аланга олдириган. Поклик пардаси ичидаги бу алангадан унинг тани эриб кетгудек бўлганини ёзган.

Бобур Мирзо ўзининг бу психологик кечинмаларини худди реалистик романлардаги каби нозик товланишларигача тасвирлаб бергани кишини қойил қолдиради.

Бобур Мирзо туркий тилда ёзган илк рубойи ва илк ғазалда Алишер Навоий шеъриятининг самарали таъсирини кўриш мумкин.

Албатта, Ҳирот билан Андижоннинг ораси от-уловда юрадиган ўша давр одамлари учун жуда узоқ эди. Китоблар фақат қўлда кўчирилар ва жуда кам нусхада тарқатилар эди. Эҳтимол, шу сабабларга кўра, Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг ижоди билан ёши сал улғайиб, Самарқанд ва Тошкентларга борганда танишган бўлиши мумкин.

18—19 ёшларида Бобур Мирзонинг бошига оғир кулфатлар тушади. Сарипул жангида Шайбонийхон ғолиб чиққандан кейин Бобур Мирзо онаси ва яқинлари билан Самарқандда беш ой қамал азобини тартади. Ёш ва гўзал опаси Хонзода бегим Шайбонийхон ҳарамига тўртинчи хотин бўлиб тушади. Қамал пайтида Бобурнинг биринчи фарзанди Фахринисо вафот этади. Андижонни Аҳмад Танбал эгаллаб олади. Хонумонидан айрилган Бобур онаси билан Тошкентга, тоғаси Маҳмудхон ҳузурига келади. Бу одам ҳам унга дуруст бир яхшилик қилмайди.

Шу оғир кўргуликлар пайтида Бобур ўзининг биринчи рубойисини ёзади:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгилни ғурбатда киши.

Кўнглим бу ғарибликда шод бўлмади ҳеч
Фурбатда севунмас эмиш, албатта, киши¹.

Бобур бу рубоийни татаббуъ шаклида ёзганини айтади, фақат қайси шоирнинг шеъридан таъсирланиб ёзганини кўрсатмайди. Тахмин қилиш мумкинки, бу рубоий Навоийнинг куйидаги машҳур рубоийси таъсирида ёзилган:

Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш
Эл анга шафиғу меҳрибон бўлмас эмиш.
Гар олтин қафас ичра қизил гул битса
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Бобур Навоий шеърятининг энг яхши анъаналарига изчил амал қилгани унинг:

«Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим».

деб бошладиган ғазалида янада яққол кўзга ташланади. Бу ғазалнинг «Топмадим» деган радифи Алишер Навоийнинг: «Меҳр кўп кўргуздум аммо меҳрибоне топмадим» деб бошладиган ғазали радифига айнан ўхшашдир. Алишер Навоий билан Бобур Мирзонинг 17–25 ёшлар оралиғида бошдан кечирган машаққатлари ва ўз давларидаги золимлардан кўрган ёмонликлари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлганлиги бу ҳар икки ғазални мазмун жиҳатидан бир-бирига яқинлаштиради.

Навоий 21–22 ёшларда хонумонидан айрилиб, султон Абусаид зулми туфайли Ҳиротдан бош олиб кетишга мажбур бўлган эди. Бобур ҳам худди шундай йигит ёшида Андижон ва Самарқанддан жудо бўлиб, Ўратепанинг шимолидаги тоғ қишлоғи Даҳқатда бир қиш яшаган, кейин Тошкентга, тоғаси Маҳмудхон ҳузурига мадад сўраб борганда унинг ёмон муомаласидан кўнгли баттар чўкиб, Оҳангарон тоғлари томонга қайтиб кетган эди. Унинг «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим» деб бошладиган ғазали Оҳангарон яқинидаги Сомсирак² қишлоғида ёзиб тугатилгани «Бобурнома»нинг 1501–1502 йиллар воқеалари охирида қайд этилган.

¹ «Бобурнома». 1960 й., 150-б.

² С о м с и р а к — бу қишлоқ ҳозир ҳам бор.

Теран ҳаётӣ асосга эга бўлган бадиӣ асарнинг тили ҳам, бадиӣ таъсир кучи ҳам юксак даражада бўлади. Навоӣ чиндан ҳам жуда кўп одамларга меҳрини бергани ва ғамхўрлик қилгани олдинги бобдаги қатор мисолларда кўриб ўтилди. Абусаид зулми даврида Навоӣнинг меҳрига яраша оқибат кўрсата оладиган меҳрибон топилмайди. Лирик шеър оний туйғу таъсирида ёзилиши маълум. Кейинчалик Самарқандда Фақиҳ Абуллайс, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомӣ, Ҳасан Ардашер каби меҳрибон сиймолар Навоӣга жуда кўп ғамхўрликлар кўрсатганлар. Фақат «Топмадим» радифли шеър ёзилган аснода шундай меҳрибонлар топилмаган бўлса керак.

Бобур ғазалидаги ўзига хослик шундаки, у оддий меҳрибонликдан ҳам теранроқ туйғуларга эҳтиёж сезади, юрак сирларини айтиб дардлашадиган чин дўст — «маҳрами асрор» тополмай изтироб чекади. Навоӣ ғазалининг учинчи мисрасида:

Ғам била жонимга етдим ғамгусоре кўрмадим. —

дейилади.

Бобур ғазалининг учинчи мисраси ҳам шунга ўхшаш тугалланади:

Жонимдин ўзга жони дилафгор кўрмадим.

Қофияларда айнан ўхшашлик бўлса ҳам, ҳар икки ғазалнинг вазнлари бошқача, ички мазмунида ҳам нозик фарқлар сезилиб туради.

Навоӣ ғамга ботганда ғамни кетказувчи ғамгусорга эҳтиёж сезади. Бобур эса, ўз жонини бошқалар жонига қийслаб кўриб, «жонимдин ўзга жони дилафгор (дили вайрон) кўрмадим», дейди. «Тани бошқа дард билмас» деганларидек, Бобурнинг аҳволи мушкул, дили вайрон бўлиб юрганда хон тоғаси ва бошқа яқин қариндошлари бунга лоқайд қараганлари унинг қалбини эзади.

Бобурнинг бу ғазалида бошқа бир нозик ҳаётӣ воқеа ҳам акс этган бўлиши мумкин. Унинг кўз очиб кўрган биринчи хотини Ойиша бегим Самарқанд подшоси Аҳмад Мирзонинг

қизи эди. Бобур 18 ёшида унга уйланган. Самарқандда ундан бир фарзанд ҳам кўрган эди. Самарқанд қамалида бу гўдак вафот этади. Ойиша бегимнинг ўзи ҳам қамал пайтида очликдан силласи қуриб, касалга чалинади. Бобур умр йўлдошини қамалдан қутқариб, Тошкентга, эгачиси Қорақўз бегим ҳузурига олиб келиб қўяди.

Қорақўз бегим Маҳмудхоннинг суюкли хотини, жуда такаббур аёл эди. Бобур тожу тахтидан айрилиб, тоғларда саргардон бўлиб юргани учун Қорақўз бегим синглиси Ойиша бегимни унинг никоҳидан чиқариб олади.

«Бобурнома»да «Ойиша бегим Тошкент бузуғлиқларидан бурунроқ эгачисининг ангизи (қутқуси) билан мендан чиқди»¹ деган қисқа жумла бор. «Тошкент бузуғлиғи» деганда Бобур Мирзо Тошкентнинг 1506 йилда Шайбонийхон томонидан босиб олинишини, Маҳмудхоннинг ўлдирилишини, унинг ҳарами, қизи ва хотинлари босқинчи султонларга учинчи, тўртинчи хотин қилиб улашилганини назарда тутди. Ўшанда тоғаси ва унинг хотини Бобурга нисбатан беоқибатлик қилганлари ва унинг ёш оиласини бузганлари даҳшатли бир фожиа тарзида ўзларига қасос бўлиб қайтади.

Бобурнинг «Топмадим» радифли ғазалида мана шу ҳодисалар ҳам маълум даражада акс этганини унинг сўнгги байтидан пайқаш мумкин:

Бобур, ўзингни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб ёр топмадим².

Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилнинг қўшма сўз ясаишдаги катта имкониятлари тўғрисида сўз борганда шундай фикр билдирилган: «... баъзи лафзнинг охирига илҳоқ (қўшимча) қилурлар, андин муболаға ва саъй ирода қилурлар, андоқки билакўр ва қилакўр ва кетакўр, ва етакўр»³.

Ана шу фикрнинг ёрқин бир тасдиғини Бобурнинг ўз ҳаётида юз берган оғир кўргуликларга мардона муносабатда бўлиб айтган: «Бобур, ўзингни ўргатакўр ёрсиз!» иборасида

¹ «Бобурнома». 1960 й., 76-б.

² Б о б у р. «Ғазаллар». 1956 й., 66-б.

³ А л и ш е р Н а в о и й. Асарлар. XIV жилд. 1967 й., 117-б.

учратамиз. Бу ердаги «ўргатакўр» сўзида ҳам алоҳида бир сайъ ва Навоий айтганидек, ирода кучи кўзга яққол ташланади.

Бобурнинг «Топмадим» радифли газали 1501 йилнинг ўрталарида, яъни Алишер Навоий вафотидан ярим йил кейин ёзилади. Бу газал Навоий бошлаган улуғ ишларни давом эттира оладиган ва адабий тилимизни янги тараққиёт босқичларига олиб чиқа оладиган қудратли сўз санъаткори пайдо бўлганидан далолат беради. Бу сўз санъаткори бадиий маҳорат бобида ва она тилимиз бойликларидан самарали фойдаланишда Алишер Навоийнинг энг яхши инсоний ва ижодий анъаналарига суянган бўлса, ҳақ сўзни айтишда бобокалони Амир Темурнинг «Рости-расти» деган эътиқодига амал қилади.

Албатта, Бобур Мирзо «Зафарнома»лар билан яхши таниш бўлган. Низомиддин Шомий ўз асарини ёзишдан олдин Амир Темур ҳузурида бўлгани, Соҳибқирон унга «рост гапни ҳамма тушунадиган қилиб ёзинг, такаллуф билан жумлаларга безак бериш, лоф уриб мақташ, муболаға қилиш керак эмас» деган маънода топшириқ бергани юқорида кўриб ўтилган эди.

Бобур Шомий «Зафарнома»сининг кириш қисмида батафсил ёзилган бу воқеани яхши билган ва доим бобокалонининг ана шу маслаҳатига амал қилган. Нафақат Бобурнинг ўзи, балки ўғли Ҳумоюнга ёзган унинг мактубида ҳам бор гапни жимжимадор такаллуфсиз ёзиш тил ва услубдаги афзаллик деб тушунтирилади:

«Хат битурда такаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин муғлақ (тушунилиши қийин) бўладир. Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғучига»¹.

Кўриниб турибдики, Бобур Мирзонинг 1528 йили ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубида тил ва услуб бўйича билдирган фикрлари Амир Темурнинг 1401 йили Низомиддин Шомий олдида тил ва услуб соҳасида қўйган талабларига моҳиятан жуда яқиндир.

Амир Темур Шомийга бўлажак «Зафарнома» такаллуф билан безак бериш услубидан холи ва соф бўлсин» деб топшириқ беради. Шомий бу топшириқни қабул қилиб, ишга ғайрат билан киришганини қуйидагича таърифлайди:

¹ «Бобурнома». 1960 й., 421-б.

«Бинобарин, жидду жаҳд камарини жон белига боғлаб, такаллуфу безакларсиз, софу пок иборалар либосини кийгизишни бошладим, ҳиммат этагини жон белига бар уриб, ирода енгини шимариб ишга киришдим»¹.

Низомиддин Шомий «софу пок иборалар либосини» кийгизишнинг ўзи жимжимали такаллуфга йўл очишини сезмайди.

Амир Темур ва ундан кейин Бобур Мирзо хуш курган равшан ва пок алфоз (услуб) маъно устига чиройли либос каби кийдирилмайди. Гулнинг чиройи унинг ички моҳиятидан чиқиб келади. Тил ва услуб ҳам айтилмоқчи бўлган гапнинг моҳиятини очиқ-равшан кўрсатиши керак. Аммо «жидду жаҳд камарини жон белига боғлаб, ҳиммат этагини жон белига бар уриб, ирода енгини шимариб» деган иборалар маънога устки бир кийим каби кийдирилади. Бу сербезак кийим маънонинг моҳиятини очмайди, балки бекитади.

Тантанавор мақтовларга ўрганган подшоларга мана шундай чиройли кийим кийдирилган услуб ёқимли туюлган бўлса керак. Уларнинг ҳаёт ва фаолиятларида моҳиятини очиб кўрсатишдан кўра, чиройли иборалар билан бекитиш керак бўлган нохуш ҳодисалар ва иллатлар кўпроқ учрайди. Шунинг учун бундай ҳукмдорлар чиройли такаллуфлар билан безатилган таърихларга алоҳида эҳтиёж сезганлар. Шу эҳтиёжга жавобан сертакаллуф, муболағали услуб узоқ вақт давр услуби тарзида сақланиб келган.

Ҳатто Алишер Навоийдек ҳақиқатпарвар шоир ҳам замоннинг талаби билан бу тантанавор услубдан зарур пайтда фойдаланган. Масалан, «Мажолис ун-нафоис» асарининг Ҳусайн Бойқарога бағишланган саккизинчи мажлиси шундай бошланади:

«Салтанат баҳрининг дурри яктоси (ягонаси) ва хилофат (халифалик) сипеҳри (осмони)нинг хуршеди жаҳонороси, саховат ҳавосининг абри гуҳарбори (гавҳар ёғдирувчи булут), шижоат бешаси (ўрмонининг) ҳузабр шикори (арслон овловчиси), адолат чаманининг сарви сарбаланди — султонлар султони Абулғози Султон Ҳусайн»².

¹ Н. Ш о м и й. «Зафарнома». 1996 й., 23-б.

² А л и ш е р Н а в о и й. Асарлар. XII жилд. 1968 й., 178-б.

Маъно нуқтаи назаридан қараганда, бу ерда Ҳусайн Бойқаронинг тенгсиз мардлиги, сахийлиги, адолатпарварлиги тўғрисидаги сўзлар ҳақиқатга тўғри келади. Фақат бу ҳақиқатга чиройли «либослар» кийдириб, уни тантанавор шаклга солиш ўша даврда ҳукмрон бўлган романтик услуб талабларига жавоб беради.

Орадан бир неча ўн йилликлар ўтгандан кейин тарих саҳнасига чиққан Бобур Мирзо ҳам Ҳусайн Бойқаронинг баҳодирона қилич чопганларини, чинакам маърифатли подшо бўлганлигини, илму ҳунар аҳлига ва бунёдкорлик ишларига катта эътибор берганини эҳтиром билан қаламга олади: «Шужоъ (шижоатли) мардона киши эди... Султон Абусаид Мирзо Муҳаммад Али бахши бошлиқ уч минг кишини илғор йибориб эди. Султон Ҳусайн Мирзо олтмиш йигит била келиб, тегиб, зарби рост босди».

Султон Абусаид – Бобур Мирзонинг бобоси эди. Ҳусайн Бойқаро Амударё бўйларида олтмиш йигити билан Султон Абусаиднинг уч минг кишилиқ қўшини устидан ғалаба қилгани чиндан содир бўлган воқеа эди. Бобур бу воқеани қаламга олар экан, «тегиб зарби рост била босди» дейиш билан Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам йигитларига бош бўлиб қилич чопганини ва сон жиҳатидан эллик баробар ортиқ бўлган ёв қўшинини «зарби рост», яъни чинакам забардастлик, ботирлик билан енгганини ишонарли қилиб ёзади. Бу ўринда Бобур ўз бобосига ён босмайди, балки Ҳусайн Бойқаронинг ботирлигига қойил бўлади.

«Аввал тахт олғонда, — деб Бобур Мирзо Ҳусайн Бойқарога баҳо беришда давом этади, — тоиб (ичкиликдан тавба қилган, ичмайдиган) эди. Андин сўнгра ичкуга тушди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндан сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий (эрталаб бош оғриғига ичиш) қилмас эди»¹.

Бобур Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг ташқи қиёфасини ҳам, ички дунёсига оид хислатларини ҳам мана шундай аниқ кўз олдига келадиган қилиб кўрсатиб беради.

Айниқса, Бобур томонидан ниҳоятда ёрқин ва ҳаққоний қилиб яратилган Алишер Навоий образи фақат она тилимизда эмас, дунёнинг ўнлаб тилларида эъзоз билан ўқилади.

¹ «Бобурнома». 1960 й., 222-223-бетлар.

«Алишербек беназир киши эди». Бу жумладаги «беназир» сўзининг ғоят теран ва кўп қиррали маъноси бор. Беназирликнинг биринчи исботи: «Туркий тил била то шеър айтибдур, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқан эмас». Бу ерда ўзбекча «кўп» сўзи билан форсча «ҳўб» (яхши) бир-бирига жуда мос тушади ва айтилмоқчи бўлган фикрни мукамал ифода этади. Беназирликнинг яна бир исботи: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий (мадад берувчи) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай». Беназирликнинг яна бир исботи: «Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муяссар бўлмиш бўлғай»¹.

Бобур Мирзонинг бадиий тилида мантиқ қанчалик кучли эканини, берилган ҳар бир баҳо қанчадан-қанча ёрқин далиллар билан исботланишини келтирилган парчада аниқ кўриш мумкин.

Ўзбек олимлари ёзган «Жаҳонгашта Бобурнома» китобида Бобурнинг Алишер Навоий ҳақида айтган ажойиб сўзлари инглиз, француз, рус, немис ва бошқа ўнлаб тилларга кўп марта таржима қилингани қатор мисоллар билан кўрсатилади. Масалан, Америка адиби Харольд Лемб «Бобур — йўлбарс демакдир» романида Бобурнинг Навоий ҳақида айтганларини унинг тилидан монолог тарзида келтиради. Инглиз олими Р.Калдекоттнинг китобида Бобурнинг Навоий ҳақида айтганлари ноўрин қисқартиришлар билан берилади. Инглиз олими Лейден Эрскиннинг «Бобурнома»дан қилган таржималарини Л. Кинг деган олим ўз шарҳлари билан чоп этади. Нисбатан яхши чиққан бу нашр 1921 йилгача дунёнинг 8 мамлакатида, 14 шахрида босилиб чиқади².

Сўнгги саксон йил давомида «Бобурнома» яна ўнлаб марта турли тилларга таржима бўлиб нашр этилди. Бу нашрлар орасида Францияда Бакке Грамон таржимасида чиққан «Бобурнома» нашри ЮНЕСКОнинг фахрий мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбек олимаси Сабоҳат Азимжонова ҳинд ва афғон олимлари қаторида бу нашрга бош сўз ёзди. Шўро давридаги таъқиб ва тазйиқларга бўй бермай Бобур ҳаёти ва фаолияти

¹ «Бобурнома». 1960 й., 233-б.

² Ғайбуллаас-Салом, Нейматуллоҳ Отажон. «Жаҳонгашта Бобурнома». 1996 й., 15–20-бетлар.

ҳақида бир қанча илмий китоблар нашр этган С. Азимжонова Ҳиндистонда катта ҳурматга сазовор бўлди ва халқаро Жавоҳарлаъл Неру мукофоти билан тақдирланди.

Яна бир фидойи олимамиз Хосият Назарова тилшунослар орасида биринчи бўлиб Бобур асарларининг қисқача луғатини тузди. Бобур асарларини дунёга танитган фазилатлар унинг ҳаётий ҳақиқатларни ҳаммага етиб борадиган ёрқин, сермазмун, оҳори тўкилмаган сўзлар билан ифодалай олганлигида экани олима томонидан аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берилган¹.

Бобурнинг портрет яратиш маҳорати ва унинг адабий-эстетик қарашлари Ҳ. Қудратуллаев томонидан атрофлича таҳлил этилган. «Бобурнома»да биз Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро образларидан ташқари, ўнлаб тарихий шахсларнинг қисқа-қисқа, аммо ҳаққоний далиллар билан тасвирланган адабий портретларини кўрамиз. Булар орасида Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо, тоғаси Маҳмудхон, амакилари Аҳмад ва Маҳмуд Мирзолар, яна Шайбонийхон, Хусравшоҳ, Хадича бегимлар бор.

Бобур Мирзо уларнинг ҳар бирига хос фазилатларни ҳам, нуқсон ва иллатларни ҳам ҳаққоний исбот ва далиллар билан кўрсатиб беради.

Бобурнинг эстетик қарашлари — ҳаёт ҳақиқатини тақаллуф билан безатмасдан, аслида қандай бўлса шундай очиқ ва ҳаққоний қилиб тасвирлашга асослангандир.

Фақат бошқаларнинг фазилат ва нуқсонлари ҳақидагина эмас, ўзи йўл қўйган хатолар, мураккаб вазиятларда қандай адашганлари тўғрисида ҳам Бобур Мирзо бутун ҳақиқатни ростгўйлик билан ёзган. Бу жиҳатдан ҳинд олимлари «Бобурнома»ни Жан Жак Руссонинг «Иқрори»га қиёс қиладилар.

Толёъ юки бошимға балолиғ бўлди,
Не ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим
Ёраб нетайин не юзи қаролиғ бўлди.

Кўпчилик биладиган бу рубоий Бобур Мирзонинг мардона руҳида ростгўйлик ва тантилик доим устун бўлганини кўрсатади.

¹ Х. Назарова. «Бобур ва ўзбек адабий тили». 1971 й., 25-39-бетлар.

Бобур Мирзо сўз билан жонли тасвир яратиш маҳоратини мукаммал эгаллаган адиб эди. Буни ўзи ҳам сезарди. Шунинг учун умрининг охирида ўғли Ҳумоюнга «Бобурнома»ни тугаллаб тақдим этганда унга бир рубоий илова қилади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.
Ҳар ким бу вақойиъни ўқир, билгайким,
Не ранжу, не машаққату, не ғамлар кўрдим¹.

«Вақоеъ» — «Бобурнома»нинг дастлабки номи эди. Бобур ўз замонасида бошдан кечирган барча кўргуликларни ҳаққоний тасвирлашга интилганининг сабаби бу рубоийда аниқ кўрсатилади. Унинг энг зўр истаги «Вақоеъ»ни ўқиганлар ҳақиқатни билсинлар, у қилган хатоларни такрорламасинлар.

«Бобурнома» ҳам «Темур тузуклари» каби авлодларга улкан ҳаётий тажриба, сабоқ ва қисман васият тарзида ёзилган эди.

Адибнинг Ҳиндистонда тартиб берган сўнгги девонида унинг дастхати сақланиб қолган. Бу дастхат билан икки сатр шеър ёзилган:

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни.

Ушбу сатрлар битилган саҳифа четига Бобур Мирзонинг чевараси Шоҳжаҳон томонидан қуйидаги шарҳ битилган:

«Ушбу туркий байт жаннатмакон Ҳазрат Бобур подшоҳнинг ўз қўллари билан битилган дастхатдир.

Шоҳжаҳон бинни Жаҳонгир, бинни Акбар, бинни Ҳумоюн, бинни Бобур Подишоҳ².

Бу ноёб саҳифада биз ҳам Бобур Мирзонинг, ҳам Шоҳжаҳоннинг дастхатларини кўрамиз. Энг муҳими ва бизнинг мавзуимизга бевосита алоқадор томони шундаки, Бобур Мирзо сўз орқали одамнинг ўзини кўриш мумкин, деб ҳисоблаган. «Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзимни» деган сатрда сўз кўринадиган бир мавжудот сифатида баҳоланади.

¹ Б о б у р. «Танланган асарлар». 1958 й., 153-б.

² С. А з и м ж о н о в а. «Бобурнинг ҳинд девони». 1966 й., 38-б.

Албатта, сўзнинг шакли фақат қоғозда кўринади, аммо сўзнинг ички мазмунида сурати чизилган тасвир ҳам бор. Бу тасвирда Бобурнинг ҳаёти, бошидан кечирганлари, унинг тилида акс этган диди, феъли атвори, ички кечинмалари — ҳаммаси мавжуд. Бобур шуни ҳисобга олиб, «сўзимни ўқиганда ўзимни кўргандай бўласен» («соғингайсен ўзимни») дейди.

Бадиий тилга бундай тирик жон ато қилишга фақат даҳо даражасидаги реалист адибларгина муяссар бўладилар. Ажойиби шундаки, «Бобурнома» мемуар асар сифатида Бобур шеърятининг ҳаётӣ асосларини очиб беради ва шу билан уларнинг таъсир кучини оширади. Бобурнинг шеърӣ асарлари эса унинг насрий асарида айтилмаган ички кечинмалари ва қалб туғёнларини шеърят воситалари билан янада таъсирлироқ қилиб ифода этади.

«Бобурнома»да 1506—1507 йил воқеалари орасида қиш кунда Ҳиротдан Кобулга қорли довондан ошиб ўтиб бориш машаққати тасвирланади. Бир ҳафта давомида қор тепиб йўл очиб борадилар. Қор кўкракка уради. Отлар юролмайди. Довон тепасида қор бўрони кучайиб кетади. Совуқ беҳад қаттиқ. Баъзи бек ва навкарларнинг қўл-оёғини совуқ уради. Бобурни тор бир тоғ камарида паналашга ундайдилар. «Кўнгулга кечдиким, борча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда истироҳат билан... Мурувваттин йироқ ва ҳамжиҳатликдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин... Хуфтонгача қор онча чопқилаб ёғдики, бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди... Ўшал кеча қулоғимга совуқ таъсир қилди»¹.

«Андоқеким, борчага ўлим хавфи бўлди», дейди Бобур довон устидаги хатарли аҳволни яқунлаб. Яна шу оғир вазиятда у шеърятдан мадад олади. Энг етук ғазалларидан бирининг матлаъи ўша машаққатли дамларда топилади. Бу ҳақда муаллиф ўзи шундай гувоҳлик беради.

«Муддатул умр (бутун умр давомида) мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ўша фурсатда айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдимۇ».

¹ Ўша китоб, 256-258-бетлар.

Довонга кўтарилишда энг паҳлавон йигитлар қатори бир ҳафта қор тепиб машаққат чеккани — бир мардлик. Элдан ажрашгиси келмай хатарли жойда қолгани яна бир мардлик. Ўшанда Бобурнинг қулоғига совуқ ёмон таъсир қилади. Бунинг асорати Ҳиндистонга борганда ҳам билинади. Иссиқ мамлакатда ҳам қулоқ оғриғидан қийналганларини, симоб қўшилган дорилардан истеъмол қилганини орадан йигирма йил ўтгач, 1628 йил воқеаларида ёзади. Симоб эса қулоқ орқали асаб тизимига салбий таъсир қилишини у даврдаги табиблар билмаган бўлишлари мумкин. Умрининг охирида Бобурни кўп қийнаган уйқусизликларга шу қулоқ оғриғини даволаш учун истеъмол қилинган симоб сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Довон устида топилган шеъринг байтга қайтайлик. Бу байт Бобур қалбининг туғёни. «Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?» деган нидо яратганга раҳм-шафқат сўраб қилинган муножотдек туюлади. Бу байт ўлим билан юзма-юз турган одам томонидан айтилаётгани наср билан ёзилган тасвирда яққол кўрсатилганлиги учун Бобур қалбининг ўша пайтдаги нидоси бизни ларзага солади.

Ҳазалнинг охирги байти — мақтаси янада кучли таассуротлар уйғотади:

Эй, кўнгил, гар Бобур ул оламни истар қилма айб,
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдимۇ?

«Бобурнома»да тасвирланган ўта драматик воқеалар, улуг бир истеъдод ўз ватанидан жудо бўлиб, ўзга юртларга кетиши, атрофидаги одамларнинг хоинликлари ва бошқа минг хил салбий ҳодисалар бу мард сиймони ҳам жонидан тўйдирган пайтлар бўлганлиги, сўнгги байтда яққол сезилиб туради.

Айни пайтда, Бобурнинг азоб-уқубатга тўла фоний оламдан кўра «ул оламни», яъни боқий дунёни афзал кўриши тасаввуф таълимотига ҳам мос келади. Бобурнинг Нақшбандия тариқатига ихлос қўйганлиги ва бу тариқатнинг ўша даврдаги энг йирик намояндаси Хўжа Аҳрорга эътиқоди бўлганлиги «Бобурнома»нинг бир қанча ўринларида кўрсатиб ўтилади.

Ҳиндистонда Бобур хаста бўлган пайтида Хўжа Аҳрорнинг форсий тилда битилган «Волидия» рисоласини туркий тилда маснавий шеър билан эркин таржима қилади.

Бу ишдан мақсад, Хўжа Аҳрор руҳидан мадад олиб соғайиш эди. «Бобурнома»да гувоҳлик берилишича, бир кечада Бобур Мирзо эллик байтгача шеър битади. Шеърый таржимани тугатгач, ўзини енгил сезади.

Бу ҳодисада икки муҳим руҳий омил бир-бирига қўшилиб Бобурга енгиллик берганини сезиш мумкин. Аввало, «Волидия» пок илоҳий эътиқодга асосланган асар сифатида унга руҳий мадад берган бўлса, иккинчидан, Бобурнинг ўзидаги буюк шеърый истеъдод таржима жараёнида юзага чиқиб, ундаги хасталикни енгилсиз ёрдам берган, дейиш жойиздир. Бу ҳодисада биз Бобурнинг шоирлик истеъдоди ва шеърый ижоди умр бўйи унга руҳий мадад бўлиб хизмат қилганига яна бир ёрқин исбот топамиз.

Кўпгина адабиётшунослар Бобур шеъриятида рубоий жанрини устун қўядилар. Ойбек домла Бобурни туркий рубоийнинг Умар Хайёми деб атагани кўпчиликка маълум.

Чиндан ҳам, Бобур рубоийларидаги мазмун ва шакл мукамаллиги: фалсафий фикр теранлиги ва бадиий тил гўзаллиги Умар Хайёмнинг рубоийлари билан бемалол мусобақа қила олади.

Кўнгли тилаган муродиға етса киши
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Гар бу иккиси муяссар ўлмаса оламда
Бошини олиб бир сориға кетса киши¹.

Қатрада қуёш акс этганидек, бу тўрт сатрда «Ҳинд сориға бош олиб кетган» Бобурнинг ўз тақдири акс этиб туради. Тўрттагина сатрда улуғ бир шахс тақдирини бўрттириб кўрсата олиш, яна бу тасвирни мардона руҳ ва теран бир фалсафий фикрга йўғириб, унинг таъсир кучини ошириш даҳо даражасидаги шоиргагина насиб этадиган ижодий кашфиётдир.

Бу рубоийда бирорта ортиқча сўз ҳам, ҳарф ҳам йўқ. Нафақат сўзлар ва иборалар, балки алоҳида ҳарфлар ва товушлар шеърый вазн, туроқ ва қофияларга шундай маҳорат билан жойлаштирилганки, бирортасининг ўрнини алмаштириб бўлмайди. Масалан, «Бобурнома»нинг кўп

¹ Б о б у р. «Танланган асарлар». 1958 й., 130-б.

жойларида «бўлди» ёки «бўлмади» сўзлари учрайди. Аммо юқоридаги тўртликда «муяссар ўлмаса» иборасидаги сўз «бўлмаса» шаклида эмас, «б» тушириб қолдирилиб, «ўлмаса» шаклида ишлатилади. Чунки «б» қўшилса арузнинг нозик оҳанги хиёл бузилиши мумкин эди. Ёки ҳаракат йўналишини билдирадиган «борган сари» деган адабий тилимизда қабул қилинган иборани олинг. Агар рубоийдаги «сориға» сўзи ўрнига «сариға» сўзи ишлатилса эди, аруз вазнининг қоидаси бузилган бўларди. Чунки «сари»да «а» қисқа талаффуз этилади. «Сориға» дегандаги «о» эса узун талаффуз этишга имкон беради, шу туфайли аруз вазнига яхши тушади. «Г» ўрнига андижонча шева билан «Ғ» деб айтиш ҳам шеърнинг мардона оҳанг билан жаранглашига хизмат қилади.

Бобурнинг кўпчилик рубоийлари унинг тақдирида юз берган кескин бурилишларни фалсафий шеър воситасида ҳам аниқ, ҳам умумлашган ҳолда ифода этади.

У ўн саккиз ёшида тажрибасизлик қилиб Сарипул жангида яхши тайёргарликсиз уруш майдонига чиққан ва Шайбонийхондан енгилиб, беш ой Самарқандда қамал азобини тортган эди. Ўша кезларда ўзидан ҳам хатолик ўтганини Бобур умр китобида очиқ тан олади. Бунинг исботи учун форс-тожик тилида бир ҳикматли байт келтиради:

Ба тунди сабук даст буррад ба тиф
Ба дандон газад пушти даси дариф.

Таржимаси: Тажрибасиз одам енгил ўйлаб тифга қўлини уриб кесганда, Пушаймонлик қўлининг орқасини тишлайди.

Бобур мағлубиятга учраб, барча ишлари орқага кета бошлаган кезларда уни маломат қилувчилар, «айб ўзида» деювчилар кўпайиб кетади. Бобур ўз тақдиридаги бу кескин бурилишни яна бир рубоийда теран фалсафий фикрга йўғириб ифода этади:

Не хеш мени хушлару не бегона
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун,
Халқ ичра ёмонлиғ била мен афсона¹.

¹ Ўша китоб, 154-б.

Бу рубоийда шеърӣ санъатлардан тазод маҳорат билан қўлланилади. «Тазод» – «зид қўйиш», қарама-қарши маъноларни чоғиштириб яхлит маъно чиқариш маҳоратини билдиради.

Бобурни бегона ёки ғайр хушламаслиги табиий. Лекин иши орқага кетган пайтда хешлар – қариндошлар ҳам, ҳатто жонона ҳам уни хушламай, норози бўлиши галати. Одамларни афсун қиладиган (сеҳрлаб оладиган) яхшиликлар қилган бўлса ҳам, энди бошига оғир кун тушганда халқ ичида уни ёмон сўзлар билан афсона қилиб юришади.

Шу ўринда Бобурнинг: «Ким кўрибдир, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик: Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик» матлаъи эсга тушади.

Бу ердаги теран фалсафий фикр яна тазод санъати ёрдамида шеърга солинади. Аҳли жаҳон, яъни муҳит яхшиликни билмайди, кимки бу муҳитдан яхшироқ бўлса, фақат шундай одамнинг яхшилигига кўз тутиш мумкин.

Тазод санъати бу ғазалнинг тўртинчи байтига янада ёрқин шаклда татбиқ этилади:

Эй кўнгил, чун яхшидин кўрдинг ёмонлиқ асру кўп,
Энди кўз тутмоқ не – яъни ҳар ёмондин яхшилик.

Юқоридаги рубоийда хешдан ҳам, жононадан ҳам яхшилик кўрмаган, яхши ҳисобланган қанча одамлардан бевафолик, алдамчилик, фирибгарлик каби ёмонликларни асру (жуда) кўп кўрган лирик қаҳрамон ўз кўнглига қарата айтадики, «энди ҳар ёмондин яхшилик чиқармикин деб кўз тутганинг нимаси?»

Бобурнинг куйга солиб айтиладиган ғазаллари орасида энг машҳури «Яхшилик» ғазали эканлиги бежиз эмас. Бу ерда асрлар давомида эскирмайдиган умрбоқий ҳаёт фалсафаси ниҳоятда юксак санъаткорлик билан очиб берилгандир. «Аҳли жаҳон ёмонлиқ қилса ҳам, сен унга ўхшама, ундан яхши бўл» деган фикр бешинчи байтда ўзининг теран фалсафий ифодасини топади:

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Ғазалнинг хулосавий байти кишини чуқур ўйга толдиради:

Яхшилик аҳли жаҳондан истама Бобур киби
Ким кўрубдир, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик¹.

«Жаҳонда яхшилик истамайдиган одам йўқ. Нега Бобурга ўхшаб яхшилик истамаслик керак?» Мана шу ерда яна тасаввуф фалсафаси эсга тушади. Тасаввуф доим беғараз яхшилик қилишга ундайди. Яхшилик қилиб қўйиб, унга жавобан яхшилик кутиш тасаввуф назарияси бўйича тамагирлик ҳисобланади. Демак, Бобурнинг ушбу ғазали чин мусулмонларча беғараз яхшилик қилишга ундайди.

Айни вақтда, «ким кўрибдир, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик» деган сатр ғазал хулосасида такрорланиши Бобурнинг илк ғазалида шакллана бошлаган эътиқодига мос келади. «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим. Бобур ўзингни ўргатакўр, ёрсизки, мен истаб жаҳонни. Шунча қилиб, ёр топмадим» деган фалсафий хулоса умр бўйи Бобурнинг эсидан чиқмайди. Чунки у ўз давридан жуда олдинга кетган, ўз муҳитидан беқиёс даражада баланд турган сиймо эканлигини ич-ичидан ҳис қилади. Шу сабабли, нажотни фақат ташқаридан кутмасдан, ўз кучига ҳам ишонишни, худо берган улкан истеъдодига суяниб яшашни доимий эътиқодга айлантиради. Бу эътиқод унинг ижодини янги бир юксакликка кўтарган энг зўр омиллардан бирига айланади.

Жавоҳарлаъл Неру «Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор сиймо бўлган»² деган доно фикрни жаҳонда биринчи бўлиб айтган. Бу фикрнинг янгилиги шундаки, 1950 йилларда Уйғониш (ғарбда «Возрождение» дейилган) тушунчаси ҳали Шарқдан чиққан буюк сиймоларга нисбатан тadbиқ этилмас эди. Ғарбда Уйғониш (Возрождение) даврининг титанлари деб аталадиган Микель Анжело, Рафаэль, Шекспирлар Алишер Навоий ва Бобур Мирзо билан асрдош бўлганликлари, Уйғонишдек буюк ҳодиса нафақат Ғарбда, балки Шарқда ҳам худди ўша XV—XVI асрларда юз берганини биринчи бўлиб теран идрок этган ва бор овози билан бутун дунёга эшиттириб айтган улуғ шахс Жавоҳарлаъл Неру бўлган эди.

¹ Ўша китоб, 125-6.

² Жавоҳарлаъл Неру. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши». 1955 й., М., 272-б.

«Бобурнома»ни англиз тилига таржима қилган В. Эрскин ёзади: «Бобур сиймосининг мислсиз белгиси — унинг табиийлиги, ҳаётий ва самимийлигидир. Осиё тождорлари орасида Бобур сингари даҳо даражасидаги истеъдодли кишилар камдан-кам учрайди»¹.

Бу юксак баҳоларнинг ҳаммаси асосли. Фақат битта қўшимча фикр бор. Бобур сингари даҳо фақат Осиё ҳукмдорлари орасида эмас, Европа, балки бутун жаҳон тождорлари орасида яна неча марта пайдо бўлганикин? Масалан, Англиянинг ўзида Бобур каби фақат тожу тахтинигина эмас, жонини ҳам суюкли ўғлига бахшида қилган қирол бўлганмикин? Россияда, масалан, энг машҳур подшолардан Улуғ Пётр ҳам, Иван Грозний ҳам тожу тахт туфайли ўз ўғилларини ўлимга маҳкум қилганлари тарихдан маълум.

Эҳтимол, шу нарсалар ҳам сабаб бўлиб, «Бобурнома»нинг рус тилига қилинган таржималаридан унинг охири лавҳаси — Бобур ўғли Ҳумоюнга ўз жонини бағишлаб, уни бир ўлимдан олиб қолганлиги қисқариб кетган. Асарнинг русча таржимасида бу муҳим лавҳа умуман йўқ. Назаримизда, бу лавҳа Бобур Мирзони бошқа мамлакатлардан ўтган подшоларга нисбатан жуда баланд кўтариб юборишини истамаганлар.

Совет мафкурасининг «подшолар идеаллаштирилмасин» деган кўрсатмасидан келиб чиқиб, таржимонлар тенгсиз бир фидойилик намунаси бўлган лавҳани тарихий асардан чиқариб ташлаганлар.

* * *

Бобурнинг замондошларидан Муҳаммад Солиҳ ва Камолиддин Бинойилар ҳам ўша даврга оид кўп воқеаларни қаламга олганлар. «Шайбонийнома»ни «Бобурнома»га қиёс қилганда, мазмун ва мақсад жиҳатидан зиддиятлар борлиги, аммо адабий тил нуқтаи назаридан яқинлик мавжудлиги кўзга ташланади.

1455 йилда Хоразмда таваллуд топган Муҳаммад Солиҳнинг отаси Нурсайд Улуғбекнинг оталиғи бўлган машҳур Амир Шоҳмаликнинг ўғли эди. Аммо Улуғбекнинг ўлиmidан кейинги алғов-далғов замонда Нурсайдни Султон

¹ «Бобурнома»нинг англизча нашри. 1921 й., 8-б.

Абусаид Мирзо Марвда қатл эттириб, мол-мулкини мусодара қилдиргандан кейин Муҳаммад Солиҳни Ҳиротда Абдурахмон Жомий ўз паноҳига олади. Бу ерда у Ҳусайн Бойқаро саройида бир неча йил хизмат қилади, Алишер Навоий билан дийдор кўришади. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий М. Солиҳ ҳақида ёзади:

«Муҳаммад Солиҳ — «Солиҳ» тахаллус қилур. Отаси Нурсайдбек бағоят бадфеъл ва бадхулқ киши эрди. Ўзи мулойим йигитдур... Анга ҳам ғариб саҳв туштиким, Султон Соҳибқирон қуллиғидин ғайбат (ғойиб бўлиш, кетиш) ихтиёр қилди. Баъзи дерларким, беҳудлиғ оламида ёмон мусоҳиблар ани бу ёмон йўлга тутубтурлар»¹.

Кўриниб турибдики, Ҳазрат Навоий Муҳаммад Солиҳнинг Ҳиротдай шаҳарни ташлаб кетганига ёмон мусоҳиблар сабаб бўлганлигини таассуф билан қаламга олади.

Темурийлар даргоҳида кўнгли тилагандай катта мавқега эришолмаган Муҳаммад Солиҳ 1599 йилда Шайбонийхон хизматига боради.

Ҳиротдан кетган шоир Камолиддин Биноий ҳам худди шу кезларда Шайбонийхон хизматига кирган эди. Келажакда улар иккови ҳам хонни улуғлаб, «Шайбонийнома» деган асарлар ёзадилар.

Биноийнинг форс тилида ёзган «Шайбонийнома»си Хоразмда Исфандиёрхон буйруғи билан 1914 йили ўзбек тилига шоир Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан таржима қилинган. Қўлёзма ҳолида сақланаётган бу таржимада Аҳмад Румий деган шоирнинг «Искандарнома» китобидан қуйидаги форсча рубоий келтирилади:

Хез, барой, буд ҳакам, фитна зи дашт зад алам
Ханжару хома тез кун, пойи замир зан қалам.
Пойи замир чун зади, мегузарад баъди он
Давлати темурий шавад аз ҳама жаҳон адам.

Таржимаси:

Тур, майдонга чиқ, ҳакам бўл, дашт томондан фитна
байроғи кўтарилди.
Ханжар ва қалам чархла, илдизига ур қалам!

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XII жилд. 150-б.

Илдизига урдингми, ўзи ўткинчи бўлғай,
Темурийлар давлати ер юзидан йўқолғай.

Шайбонийхон бул икки байтни башорат деб билди, дилига тугди, ул кундан бошлаб жидди жаҳд камарин белига боғлади. Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятларини фатҳ этиш учун саъй ва кўшишлар этди»¹.

Шайбонийхон Турон ва Туркистондан Темурийлар сулоласини йўқ қилиш учун Чингизхон авлодларининг қўлидан иш келадиганларини ўз атрофига йиғади. Ўша йилларда Тошкентда хон бўлиб турган Маҳмудхон ва унинг иниси Олачахонга қарата Шайбонийхон айтган қуйидаги сўзларни Муҳаммад Солиҳ ўз достонида келтиради:

Мен Южи (Жўжи) ўғлимену сиз икки хон
Чигатой ўғлисиз, ўлсин аён.
Боримиз бир онанинг ўғлибиз.
Барчамизнинг отамиздир Чингиз².

Мана шу қариндошлик асосида Шайбонийхон аввал Маҳмудхон ва Олачахонлар билан иттифоқ тузади. Уларнинг ёрдамида Самарқанд ва Бухорони ёш ва заиф темурийзода Султон Али Мирзодан тортиб олади. Кейинчалик Шайбонийхон Андижонда ҳоким бўлган Аҳмад Танбал билан ҳам иттифоқ тузади. Чингизийлар ҳаммаси бирлашиб Бобур Мирзодан Самарқандни ҳам, Андижонни ҳам тортиб оладилар.

Шундан кейин Шайбонийхон ўз қариндошлари бўлган хонлар билан мулк талашиб уруш бошлайди. Аввал Маҳмудхон ва Олачахонни, сўнг Аҳмад Танбални енгиб, қиличдан ўтказди ва бутун Мовароуннаҳрга хон бўлади.

Мана шу урушларда Шайбонийхон томонида туриб жанг қилган Муҳаммад Солиҳ хоннинг барча шафқатсиз ишлари ва маккорлик билан олиб борган сиёсатини ўз достонида тасвирлайди.

Достоннинг 1989 йилги нашрига бош сўз ёзган Э. Шодиев:

¹ К. Б и н о й и. «Шайбонийнома». Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. И/№ 3422. 9-б.

² М. С о л и ҳ. «Шайбонийнома». 1989 й., 222-б.

«Шубҳасиз, асарда тенденцион руҳ кучли, — деб тўғри кўрсатади. — М. Солиҳ Шайбонийхон ҳақида, унинг атрофидаги одамлар, авлодлари ҳақида сўз юритганда уларни ҳаддан ташқари кўкларга кўтариб мақтайди»¹.

«Ҳазрати имоми замон халифайи раҳмон, Искандари соний» деган юксак таърифлар дostonнинг бошидан охиригача ҳар бобга сарлавҳа қилиб қўйилади.

Албатта, Амир Темур топшириғи билан ёзилган «Зафарнома»да ҳам муболағали мақтовлар кўп. Сарой тарихнавислари даврасида бу ҳаммаси жоиз ҳисобланган. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»сининг афзал томони — унинг тили жонли халқ тилига асосланганлиги ва яхши тушуниб ўқилишидир. Шайбонийхон қўшини билан Дашти Қипчоқдан жуда кўп туркийзабон қавмлар Турон ва Хуросон ҳудудларига кириб келган эди. Муҳаммад Солиҳ уларнинг тил бойликлари билан адабий тилимиз хазинасини бойитди.

Ҳаётда сўз, тил қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини М. Солиҳ жуда теран талқин қилади:

Сўз билан бўлуп бу олам пайдо
Сўз била бўлуп бу одам пайдо.

Биринчи сатрда олам парвардигорнинг сўзи билан пайдо бўлгани назарда тутилади. Иккинчи сатрда инсонни бошқа барча тирик мавжудотдан устун қилган илоҳий неъмат ҳам сўз ва тил эканлиги айтилади.

Шу эътиқод асосида М. Солиҳ ўз дostonининг тили мумкин қадар бой ва таъсирли бўлишига катта аҳамият беради.

Дostonнинг яна бир ўзига хос томони — унда Шайбонийхон ёзган ғазаллардан келтирилган намуналардир. Шайбонийхон бир ғазалида ўзига шундай таъриф беради:

Ислом — мен, ислом — мен, куффору куфру найласун.
Куффор беҳин кесойин, қолмасун ондин ҳеч нишон.
Шаҳбоз бўлди чингизий, семурғу анқо қойдалур
Мен-мен муҳитнинг жавҳари, жавҳарни билмас инсу жон².

¹ Муҳаммад Солиҳ. «Шайбонийнома». 1989 й., 7-б.

² М. Солиҳ. «Шайбонийнома». 1989 й., 179-б.

Тил нуқтаи назаридан қараганда, Шайбонийхон ҳам Навоийдек буюк сиймолар шакллантирган мумтоз ўзбек адабий тилининг қоидаларига риоя қилгани кўзга ташланади. Дашти қипчоқ шеваларининг таъсири «а» товуши ўрнига «о» ишлатилишида (масалан, «қолмасун» эмас, «қолмосун», «кесайин» эмас, «кесойин») кўринади.

«Куффор беҳи» — кофирлар илдизи деган маънони билдиради. «Шаҳбоз» — лочин дегани. «Чингизийлар лочин бўлиб учганда семурғу анқога йўл бўлсин!» деган маъно чиқади учинчи сатрдан. «Ислом — мен, ислом — мен» деган сўзларнинг икки марта такрорланиши, «мен-мен муҳитнинг жавҳари» деб ўзини улуғлаши Шайбонийхонда «манманлик» нақадар авжига чиққанидан далолат беради.

Эҳтимол, Муҳаммад Солиҳ ўз достонида бу ғазални атайлаб хоннинг манманликка берилганини ўз сўзлари орқали кўрсатиш мақсадида келтиргандир.

Шайбонийхон ўзи тўғрисида шундай баланд фикрда бўлгандан кейин унинг итоатида юрган сарой шоири хонни янада баланд кўтариб мақташга мажбур бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

«Шайбонийнома» достонининг бир боби «ул ҳазратнинг ҳилми (ҳалимлиги, раҳмдиллиги)» деб аталади.

«Ҳарна келса кечирур ҳилм била,
Лутф жомин ичирур ҳилм била»¹.

Аммо бошқа тарихий манбалар Шайбонийхоннинг ўта шафқатсиз бўлганидан далолат беради. Унинг собиқ иттифоқдоши ва қариндоши Маҳмудхон биринчи марта мағлуб бўлганда Шайбонийхон унинг Тошкентдаги молу мулкани талайди, ўн олти яшар қизини ўзига никоҳлатиб олади, яна бир қизини ўғли Темур Султонга ўлжа қилиб беради, синглисини Жонибек Султонга никоҳлайди. Маҳмудхоннинг ҳарамидаги бошқа аёллар ҳам бекларга тақсимлаб берилади. Бу ҳодисани Муҳаммад Солиҳ қуйидагича таърифлайди:

Молу қиз олурда ҳеч бири қолмади куруғ
Боттилар ҳар бири бир жонона.

¹ Ўша асар, 28-б.

«Ҳеч бири қуруқ қолмади» деган сўзларда истеҳзо борлиги сезилади. «Боттилар ҳар бири бир жонона» деган сатр эса Шайбонийхон ва унинг яқинлари нақадар шаҳватпараст бўлганларини ва қариндошлари бўлмиш Маҳмудхоннинг синглиси, қизлари, хотинларига қандай ҳайвоний ҳирс билан муомала қилганларини билдиради.

Бу ҳали ҳалво экан. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг гувоҳлик беришича, Султон Маҳмудхон Мўғулистонда ўзига лойиқ иш тополмагандан кейин қариндоши Шайбонийхондан паноҳ истаб, Сирдарё бўйларига қайтиб келади. Шунда Шайбонийхон айтади: «Мен бир марта сенинг қонингдан кечган эдим. Энди бас, сен менинг давлатим учун хатарлисан» (яъни, тахт даъво қилишинг мумкин) дейдию, Маҳмудхонни катта-кичик беш ўғли билан аёвсиз қатл эттиради»¹.

Хон Андижонни босиб олганда унинг собиқ иттифоқдоши Аҳмад Танбал мағлуб бўлганини тан олиб, олти оға-иниси билан хонга асир тушмоқчи бўлади, қиличларини бўйинларига осиб, оқ байроқ кўтариб, Андижон аркидан чиқади. Шунда хон ўз одамларига: «Асир олма бу итларни, қир ҳаммасини!» деб буйруқ беради. Бу буйруқ қандай бажарилганини Муҳаммад Солиҳнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

Қирдилар барчасин итлар янглиғ
Етти оға-ини Танбал бирла².

Мана сизга Шайбонийхоннинг раҳмдиллиги! Муҳаммад Солиҳнинг «хон кечирур раҳмдил била, лутф қилиб ичирур ҳилм била» деган юқоридаги мақтовларини бу ердаги ҳикоя мутлақо инкор этади.

Бутун дoston давомида Шайбонийхоннинг қиличи Ҳазрати Алининг зулфиқор қиличидай олов сочиши, дунёда бор илму ҳунарни Шайбонийхон ҳаммадан яхши эгаллагани, шунинг учун барча илму ҳунар аҳлига у устозлик қилишлиги кўтаринки руҳда таърифу тавсиф қилинади.

Бу таърифу тавсифларнинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини кейинги воқеалар ва бошқа тарихий манбалар кўрсатади.

¹ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий». Т., 1996 й., 149-б.

² Ўша асар. 241-б.

Шайбонийхон Ҳиротни эгаллагандан кейин улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзодга ўз расмини чиздиради ва машҳур хаттот Султон Али Машҳадийга шеърларини кўчиртиришга беради. Бироқ Беҳзод чизган ажойиб суратдан¹ ўзича бир нуқсон топади-да, қўлига мўйқалам олиб, суратга ислоҳ киритади. Султонали Машҳадийнинг хаттотлик санъатини ҳам камситиб, унинг кўчирган матнини ўзича тузатган бўлади.

Бу ҳодисалардан хабардор бўлган Бобур Мирзо қуйидагиларни ёзади:

«Шайбонийхон Ҳирийни олғондан сўнг бори халойиқ била ёмон маош қилди... Мулло Султон Али Машҳадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хаттига қалам кийируб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўкутуб, шаҳр элидин сила олур эди»².

«Сила» — мукофот, инъом. Бошқа ҳамма сўзлар тушунарли. «Яна, қалам кийируб» ибораси ўша замонда «қалам киритиб, яъни тегизиб» деган маънони билдирганини айтиб ўтиш керак.

«Бобурнома»да келтирилган бу фактлар ва Шайбонийхоннинг ноҳўя қилиқлари Ҳиротда кулги бўлганлигини Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул вақоеъ» асарида ҳам ўқиш мумкин.

Эҳтимол, Шайбонийхоннинг мақтовга бу даражада ўчлиги, мадҳияларга тўймаслиги Муҳаммад Солиҳга жуда қўл келгандир. Ҳусайн Бойқаро саройида Жомий ва Навоий каби улуғ шоирлар даврасида кўзга ташланмай юрган Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхонни кўкларга кўтариб мақтагани сари мартабаси ошади. Хон унга амир ул-умаро деган энг юксак мартаба ва малик ул-шуаро деган энг олий унвонлар беради.

Шунинг эвазига М.Солиҳ Шайбонийхонни қанчалик улуғласа, у билан олишган ва уни бир марта енгган Бобур Мирзони шунчалик камситиб қаламга олади:

Чу Самарқандни олди Бобур,
Халқ аро тафриқа солди Бобур.
Ҳусн майдониға золим кирди
Зулм бозориға равнақ берди.

¹ Бу сурат дурдона асар сифатида жаҳонга танилган ва ҳозир Америкада сақланади.

² «Бобурнома». 1960 й., 270-б.

Зулфиға тоб бериб ўлтурди
Бир неча дилшодони куйдурди¹.

Албатта, Шайбонийхон хизматида юриб малик ул-шуаро унвонига сазовор бўлган Муҳаммад Солиҳ бу унвонни оқлаш учун ҳам хоннинг душмани ҳисобланган Бобурдан камчилик қидириши табиий эди. Бобур ҳам, юқорида биз мисолларини келтирган ўринларда Шайбонийхоннинг ножўя ишларини нафрат билан қаламга олади. Лекин М. Солиҳдан фарқли ўлароқ, Бобур бу нафратга сабаб бўлган аниқ далиллар келтиради, шунинг учун унинг танқиди ишонарли чиқади.

М. Солиҳ исботсиз, далилсиз умумий тарзда Бобурни золимликда айблайди, яна «зулфиға тоб бериб ўлтурди» деган масхараомуз сўзларни ёзади. Зулфиға фақат қиз-жувонлар ёки бесоқоллар тоб беради. Бобурдай баҳодир йигитни ўшаларга ўхшатиб масхара қилиш билан Муҳаммад Солиҳ ўз асарининг қадрини туширади.

Адабиётшунос ва тилшунос олимларимиз «Шайбонийнома» достонининг раво ва образли тилини, халқ достонларига яқин бўлган оммабоп услубини юқори баҳолайдилар. Биз бу баҳога, асосан, қўшилаемиз. Фақат ширали бадиий тил ҳамда оммабоп услуб ноҳолис мақсадларга хизмат қилдирилганда тарихий ҳақиқатга зид келиб қолишини ва асарга путур етказиши мумкинлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Бобур Мирзо Муҳаммад Солиҳ билан замондош бўлган. У Шайбонийхон ҳарамида ўн йил асоратда ҳаёт кечирган эгачиси Хонзода бегим орқали М. Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидан ва унда ўз шаънига номуносиб байтлар айтилганидан хабар топган бўлса керак. Лекин Бобур бу ножўя байтларга жавоб айтишни ўзига муносиб кўрмайди. Унинг ҳаётида бундай таънаю маломатлар кўп бўлгани учун уларнинг ҳаммасига бир йўла шундай жавоб айтади:

Даврон мени ўткарди сару сомондин.
Айирди бир йўла хонумондин.
Гаҳ бошимга тож, гоҳ балойи таъна
Неларки бошимга келмади даврондин².

¹ Муҳаммад Солиҳ. «Шайбонийнома». 1989 й., 8-б.

² Бобур. «Танланган асарлар». 1958 й., 145-б.

Бундан ҳам кучлироқ ва аниқроқ жавоб қуйидаги байтда берилади:

Улуснинг таъну таърифи манга Бобур баробардур
Бу оламда ўзумни чун ёмон, яхшидин ўткардим¹.

Бобур Мирзо тождор бўлганлиги учун уни кўкка кўтариб мақтаганлар ҳам кўп бўлган. Масалан, Бобур ўн олти ёшида биринчи марта Самарқандни эгаллаган йили Ҳиротнинг машҳур шоири Камолиддин Биноий унга атаб 44 мисрали форсча мадҳия ёзади. Мана, унинг дастлабки байти:

Шоҳ султони Заҳириддин Муҳаммад Бобур
Ки жаҳон шуд зи сити адлаш пур².

Таржимаси:

Шоҳ Султон Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Ки жаҳон унинг адолати нурига тўлди.

Албатта, 16 ёшли ёш тождорга берилган бу баҳо муболаға эканини Бобур сезган. Бундай муболағали мақтовларни кейин ҳам кўп эшитган. Уларнинг ёлғонлигига бошига оғир кун тушганда амин бўлган. Таънаю маломатларни ҳам кўп эшитиб, уларнинг моҳиятини билган. Шунинг учун интиҳосиз мақтовлар унинг бошини айлантиролмагани каби, адолатсиз таъналар ҳам ортиқча таъсир қилолмайди. Гўё унга таъриф ҳам, таъна ҳам баробар бўлиб қолган — ҳаммасига сокин бир фалсафий муносабатда бўлади.

Ўнлаб йил давомида мағлубият нималигини билмай кетма-кет ҳарбий зафарларга эришиб борган Шайбонийхон, манбаларнинг гувоҳлик беришича, ютуқлардан хийла эсанкираб қолган. «Шайбонийнома» достонида:

«Ислом — мен, ислом — мен!
Мен-мен муҳитнинг жавҳари». —

¹ Ўша асар. 68-б.

² Бу байт тожик олими А. Мирзоевнинг «Биноий» номли китобидан олинди.

каби ибораларнинг қайта-қайта такрорланиши унинг ҳаддан ортиқ катта кетганидан далолатдир. Атрофидаги хушомадгўй ва лаганбардорлар унинг кибру ҳавосини баттар аланга олдирадиган мақтов ва мадҳияларни тобора кўпайтириб борганларига яна «Шайбонийнома» достонидан далиллар келтириш мумкин.

Шайбонийхон Самарқанду Бухоро, Тошкенту Андижон, Ҳисору Бадахшонларни босиб олиш билан қаноат қилмайди. Энди Эрону Арабистонларни ҳам фатҳ этиб, зафар байроғини Каъбагача етказиб боришни истайди. Атрофидагилар уни афсонавий Искандар каби жаҳонгир деб улуғлайдилар, яна уни бутун мусулмон оламининг бош диний раҳбари — Оллоҳнинг ердаги халифаси деб ишонтирадилар. Раҳмон — Оллоҳнинг номларидан биридир. «Халифайи раҳмон» деган иборанинг маъноси — Оллоҳнинг ердаги халифаси деганидир. Ҳолбуки, Қуръони Карим Оллоҳнинг фақат расули бор, бу — Муҳаммад пайғамбардир, деб таълим беради. Оллоҳнинг халифаси деган унвон Шайбонийхонга атрофидаги лаганбардорлар томонидан берилган. Бу ҳаммаси уни ҳовлиқтиради, бутун мусулмон оламига ягона диний раҳбар ва оламшумул тождор бўлиш иштиёқини аланга олдиради.

Муҳаммад Солиҳ ҳам ўз достонида Шайбонийхоннинг бу иштиёқини авж олдирадиган байтлар битади. Достоннинг охирида шоир Оллоҳга шундай муножот қилади:

Эй, зафар йўлини очқон тенгрим!
Андижон кишварини ҳам бердинг
Эмди Хоразмни ҳам бердинг анго.
Мени девона не дей эмди санго.
Караминг бирла Хуросонни ҳам
Язду, Бағдоду, Исфаҳонни ҳам
Миср билан Шомни ҳам бергил анга!
Ўфкалармен йўқ эрса банда санго¹.

Ана катта кетиш! «Ф» билан ёзилган «ўпкалармен» сўзи худога қарата айтилади! Агар Оллоҳ Эронни ҳам, Мисрни ҳам, Шом (Судан, Алжир, Марокаш)ни ҳам Шайбонийхонга бермаса, Муҳаммад Солиҳ яратгандан ўпкалар эмиш, хафа бўлар эмиш!

¹ М. С о л и ҳ. «Шайбонийнома». 273-б.

Бу ўринда шоир ҳам жуда осмондан келади. Бу катта кетишлар ва ҳовлиқишлар Шайбонийхонни ҳалокат жарининг ёқасига олиб борган омиллардан эмасмикин?

М.Солиҳнинг бир тилаги ижобат бўлади — тенгри Хуросонни ҳам Шайбонийхонга беради. Лекин хон ва унинг атрофидагилар бу билан қаноатланмайдилар ва Эронга ҳужум қиладилар.

Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Фарбада турк султонлари билан жанг қилмоқда эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, Шайбонийхон Машҳад ва унинг атрофларини босиб олади, шиаларни кофир деб эълон қилади, уларнинг масжидларини буздиради. Исмоил Сафавий ўзини вазмин тутиб, Шайбонийхонга элчи ва совғасалом юборади, сулҳ таклиф қилади. Хоннинг ўғли Темур Султон, жияни Убайдулла Султон, амирларидан Ҳамза Султон шоҳ элчисига яхши муомала қилишни, ҳозирча сулҳ тузиб, вазият етилгунча алдаб туришни, кейин вазият етилганда Эронни ҳам Хуросон каби бир зарб билан эгаллашни таклиф қиладилар. Шайбонийхон «шиалар билан сулҳ тузсам пок сунний эътиқодларимга доғ тушади», деб бу таклифни қабул қилмайди. Шоҳ элчисини беҳурмат қилиб жўнатади. Баъзи султонлар Шайбонийхоннинг қалтис сиёсат юргизаётганидан норози эканини хуфиялар унга етказадилар. Орага бошқа сабаблар ҳам қўшилади-ю, Шайбонийхон Убайдулла Султонни Бухоро ҳокимлигидан, Кўчкинчихонни Туркистон ҳокимлигидан, Ҳамза Султонни Ҳисор ҳокимлигидан олиб ташлайди, уларнинг ўрнига бошқа итоаткор, хушомадгўй султонларни қўяди.

Шайбонийхон Марв қўрғонида Исмоил Сафавий томонидан қамал қилинганда Мовароуннаҳрдан ёрдамга етиб келиши керак бўлган ўттиз минг қўшин атайлаб келмайди. Убайдулла Султон ва Кўчкинчихонлар Шайбонийхондан аразлайдилар.

Ўз кучига ортиқ даражада ишонадиган ва мақтовларга учиб ўрганган Шайбонийхон Исмоил Сафавий устидан ёлғиз ўзи ғалаба қилишга ишониб қиш кунда Марв қўрғонидан қўшин тортиб чиқади. Ёлғондакам қочиб кетаётган Шоҳ Исмоилни қувиб бориб, Мурғоб дарёси бўйида пистирмада турган 20 минг ёв қўшини томонидан қуршовга олинади. Қуршовда қўлда қилич билан ҳалок бўлган Шайбонийхоннинг бошини кесиб, терисига сомон тикадилар. Бош суягига тилла қоплатиб, май ичадиган косага айлантирадилар.

Албатта, ҳеч бир инсон зоти бунчалик ваҳшиёна қасос олишга муносиб эмас. Исмоил Сафавийнинг бундай қасоскорлиги барча маданий кишилар томонидан қораланади.

Аммо Шайбонийхоннинг ўзи ҳам мақтовларга бу даражада ўч, мадҳияларга бу қадар тўймас ва ишонувчан бўлмаганда, эҳтимол унга жўяли танқидий фикрлар билдирган Кўчкинчихон каби султонларнинг маслаҳатига қулоқ солган бўлар эди.

Иттифоқо, Кўчкинчихон она томондан Улуғбек Мирзонинг невараси эди. Унинг онаси Робия Султон бегим Абулхайрхоннинг энг оқила хотини ҳисобланарди. Шайбонийхоннинг ўлимидан кейин унинг ўрнига Кўчкинчихон қурултойда хон бўлиб сайланади.

Бобур Мирзо Ҳиндистонда ўз давлатини тузганидан кейин ана шу Кўчкинчихон орқали шайбонийзодалар билан дипломатик алоқа ўрнатади. Икки орада карвон йўллари очилади, элчилар бориб-келиб туради, савдо-сотиқ йўлга қўйилади. Кўчкинчихоннинг биз юқорида қайд этган бир яхши иши — Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини Муҳаммад Али номли истеъдодли адибга бериб, ўзбек тилига таржима қилдирганидир.

* * *

«Бобурнома» воқеалари билан танишганингизда, Бобур Мирзонинг ҳаётида хатарли жанглار, елкадан пичоқ урадиган хиёнатчилар, овқатга захар қўшиб берган Малика Байда сингари яширин суиқасдчилар кўп бўлганини кўрасиз. Интиҳосиз хавф-хатарлардан уни, аввало, парвардигор, сўнгра ўзидаги инсоний фазилатлар сақлаб қолган, десак хато бўлмайди.

Бобур Мирзодаги камтарлик, ҳушёрлик, мақтовга учмаслик, «таъну таърифлар»га баробар оқилона муносабатда бўлиш, яхшини ёмондан, ростни ёлғондан донишмандларча фарқ қила олиш, одам танишда ва эл-юртга муносабатда ҳассос бўлиш каби ҳаётий тажриба унинг ўз ўғли Комрон Мирзога ёзган мактубида кўзга яққол ташланади.

Олимларимизнинг аниқлашларича, бу мактуб 1527 йилда Аграда ёзилган ва Мулла Сарсон деган киши томонидан Қандаҳордаги Комрон Мирзога элтиб берилган. Мактубнинг бир нусхаси Қозон дорилфунунининг нодир қўлёзмалар бўлимидан топилган. Мактубнинг фото нусхаси «Жаҳонгашта Бобурнома» китобида келтирилган.

Мактубда Бобур Мирзо ўз ҳаётий тажрибасининг энг муҳим жиҳатларини ўғлининг қалбига етиб борадиган ҳароратли дил сўзлари билан ёзади:

«Гарчи Хуросон эли таъби ёқимли элдурлар, лаёқатларига шубҳа йўқдур, локин мазҳаб ва миллатларида танг (торлик) бор». Бобур бу ерда кўпроқ форсийзабон ва шиа мазҳаблик хуросонликларни назарда тутди. «Уларнинг ширин гапларига маҳлиё бўлиб: ҳушёрликни бой бермагин», деб ўғлини огоҳлантиради. Сўнг мактубини шундай давом эттиради: «Турк улусидин тартиб-интизомли кишилар борким, уларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаб, иссиқ-совуқда, сафар ва ўтроқда бирга бўлиб, энг ёмон кунларимизда ҳам бизни ташлаб кетмаганлар. Уларни сўраб-суриштириб, даргоҳинга йўл бериб, ўзинга яқин олиб юр. Ҳушомадгўйларнинг ширин гапларига учмагин, давлатхоҳлар аҳволни кўриб-билиб, рост гапни юзинга қаттиғ айтсалар, аччиғланмагайсен. Агарчи юзинга дафъатан қаттиғ кўринур, оқибати хайрли бўлур.

Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдура айтур (таъкид бизники — П. Қ.). Дўсту душманни топиб, бу мазмун била амал қилгайсен:

*Жое гул-гул бош,
Жое хор-зор бош»*

(Таржимаси: гул қаршисида гул бўл, тикан қаршисида тикан бўл)».

Бобур Мирзо ўғлига берган донишмандона маслаҳатларига, аввало, унинг ўзи амал қилган.

Марғилонлик Хўжа Калон, Аҳсилиқ Қосимбек Қавчин каби туронлик беклар ўттиз йилдан ортиқ Бобур Мирзога садоқат билан хизмат қилганлар, унинг бошига тушган ҳамма азобу уқубатларни бирга бошдан кечирганлар. Айни вақтда, Бобурнинг самимий жонкуяри бўлган бу беклар ўрни келганда унга аччиқ ҳақиқатларни айтиб, ёшлигида уни баъзи ножўя ишлардан қайтарганлар.

Масалан, Қосимбек Қавчин Бобур Мирзони доим май ичишдан қайтарган, соҳибихтиёр бош вазир бўлгани учун

¹ Ғайбулла ас-Салом, Нёзматуллоҳ Отажон. «Жаҳонгашта Бобурнома». 283–287-бетлар.

Бобур унинг раъйига қараган. Йигирма тўрт ёшида Ҳиротга борганда Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиууззамон Мирзо ва Музаффар Мирзолар чоғир мажлислари уюштириб, Бобур Мирзога олтин қадаҳларда май таклиф қилганлар. «Бобурнома»да ёзилишича, Бобурнинг ичкиси келганда ҳам, ёнида ўлтирган Қосимбекнинг кўнглига қараб ичмаган.

Бобур Мирзонинг Комронга ёзган мактубида савод ва маърифатга биринчи даражали аҳамият берилади. *«Кўкалдошу эмакдош ва ичқуларинг (ички мулозимлар) билан сабақ ўқурға ружуъ келтурубсен. Бу жиҳатдин кўнгулга сурур, хотирга ҳузур етиб, бисёр (кўп) хушҳоллик юз берди. Тенгри таола даргоҳидин умидим борки, жамъи қобилият ва салоҳият бобинда мукаммал бўлиб камолга етгайсен»*¹.

Маърифатли подшоҳ бўлган Бобур Мирзо ўғли Комроннинг «сабақ ўқурға» астойдил киришгани учун кўнгли сурурга, хоотири ҳузурга, дили қувончга тўлганини ёзганида теран маъно бор. Мактубдаги «сабақ ўқурға ружуъ қилиш» — илм олишни, китоб ўқишни, ҳатто шеър машқ қилишни ҳам ўз ичига оладиган иборадир.

Комрон Мирзо отаси ихтиро қилган «Хатти Бобурий» алифбосида ҳам равон ўқийдиган ва ёзадиган бўлади. Бу, албатта, отани суюнтиради. Комрондаги шоирлик қобилияти ҳам мана шу йилларда уйғона бошлайди. У ўз шеърларини отасидан ибрат олиб кўпроқ туркий тилда ёзади. Айниқса, Комрон Мирзонинг рубоийларида Бобур Мирзонинг энг яхши шеърый анъаналари ўзига хос тарзда давом эттирилади.

Мисол учун ота ва ўғилнинг қуйидаги рубоийларини бири-бирига қиёслаб кўрайлик.

Бобур:

Кўнгли тилаган муродиға етса киши
Ё барча муродларни тарк етса киши.
Гар бу иккиси муяссар ўлмаса оламда
Бир сориға бош олиб кетса киши.

¹ Ўша асар, 282-б.

Комрон:

Ё бўлса муяссар кишига илм ила ҳол,
Ё топса киши салтанат авжида камол,
Ё ошувтае бўлса кўруб ҳусну жамол,
Ё бўлса тамом ўзлигидан фориғбол¹.

Бобур Мирзонинг юқоридаги рубойиси унинг ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқади. Унинг кўзлаган муродига етолмагани ва уларни тарк ҳам етолмай, ахийри Афғонистон ва Ҳиндистонга бош олиб кетгани кўз олдимишга келади.

Отасидан кейин бошқа ҳаётий мушкулотларга дуч келган Комрон Мирзо айтади: «Киши ўз олдига қўйган мақсадларига биноан ё етук олим бўлса, ё салтанат авжида камол топса, ёки ҳусну жамолга ошувта бўлиб яшаса, аммо бу уч мақсад ҳам амалга ошмаса, ўзлигидан, яъни ўзидаги бу ташвишлардан тамом воз кечиб, фориғбол (озод, хотиржам бир дарвиш) бўлса», деган маънони ўз рубойида маҳорат билан ифода этади.

Ота ва ўғил рубойларидаги маъно бир-бирига жуда яқин. Улар ҳар иккиси ҳаётга мардона муносабатда бўлишни, камолот чўққиларига интилишни афзал кўрадилар. Бобур Мирзо «бир сориға бош олиб кетса» ҳам, умрининг сўнгги йилларида Ҳиндистонда улуг давлат барпо этиш билан кўзлаган мақсадига эришади.

Аммо Комрон «Салтанат авжида камол топаман» деб ёмон одамлар, хушомадгўйларнинг таъсирига тушиб қолади, уларнинг қутқуси билан акаси Ҳумоюн Мирзога қарши қонли урушлар қилади. Бу урушларда Комроннинг инилари Ҳиндол ва Аскаррийлар бегуноҳ ҳалок бўладилар. Ҳумоюн Комронни кўп марта кечиради. Аммо Комрондан жуда кўп жабр кўрган беку амирлар унинг қатл этилишини қаттиқ талаб қиладилар. Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»сида гувоҳлик берилишича, барча нуфузли беку амирлар имзо чекиб муҳрларини босган талабномада «Ё бизни дейсизу, Комроннинг баҳридан ўтгайсиз. Ёки биродарликни дейсизу, бизга жавоб бергайсиз» деб қатъий шарт қўядилар.

¹ Комрон Мирзо. «Девон». Тошкент. 1993 й., 26-б.

Ҳумоюн икки ўт орасида қолади. Отаси: «Иниларингнинг жонига зинҳор қасд қилмагин!» деб васият қилганини ҳеч унутолмайди. Лекин беку амирларидан ҳам воз кечолмайди. Ахийри Комроннинг жонини сақлаб қолади, фақат у яна тожу тахт талашиб урушлар қилмаслиги учун кўзига мил тортириб кўр қилади.

Бу шафқатсиз жазодан кейин Комрон акаси подшоҳ бўлган мамлакатда яшашни истамайди. Хотираси уйғониб, қалб кўзлари очилгандай бўлади, ўзи қилган гуноҳ ишлардан виждони азобланади.

Руҳан покланиш учун Комрон суюкли хотини Чучукбегим билан бирга ҳажга жўнайди. Кўзини кўр қилганларида бутун олам унинг кўзига қонли бир кафан бўлиб кўринганини оташин бир ғазалида шундай ифодалайди:

Лоланинг жисмида қонлиг кафанин кўрганда
Кафану жисми фигуримни менинг ёд айланг.
Навбахор ўлса баҳоримни менинг ёд айланг
Сарвқад лалаву зоримни менинг ёд айланг.

Бу сатрларда кишини ларзага соладиган фожиавий воқеалар ўз аксини топади. Комроннинг биз келтирган рубойидаги тилаги, яъни киши салтанат авжида камол топа олмаса, «тамом ўзлтигидан кечиб, фориг бол бўлсин!» деган тилаги мана шундай даҳшатли шаклда амалга ошади. Комрон Мирзо ҳаж сафаридан кейин Дамашқдан ҳовли-жой сотиб олиб, умрининг қолган қисмини ўша ёқда ўтказди.

Биз келтирган мисоллар Комроннинг ижоди ва бадиий тили мумтоз ўзбек адабиёти ва унинг тилига ўта таъсирчан бир лавҳа бўлиб қўшилганидан далолат беради. Шу билан бирга, Бобур Мирзо ижодига хос ҳаётийлик ва ҳаққонийлик Комрон Мирзо шеърларига ижобий таъсир этгани ҳам кўзга ташланади.

Бобур шеъриятини атрофлича таҳлил қилган рус олимаси И.В. Стеблева: «Бобурнинг шоирлик маҳорати Ўрта Осиё мумтоз шеъриятининг тараққиёт йўлидаги юксак бир чўққидир»¹ деган хулосага келади.

Биз бу фикрга қўшилган ҳолда, Бобур ижодини мумтоз адабиётимиз тараққиёти йўлидаги янги юксакликка олиб чиққан хусусиятларга эътиборни қаратмоқчимиз.

¹ И.В.С т е б л е в а. «Бобур ғазаллари романтикаси» М., 1962 й., 6-б.

Биринчи хусусият — Бобур Мирзо Алишер Навоий даҳоси билан мумтозлик даражасига кўтарилган адабиётимиз ва адабий тилимизнинг бой тажрибасини астойдил ўзлаштирди ва ўз ижодига самарали татбиқ этди.

Иккинчи муҳим хусусият шуки, реалистик насрий жанр Бобур ижодида етакчи ўринга чиқди. Мумтоз адабиётимизнинг Бобургача бўлган даврида шеърӣй асарлар етакчи ўринни эгалларди. Навоийнинг «Хамса»сидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнунлар кўтаринки романтик услубда яратилган қаҳрамонлар эдилар. «Садди Искандарий» достонида Искандар (Александр Македонский), Арасту, Сукрот, Афлотун каби тарихда яшаб ўтган қаҳрамонлар асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг реалистик бўёқлар билан тасвирланган ўринлари ҳам кўп. «Насойим ул-муҳаббат»да ҳам, Абдурахмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳасан Ардашерга бағишланган насрий асарларда ҳам, «Вақфийя»да ҳам ҳаёт ҳақиқатининг реалистик тасвирлари кўп учрайди. Бу реалистик тасвирлар Алишер Навоийнинг насрий асарлари тилида, «Муншаот» ва «Вақфийя»да айниқса, «Муҳокамат ул-луғатайн»да мутафаккир шоирнинг ижодий такомили романтизм услубидан реалистик услубга томон ривожланиб бorganини кўрсатади.

Навоий ижодида илк ривожланиш босқичларидан ўтган реалистик услуб Бобур ижодида, айниқса, унинг «Бобурнома»сида юксак камолот босқичига кўтарилади.

Бобур ўз умр китобида чиндан содир бўлган ҳодисаларни, ўзи кўрган-билган ва бошдан кечирган ҳақиқатларни ёзишни бош мақсад қилиб қўйгани юқорида айтилган эди.

Мана шу мақсадни амалга оширишда Бобур шеърӣяти билан унинг насрий асари худди жуфт қанотлардай доим бири-биридан куч олади ва бири-бирининг аҳамиятини ва таъсирини ошириб боради. Бунинг ёрқин бир мисоли Секри воқеаларида кўзга ташланади.

Бобур Мирзо бутун умри давомида кўрган энг хатарли жанглардан бири 1526 йилда Секри деган жойда Рано Санграм Синх билан бўлади. Ёв қўшини Бобурникидан етти баробар кўп эди. Яна ёвнинг мингта жанговар фили бор эди. Бобур қўшини сафида ваҳима бошланади. Бир неча минг киши Бобур қароргоҳидан қочиб бориб, Рано Санграмга қўшилади. Шунинг устига Муҳаммад Шариф деган мунажжим осмондаги юлдузларга қараб, «Миррих ёғий томондадур, осмондаги юлдузлар бизнинг мағлубиятимиздан дарак бермоқда», деб овоза тарқатади.

«Бобурнома»да Бобур ўша таҳликали дамларга бир неча шеър бағишлаган. Шулардан бирида айтади:

Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмоққа
Алминнати лиллоҳки ғози бўлдум¹.

Кўшин орасида ваҳима кучайганини сезган Бобур: «Бир тадбир хотиримга етди, — деб ёзади. — Жамиъ бекларни ва йигитларни чорлаб дедимки:

Ҳар ки омад ба жаҳон аҳли фано хоҳад буд
Онки пояндау боқест худо хоҳад буд
Баномии некў гар бимирам равост².

Таржимаси:

Бу фоний дунёга келган ҳар бир киши ундан кетади,
Абадий қолгувчи ёлғиз худодур,
Яхши ном қолдириб ўлиш раводир.

Бобур Мирзонинг нутқи беку навкарларга жуда кучли таъсир қилади. Айниқса, унинг қуйидаги маснавийсида ичкилик ичишдан тавба қилиб айтган сўзларидан кейин «... ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилардин ва сипоҳийлардин ва ғайри сипоҳийлардин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Бободўст Ғазнадан келтирган чоғирларни буюрдимким, туз солиб сирка қилғайлар».

Беку навкарларга шу қадар кучли таъсир кўрсатган маснавий шеърни келтирайлик:

Неча нафсингга бўлурсен тобеъ
Неча умрингни қилурсен зойеъ.
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Аритур барча гуноҳидин ўзин.
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин!
Олтину нуқра суроҳийю оёқ,
Мажлис олотин тамоми ул чоқ
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк айлаб майни ўзни тиндирдум³.

¹ «Бобурнома». 1960 й., 395-б.

² «Бобурнома» 1960 й., 395-б.

³ «Бобурнома». 1960 й., 382-б.

Жанг ғалаба билан тугайди. Бобур шундан кейин май ичишни бутунлай ташлайди. Бутун мамлакатда май тайёрлашни ҳам, сотишни ҳам, ичишни ҳам ман этадиган фармон чиқаради. Бу фармоннинг эл-юртга енгиллик берадиган муҳим жиҳати — божхоналарда олинадиган тамға солиғининг Бобур томонидан бекор қилиниши бўлади.


«Бу ғалабанинг шукронаси ва бу тавбанинг қабул даражаси туфайли подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, ўтган султонлар одат тусига киритган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган тамға солиғини шариат қоидаларидан ташқари деб ҳисоблаб, барча мусулмонлар устидан олиб ташлансин, ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамға солиғи олмасинлар...

... Турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ — бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишдан рағбатланиб, эзгу мақсадларни кўзлаган давлатимизни дуо қилсинлар»¹.

Бу фармон ўша даврда Ҳиндистонда давлат тили ўрнида ишлатилган форс тилида ёзилган. Унинг аслияти ва ўзбекча таржимасида ҳам бир фазилат алоҳида кўзга ташланади.

Бошқа тождорларнинг фармонларида бахшиш учун нуқул подшони дуо қилиш ва ундан миннатдор бўлиш талаб қилинади. Аммо Бобур Мирзо фармонида «эзгу мақсадларни кўзлаган давлатимизни дуо қилсинлар» дейилади.

Чиндан ҳам, Бобур Мирзо Ҳиндистонда тузган давлат турку тожик, ҳинди ва араб — барча миллатларга бағрикенглик билан муносабатда бўлганлиги ва эзгу мақсадларни кўзлаганлиги учун ҳинд заминига теран илдизлар отиб, уч асрдан ортиқ умр кўрди.



¹ Ўша асар, 468-б.



МУМТОЗ АДАБИЙ ТИЛИМИЗ ЖАҲОН КЕНГЛИКЛАРИДА

Мумтоз ўзбек адабиётида ижодкор яратган ҳар бир асарнинг бадиий тили ва ўзига хос хусусиятлари муаллифнинг ҳасби ҳоли (биографияси) билан боғлиқ эканига катта аҳамият берилган. «Ҳол илми» деган махсус фан соҳаси бўлган. Алишер Навоийнинг биз юқорида кўриб ўтган «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» ва «Ҳолоти Ҳасан Ардашер» асарлари ҳол илмининг юксак бадиийлик билан уйғунликда яратилган мумтоз намуналаридир.

Ҳол илми жаҳон адабиётшунослигида «адабий асарга биографик ёндашув методи» деб аталадиган услубий йўналишга бевосита алоқадордир. Фарб ва Шарқнинг бугунги энг тараққийпарвар адабиётшунослари XIX асрда француз олими Шарль Сент-Бев асос солган «бадиий асарга биографик ёндашув» методига амал қилаётганликларини ўзбек олими А. Расулов тўғри кўрсатиб ўтади. Жумладан, жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари Фанлар академияларига фахрий аъзо бўлиб сайланган озарбайжонлик олим Жавод Ҳайъатнинг «Адабиётшунослик» китобида шундай фикр олға сурилади: «1) Асарни ойдинлаштирмоқ мақсадида санъаткор ҳаёти ва шахсиятини тадқиқ этмоқ; 2) Санъаткор психологияси ва шахсиятини унинг асарлари матнидан келтирилган мисоллар билан ойдинлаштирмоқ».

Шунга яқин фикр Юрий Боревнинг «Талқин ва баҳолаш санъати» китобида янада қисқа ва лўнда ифодаланади: «Санъаткор тақдири — асар маъносини очқувчи калитдир. Чунки ҳар бир асарга уни яратган ёзувчининг шахсияти муҳрланган бўлади»¹.

¹ Юқоридаги ҳар икки иқтибос А. Расуловнинг «Илми ғарибани кўмсаб» рисоласидан олинди. 1998 й., 28–29-бетлар.

Биз бугунги адабиётшунослик фанида алоҳида эътибор қозонаётган мана шу «ҳасби ҳол» ёки «биографик ёндашув» йўналишидан бориб, Алп Эр Тўнғадан Амир Темургача, Аҳмад Яссавийдан Алишер Навоий ва Бобур Мирзогача яшаб ўтган мумтоз ижодкорларимиз асарларини ва сўз санъатларини уларнинг яшаган даврлари ва инсоний тақдирлари (ҳасби ҳоллари) билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил ва талқин қилишга интилдик.

Бундай биографик ёндашув, айниқса, Бобур Мирзонинг ижоди ва сўз санъатини идрок ва талқин этишда жуда қўл келади. Чунки тақдир тақозоси билан Бобур Мирзо улкан ренессанс жараёнларининг оқимида борган, подшоҳ ва саркарда сифатида бутун-бутун мамлакатлар ҳаётида юз берган шиддатли курашлар ва кескин бурилишларни бошдан кечирган ва бунинг ҳаммасини ўз асарларида акс эттирган.

Сарой шоирлари, қанчалик истеъдодли бўлмасинлар, ўз подшоҳларининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиб, ҳаёт ҳақиқатларини кўрсатишда маълум бир чекланишларга йўл қўйганликларини биз Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари мисолида кўрдик. Н.Шомий ва Ш.Яздийларнинг «Зафарнома» каби машҳур китоблари тилида ҳам муболағали мақтовлар ва жимжимали такаллуфларнинг кўп учрашига сабаб — муаллифларнинг ҳукмрон доираларга тобелиги эди.

Бобур Мирзо ўзи подшо бўлгани учун ҳеч кимга тобе эмас эди, ижод жараёнида ўзини бутунлай мустақил ҳис қилар ва эркин қалам тебратарди. Ўша даврнинг кўпгина сарой шоирларида бўлмаган ижод эркинлиги Бобур Мирзода бор эди.

Мана шу омил унинг асарлари, айниқса, «Бобурнома»си бошдан-охиригача ҳаётий ҳақиқатга асосланган чинакам реалистик ижод намуналари бўлишига имкон яратди.

Бу имкониятнинг юзага чиқишида Бобурнинг даҳо даражасидаги истеъдоди ва тил бойликларидан санъаткорона фойдалана олиш маҳорати ҳал қилувчи омиллар қаторига киради. Бобурнинг қанчалик буюк сўз санъаткори эканини фақат биз, унинг асарларини аслиятда ўқийдиганларгина эмас, балки бошқа тилларга қилинган таржималарни ўқийдиганлар ҳам чуқур ҳис қилишларини Уильям Эрскин ёзган қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

«Бобур бирор шахс ҳақида сўз юритадиган бўлса, унинг шакл-шамойили, кийиниши, диди, олатларини шундай ҳаққоний тафсилотлар билан тасвирлаб берадики, биз худди бу одамни

ҳаётда кўргандай, у билан бирга яшагандай бўламиз. Бобур ўз кўзи билан кўрган мамлакатлар манзарасини, иқлимини, ўзига хос ҳаёт тарзини, саноати ва иқтисодини, санъат обидаларини шунчалик аниқ ва тугал тасвирлаб берганки, махсус шу жойларни кезган сайёҳлар ҳам улар ҳақида бунчалик мукаммал тасаввур бера олмасалар керак»¹.

Бобурнинг табиатида сайёҳлик иштиёқи кучли бўлган. Айни вақтда, унинг санъаткорлик кўзи жуда ўткир, диди ниҳоятда баланд, ҳар бир нарсанинг моҳиятига тез етиб бора оладиган олимлик қобилияти ғоят кучли бўлган. Кўрган-билган нарсасини сўз билан суратга олгандай аниқ тасвирлаб бера оладиган адиблик истеъдоди юқоридаги фазилатларнинг ҳаммасини бирлаштириб, қомусий билимларга тўла адабий асарни майдонга келтирган.

Ҳинд олимлари Н. К. Синх ва А. У. Бевериж «Бобурнома» хусусида шундай дейдилар:

«Унинг услуби содда ва жозибали, тили жонли ва ширали. Бобур ўз ватандошлари ва замондошлари ҳаётини, маънавий қиёфасини, урф-одатлари, орзу-истаклари ва қилган ишларини худди кўзгу каби аниқ акс эттиради. Бу жиҳатдан «Бобурнома» бутун Осиёда ҳақиқий тарихий тасвирнинг яккаю ягона намунасидир»².

Инглиз ва ҳинд олимлари «Бобурнома»нинг тили ва тасвир воситалари ҳақида берган бу юксак баҳолар мумтоз адабий тилимизнинг жаҳон миқёсига чиққанини кўрсатувчи ёрқин далиллардир.

Ҳинд олимлари «тарихий тасвир» деганда тарихнинг бадиий тасвирини назарда тутганлари сезилиб турибди. Чунки «Бобурнома» тарихни бадиий тил воситасида жонлантириб кўрсатувчи адабий асардир. Фақат тарихни эмас, Бобурнинг ўзини ҳам шиддатли тарихий жараёнларнинг ичида юрган, Марказий Осиёда, Афғонистон ва Ҳиндистонда қирқ йил давомида юз берган катта ўзгаришларнинг нафақат иштирокчиси, балки кўп ҳолларда сабабчиси ҳам бўлган эпик қаҳрамон сифатида «Бобурнома» кўзгусида аниқ-равшан кўриб турамиз. Бу асарни роман-эпопея деб аташ мумкин. Эпопеянинг бош қаҳрамони эса Бобурнинг ўзидир.

¹ У и л ь я м Э р с к и н. «Бобур Ҳиндистонда». Ўзбекча таржимаси Ғ. Сотимовники. 1995 й., 105-б.

² Н. К. С и н х, А. У. Б е в е р и ж. «Ҳиндистон тарихи» М., 1954 й., 214-б.

Эпопея Бобурнинг ўн икки ёшида Андижонда тахтга чиқиши билан бошланиб, салкам қирқ саккиз ёшида Аграда вафот этиши билан тугалланиши — бу асарнинг чуқур ўйлаб тузилган композицияси борлигидан далолат беради. Бу композиция Бобурнинг тождор бўлган ўттиз олти йиллик ҳаёт йўлини қамраб олади. Шу фактдан келиб чиқиб, «Бобурнома»ни насрий шоҳнома деб аташ ҳам мумкин.

Биз юқорида Бобурнинг подшоҳ бўлганлиги унга маълум маънода ижод эркинлиги берганини, ҳеч кимдан қўрқмай, тап тортмай бор ҳақиқатни ёзишга имкон яратганини айтдик. Шоҳлик тақдири ва тождор сифатида кўрган-кечирганлари шоир ва адиб Бобурга бениҳоя бой, гоёт ёрқин ҳаётий материал беради. Агар Бобур Мирзо кўпчилик тождорларга ўхшаб, фақат ўз роҳатини ўйлаб яшаганда, шароитга мослашиб, мудом оқимга қараб оққанда, Ҳиндистонга бориб улуг давлат ҳам туза олмаган ва «Бобурнома»дай асар ҳам ёза олмаган бўларди.

Лекин у ҳақиқат ва адолат учун курашни ўзига шиор қилиб олди. Бобокалони Амир Темурнинг «Рости-расти» деган эътиқоди унинг ҳам эътиқодига айланди. Аҳмад Яссавий башорат қилган:

Ҳақиқатнинг дарёсидан кечган киши
Хорлик, зорлик, машаққатдир доим иши. —

деган сўзлар Бобур бошидан кечирган кўргуликларда яна бир марта ўз тасдиғини топди. Бобур Мирзо ўз даври ва ўз муҳитидан баланд турган маърифатли сиймо ва ҳақиқат учун курашувчи ботир шахс бўлганлиги учун подшоҳлик унга роҳатдан кўра кўпроқ азобу уқубат келтирди.

Бунини Бобурнинг қуйидаги шеърида кўриш мумкин:

Юз жавру ситам кўрган,
Минг меҳнату ғам кўрган
Осойише кам кўрган
Мендек яна бир борму?!

Олмос қирраларидай нур сочиб турган бу сўзлар Бобурнинг дунёга асрларда бир келадиган ноёб сиймо эканлигидан далолат беради. Чунки у шунча даҳшатларни, шунча кулфату фалокатларни бошдан кечирганига қарамай, ўзидаги энг яхши фазилатларни йўқотмади, унга табиат берган улуг истеъдодни

беҳуда хайф қилмади, балки тенгсиз меҳнатсеварлик ва фидокорлик билан улуғ давлат барпо этди ва ўлмас асарлар ёзиб қолдирди.

Бобур ўзи қилган хатоликларни, қонли урушларни рост-гўйлик билан тасвирлайди. Аччиқ ҳақиқатларни рўйи рост айтишда Бобур ўзини аямагани каби, яқинларини ҳам аямайди.

Ростгўйликка қарши ҳаракатлар бўлишини олдиндан билгани учун яқинлари ва қариндошларидан узр сўраганини юқорида келтирган эдик. Лекин шунга қарамай, «Бобурнома» ҳали кўпчиликка етиб бормаган, қўлёзма ҳолида денгиз тубидаги гавҳардек ҳимоясиз ётган даврларда унга тажовузлар қилинади. Масалан, 1508 йил воқеалари баён этилаётган варақда Бобурга қарши исён кўтарган мўғул беклари ва улар томонига ўтган қариндошлари тўғрисидаги воқеалар битилган жойда қўлёзма бирдан узилиб қолади. «Бир оқшом чорбоғда девонхонада ўлтириб эдимким, Мусо Хўжа яна бир киши билан илдам келиб қулоғимга айтдиким, мўғуллар ёғийлик қилмоқчи бўлдилар. Абдураззоқ Мирзони ўзларига қўшарини таҳқиқ (текшириб) билмадик... Эл ёнғандан (орқага қайтгандан) сўнг мен ва Сарварқул шаҳр сори юридик. Оҳанин дарвозасига етиб эдимким, ул тарафдин бозор йўли била Муҳаммадқули келди, мен ҳаммомнинг тоқининг...»¹

Жумла тамомланмай қолади. «Бобурнома»нинг шундан кейинги ўн-ўн бир йиллик воқеалари бутунлай йўқолади. Бу ҳодиса — қўлёзманинг чала бир жумлада узилиб қолиши Бобурнинг ўзи ҳаётлигида юз берган эмас, деб тахмин қилиш мумкин.

Сўнгги тадқиқотлар бўйича, Бобур ўз «Вақоеъ»сини 1528 йилнинг охирида биринчи марта ёзиб тугатган ва 1529 йилнинг март ойида ундан нусха кўчиртириб, Самарқандга Хўжа Аҳрор авлодидан бўлган Хўжа Калонга ишончли одам орқали бериб юборган².

Бобурдай талабчан адиб ўз асарининг 1508 йил воқеаларини чала жумла билан узук-юлуқ ҳолда Самарқандга жўнатиши мумкин эмас эди.

Афсуски, Самарқандга юборилган нусха ҳанузгача топилган эмас. Бизгача етиб келган нусхаларда эса 1508 йил воқеалари юқорида келтирилгандай чала-ярим аҳволдадир.

¹ «Бобурнома». 1960 й., 281-б.

² И с м о и л Б е к ж о н. «Бобур ва Жола жанги». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2001 й., 16 февраль.

Шу фактдан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, 1508 йил воқеалари давомининг асардан узиб олиб ташланиши Бобур Мирзо вафотидан кейин содир этилган.

Инглиз олими У.Эрскин бошқа тарихий манбаларга асосланиб, «Бобурнома»да узилиб қолган воқеанинг давомини тиклашга муваффақ бўлган.

Бобур аскарлари сафига Хусравшоҳдан келиб қўшилган мўғул беклари Бобур ўрнатган қатъий интизомдан норози бўладилар ва унинг ўрнига амакибаччаси (илгари Кобул ҳокими бўлган Улуғбек Кобулийнинг ўғли) Абдураззоқ Мирзони тахтга чиқариш мақсадида исён кўтарадилар. Юқорида «Бобурнома»дан келтирилгани иқтибосда Абдураззоқ Мирзонинг номи икки марта қаламга олинishi шу боисдандир.

Бобур қалъа ташқарисидаги чорбоғдан Боғи Хилватдаги ҳарамга яқинлашганда исёнчи мўғуллардан қочиб келаётган ўз одамлари унга учраб, хавф-хатардан огоҳ қиладилар. Шундан кейин Бобур зирҳли кийим кийиб, қуролланиб, энг содиқ беку навкарлари билан жанг майдонига чиқади.

Абдураззоқ Мирзо бошчилигида ҳужум қилиб келаётган исёнчи мўғуллар сон жиҳатидан олти баробар кўп эди. Воқеанинг давомини У. Эрскин шундай баён қилади:

«Файрат-шижоатли саркарда, бақувват ва эпчил қиличбоз бўлган Бобур яккама-якка жангда мўғул бекларидан бештасини ер тишлатди. Абдураззоқ асир олинди, Бобур биринчи гал унинг гуноҳини кечирди. Аммо беқарор Абдураззоқ кўп ўтмай яна хиёнат йўлига ўтди ва охири ўлимга маҳкум этилди. Шу тарзда мўғуллар исёни бостирилди»¹.

Абдураззоқ Мирзонинг тарафдорларими ёки Ҳумоюн саройида хизмат қиладиган жоҳил мулозимлардан бирими — кимдир мана шу ҳақиқатнинг ошкор бўлишини истамаган бўлса керакки, қўлёзма худди шу жойидан узиб ташланган. Энг ёмони шуки, ёрқин воқеаларга бой бўлган шундан кейинги ўн бир йиллик тарих баёни ҳам йўқолган.

Бу йиллар давомида Бобур Мирзо Самарқандни учинчи марта эгаллайди, Эрон подшоҳи Исмоил Сафавий билан иттифоқдош бўлади. Аммо шиа-сунъий адоватлари сабаб бўлиб, олти ойдан сўнг яна Самарқандни тарк этади, сўнг ватанидан бугунлай жудо бўлади.

¹ У. Э р с к и н. «Бобур Ҳиндистонда». 1995 й., 53-б.

Бобур Мирзо умрининг охирида ўғли Ҳумоюн номига ёзган махфий васиятномасида айтади: «Аҳли шиа ва аҳли сунни баҳсларида бағри кенг, мурувватли бўл, акс ҳолда шиа-сунна низолари исломнинг заифланишига сабаб бўлиши мумкин. Турли эътиқодли раийятни «аносири-арбаа»¹ — тўрт унсур ўрнида кўриб, уларнинг бирлигини мустаҳкам қилгил. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг корномасини ҳамиша ёдинда тутгин, токи давлатни бошқариш ишларинг ўнгидан келсин».

Бу васиятнома бизгача фақат форс тилида етиб келган. Унинг туркий тилда ёзилганлиги аниқ, чунки «Бобурнома»да Ҳумоюнга отасининг ёзган ҳамма мактублари туркий тилдадир.

Бундан қатъи назар, мактубда Бобур Мирзонинг ўзи умр бўйи амал қилган эътиқодлар ғоят равшан ва аниқ намоён бўлганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

«Ҳазрати Амир Темур Соҳибқироннинг корномасини доим ёдда тутгил», деган жумлада Бобур Мирзо ўз ҳаётида синовдан ўтган улуғ маънавий меросни назарда тутди.

Бу ерда «корнома» сўзининг маъноси теран ва кўпқиррали эканига эътиборни қаратиш лозим.

«Зафарнома», «Бобурнома» деган қўшма сўзларда «нома» сўзи қанчалик кенгқамровли бўлса, «Амир Темур корномаси» деган ибора билан Бобур Мирзо ҳам шунчалик кўп маъноларни назарда тутди.

Аввало, «нома» — қоғозда битилган, ёзилган қадриятдир. «Амир Темурнинг корномаси» деганда биз унинг давлатни бошқаришдаги тажрибаси, авлодларга мерос қолдирган тузуклари, Соҳибқироннинг муҳрига битилган «Рости-расти» деган эътиқоди — ҳаммасини биргаликда кўз олдида келтирамиз. Диний мазҳабларга муносабатда ҳам Амир Темур бағрикенг сиёсат юргизгани, насора динига мансуб бўлган Англия, Франция, Испания қироллари билан дипломатик алоқалар ўрнатгани тарихдан маълумдир.

Бобур Мирзо ўз бобокалонининг мана шу борадаги корномасига ҳам амал қилгани учун шиа-сунна низоларидан юқори туради ва ўғли Ҳумоюнни ҳам шунга даъват этади.

Амир Темур Эроннинг кўзга кўринган маърифатли одамлари билан яхши муносабатда бўлган эди. Бобур Мирзо ҳам Эрон

¹ А н о с и р и - а р б а а — тупроқ, сув, олов ва ҳаво.

тождори шоҳ ва шоир Исмоил Сафавийга ижобий муносабатда бўлади. Машҳур рус тарихчиси М. Карамзиннинг 12 жилдлик «Россия давлати тарихи» китобида алоҳида диққатга сазовор маълумот учрайди:

«Тамерлан авлодларидан бўлган ва Ҳиндистонда улуғ салтанат тузган Бобурхондан Москвага 1530 йилда махсус элчи келганлиги энг ажойиб ҳодисалардандир, — деб ёзади тарихчи. — Бобур отамерос юртидан жудо бўлгандан кейин Ҳиндистонга боради, мардлик ва комронлик билан дунёнинг энг гўзал мамлакати заминида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бобур бир вақтлар Каспий денгизи қирғоқларида бўлганида Россия ҳақида маълумот олади ва ўз элчиси Хозя Уссейн (рус солномачилари Хўжа Хусайннинг номини шу хилда эшитиб ёзиб олганлар — П.Қ.) орқали Москва ҳукмдори Улуғ князга савдо ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатишни таклиф қилди. Улуғ князь Уссейнни яхши қабул қилди, Бобурнинг одамлари Москвага келганидан хурсанд эканини билдирди»¹.

Афсуски, Россия ва Ҳиндистондай буюк давлатлар орасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини бундан салкам беш аср олдин бошлаб берган бу тарихий ҳодиса ҳалигача халқаро миқёсда ўзига муносиб баҳо олгани йўқ. М.В. Карамзиндай улуғ адиб ва тарихчининг махсус эътиборига сазовор бўлган Бобур Мирзо ташаббуси ҳамон ўзининг тадқиқотчиси ва кадршуносини кутиб турибди.

Лекин Бобур Мирзони жаҳон миқёсида тан олишда инглиз олимлари У. Эрскин, А. Беверижларнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. «Бобурнома»нинг аслиятидан инглиз тилига қилинган энг мукаммал таржима А. Бевериж қаламига мансубдир. Бобур Мирзонинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан комил инсон бўлганини У.Эрскин жуда кўп ишонарли далиллар билан кўрсатиб беради:

«Бобур ўткир мерган ва ботир қиличбоз эди... Унинг гавдаси шу даражада бақувват эдики, баъзан ҳар иккала қўлига икки навкарни қисиб олиб, Агра қалъаси девори устида юрарди ва шу аҳволда йўлида учраган тўсиқлардан ўтарди»².

Бу паҳлавонлик Бобур Мирзога бобокалони Амир Темурдан ирсий мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки

¹ В. М. Карамзин. «Россия давлати тарихи». VII жилд. М., 1989 й., 98-б.

² У. Эрскин. «Бобур Ҳиндистонда». 1995 й., 107-б.

ёшлигида Ҳиндикуш тоғининг Кутали Заррин деган хатарли довонидан қиш кунида бир ҳафта тинимсиз қор тепиб йўл очган пайтларида кўпчилик беку навкарлар ҳолдан тойганда ҳам Бобур Мирзо чарчамас экан.

Бобур Мирзонинг ёши қирқ бешларга борганда ҳам ғоят кучли ва чаққон бўлганини Ганга дарёси бўйида юз берган қуйидаги лавҳада кўрамиз:

«Отлиқ сайр қилурда ғофил борилғон (хатари сезилмаган) жарнинг усти била ўтдум. От дарз қилғон жарнинг устига чиққач, жар учди. Мен филҳол секраб, ўзимни ёқаға солдим. От ҳам учмади. Агар мен отнинг устида бўлсам эдим, ғолиб бу эдиким, от била-ўқ учгай эдим. Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб ўттим. Бир қўлни санадим, ўттиз уч қўл била ўтдим, яна тинмай узуб, бу юзга ҳам ўттим. Бори дарёлардин узуб, кечиб эдим, Ганг дарёси қолиб эди...»¹.

Умрида жуда кўп хатарли онларни бошдан кечирган Бобур Мирзо Ганга бўйида отаси Умаршайх Мирзога ўхшаб жардан дарёга қулаб тушиши мумкин бўлган ҳодисани кундалик жўн бир ҳолатга ўхшатиб ҳикоя қилади. Жангларда отга ўқ тегиб йиқилган пайтлари кўп бўлади. Бундай пайтда йиқилган отнинг тагида қолиб майиб бўлмаслик учун яхши чавандоз от йиқилиб улгурмасдан олдин чаққонлик билан эгардан сакраб тушиб ўзини бир четга қўлади. Мана шундай сакрашларда катта тажриба орттирган Бобур Мирзо жар учган жойдан филҳол (дарҳол) ўзини четга олиб улгургани учун отни ҳам ўлимдан қутқаради, ўзини ҳам.

Бошқа одам бўлса бу ҳодисадан кейин Гангадай чуқур ва маҳобатли дарёдан тезроқ узоқлашган бўларди. Бобур эса соҳилнинг қулай жойига бориб отдан тушади. У йўлида учраган барча дарёлардан узуб (яъни сузуб) ўтган экан, фақат Ганг дарёси қолган экан. Унинг йўлида Сирдарё, Амударё, Кобул дарёси, Синд, Жамна каби ўнлаб дарёлар учрагани тарихдан маълум. Уларнинг ҳаммасидан сузиб ва кечиб ўтган Бобур Мирзо энди Гангадан сузиб ўтади. Бугунги сузувчилар «қулоч отиб суздим» деган иборани Бобур Мирзо жўнгина қилиб «қўл солдим» дейди. «Ўттиз уч қўл била ўттим» деган сўзларни «ўттиз уч марта қулоч отиб ўтдим» деб тушуниш мумкин. Яна тинмай, яъни дам олмай, Ганганинг бу қирғоғига ҳам сузиб ўтади.

¹ «Бобурнома». 1960 й., 434-б.

Паҳлавонлик бундан ортиқ бўлмас! Унинг руҳидаги қудрат, қалбидаги куч, истеъдодига хос даҳо жисмидаги паҳлавонликка нисбатан неча карра зўр бўлганини ёзган асарларига ва умр бўйи кўрсатган маънавий жасоратларига қараб тасаввур этиш мумкин.

* * *

Бобур Мирзонинг мана шу маънавий жасоратларидан бири — 1504 йилда 22 ёшлик йигит пайтида кашф этган алифбосида — «Хатти Бобурий»да кўзга ташланади. Бу алифбо ҳазрат Навоий шакллантирган мумтоз ўзбек адабий тилининг ривожини янги тараққиёт босқичига кўтариш мақсадидан келиб чиқади. Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асари билан туркий тилнинг имконият ва афзалиятлари араб ва форс тиллариникидан кам эмаслигини исбот қилган ва шунга биноан туркий тилнинг жаҳондаги мавқеини бошқа мумтоз адабий тиллар даражасига кўтаришни мақсад қилиб қўйган эди.

Бу олижаноб мақсадни Навоийдан кейин дилига жо қилган Бобур Мирзо туркий тилнинг бой оҳанг ва товушларини тўлиқ ифода этишга имкон берадиган янги алифбо яратиш зарур, деган фикрга келади. Чунки туркий тилда араб тилига нисбатан унли товушлар кўпроқ. Биздаги «э», «ё» каби товушлар араб тилида йўқ. Шунинг учун «эт» (гўшт) сўзи «ит» деб ёзилади, «кўш» сўзи «куш» деб ёзилади. Ҳолбуки, «эт» билан «ит»нинг орасида ёки «кўш» билан «куш» сўзининг маънолари орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Араб алифбоси она тилимиздаги мана шунга ўхшаш нозик маъноларни фарқлашга имкон бермаслиги асрлар давомида тилимиз тараққиёти йўлидаги ғовлардан бири бўлиб келди.

Араб алифбосида Қуръони Карим ёзилганлиги учун бу алифбони биз ҳам Бобур Мирзо каби муқаддас деб эъзозлаймиз. Аммо ҳар бир алифбо қайси тилда яратилган бўлса ўша тилнинг хусусиятларидан ва имкониятларидан келиб чиқади. Араб алифбоси ҳам араб тили хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу алифбо форс тилининг хусусиятларини тўлиқ акс эттира олмаганлиги учун форсийзабон алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан араб алифбосига бундан минг йил олдин форс тили талабларига жавоб берадиган тўртта янги ҳарф киритилган.

Бобур Мирзо янги алифбо яратишда мана шу тажрибани ҳам ҳисобга олади. Айни вақтда, у туркий халқлар яратган қадимий алифболарни ҳам ўрганиб, уларнинг маъқул жойларини ўз алифбосига киритади. Буни биз унинг машҳур ғазалларидан биридаги якуний байтда кўрамыз:

Турклар хатти насибинг бўлмаса не тонг Бобур,
Бобурий хатти эмасдур, хатти Сигноқий дурур¹.

Сигноқ — Сирдарё бўйидаги қадимий туркий шаҳар. Бу ерга Талас водийси ва қадимги Тороз шаҳри яқин бўлган. Талас дарёси ҳам Сирдарёга шу ерда қуйилади. Бу дарё бўйидан топилган қадимий туркий алифбо намуналари ва шу алифбода тошга ўйиб ёзилган битикларнинг бешта намунаси С. Е. Маловнинг китобида келтирилган².

Бобур Мирзо қадимги уйғур ёзуvidан ҳам хабардор бўлган, чунки бу ёзув ҳам туркий алифбода битилган. Шунинг ҳаммаси Бобур Мирзо талқинида умумлашган ҳолда «Хатти Сигноқий» деб аталган бўлиши керак.

«Хатти Бобурий»ни ўрганиш борасида тилшунос олимларимиз ҳали теран тадқиқотлар яратганлари йўқ. Тилшунос тадқиқотчилар «Хатти Сигноқий» деб аталган қадимий туркий алифбо ҳарфлари билан қиёслаб, ўхшаш жойлари ва фарқларини илмий жиҳатдан асослаш ишига киришишлари тақозо этилади.

Ҳозирча фақат тарихчи олима Сабоҳат Азимжонованинг «Хатти Бобурий» ҳақида Деҳлида бўлган халқаро конференцияда қилган маърузаси бу борадаги дастлабки дадил қадам бўлиб турибди. Олима бу маърузанинг қисқача мазмунини Бобурнинг ҳинд девонига ёзган кириш сўзида шундай баён қилади:

«Хатти Бобурий» 28 та араб алифбосига асосланган янги алифбодир. Бобур ўз алифбосини араб алифбосидаги зеру забарлардан холи қилди, айнаи вақтда, араб алифбосига кейинчалик киритилган тўртта форсча ҳарфларни ундан чиқариб ташлади»³.

¹ Б о б у р. Танланган асарлар. 1958 й., 112-б.

² С. В. М а л о в. Қадимий туркий ёзувлар обидалари. М., 1959 й., 58–62-бетлар.

³ С. А з и м ж о н о в а. «Бобурнинг ҳинд девони». 1966 й., 31-б.

Тилшунос олима И. В. Стеблева бу фикрни давом эттириб ёзади:

«Бобурнома»да «Хатти Бобурий» қаламга олинган жойда унинг қайси мақсадда кашф этилгани ёзилмаган бўлса ҳам, тахмин қилиш мумкинки, Бобур араб алифбосининг туркий тил талабларига жавоб бермайдиган ўринлари борлигини англаган. Бобурнинг араб алифбоси ўрнига ўз халқининг маданий тараққиётига мос келадиган янги алифбо яратишга интилиши унинг юксак филологик маърифатидан ва илм соҳасидаги жасоратидан далолат беради»¹.

Бобур давридаги мутаассиб кучлар «Хатти Бобурий»ни «Қуръони Карим» алифбосига қарши қўйган бўлсалар керак. Бу қаршилиқни енгиб ўтиш учун Бобур Мирзо моҳир хаттотларга «Қуръон»ни «Хатти Бобурий»да чиройли қилиб кўчиртириб, бир нусхасини Маккайи Мукаррамага жўнатади. Аммо «Хатти Бобурий»ни давлат миқёсида жорий этишга Маккадан рухсат келмайди. Фақат Бобурнинг ўзи, ўғиллари ва яқин одамлари «Хатти Бобурий»дан ўзаро ёзишмаларда фойдаланиш билан чекланадилар.

Бу улкан муаммони тарихимизда биринчи бўлиб Бобур Мирзо беш аср муқаддам кўтариб чиққанлиги унинг ўз давридан нечоғлиқ олдинга кетган жасур сиймо бўлганини кўрсатади.

* * *

Бобур Мирзо умрининг ярмидан кўпини ватанидан йироқларда, — Афғонистон ва Ҳиндистонда ўтказган бўлса ҳам, туғилган юртига муҳаббат ва она тилига садоқат унинг бутун ҳаёти ва фаолиятида марказий ўрин эгаллайди. Унда ватан соғинчи қанчалик кучли бўлгани юртидан олиб борилган хушбўй қовунни Ҳиндистонда ҳидлаб кўриб, кўзидан ёш чиқиб кетгандаги кичик лавҳада яққол намоён бўлади. Ватан соғинчи ҳақида унинг қаламига мансуб машҳур фард ҳам бор:

Қовун бирлан узумнинг ҳажрида кўнглимда ғам ҳар сў
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдан оқар ҳар дам сув².

¹ И. В. С т е б л е в а. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шоир, адиб, олим. Т., 1983 й., 26-б.

² Б о б у р. Танланган асарлар. 1958 й., 173-б.

«Ҳар сў» деган ибора «ҳар томон», «ҳар тараф» деган маънони билдиради.

«Қовун билан узумнинг ҳажри» деган иборада озгина табассум ҳам бор. «Оқар сувнинг фироқи» ҳам ҳазил-мutoйибага мойил ибора. Бу фироқ ва ҳижронлар, аслида, ватан фироқи ва она юрт ҳижрони бўлганлиги учун инoир бу фардни кўзда ёш билан айтади.

Ўйлаймизки, Бобур Мирзонинг Ҳиндистонда яшаб, мумтоз ўзбек адабий тилида шунча гўзал асарлар ёзганининг сабабларидан бири — унда ватан туйғуси ва ватан соғинчи беҳад кучли бўлганлигидир. Андижоннинг қирғовуллари, нашпотиси, кўрғонга оқиб кирадиган тўққиз тарнов суви, Марғилоннинг катта дoна анори, субҳоний ўриги, Ахсининг оқ кийиги, буғумарали, Самарқанднинг «оламда энг яхши» қоғози ва бошқа юзлаб ажойиботлари «Бобурнома»да гўзал ўзбек сўзлари билан битилар экан, бу сўзлар узoқда қолган ватан тимсоли сифатида Бобур Мирзонинг соғинч туйғусини бир қадар қондирган бўлса керак. Чунки болаликдан қалбга кирган ва хотирага жойлашган она тилида ватан образи бўлади. Ана шу образ тил орқали дилга йўл топади. Бобур Мирзо ватан тасвирларини яратаётганда шу тасвирларни юракдан ҳис қилиб, қалб кўзи билан кўради, шу тарзда ҳаёлан ватанига қайтгандай бўлади ва соғинч туйғусини шу тарзда қондиришга интилади. Бу ҳол уни кўпроқ она тилида ижод қилишга рағбатлантиради.

* * *

Бобур Мирзонинг катта илмий аҳамиятга эга бўлган «Мухтасар» асари ҳам бизга фақат аруз вазнлари ҳақида тушунча бериш учунгина эмас, балки уларни амалда татбиқ этишга имкон берадиган тасаввур ҳосил қилиш учун ёзилгандир. Маълумки, соф илмий асарлар маълум бир нарса ҳақида далилу исботлар ёрдамида аниқ тушунча беради. Адабий асар эса фақат тушунча бериш билан чекланмайди, балки далилу исботларни бадиий тасвирлар ёрдамида кучайтириб, маълум нарса ҳақида аниқ тасаввур беради.

Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асари мумтоз ўзбек адабиёти тарихида аруз илми ҳақида умумий тушунчадан ташқари, аниқ тасаввур ҳам берган биринчи илмий адабий асар эди. Орадан 40—50 йил ўтгандан кейин Бобур Мирзо Алишер Навоий бошлаган бу ишни янада кенг кўламда давом эттиради.

Бобур ўз асарини камтарлик билан «Мухтасар» деб атайди. Аслида бу асарни нашрга тайёрлаган олимимиз Саидбек Ҳасанов тўғри қайд этганидек, «Мухтасар» асари йирик анталогиядир. Унда Рудакий, Фирдавсий асарларидан тортиб XVI асрда яшаган Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий асарларигача олтмишдан ортиқ машҳур шоирларнинг энг яхши шеърларидан намуналар келтирилади»¹.

Бобур Мирзо «Мухтасар»ни умрининг охириги даврида ўғиллари Ҳумоюн ва Комронлар шеър ёза бошлаган пайтларда аруз бўйича қўлланма тарзида ёзади. Шунинг учун «Мухтасар»нинг бир неча муҳим жойларида иккинчи шахсга (ўғилларига деб тахмин қилиш мумкин) мурожаат қилиб ёзади:

«Билгилким, усулнинг такроридин, ёки баъзининг баъзи била таркибидин баҳр ҳосил бўлур. Бу баҳрларким, мустаъмал (истеъмолда бўлган) ва машҳурдир, ўн тўққиздир. 1. Мутақориб. 2. Мутадорик. 3. Ҳажаз. 4. Ражаз. 5. Рамал. 6. Вофир. 7. Комил. 8. Тавил. 9. Мадид. 10. Басир. 11. Мунсорик. 12. Музорий. 13. Муқтазаб. 14. Мужтасс. 15. Сарий. 16. Жадид. 17. Қариб. 18. Ҳафиф. 19. Мушоқил. Яна икки баҳрким Арид била Амикдур, тавил доирасидин ҳосил бўлар, ғайри машҳурдир»².

Бобур Мирзо бу йигирма бир баҳр устида батафсил тўхталиб, беш юз ўттиз уч вазни тавсифлаб беради. Бу жиҳатдан «Мухтасар» мумтоз адабиётимизнинг аруз вазни бўйича яратилган қомусий асари саналади.

Бу китобда фойдаланилган аруз вазнига оид юзлаб атамалар мумтоз ўзбек адабиёти хазинасига қўшилган бебаҳо илмий бойлиқдир. Албатта, бу атамаларнинг кўпчилиги араб тилидадир. Чунки араб тили минг йиллар давомида илм-фан тили бўлиб келган.

Бобур Мирзо адабий тилимизга арабча янги илмий атамаларни олиб кириш билан бирга, туркий тилнинг ривожига хизмат қиладиган кўплаб гўзал шеърый асарлардан ҳам мисоллар келтиради. Масалан, мунсариҳ баҳрининг олтинчи вазнига Султон Ҳусайн Бойқаро замонида машҳур бўлган туркий ёр-ёрлардан шундай мисол келтиради:

¹ С. Ҳасанов. «Бобурнинг «Мухтасар» асари ҳақида». Кириш сўз. 1971 й., 12-б.

² Ўша асар, 24-б.

Мунча жафо жонима чоғламадим
Душман эмиш дўстлар, англамадим.

Ёки ўша баҳрнинг еттинчи вазнига мисол:

Ҳажр мени қилди зор
Кел берига, эй нигор¹.

Мухтараъи маъбу вазнида:

Очилди гул субҳидам кула-кула
Оёқчи тут жоми май тўла-тўла.

Ўша давр халқ қўшиқларининг аруз вазни билан бунчалик уйғун келгани Бобур Мирзонинг эъзозига сазовор бўлгани каби, бугунги адабиётшуносларни ҳам ҳайратга солади.

Ҳатто форс тилидаги «соқий» сўзи ҳам она тилимизда мавжуд бўлган чиройли «оёқчи» сўзи билан ифодалангани ажойибдир. Гулнинг очилгани «кула-кула» сўзлари билан тасвир этилгани, яна бу сўзлар «жоми май тўла-тўла» деган ибора билан қофиялангани оғзаки халқ ижоди мумтоз адабий тилимиз ривожига қанчалик гўзал ҳиссалар қўшганини кўрсатади.

«Мухтасар» асари «Мубаййин» билан кетма-кет ёзилгани ҳақида Бобур Мирзонинг ўзи шундай гувоҳлик беради:

«Тарих тўққиз юз йигирма секкизда (1521–1522) мен лағи имом Ҳанифа мазҳабида тенгри тавфиқи била бир фикхе назм қилдим, «Мубаййин»га мавсум».

Бу асарни ёзишдан мақсад, фарзандларга дин ва шариат қонун-қоидаларига асосланган ҳуқуқ илми — фикҳ тўғрисида туркий тилда осон тушуниладиган тарзда тасаввур бериш эди. Чунки араб ва форс тилида ёзилган фикҳ китобларини тушуниш анча қийин бўлганини Бобур Мирзо ёшликда ўз бошидан кечирган эди.

¹ Ўша асар, 172–173-бетлар.

Фикҳни:

Назм тартибида сифинтурсам
То они забт қилғасен осон.

деган сатрлардан сўнг, Бобур Мирзо ўғилларининг номларини ҳам шеърга солиб ёзади:

Бебақо дунё иши саҳлдур
Дил ишин қилғай улки аҳлдур.
Дину донишда ҳар кун афзун бўл
Давлату бахт ила Ҳумоюн бўл.
Комрон бўл жаҳонда, давлат кўр
Юз туман обрўйу иззат кўр¹.

«Дил ишин қилиш» — самимий бўлиш, соҳибдил инсон бўлиб фаолият кўрсатиш деган маънони билдиради. Бобур Мирзо чинакам соҳибдил ва ғамхўр ота бўлганлиги учун ўғиллари билан аҳил ҳаёт кечиради. Уларга давлату бахт, комронлик ва обрўйу иззат тилаб дуолар айтади. Мусулмонлик қонунларига қандай риоя қилишни, шариат қонунларини ҳаётга қандай татбиқ этишни, қанча даромаддан қандай солиқ олишни, олиқ-солиқларнинг қандай турлари борлигини ёрқин шеърӣ сатрлар ёрдамида ўқувчининг қалбига қуйиб қўйгандай қилиб етказиб беради.

«Мубаййин» ва «Мухтасар»да Бобур Мирзо фақат ўғилларига эмас, бу ажойиб илмӣ-адабий асарларни ўқийдиган барча авлодларга, шу жумладан, бизга ҳам мурожаат қилгандай бўлади.

Чиндан ҳам, бу асарлар Бобур Мирзо авлодларининг чинакам маърифатли сиймолар бўлиб етишиши учун бош омил бўлиб хизмат қилди. Юқорида Комрон Мирзонинг туркий тилда ёзган ажойиб шеърларидан мисоллар келтирган эдик. Ҳумоюн Мирзо кўпроқ форсий тилда шеърлар ёзган, лекин туркий тилни ҳам жуда яхши билган. Бунинг бир исботини «Музаккири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») деб аталган тўпламдан топиш мумкин. Бу тўпламда Ҳумоюннинг қуйидаги туркий байти келтирилган:

¹ «Бобурнома», 1960 й., 68-б.

Менки булбулдек гуледан куймишим оҳанг ила
Ўт солубдур жонима рухсорас гулранг ила¹.

Бу ерда она тилимизнинг нафосатга тўла маънолари анъанавий гул ва булбул образларига янгича ранг ва талқин беради. Булбулнинг гул ишқида куйишидан муҳаббат оҳанги пайдо бўлади. Гул эса ўз рангидаги оловга айланиб ошиқ жонига ўт солади.

Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»си, Жаҳонгиршоҳнинг «Тузуки Жаҳонгирий» китоби, Зебуннисо бегимнинг оловли шеърлари, XIX асрнинг ўрталаригача буюк Бобурийлар сулоласининг оламшумул анъанасини давом эттирган шоҳ ва шоир Баҳодиршоҳ II Зафарнинг шеърляти форс тилида ёзилган бўлса ҳам, биз уларни миллий руҳ, маъно ва мазмун жиҳатидан мумтоз ўзбек адабиётининг ажралмас қисми деб биламиз.

Уйғониш даврининг буюк рассоми италиялик Рафаэль (1483–1520) ва улуг француз реалист ёзувчиси Франсуа Рабле (1494–1553) Бобур Мирзо билан бир даврда яшаганликлари теран рамзий маънога эгадир.

Бобур Мирзо Шарқдаги Уйғониш даврининг буюк вакили сифатида Рафаэль ва Раблеларни билмаган ҳолда худди улар каби инсон зотини улуглайдиган реалистик адабий асарлар яратди. Бу ҳодиса Ренессанс деб аталадиган маданий юксалиш жараёнлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам умумий қонуният асосида — инсон зотининг энг етук вакиллари образини ҳаққоний тасвирлаш орқали ривож топганини кўрсатади.

* * *

Бобур Мирзо Турон, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларини қамраб олган улкан минтақаларда ўзига хос янги реалистик адабий мактаб яратди. Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»сидан ташқари, Хумоюн Мирзонинг яқин маҳрами — сарой мулозими бўлган Жавҳар Офтобачининг форс тилидаги мемуар асари ҳам «Бобурнома» руҳида ёзилган реалистик воқеий асардир. Ўтган асрдаёқ инглиз тилига

¹ Ҳ у с а н х ў ж а Н и с о р и й. «Музаққири аҳбоб». 1993 й., 57-б.

таржима қилинган Жавҳар Офтобачи асари, афсуски, ҳали ўзбек тилига таржима этилган эмас.

Бобур яратган реалистик наср мактабининг энг машҳур вакилларида бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдардир. Бобур Мирзонинг кичик замондоши ва холаваччаси бўлган Муҳаммад Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн Дуғлат Шайбонийхон томонидан 1509 йилда ўлдирилганда унинг ўғли Муҳаммад Ҳайдар тўққиз ёшда эди. Шафқатсиз хон Бухорода яшаётган шу тўққиз ёшлик болани ҳам ўлдириш ҳақида фармон чиқаради. Лекин яхши одамлар Муҳаммад Ҳайдарни Бухородан яшириқча олиб чиқиб кетадилар ва минг хавфу хатарларни енгиб ўтиб, Кобулга, Бобур Мирзо ҳузурига олиб келадилар.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» китобида бу воқеаларни бутун тафсилотлари билан ҳаққоний ҳикоя қилади. Бобур Мирзо бу жабрдийда етим болани ўзининг шаҳзода ўғиллари даражасида эъзозлаб тарбиялайди. Бу ҳақда Ҳайдар Мирзо қуйидагиларни ёзади:

«Бобуршоҳ ҳузурида гадоликдан шоҳона ҳаётга кириб қолгандай бўлдим. Гидамлар тўшалган алоҳида уй бутун жиҳозлари, хизматкорлари, барча зарур егулик ва кийим-кечаклари билан менинг ихтиёримга берилди. Худди отамдай ғамхўрлик қилиб мени билим олишга чорлади, илму ҳунарда бирон ютуққа эришсам, бошқаларга бунини ибрат қилиб кўрсатар ва рағбатларга кўмиб ташлар эди»¹.

Мирзо Ҳайдар тўрт йил Бобур Мирзо ҳузурида тарбия топиб улғаяди ва бунини қайта-қайта миннатдор бўлиб эслайди. Лекин у ўзининг дуғлат уруғлари таклифи билан Бобур ҳузуридан кетиб, Қашқар хони Саидхон саройига боради. Бобур Мирзо унинг кетишига ижозат берган бўлса ҳам, лекин бу ҳодисадан хиёл ранжигани форс тилида келтирилган қуйидаги байтдан сезилади:

Боз гардад ҳама чиз ба асли худ
Зарри софию, нуқраву арзиз².

Таржимаси: «Ҳамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ кумуш ва хоҳ қўрғошин бари бир ўз аслига қайтади».

¹ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий». Русча нашри. Тошкент, 1966 й., 307-б.

² «Бобурнома», 1960 й., 68-б.

Ҳар бир одамнинг фазилат ва нуқсонларига ҳолисона баҳо берадиган Бобур Мирзо юқоридаги байтдан сўнг Ҳайдар Мирзо ҳақида қуйидаги илиқ сўзларни ҳам ёзади:

«Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва заҳгир (камоннинг ипини тортиш) ҳар нимага илиги часпондир (қўли яхши келишади). Табъи назми ҳам бордир. Манга арзадошти (арз мактуби) ҳам келган эди, иншоси ҳам ёмон эмас»¹.

Бобур Мирзонинг Ҳайдар Мирзо ва унинг қобилиятлари ҳақида ёзганлари башорат бўлиб чиқади. «Тарихи Рашидий» асари ўша давр ҳақида бошқа тарихий манбаларда битилмаган жуда муҳим ҳодисалар тўғрисида ҳаққоний тасаввур бергани учун жаҳон миқёсида тан олинади.

Ҳайдар Мирзо, юқорида ўзи айтганидек, Бобур Мирзонинг реалистик адабий мактабида тарбияланиб камолга етди. У фақат бир муҳим жиҳатдан Бобур Мирзо анъанасига амал қилмади — «Тарихи Рашидий» асарини она тилида эмас, форс тилида ёзди. Ҳолбуки, Ҳайдар Мирзо туркий тилни ҳам жуда яхши билар эди. Бунинг далили сифатида унинг туркий тилда ёзган «Жаҳоннома» асаридан битта рубоий келтириш мумкин. Бу рубоий Ҳайдар Мирзонинг яхшиликларини унутган ва дўстлик ўрнига душманлик қилган тоға авлоди Абдурашидхонга қарата киноя тарзида ёзилгандир:

Шарту аҳду вафо-у меҳрингни
Барчасини ажаб адам қилдинг².
Мазҳабингда жафо қарам эрмиш
Боракалло, ажаб қарам қилдинг³.

Ушбу китобни нашрга тайёрлаган Фулом Каримов «Тарихи Рашидий» китобининг қўлёзма нусхасидан Мирзо Ҳайдарнинг ўз рубоийсига берган қуйидаги изоҳини ҳам туркий тилда келтиради:

«Бу рубоийдан мақсад кийна ва жафокорликдин шикоят эрмас, балки сўзнинг зийнати учундир. Агар жафокорликдин шикоят қилсам эдим, анга неча мусаввада (қоралама варақлар)

¹ Ўша асар, 68-б.

² А д а м қ и л и ш — йўқ қилиш демакдир.

³ М и р з о Ҳ а й д а р. «Жаҳоннома». 1999 й., 20-б.

лозим бўлур эди. Ани қалам билан шарҳ қилғоли имкон бўлмағай»¹.

Бу рубоий ва унга берилган шарҳ Мирзо Ҳайдарнинг туркий тил зийнати яхши билишидан далолат беради. Бобур Мирзо даргоҳидан кўра Қашқардаги хон тоғалари даргоҳини афзал кўриб кетган Ҳайдар Мирзо охири тоғасининг ўғли Абдурашидхон билан орани узиб, Аграга боради. Бу орада Бобур Мирзо оламдан ўтган эди. Ҳайдар Мирзо 1540 йилда Аграга Ҳумоюн ҳузурига келади. Ҳумоюн уни яхши кутиб олади ва ҳали тўлиқ бўйсундирилмаган Кашмирга ҳоким қилиб жўнатади. Мирзо Ҳайдар 1541 йили Кашмирни тўлиқ фатҳ этади ва ўн йил давомида бу вилоятни Бобурийлар номидан идора этади, аммо 1551 йилда жангари тоғликлар билан уруш пайтида ҳалок бўлади.

Ҳаёти ва ижоди Бобур Мирзо билан боғлиқ бўлган яна бир машҳур ижодкор – туркман шоири Байрамхондир.

Байрамхон асли туркманларнинг баҳорлу қабиласидан бўлади. Унинг отаси Сайфалибек Бобурнинг ишонган амирларидан эди. Бобур уни Ғазни вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган эди. Байрамхоннинг онаси Негина бону Ҳумоюннинг онаси Моҳим бегимнинг суҳбатдош-надималаридан бўлади. Шу сабабларга кўра Байрамхон ёшлик пайтидан Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн билан бирга ўсади, кейин унинг ишонган вазирига айланади. Ҳумоюннинг вафотидан кейин Байрамхон ёш Акбарнинг оталиғи сифатида тожсиз подшо даражасига кўтарилади.

Бироқ Акбар вояга етганда мураккаб сарой муҳити таъсирида Байрамхон билан Акбар орасида низо пайдо бўлади. Бу низо қуроли тўқнашувга айланади. Байрамхон енгилиб, ҳокимиятдан четлатилади.

Унинг ғазал ва рубоийларида мана шу ҳаётӣй ҳодисалар ўзининг ҳаққонӣй аксини топади:

Аввал мени хизматингга маҳрам қилдинг
Базминг ора ҳамзабону ҳамдам қилдинг,
Охир яна илтифотни кам қилдинг
Расвойи тамоми аҳли олам қилдинг.

¹ Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 1430 рақамли қўлёзма, 309-б.

Бу рубоий Акбаршоҳнинг Байрамхонга муносабати ўзгарган кезларда ёзилган. Сарой иғвогарлари муҳотида шоирнинг нақадар камситилгани ва мушкул аҳволда қолганини реалистик тарзда очиб беради.

Байрамхон табиатан ботир ва курашчан инсон эди. Бу камситишларга қарши исён қилиб, яна қуйидаги рубоийни ёзади:

Байрамга бaсe ғaриблик кoр этди,
Ғурибaт oни хoру зoр бeмoр этди.
Ё рaбки бaлoлaргa гирифтoр ўлсун
Ҳaр кимки oни ғaмгa гирифтoр этди¹.

Бу исёнкорона сатрлар Байрамхон билан сарой аҳли орасидаги низони кескинлаштиради. Охири Байрамхон Аградан ҳаж сафарига жўнайди. Ҳаж йўлида уни афгонларнинг Лоҳани қабиласига мансуб қасоскорлари ўраб олади. Бир вақтлар шу қабилa бошлиғи Музаффар Лоҳани жанг пайтида Байрамхоннинг буйруғи билан қатл этилган экан. Энди шунинг қасдига улар ҳаж кийимидаги қуролсиз Байрамхонни ўлдирадилар.

Байрамхонни туркман эли ўзининг баркамол шоири деб эъзозлайди, унинг асарлари туркман тилида Ашхободда 1970 йили нашр этилган. Айни вақтда, Байрамхон ўзбек мумтоз адабиётининг истеъдодли вакили сифатида ҳам эъзозланади.

Юқорида биз келтирган рубоийларни туркман тилига мослаштириш учун бир қадар жузъий ўзгартиришлар қилинган ва изоҳлар берилган. Масалан:

«Байрамга бaсe ғaриблик кoр этти»

деган сатр туркманчада:

«Байрамга бeс ғaриблик кaр этди»

деб берилган. Асли форсча бўлган «басе» сўзи «жуда», «ғоят» деган маъноларни билдиради. Аммо туркманча нашрида бу сўз «бес» деб ўзгартирилгани маъно ўзгаришига сабаб бўлади.

¹ Б а й р а м х о н. «Асрлар нидоси» китобида. Т., 1982 й., 81–82-бетлар.

Айни вақтда, бу сўз бир бўғинга қисқаргани туфайли аруз вазнига тушмай сакталик беради. «Ҳар кимки они ғамларга гирифтор этди» деган тўртинчи сатр ҳам туркманча нашрида аруз вазни қондасининг бузилишига сабаб бўлган, чунки «ҳар кимки они» ибораси «ҳар ким ани» деб бир бўғин қисқартириб чоп этилган.

Байрамхон ёшликдан Алишер Навоий ва Бобур Мирзо шеърятидан баҳраманд бўлиб ўсган. Унинг ижоди шу улуг сиймолар ва уларнинг аруз вазнига бағишланган китоблари таъсирида камол топган. Байрамхон аруз қоидаларига қатъий риоя қилгани ва бу борада гоҳ Навоий, гоҳ Бобур, гоҳ Лутфий анъаналарига амал қилганини муайян мисолларда кўриш мумкин.

Навоийнинг «Баёни воқеъ» деган ғазалида шундай сатрлар бор:

Бор эди ул ҳамки бир чоғ бизга ёре эрди
Мен агар маҳрум эдим, маҳрам ҳам эмас эрди ул.

Байрамхон ўз ғазалида «маҳрум ва маҳрам» сўзларидан Навоий анъанаси руҳида фойдаланади:

Мен эдим маҳраму, ағёр маҳрум эрдилар, жоно,
Бўлуб ағёр маҳрам, мен не деб маҳрум бўлғаймен¹.

Лутфийнинг машҳур қўшиққа айланган:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма

деб бошладиган ғазалига Байрамхон томонидан назирага ўхшаш ғазал ёзилган:

Йўқ сенча киши севгулук эл ичраки, йўқтур
Сендек севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Эй беҳабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Куйди жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма².

¹ Б а й р а м х о н. «Асрлар нидоси» китобида. 75-б.

² Ўша китоб, 66-б.

Рубоий жанрида Байрамхон Бобур анъаналарига амал қилгани қуйидаги мисолда кўзга ташланади.

Бобур:

Бесабрмену бесору сомондурмен
Бир ғам ғамзадурмену паришондурмен.
Не диннинг ишин қилдиму не дунёнинг
Ёраб, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен¹.

Байрамхон:

Не дин ғамидин даме паришондурман,
Не куфр ҳужумидин харосондурмен
Бутхонау масжид манго яксон кўринур
Гўёки не кофир, не мусулмондурмен².

Ҳар икки рубоий бир хил аруз вазнида ёзилган. Қофияларда ҳамоҳанглик бор. Маънода ҳам яқинлик сезилиб туради. Ҳар икки шоир диний ва дунёвий ишлар орасида тўғри йўл излаб тополмай паришонлик сезадилар. Аммо уларнинг ҳар бирида ўзига хос ирода ва бетакрор руҳ бор. Бобур Мирзо ўзининг бесабрлигидан, ғамзадалигидан паришон ва ҳайрон. Байрамхон эса дин ғамидин паришон ҳам эмас, кофирлик ҳужумидан қўрқмайди (харосонлик – қўрқув демакдир). Унга мачит ҳам бутхона ҳам ибодатгоҳ бўлиб кўринади, шунинг учун у мусулмон ҳам, кофир ҳам эмас, балки барча динларни тенг кўрувчи инсондир.

Худди шундай фикр Бобур Мирзонинг ўлиmidан олдин ўғли Ҳумоюнга ёзган махфий васиятномасида ёзилган эди. Ҳумоюннинг энг ишонган вазири бўлган Байрамхон бу васиятномадан хабардор бўлган ва уни амалга оширишда Ҳумоюнга яқиндан ёрдам берганлиги тарихий манбаларда кўрсатилган.

Юқорида эслатиб ўтилган бу васиятномада Бобур Мирзо ўзидан кейинги авлодни турли динлар ва мазҳабларга бағрикенглик билан муносабатда бўлишга даъват этади. «Эй, фарзанд, — дейди Бобур Мирзо, — Ҳиндистон мамлакатида

¹ Б о б у р. «Танланган асарлар». 1958 й., 150-б.

² Б а й р а м х о н. «Асарлар нидоси» китобида. 81-б.

турли дин ва аҳли мазҳаб бор, сен мазҳаб мутаассиблигини дилингдан қувиб чиқар. Ҳар бир қавм ва халқнинг зиёратгоҳ ва саждагоҳларини асло буздирма. Айниқса, сигирни сўйдиришдан ўзингни тий, Ҳиндистон халқи қалбини забт этадиган сиёсат юргиз. Исломни ёйиш зулм тифи билан бўлгандан кўра хайру мурувват билан бўлгани афзалдир. Турли эътиқодли раийятни тўрт унсур ҳукми остида мустаҳкам қилғил»¹.

Бобур Мирзонинг вафотидан кейин Ҳумоюн подшо отасининг бу васиятларига астойдил амал қилади. Байрамхон Имомия (шиа) мазҳабига эътиқод қилар эди. Ҳумоюн шиасунна низоларидан баланд туриб, Байрамхонни ўз саройининг соҳибхитёр бош вазири қилиб тайинлади.

Тарихчи Хондамир Ҳумоюн Мирзонинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири эди. Хондамир у билан бамаслаҳат «Қонуни Ҳумоюнӣ» китобини ёзди. Бу китобда Бобур Мирзонинг турли дин ва мазҳабдаги аҳолини табиатдаги тўрт унсур каби ичдан бирлаштириш ғояси маълум маънода амалга оширилади.

«Қонуни Ҳумоюнӣ»да Амир Темурнинг давлатни бошқаришдаги тажрибаси ҳам ҳисобга олинади. Осмоннинг ўн икки буржидаги собита юлдузлар Ҳамал, Савр, Жавзо... — табиий бир уйғунлик тимсоли бўлгани учун, Амир Темур ўн икки рақамида илоҳий бир ҳикмат бор, деб ҳисоблаган. Ўз давлатини ўн икки тамойил асосида бошқарган. Қўл остидаги одамларни ҳам ўн икки тоифага бўлиб идора этган. Бутун мавжудот анасири арбаа — чор унсурдан таркиб топган. Амир Темур давлатида ҳам барча ишни тўртта асосий вазир бошқарган.

«Қонуни Ҳумоюнӣ»да Ҳумоюн Бобур Мирзонинг васиятига амал қилиб, бобокалони Амир Темурнинг мана шу корномасини янги бир тарихий шароитга ижодий татбиқ этишга интилади. Турли диний эътиқодларга амал қиладиган аҳолини ўн икки тоифага бўлиб идора этиш қийин бўлгани учун, ҳар уч тоифани бир вазирликка бирлаштиради. Биринчи вазирликни «саркори оташ» бошқаради. Бу вазирликка барча тўпу замбараклар, қурол-яроғлар ва сипоҳилар қарайди. «Саркори хоки» деган вазирга деҳқончилик ишлари, қурилиш, иморатсозлик каби соҳалар бўйсунди. «Саркори

¹ Бобур Мирзонинг ушбу васиятномаси матни Алишер Навоий номидаги Давлат музейида «Бобурнома»нинг янги нашри учун тайёрланган қўлёзмадан олинди. 555-б.

оби» — сув билан боғлиқ ишларга, шарбатчиларга бошлиқ бўлади. «Саркори ҳавойи» — сарой таъминоти, кийим-кечак, от-улов ишларига жавобгар, тўрт вазирликнинг ҳар бири яна учтадан тоифани бирлаштиради. Биринчи тоифа — «Аҳли давлат» деб аталади. «Аҳли саодат»га подиоҳ бошлиқ барча аркони давлат киради. Бунга барча дин пешволари, саййидлар, шоирлар, санъаткорлар киради. Учинчиси — «Аҳли мурод». Бунга кўпроқ аёллар ва болалар киради¹.

«Қонуни Ҳумоюнӣ»нинг мана шу ўринларини «Темур тузуқлари»га қиёсласангиз, Ҳумоюн Мирзо шоиртабиат Хондамирнинг маслаҳати билан қабул қилган қонунлар бир оз китобийроқ чиққанини сезасиз. Шунинг учун бу қонунлар Ҳиндистондай улкан ва мураккаб мамлакат ҳаётида яхши иш бермайди. Кейинчалик Ҳумоюн уларнинг бир қисмидан воз кечади. Албатта, бадиий тил нуқтаи назаридан қараганда «аҳли саодат», «аҳли мурод» деган иборалар чиройли кўринади. «Саркори оташ» ёки «саркори оби» каби табиатдаги тўрт унсурни эсга соладиган вазоратлар номи ҳам тажриба сифатида эътиборга сазовор эди. Бироқ «Темур тузуқлари»ни ўқисангиз, қонун тили бошқача бўлиши кераклигини, давлатни чиройли бадиий сўз ва иборалар билан идора этиб бўлмаслигини сезасиз.

Ҳумоюннинг давлатни бошқаришдаги бошқа хатолари ҳам «Қонуни Ҳумоюнӣ»даги нуқсонларга қўшилиб, Ҳиндистон тахти унинг қўлидан кетади. Орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтгандан кейин у Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатини қайта тиклашга муваффақ бўлади. Шундан кейин Ҳумоюн ўғли Акбарга ўзи йўл қўйган нуқсонларни такрорламаслик ҳақида, Амир Темур қорномаси ва Бобур Мирзо васиятини Ҳиндистон шароитига жуда оқилона татбиқ этиш тўғрисида теран маслаҳатлар беради.

Акбаршоҳ ота-боболарининг барча аччиқ-чучук тажрибаларини ҳисобга олиб, катта ислохотлар ўтказди, ғайридинлардан олинадиган жизъя солиғини бекор қилади, Ҳиндистондаги барча диний эътиқодларни тенг деб эълон қилади, «сулҳи кулл» — «ҳар томонлама тинчлик» сиёсатини

¹ Хондамир. «Қонуни Ҳумоюнӣ». Форс тилида нашрга тайёрловчи Мир Ҳошим Муҳаддис. Техрон. 1370 йил ҳижрий. 247—308-бетлар.

олиб боради. Бунинг натижасида Ҳиндистон XVI аср охири ва XVII аср бошларига келиб дунёнинг энг қудратли ва энг тараққий этган мамлакатларидан бирига айланади.

Жаҳон тарихида бу давр Улуғ Бобурийлар ёки Улуғ Мўғуллар даври деб аталади. Бу даврда Ҳиндистонда ҳам, Хуросон ва Туронда ҳам асосий давлат тили ва миллатлараро алоқа тили форс тили эди. Шу сабабли Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»си, Абулфазл Алломийнинг «Акбарнома»си, ҳатто Шайбонийзода Абдуллахон II нинг «Абдулланомаси» ҳам форс тилида ёзилади.

Ўтган асрларда туркий тилли шоиру адиблар улуғ араб-форс классикларининг энг яхши анъаналарини ўрганиб, уларнинг ижодий тажрибаларига қандай суянган бўлсалар, XVI–XVII асрларда форсийзабон шоиру адиблар Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг мумтоз ўзбек адабий тилида яратган улуғ асарларидан ибрат оладилар ва уларнинг энг яхши анъаналарини форс тилида ёзган ўз асарларига татбиқ этадилар.

«Бобурнома» анъаналарини кенг миқёсда ўз ижодига татбиқ этган энг машҳур форсийзабон адиб — Абулфазл Алломийдир. У «Акбарнома»ни худди «Бобурнома»га ўхшатиб, йилма-йил бобларга бўлиб ёзади, фақат воқеаларни жуда кенг қўламда қамраб олади.

«Бобурнома» ўша давр ҳаёти тўғрисида қомусий маълумотлар бергани кўпчиликка маълум. Абулфазл Алломий Акбар даврига оид қомусий маълумотларни «Ойини Акбарий» деб аталган алоҳида китобда жамлайди.

«Ойин» деган сўз тартиб-қоидаларни назарда тутати. Шу жиҳатдан «Темур тузуқлари»даги тартиб-қоидаларнинг Акбар даврида Ҳиндистон шароитига қандай татбиқ этилганини ҳам «Ойини Акбарий»да кўриш мумкин.

Акбаршоҳ бобокалони Амир Темурнинг давлат бошқаришдаги ва бунёдкорлик ишларидаги энг яхши анъаналарига изчил амал қилган. Акбарнинг топшириғи билан «Тарихи хонадони Темурийён» («Темурийлар хонадони тарихи») деган катта тарихий асар яратилган. Бу асарда ҳам биз «Бобурнома»даги реалистик анъаналарнинг форсийзабон адиб томонидан эъзоз билан қабул қилинганини кўрамиз.

Юқорида академик Н.И. Конраднинг Алишер Навоий ижодини Шарқ Уйғониши Ренессансининг ёрқин намунаси

деб юксак баҳо берган сўзларини келтирган эдик. Бунга ҳамоҳанг тарзда Жавоҳарлаъл Неру Бобур Мирзони ҳам Уйғониш даврининг вакили деб атаганини эслаб ўтган эдик. Демак, бу баҳолар тарихимиз, тилимиз ва адабиётимизда Амир Темур даврида бошланган Уйғониш ва юксалиш жараёнлари Алишер Навоий ва Бобур Мирзо яшаган даврларда узлуксиз давом этганидан далолат беради.

«Бобурнома» реалистик насрий асар сифатида шарқда Япониядан тортиб ғарбда Англия, Америкагача, жанубда Ҳиндистондан тортиб шимолда Россиягача ўнлаб мамлакатларда қайта-қайта нашр этилиб, юксак баҳога сазовор бўлмоқда.

«Бобурнома», аввало, санъаткор шоир ва адиб томонидан ёзилган реалистик эпопеядир. Айни вақтда, бу асар Бобур Мирзо яшаган ўлкаларнинг жуғрофияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, у кўрган шаҳару қишлоқларнинг XIV–XV асрдаги аниқ қиёфаси, у билан замондош бўлган ўнлаб тарихий шахсларнинг ёрқин реалистик образлари тўғрисида жуда аниқ ва ҳаққоний тасаввур беради. Шунинг учун «Бобурнома» ёрқин адабий асар бўлиш билан бирга XV–XVI асрлардаги Турон, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, жуғрофияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, диний, ҳатто маиший ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур берадиган энг ишончли ва нуфузли илмий манбадир. Дунёнинг юзлаб олимлари ўнлаб тилларда «Бобурнома»дан олинган иқтибосларни ўз фикрларига ишончли далил сифатида келтирадилар.

Албатта, чет элликлар Бобур Мирзо асарларини кўпроқ ўз тилларига қилинган таржималарда ўқиб шунчалик юксак баҳо берадилар. Аммо Бобур Мирзо бизнинг она тилимизда яратган асарларда, айниқса, унинг шеъриятида шундай бир нафосат, шундай сиру синоатлар борки, уларнинг ҳаммасини фақат таржима ёрдамида бошқа мамлакатларнинг китобхонларига тўлиқ етказиб бериш амри маҳол.

Рус тилидаги таржималаридан битта мисол келтирайлик. И.В. Стеблева ўзбек тилини яхши билади. Бобур шеъриятини жуда теран тушунади ва юксак баҳолайди. Лекин олима таржимада маълум бир мушкулотларга учрайди.

Бобурнинг «Яхшилик» радифли машҳур шеъри шундай бошланади:

Ким кўрибдир, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик
Кимки ондин яхши йўқ кўз тутма ондин яхшилик.

И.В. Стеблева ўз китобида бу сатрларнинг маъносини қуйидагича таржима қилади:

О сердце, кто видел добро от людей мира
От кого добра нет, от того и не жди добра¹.

Ушбу сўзма-сўз таржиманинг маъносини (семантика — маъношунослиқдир) аслият маъносига қиёс қилсангиз, байт семантика жиҳатидан ҳам жўнлашиб, саёзлашиб қолганини кўрасиз. Авваламбор, ўзбекча «яхшилик» сўзининг маъноси русча «добро» сўзининг маъносига нисбатан хийла кенг ва кўпқирралидир. Руслар гоҳо буюмни ҳам «добро» дейдилар. Аммо ўзбекча «яхшилик» фақат инсоний фазилатлардан таркиб топади. Бировни фалокатдан қутқариб қолиш ҳам яхшилик. Бировни тарбиялаб, ўқитиб, фозил одам қилиш ҳам яхшилик. Шу каби ўнлаб маънодаги яхшиликлар борки, уларни биргина «добро» сўзи билан ифодалаб бўлмайди.

Бундан ташқари, Бобур Мирзо «аҳли жаҳон» деганда кенг маънодаги муҳитни назарда тутди. «Мана шу муҳитдан баланд туролмайдиган ва муҳитдан яхшироқ бўлмаган одамдан яхшилик кутма» дейилади иккинчи сатрда. Бу — жуда катта ҳаётий тажрибага асосланган фалсафий фикрдир.

Таржимада эса «от кого добра нет, от того и не жди добра» деган жўнгина маъно билдирилади. Қайта таржимаси: «Кимда яхшилик бўлмаса, ундан яхшилик кутма». Ҳолбуки, аслиятда «аҳли жаҳон»дан яхшироқ бўлмаган одамдан «яхшилик кутма» дейиладики, бунинг маъноси бутунлай бошқа.

Яхши ният билан қилинган ҳар қандай таржимада ҳам мана шундай фарқлар, йўқотишлар бўлади.

Бунинг объектив сабаби ҳам бор — Бобур Мирзо асарларининг тилида ҳам, маъзида ҳам миллий ўзига хослик жуда кучли. Биз уни тарихимизнинг улуғ бир миллий қаҳрамони деб аташга ҳақдимиз. Бобур Мирзо ижодининг умуминсоний аҳамияти қанчалик юксак бўлмасин, унинг миллий ўзига хослиги бундан ҳам юксакроқ қийматларга эгадир. Бобурнинг инсоний қиёфаси бугунги Ўзбекистон тупроғида шаклланган. Унинг қалб эшикларини очадиган калитлар — болалигидан онгига сингган, хотирасида ўчмас из қолдирган, умрининг охиригача дилида

¹ И.В.Стеблева. «Бобур газаллари семантикаси». М., 1982 й., 187-б.

борини равон ифода этишга қодир бўлган мумтоз ўзбек адабий тилидадир. Шу сабабли Бобур Мирзо Ҳиндистон ва Афғонистонда кўрган жой номлари, киши исмлари, ҳайвонлар ва ўсимликлар қандай аталишини мумтоз адабий тилимиз қоидаларига мослаб ёзади. Масалан, норинж (апельсин), турунж (лимон), ҳотий (фил), рожа (ража), пашкол (ёзги жала) ва ҳоказо.

Бобур Мирзонинг Рампурдан топилган шеърӣй тўпламига урду ва туркий тилларда ёзилган қуйидаги байти киритилган:

Мажга не ҳаво каж ҳаваси монаку мўти
Фақр аҳлига бас бўлғусидир бони-ю, рўти¹.

Биринчи сатрдаги ҳиндча «монаку мўти» — лаъл ва дур маъносини билдиради. Бойлик ва нафсга берилганларнинг кўзи лаъл ва дурга тўймайди. Фақирлар эса битта нон ва бўз кўйлакка ҳам қаноат қиладилар. Бу байтда урдуча ва ҳиндча сўзлар аруз вазнига маҳорат билан туширилади. Байтнинг маъноси ҳам теран. Муаллиф бу байтда жаҳоҳирларга тўймайдиган очкўзлардан кўра, битта нон ва бўз кўйлакка қаноат қиладиган ҳалол одамларни юқори қўяди.

Ҳиндшунос олим А.П. Иброҳимов «Бобурнома» таркибига кирган ҳиндча сўзлар ҳақида махсус илмӣй иш ёзди. Бу ишда «Бобурнома»даги ҳиндча сўзларнинг умумӣй сони 412 та экани, улар асарда ҳаммаси бўлиб 2376 марта ишлатилгани статистик ҳисоб йўли билан аниқланди².

Бобур Мирзонинг энг яхши ижодӣй анъаналарига Ҳиндистоннинг туркийзабон шоирлари XVI—XIX асрларда қандай амал қилганликлари Н.Ғ.Низомиддиновнинг докторлик диссертациясида кўриб чиқилади. Бу ишда биз юқорида қаламга олган Комрон Мирзо, Байрамхон, Ҳайдар Мирзо каби соҳибистеъдод ижодкорлар мумтоз шеърӣятимизга хос сўз санъатидан қандай самарали фойдаланганлари қатор мисоллар орқали ишонарли тарзда кўрсатиб берилади³.

«Бобурнома» адабий асар бўлиш билан бирга, тарих, жуғрофия, илм-фан, халқаро алоқалар ва бошқа турли-туман

¹ И. В. С т е б л е в а. «Бобур». 1983 й., 27–28-бетлар.

² А. П. И б р о ҳ и м о в. «Бобурномада ҳиндча сўзлар». Автореферат. 2001 й., 21-б.

³ Н. Ғ. Н и з о м и д д и н о в. «XV–XIX аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти». Докторлик диссертацияси автореферати. 2000 й., 24–33-бетлар.

соҳалар бўйича аниқ тасаввур берадиган қомусий китоб эканлигини дунёнинг барча бобуршунос олимлари тан оладилар.

Жумладан, таниқли географ олим Ҳамидулла Ҳасанов «Бобур сайёҳ ва табиатшунос» китобида кўрсатишича, «Бобурнома» орқали ўзбек мумтоз адабий тилига кирган ҳиндча, урдуча ва афғонча атамалар, ўсимлик ва ҳайвон номлари 1000 дан ортиқдир¹.

Тилшунос олим Р. Расулов Бобур Мирзонинг ўзбек тилини бойитиш борасида қилган улкан ишларини махсус татбиқ қилар экан, ўз илмий ишига ҳақли равишда «Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи» деб ном беради. Бу илмий иш «Бобур ва ўзбек миллий маданияти» тўпламида 1983 йилда чоп этилган. Худди шу тўпланда «Бобур – номшунос» деб аталган яна бир илмий иш борки, унинг муаллифи Т. Нафасов «Бобурнома» орқали адабий тилимизга 1406 та киши исмлари ва 110 дан ортиқ жой номлари кирганини аниқ статистик ҳисоблар ёрдамида кўрсатиб беради.

Ҳ. Қудратуллаевнинг докторлик диссертациясида қайд этилишича, «Бобурнома» воқеаларида иштирок этадиган катта-кичик персонажларнинг умумий сони 500 дан ортиқ ва шу жиҳатдан уларнинг сони Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясида иштирок этадиган персонажларнинг умумий сонига тенг келади².

«Бобурнома» ўз даврининг оламшумул эпик асари бўлганини жаҳон олимлари орасида энг теран ҳис қилган таниқли япон олими профессор Э. Манў 1995 йилда «Бобурнома»нинг туркий тилдаги тўрт асосий матнини ва форс тилидаги уч хил таржималарини илмий жиҳатдан тадқиқ этиб, биринчи марта «Бобурнома»нинг танқидий матнини яратди.

Э. Манў «Бобурнома»га муаллиф ўзи берган «Вақоеъ» деган номни сақлаб қолади³. Чунки бу ном «Бобурнома» воқеалари ва уларда иштирок этган барча шахслар чиндан мавжуд бўлганини билдиради, шу билан асарнинг реалистик адабий ва илмий қийматини оширади.

Япон олимининг яна бир улкан иши «Бобурнома» танқидий матнига тузган ва алоҳида бир жилд шаклида нашр этган

¹ Ҳ. Ҳасанов. «Бобур сайёҳ ва табиатшунос». Т., 1983 й., 18-б.

² Ҳ. С. Қудратуллаев. «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили. Докторлик дис-и, 1999 й., 223-б.

³ «Бобурнома» («Вақоеъ»). Танқидий матн Э. Манўники. Киото. Япония. 1995 й.

«Кўрсаткичлар» идир. Бу кўрсаткичлар ҳам 1996 йили Япониянинг Киото шаҳрида чоп этилган. «Кўрсаткичлар» асл нусхаларнинг хусусиятларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда араб алифбосида тузилган, асардаги ҳар бир сўзнинг китобдаги ўрни компьютер ёрдамида аниқ кўрсатиб берилган.

«Бобурнома»нинг мана шундай юксак илмий савияда амалга оширилган танқидий матнини ва унга муносиб кўрсаткичларни яратиш биз, ўзбек бобуршунослари олдида турган улкан вазифадир. Бу вазифани бажаришда япон олими Э. Манў тажрибасини ҳар тарафлама чуқур ўрганишимиз лозим.

Бобуршунослик илми Англия ва Франция каби фарб мамлакатларида Япониядагига нисбатан икки-уч аср олдин бошланган. Шунга қарамай, «Бобурнома»нинг биринчи танқидий матнини япон олими яратганлиги тасодиф эмас. Туркий тиллар билан япон тили орасида қадимий яқинлик борлиги, япон тили ҳам олтой тиллари гуруҳига кириши илмий манбаларда қайд этилган. Япон олими Э. Манў «Бобурнома» тили орқали халқларимизнинг келиб чиқишига оид қадимий илмий назарияларни тасдиқловчи далиллар топган, «Бобурнома»нинг тили унинг миллий туйғуларига мос келган.

Тил, бу юқорида айтганимиздек, дил эшикларини очғувчи калитдир.

Бобур Мирзо Ҳиндистонда улуғ давлат барпо этар экан, бу мамлакат халқининг тилини ўрганишга, ички урушлар, диний ва миллий низолардан инқирозга учраган қадимий ҳинд маданиятини қайта тиклаб, ривожлантиришга алоҳида эътибор берди.

Ҳиндистонда аҳоли кўп, турли касб-ҳунар эгалари, истеъдод ва салоҳият конлари беҳисоб. Бойлигининг улканлигини Бобур Мирзо шундан ҳам биладики, Турон томонларда истеъмолда бўлмаган беҳад катта сонлар Ҳиндистонда бор. Масалан, бир курур — юз лак, яъни ўн миллион. Минг миллионни — арб, дейдилар. Бу миллиардга тўғри келади. Юз арбни бир қарб дейдилар. Бу юз миллиарддир. Нил — триллион. Падам — квадриллион. Мана шундай улкан сонларнинг номлари «Бобурнома»да янги атамалар сифатида келтирилган.

Ҳинд дарёларида кемалар кўп сузади. Уларга ном танлашда ҳам Бобур Мирзо она тилимизга мос тушадиган сўзлар топади. Подшоҳона оро берилган хос кема «Оройиш» деб аталади. Қабул маросимлари ўтказиладиган сифими катта кемага «Гунжойиш»

номи берилади. Бу сўзнинг урдучада «сигими кенг» деган маъноси бор. Осуда дам олишга мўлжалланган кемага Бобур Мирзо «Осойиш» деб ном қўяди. Тезкор топшириқларни бажарадиган тўртинчи кема «Фармойиш» деб аталади. Бу сўзларнинг ҳаммасида Бобур Мирзога хос миллий руҳ ва шоиртабиат сиймонинг нафис диди сезилиб туради.

Ҳазрати Амир Темур Самарқанд атрофида ўн иккита машҳур боғ барпо қилган эканлар. Унинг бу анъанасини Ҳиротда Шохрух Мирзо ва Ҳусайн Бойқаро, Самарқандда Улуғбек Мирзо давом эттириб, яна ўндан ортиқ машҳур боғлар бунёд этганликлари ва уларни чиройли номлар билан атаганликлари тарихдан маълумдир.

Бобур Мирзо машҳур Темурийларнинг мана шу бунёдкорлик анъаналарини Афғонистон ва Ҳиндистонда янада кенг қўламда давом эттиради.

Бобур Мирзо бир қадар осудароқ ҳаёт кечирган ва боғ барпо этиш ишларига кўпроқ вақт ажратган мамлакат Кобулистон бўлган. Бобур яшаган даврда Кобул ва унинг атрофлари Кобулистон деб аталарди. Ҳайбар довонининг жанубида кўпроқ пуштун қабилалари яшайдиган жойларга Афғонистон номи берилган эди. Шунинг учун «Бобурнома»да Кобул фақат пойтахт эмас, алоҳида бир мамлакат сифатида қаламга олинади.

Кобул ва унинг атрофларида Бобур бунёд эттирган ва ном берган боғлар ҳам Самарқанд атрофида Амир Темур бунёд эттирган боғлар каби, асосан, ўн иккита бўлган. Булардан энг машҳури Боғи Бобур. У Уқабайн тоғи устида. Самарқанддаги каби бу ерда ҳам гўзал боғлардан бирига «Боғи Биҳишт» номи берилган. Гулгина мавзеидаги боғ «Боғи Гулгина» деб аталган. Эрта баҳорда бинафша ҳидига тўладиган боғ «Боғи бинафша» номини олган. Дарё бўйида давлатхонага яқин жойда бунёд этилган боғ ўзбек тилида «Ўрта боғ» деб аталган. «Ўрта» сўзи «ўрда» деб ҳам талаффуз этилади ва марказ маъносини билдиради.

Боғ ичидаги қасрга суратлар чиздириш ҳам Амир Темур тажрибасида кўрилган эди. Бобур Мирзо Кобулда кўшки суратлар билан безатилган бир боғ қурдириб, унга «Суратхона» деб ном беради. Суюкли ёрлар учрашадиган боғ «Боғи хилват» деб аталади. Йўнғичқанинг нофарман гуллари билан безанадиган боғ «Боғи йўнғичқа» дейилади. Ойдинда яхши кўринадиган боғ «Боғи моҳтоб» номини олади.

Тоғ этагидаги боғлардан бирига чиройли кийиклар келтириб боқилади. Бобур Мирзо уларни овлаб, гўштини ейишдан кўра, бу гўзал жониворларни тирик ҳолда томоша қилишни афзал кўради. Шунинг учун бу боққа «Боғи оҳуҳона» номи берилади ва кийикларни боқадиган, авайлаб-асрайдиган махсус одамлар тайинланган.

Кобулдан 30 чақирим жанубдаги Одинапур қалъаси ёнида баҳаво бир баландлик устига Бобур томонидан бунёд этилган «Боғи вафо» ва унда Бобур даврида экилган ва беш юз ёшга кирган чинорлар ҳамон бор экан.

Бхира вилоятининг энг гўзал кўллари, булоқлари ва ўрмонзорлари орасида Бобур Мирзо барпо этган яна бир боғ «Боғи сафо» деб аталади. Бу боғ яқинидаги қишлоқ ҳам кейинчалик «Боғи Сафо» номини олади.

Бобур Мирзо Ҳиндистонда тўрт йилгина яшаган, шунга қарамай бу ерда ҳам ўндан ортиқ боғ ва қасрлар барпо этишга улгурган. Аграда Зарафшон боғи, Рам боғ (ҳиндлар сигинадиган қахрамон «Рама» номида), Ҳашт Биҳишт, Ором боғ, Зухра боғ шулар жумласидандир. Фатҳпур Секридаги «Боғи фатҳ» ва Деҳалпурдаги «Боғи нилуфар» ҳам Бобур Мирзо даҳосининг гўзал маҳсуллари сифатида тарихга кирган.

Биз боғларга берилган номларга ва уларнинг маъною мазмунларига атайлаб батафсил тўхталдик. Чунки бу номларда миллий ва умуминсоний миқёслар қатрадаги қуёшдай акс этиб туради.

Тилшунос олимларимиз ҳали Бобур асарларидаги тил бойликларини атрофлича ўрганганлари йўқ.

Б.Бафоев Алишер Навоий асарларидаги сўз бойликлари бўйича статистик ҳисоблар қилиб, уларнинг умумий сони 26 мингдан ортиқ эканини аниқлаган экан, энди бундай ҳисобларни Бобур Мирзо асарларининг тил бойликлари бўйича ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки биз келтирган барча факт ва далиллар Бобур Мирзони мумтоз ўзбек адабий тилининг ривожига Алишер Навоийдан кейин энг катта ҳисса қўшган сиймо деб баҳолашга асос беради.

Биз мумтоз адабиётимизнинг тилига оид барча таҳлил ва талқинларимизни якунлаб айтишимиз мумкинки, Бобур Мирзо асарларининг тили Навоий даврида шаклланган мумтоз ўзбек тилининг мавқеини янада мустаҳкамлади ва унинг тарихий тараққиётида янги саҳифалар очди.

МУМТОЗЛИК ШАРОФАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

(Хотима)

Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиққан кезларидан (XIV асрнинг олтинчи йиллари) то Бобур Мирзонинг боқий дунёга кетганига қадар ўтган бир ярим асрдан ортиқ давр мумтоз ўзбек адабий тилининг тўлиқ шаклланган ва юксак тараққиёт босқичига кўтарилган даври бўлди.

Бу даврда адабий тилимиз тараққиёти Ренессанс деб аталадиган улкан маданий юксалиш жараёнларига қўшилиб борди. Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби сўз санъаткорлари Фарбдаги Уйғониш даврининг етакчи вакиллари бўлган А. Данте, Ф. Рабле, В. Шекспирлар даражасидаги улуғ асарлари билан ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишига маънавий асос бўладиган мумтоз адабий тил яратдилар.

Академик Н. И. Конрад ўзбек халқининг миллат бўлиб шаклланишини илк бор Алишер Навоий ижодидан, унинг «Хамса»сидан бошланган, деб ёзгани бежиз эмас.

Алишер Навоий ва Бобур Мирзолардан кейин узоқ давом этган ички парокандалик ва мустамлака зулми ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишига йўл бермай келди.

Лекин ўша инқирозли асрларда ҳам халқимиз орасидан чиққан фозил кишилар Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Машраб, Огаҳий, Нодирабегим каби ўлмас сиймоларимиз яратган асарларни қўлдан қўймай ўқидилар ва халқ орасида тарғиб қилдилар.

Айниқса, XX асрда тарих саҳнасига чиққан маърифат-парварлар кўп асрлардан буён араб-форс тилларида олиб борилган ўқиш-ўқитиш ишларини ўзбек тили асосига ўтказишда фидойилик кўрсатдилар. Янги авлодларга ўз она тилларида таълим беришнинг аҳамияти нақадар катта эканини Абдулла Авлони ва Маҳмудхўжа Беҳбудий каби маърифатпарварлар ўз газета-журналлари ва педагогик фаолиятлари ёрдамида бутун халққа тушунтирдилар.

Абдулла Қодирий ўзининг биринчи шеърый асарини «Миллатимга» деб атайдди. Чўлпон ва Фитрат ҳам ўз асарлари билан халқимизнинг миллий туйғусини уйғотиш йўлида улкан жасорат кўрсатдилар. Ватанпарвар ва миллатпарвар ёзувчиларимиз халқнинг жонли сўзлашув тили билан мумтоз адабий тилимизнинг бадиий нафис сўз санъатини ўз асарларида уйғунлаштириб, халқ оммаси яхши тушунадиган умуммиллий адабий тилни ривожлантирадилар. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, Чўлпоннинг ажойиб шеърлари, Фитрат, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг энг яхши асарлари мумтоз адабий тилимизнинг ўлмас ананаларидан самарали фойдаланишнинг ёрқин намуналари бўлди.

Мустабид мафкура тазйиқларини енгиб ўтиб, чинакам миллий тилда жозибали асарлар яратишда энг яхши ёзувчиларимиз Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби улуғ аждодларининг ўлмас руҳидан ва мумтоз сўз санъатидан катта мадад олдилар.

Олтин ерда ётса ҳам олтинлик сифатини йўқотмагани каби, инқирозли асрларни бошдан кечирган мумтоз адабий тилимиз ҳам ўзининг бутун бойлиги, гўзаллиги ва қудратли таъсир кучини сақлаган ҳолда ўзбек халқи ягона миллат бўлиб шаклланган Истиқлол даврига етиб келди. Фақат етиб келибгина қолмай, она тилимизнинг давлат мақомини олишига ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига изчил татбиқ этилишига бебаҳо асос — тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

Адабий тилимизнинг мумтозлик қудрати туфайли жаҳон тилларида бор ҳамма нозик ва мураккаб ҳис-туйғулар ва тушунчаларни она тилимизда бемалол ифодалаш имконияти мавжуддир.

Мана шу имкониятлардан самарали фойдаланган машҳур шоирларимиз Абдулла Орипов А. Дантенинг «Илоҳий комедия»сини, Эркин Воҳидов И. Гётенинг «Фауст»ини, Муҳаммад Али ҳинд эпоси «Рамаяна»ни ва бошқа оламшумул классик асарларни она тилимизга муваффақият билан таржима қилдилар. Жаҳоннинг мумтоз асарлари мумтоз адабий тилимиз шарофати билан ўзбек адабиётининг олтин хазинасидан қандай жой олгани тўғрисида Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов қуйидагиларни ёзади:

«Дантенинг «Илоҳий комедия»сини таржима қилиш жараёни мен учун яна улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида

энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман. Она тилимизнинг нақадар бой эканига имон келтирган бўлсам, ўша таржима жараёнида имон келтирганман. Азбаройи таржима аслиятдан кам бўлмаслиги учун тилимиз бойлигидан имкони борича тўлиқ фойдаланиш йўлида изландим, тил хазинамиздан сўзлар ахтардим. Бунга нечоғлик эришганман, бу бошқа мавзу, бироқ ишондимки, бизнинг тилимиз ҳеч бир муболағасиз жаҳондаги энг гўзал ва энг бадавлат тиллардан биридир»¹.

А. Данте «Илоҳий комедия»ни ёзиш жараёнида итальян адабий тилига асос солган бўлса, Алишер Навоий ҳам мумтоз ўзбек адабий тилига асос солиш жараёнида халқимиз минг йиллар давомида яратган гўзал ва бой тил хазиналаридан қандай самарали фойдаланганини ишимиз давомида кўриб чиқишга интилдик.

Мумтоз адабий тилимиз хазиналари битмас-туганмасдир. Бу хазиналардан астойдил баҳраманд бўлаётган авлодлар адабиётшунослик фанининг назарий ва услубий масалаларига ҳам янгича ёндашувлар йўлини топмоқдалар.

Мумтоз адабиётимизда «ғариба илми» деб аталадиган махсус фан бўлган. Биз «ғариб» сўзини «бечора, ғариб одам» маъносида тушуниб ўрганганмиз. Шундан келиб чиқиб, «ғариба» деганда ғариба аёлни кўз олдига келтирамиз. Ҳолбуки, Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Мусо Алайҳиссаломнинг ўз устози Қорундан «улуми ғариба ва фунуни ажибадан таълим олгани» айтилади.

Гап бу ерда сўз «санъатидаги нодир ғаройибот ва ажойиботлар ҳақида боради. Биз ишимиз давомида сўз санъатига оид кўпгина ғаройиб ва ажойиб мисолларни баҳоли қудрат таҳлил ва талқин қилдик.

Шу муносабат билан А. Расуловнинг юқорида қаламга олинган «Илми ғарибани қўмсаб» номли рисоласини яна бир эслаб ўтиш жойиздир. Чунки «Илми ғариба» мезонлари орасида асарнинг матни ва ҳар бир сатридан чиқиб келадиган мазмуннинг янгилиги ва қуюқлиги, оз сўз билан кўп маъноларни ифода эта билиш санъати, ўқувчига завқ берадиган гўзаллик ва

¹ А б д у л л а О р и п о в. «Кўрган-кечирганларим». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2001 й., 23 февраль.

нафосатнинг мавжудлиги асосий ўрин эгаллайди. Адабий асарга ёндашганда, матн тагидаги ботиний маънолар ва бадиий хусусиятларни фаросат кучи билан излаб топиш, қилни қирқ ёргандек матнни таҳлил этиш ва шу асосда турли-туман ғаройиб талқинлар ярата билиш маҳорати ғариба илмини эгаллаган адабиёт заршуносларига хос фазилатлар таркибига кирази. Илми ғариба мумтоз адабий тилимиз шарофати билан адабиётшунослик фанимизга қайтиб келмоқда. Шу сабабли биз мазкур ишимизда илми ғариба мезонларига ҳам қўлимиздан келганича амал қилдик.

Истиқлол даврида ҳозирги адабий тилимиз билан Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби улуг сиймолар яратган мумтоз адабий тилимиз орасидаги узвий боғлиқлик масалаларига ҳам янгича ёндашувлар кўзга ташланмоқда. Бу жиҳатдан Нусратулла Жумаҳўжанинг 1998 йилда нашр этилган «Истиқлол ва она тилимиз» номли китобида тил, имло ва матншунослик масалалари бўйича янги фикрлар айтилганлиги диққатга сазовордир.

Албатта, мумтозликнинг шарофатига яраша жуда катта масъулияти бор. Фақат ўтган асрларда эришилган ютуқлар билан фахрланиб яшаб узоққа бориб бўлмайди. Мумтоз сўз санъаткорларимизга муносиб ворис бўлиш учун уларнинг буюк ижодий тажрибалари билан қуролланиб, янги асримизнинг мумтоз адабий ва илмий асарларини яратиш — ҳозирги олимлар ва авлодлар олдида турган энг муҳим ва муқаддас бурчдир.



МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....	3
Тилга ихтиёр — элга меҳрдир.....	4
Минг йиллик илдишлар.....	14
Адабий тилимизнинг олтин кўприги.....	30
Амир Темур маънавияти тилимиз кўзгусида.....	54
Мумтозлик чўққисига элтувчи йўллар.....	88
Алишер Навоий — ўзбек адабий тилини мумтозлик даража- сига кўтарган сиймо.....	131
Бобур Мирзо ижодида мумтоз тилимиз такомили.....	171
Мумтоз адабий тилимиз жаҳон кенгликларида.....	210
Мумтозлик шарофати ва масъулияти (<i>Хотима</i>).....	243

Пиримқул Қодиров

ТИЛ ВА ЭЛ

*Темурийлар давридаги
мумтоз адабий тилимиз муаммолари*

Илмий бадиа

Муҳаррир Ҳикоят Маҳмудова
Мусаввир Анатолий Бобров
Бадиий муҳаррир Рустам Зуфаров
Техник муҳаррир Татьяна Смирнова
Кичик муҳаррир Назми Фозилова
Мусахҳиҳлар Доно Тўйчиева, Фотима Ортиқова
Компьютерда саҳифаловчи Зарифа Маннопова

ИБ № 4341

Босишга 06.10.2005 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.
Таймс гарнитура. Офсет босма. 13,02 шартли босма тобоқ. 15,0
нашр тобоғи. Жами 2000 нусха. 318 рақамли буюртма. 94–2005
рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент. Навоий
кўчаси, 30//700128. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.